

АБУ НАСР
ФОРОБИЙ

Ғозил
оғамлар
шарҳи



ТОШКЕНТ
АБДУЛЛА КОДИРИЙ
НОМИДАГИ
ХАЛҚ МЕРОСИ
НАШРИЁТИ

Шарқ Уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Наср Фобрий асарларида оқилона давлат тузуми, инсоният жамияти ҳақидаги нодир ва доно фикрларга дуч келамиз. IX тўпламда яшаб, ижод этган IX—X асрларда «Арасту фалсафаси», «Фозил одамлар шаҳри», «Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида асарларидан намуналар киритилган. Китоб файласуфларга, тарихчиларга, адибларга ва шу соҳа билан қизиқувчи ўқувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: академик Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ.
Тузувчи: филология фанлари номзоди Маҳкам МАҲМУДОВ
Муҳаррир: Тоҳир ИБРОҲИМ, Амир ФАЙЗУЛЛА

ББК 87.3

Тақризчилар: фалсафа фанлари номзодлари А. Шарипов,
Ҳ. Жонматова

Тўпламни Ўзбекистон Республикаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий кенгаши тасдиқлаган.

Ф 0301020000
М 361(04)–93 55–93

ISBN-5-86484-075-0

© Абдулла Қодирий номидаги
халқ мероси нашриёти, 1993.



ШАРҚНИНГ МАШҲУР МУТАФАККИРИ

Илк ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқда ал-Киндий, ар-Розий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рўшд каби бир қанча буюк мутафаккирларни етиштириб чиқарди. Улар феодаллизм ва мусулмон маданияти ривожланаётган бир шароитда ўз асарларида илғор гояларини ишлаб чиқдилар. Бу гоялар аста-секин Европага ўтиб, Ф. Энгельс кўрсатиб ўтганидек, Европа Уйғониб даврини гоявий жиҳатдан тайёрлашда ва охир-оқибатда XVIII аср материализминини шакллантиришда муҳим роль ўйнади.

Ренессанс даври Европа жамиятининг маънавий тараққиётини таърифлаб, Ф. Энгельс: черковнинг маънавий диктатураси синдирилди, кўнчилик герман халқлари уни ташлаб, протестантизмни қабул қилдилар, шу билан бирга, роман халқларига араблардан ўтиб янгидан кашф этилган юнон философиясини ўзига сингирган XVIII аср материализминини тайёрлаган ҳаётбахш ҳурфикрлик тобора мустаҳкамлана бошлади, — деган эди.

Илк ўрта аср буюк мутафаккирларидан бири, ўз даврининг ёрқин юлдузи Абу Наср Форобий эди. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, «ҳаётбахш ҳурфикрлик» шаклланиши ва умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида илғор ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиёти унинг номи билан боғлиқдир.

Феодализм ва ислом дини шароитида ақл ва илм тантанаси учун, маънавий озодлик учун, инсон тақомили, адолатли жамият учун курашган бу машҳур олим, файласуф, гуманистнинг таваллуд топганига 1100 йилдан ошди.

Абу Наср Форобий ҳижрий 260 (милодий 873) йилда Арис дарёси Сирдарёга қуйиладиган жойда Шош — ҳозирги Тошкентдан 200—260 км. шимол-ғарбда жойлашган Фороб (Ўтрор) деган жойда туғилган. У Форобда ўқиган, Шошда бўлган, Бухоро ва Самарқандда таълим олган. Араб халифалигининг маркази — Бағдодда ўқишнинг давом эттирган, умрининг охириги йилларида Ҳалабда, сўнгра Дамашқда яшаган ва шу ерда тўққиз юз эллигинчи йили вафот этган.

Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларини ўз ичига олувчи 160 дан ортиқ рисола яратган. Лекин унинг илмий изланишлари аввало илмнинг назарий аспектига ва фалсафий масалаларига тааллуқли эди.

Форобий ўзининг кўп қиррали ижоди билан янсон билимлари ривожига улкан ҳисса қўшди, жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирди. Унинг асарлари ҳозирга қадар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ўрганилмоқда ва таржима этилмоқда. Форобий ҳақида турли тилларда кўплаб асарлар яратилган, унинг рисолалари кўп тилларда эълон қилинган.

Форобийнинг бой мероси кенг ўрганилмоқда. Мамлакатимизда унинг айрим асарлари рус, ўзбек, қozoқ тилларида таржима қилиниб, нашр этилган. Унинг ижоди ҳақида Москва, Ўзбекистон, Қозоғистон олимларининг монографиялари, рисолалар, мақолалари нашр этилган. Озарбайжон, Тожикистон, Туркменистон ва бошқа республикаларда ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда.

Форобий жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида катта воқеаларга бой бўлган илк ўрта аср даврида яшади. Бу даврда Яқин Шарқда феодализм муносабатлари ривожланди, ишлаб чиқариш кучлари ўсди, ҳунармандчилик, шаҳар ҳаёти, юксалди, ирригация системалари, йирик архитектура иншоотлари барпо этилди, янги шаҳарлар вужудга келди, жамиятнинг ижтимоий-маданий тараққиётида уларнинг роли ошди, халифликнинг турли районлари ўртасида, шунингдек, Ҳиндистон, Византия, Хитой, Африка, Урта Ер денгизи қирғоғи шаҳарлари билан ташқи савдо кучайди.

Маънавий ҳаёт, бир томондан, Урта Осиё, Ҳиндистон, Юнонистон ва бошқа мамлакатлар халқлари аниқ илмий ва маданий традицияларини қайта тиклаш ва бу традицияларни феодализм жамияти эҳтиёжлари замирида янада ривожлантириш, илм-фанни, табиат ва жамиятни ўрганишга қизиқшнинг кучайиши билан характерланса, бошқа томондан, диний маърифат мусулмон руҳонийларининг таъсири кучайди. Мусулмон руҳонийлари антогонистик феодализм тузумини ҳар қандай йўллар билан мустаҳкамлашга кўмаклашдилар. Яқин ва Урта Шарқ тарихининг бу даври Уйғонув даврига эслатади, у ҳам Италия Уйғонув даври каби ўзининг тафаккур титанларини, энциклопедист-олимларини етиштириб чиқарди. Бу мутафаккирлар халқни маърифатга чақириб, интеллектуал интилишларни ҳамда даврнинг ижтимоий идеалларини ҳам аниқ эттирган асарларни яратдилар.

Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги зиддиятлар жамиятнинг гоявий ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Илғор ва консерватив гоявий-назарий тенденциялар ва улар ўртасидаги кураш дастлаб мутазалийлар билан мутакаллимлар таълимоти ўртасидаги тўқнашувда энг илғор кучларининг қараш ва интилишларини аниқ

эттирган ал-Киндий, ар-Розий, Форобий, Ибн Сино, Беруний номи билан боғлиқ прогрессив фалсафий оқим ҳамда Ашъарий, Газзолий ва бошқаларнинг ишларида ёрқин ифодаланган ўзгача оқим ўртасидаги муросасиз кураш шаклини олди.

Форобий асарларида, унинг ижтимоий-фалсафий ғояларида даврнинг туб эйдиялари, унинг ютуқлари ва камчиликлари чекланганлиги, ижобий ва салбий томонлари акс этган.

Ўз даврининг йирик мутафаккири, қомусий олим, буюк файласуф ва гуманисти бўлган Абу Наер Форобий илгор фалсафий мактабнинг шаклланишига улкан ҳисса қўшди ва унинг муҳим масалалари ва асосий йўналишларини белгилаб берди.

Форобийнинг ўрта аср илгор фикри тараққиётидаги ўрни ва ролини таърифлаганда, аввало, унинг қадимги юнон олимлари асарларини таржима қилганлигини ва уларга ёзган шарҳларининг аҳамиятини кўрсатиб ўтиш лозим. Форобий эллис донишмандлигининг чуқур билимдон эди. У Платон, Аристотель, Эпикур, Зенон, Александр Афродизий, Евклид, Птоломей, Порфирий асарларига шарҳлар ёзган, турли-туман қадимги фалсафий мактаблар — эпикурчилар, стоиклар, пифагорчилар, киниклар мактабларини яхши билган (Форобийнинг «Фалсафани ўрганшдан олдин нимани билиш лозим» деган рисоласига қаранг). У қадимги Греция, аввало, Аристотель натурфилософик ғояларининг изчил давомчиси ва тарғиботчиси бўлиб, Аристотелнинг барча машҳур асарларига шарҳлар ёзди.

Форобийнинг бу фаолияти фақат маърифатчилик мақсадларини кўзлаб қолмасдан, балки ҳукмрон мусулмон теологиясининг ақидаларида фарқли бўлган табиий-илмий ва соф фалсафий билимларининг шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Шарқда бу даврда Аристотель жамиятининг илгор кишилари ўртасида беқиёс обрўга эга эди. У маърифат учун курашувчи, ғоявий устоз ҳисоблаварди. Аристотелни юнон донишмандлигини чуқур билганлиги, қомусий ақли ва или-фан тараққиётига катта ҳисса қўшганлиги учун Форобий «ал-муаллим ас-соний» — «кикинчи муаллим», «Шарқ Аристотели» деган унвон олди.

Форобий ўзи шуғулланган илмнинг ҳар бир соҳасида ақл принципларига ва парсаларнинг объектив муносабатларига мувофиқ келувчи ҳақиқий аҳволни аниқлашга интилди. Шу маънода унинг «Ипсон танасининг аъзолари ҳақидаги» рисоласи катта аҳамиятга эга. Бу асар тиббиёт илмининг мақсад ва вазифаларини аниқлашда машҳур «Тиб қонунлари»нинг муаллифи Абу Али ибн Синонинг бевосита ўтмишдоши бўлганлигини тасдиқлайди. Форобий бу ерда организм билан муҳитнинг ўзаро алоқасига, инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолатининг ташқи омиллари, атроф муҳит таъсирига боғлиқлигига алоҳида эътибор берди.

«Астрологиянинг тўғри ва нотўғри қондалари ҳақида» деган рисоласида олим астрологларнинг руҳий ва ижтимоий ҳоли-

салар ва жараёнларни осмоний жисмлар ҳақидаги илмий тахминларга асосланган фаолиятларини ёлгон тасаввурлар ва уйдирмалардан фарқлаш зарурлигини таъкидлайди.

Мутакаллимларнинг табиатда мутлақ бўшлиқнинг мавжудлиги ҳақидаги асосий тезисларидан бирига қарши чиқиб, Форобий «Бўшлиқ ҳақидаги рисола»сида сув тўлдирилган идиш билан ўтказилган оддий тажрибасида мутлақ бўшлиқнинг бўлиши мумкин эмаслигини ва табиатда кўз билан кўриладиган фазони ташкил этувчи кўзга кўринмайдиган заррачалар мавжуд деган фикрни айтди. Евклид, Птоломей китобларига ёзган шарҳларида, ўзининг геометрияга оид китобида Форобий антик дунё ва ўрта аср математик тояларининг йирик билимдони сифатида майдонга чиқди ва математиканинг бир қанча мураккаб проблемалари, категориялари ва абстракт тушунчаларини материалистик ҳал этиш йўлини қидирди.

Форобий кўп жылдги «Мусиқа ҳақида катта китоб» билан Ўрта асрнинг йирик мусиқашуноси сифатида майдонга чиқади. У субстанциянинг хусусияти бўлган товушлар пайдо бўлишининг фақат табиий-илмий таърифини бериб қолмасдан, балки мусиқавий куйлар гармонияси вужудга келишининг математик принципларини очиб беради. Бу асарда фақат музика назарияси эмас, балки тарихи ҳам баён этилган, Ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқда маълум бўлган музика асбоблари ҳамда уларда пикро этиш қондалари тафсилоти ҳам берилган. Форобийнинг ўзи таъриқли музикачи, ривоятларга кўра, ажойиб созанда ва бастакор, янги музика асбобининг ихтирочиси бўлган. Унинг бу асари Яқин ва Ўрта Шарқда музика илмининг келгуси тараққиётида асос ва қимматли манба бўлиб қолди.

Форобий йирик маънавий олим сифатида ҳам кенг шуҳрат қозонган. У маънавийнинг турли проблемаларига оид бир қанча рисолалар ёзган бўлиб, уларда қадимги Юнонистоннинг энг яхши аъёналарининг давом эттирди. У маънавийнинг тўғри фикрлашнинг шакллари ва қондалари ҳақидаги илм, тўғри билимга эришилдиган омил деб билди.

Ўрта аср фақининг тараққиётида Форобийнинг илмлар таснифи муҳим роль ўйнади. «Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида», «Илмларнинг таснифи ҳақида» рисолаларида ўша даврда маълум бўлган 30 га яқин илм соҳасининг тартиби, характеристикаси ва тафсилотини берди. Илмларнинг структураси ва тизимини баҳолашда Форобий асосан материалистик принципдан келиб чиқиб, илмда борлиқнинг бирдан-бир ҳолати акс этишдан иборат объектив мезонини илгари сурди. Форобий фикрича, ҳар бир фан субстанциянинг муайян томонини, моддий жисмларнинг муайян гуруҳи ёки хусусиятини ўрғанади. Олим табиат ва инсон организмга хос бўлган табиий жараёнларни ўрғанувчи илмларни биринчи ўринга қўйди.

Умумаи Форобий илмларнинг қуйидаги структурасини келтиради:

1. Тил ҳақидаги илм. У етти бўлимдан иборат бўлиб, грамматика, поэтика, тўғри ёзув ва бошқаларни ўз ичига олади.

2. Мантқиқ. Саккиз бўлимдан, жумладан тушунча, муҳокама, хулоса ҳамда муҳокама методига тааллуқли силлогистика, диалектика, софистика ва бошқардан иборат беш бўлимни ўз ичига олади.

3. Математика, етти мустақил илм: арифметика, геометрия, оптика, сайёрлар, музика, оғирлик, механика ҳақидаги илмлардан иборат.

4. Илм ат-табий ва илм ал-илоҳий — табий ва илоҳий илмлар ёки метафизика.

5. Спёсат илми (илм ал-маданӣ — шаҳар ҳақидаги илм, шаҳарни бошқариш илми), юриспруденция (фикҳ) ва мусулмон теологияси (калом). Мутақаллплар каломни билишнинг, философиянинг универсалъ методи, ислоннинг назарий асоси деб ҳисобланганлари ҳолда Форобий бошқа илмлар орасида унга жуда кам ўрни берган. Бу билан Форобий ортодоксал ислон тарафдорлари талқинидаги каломнинг ҳамма нарсани ўз ичига олиш характерини ёнкор этади.

«Илмлар тасвифи ҳақида» рисоласининг кириш қисмида Форобий ўзининг илмларнинг тасвифи бўйича ишидан мақсади ҳақиқатни ўрганиш ва тасдиқлашдан, уни ёлгондан ва ҳақиқат сифатликдан фарқлашдан иборат, дейди. Шу муносабат билан у билишнинг қийинчиликларини баён этади, олимнинг юксак масъулиятини таъкидлайди, ҳамда илмий биллини масалаларига доғматик муносабатда бўлувчи, шунингдек, аслида илмнинг моҳиятини тушунмасдан туриб, ҳамма нарсани билишни даъво қилдиган кишиларни танқид қилади.

Форобий фикрича, фанлар ва умумаи билим борлиқдан келиб чиқиб, инсоннинг уларга бўлган эҳтиёжининг ўсиб бориши ва борлиқни узоқ вақт ўрганиши жараёнида муттасил ва пзчпл тўпланиб боради. Форобий системасида турли илмлар бир-бирини ёнкор ва истисно этмайди, балки ўзаро бир-бир билан боғлиқ ва дунёни билишга ҳамда бахт-саодатга эришишга хизмат қилувчи ягона ҳалқани ташкил этади.

Форобийнинг ўрта аср маънавий маданиятининг турли соҳаларидаги дадил излаишлар ва муваффақиятлари унинг ўз дунёқарани ва фалсафий системасида реакцион оқимларга энд бўлган принциплардан келиб чиққанлиги билан изоҳланади. Антиқ дунёнинг прогрессив фалсафий традициялари ҳамда дунёвий илм ва маданиятнинг кучли тараққиёти, аввало ўша даврдаги табиий-илмий фикр ютуқлари заминида шаклланган бу принциплар Форобийга борлиқнинг тузилиши, табиатнинг моҳияти, ақл ва илмнинг ролл, пжтимоий ҳаётнинг характерн ҳақида

янги ғояларни илгари суришга имкон берди. Бу ғоялар Урта аср Яқин ва Урта Шарқнинг маънавий ҳаётида янги, прогрессив ижтимоий-фалсафий йўналишнинг шаклланишига олиб келди.

Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ



МУАЛЛИМ АС-СОНИЙ

Абу Наср Форобий Ўрта Осиёдан чиққан буюк фан арбобларидан саналади. Ўрта аср фан ва маданиятига улкан ҳисса қўшган бу олим билим-маърифатнинг кўп соҳаларини эгаллаган ва ўндан кейин салмоқли мерос қолдирган. Форобий риёзиёт ва фалакиёт, таботат ва мусиқа, мантиқ ва фалсафа, тилшунослик ва адабиёт соҳаларида қалам тебратган, бу соҳаларнинг ҳар бирида ажойиб асарлар яратган.

Форобий фалсафа тарихида йирик мантиқшунос, файласуф сифатида машҳурдир, унинг таржиман ҳоли ҳақида тиббиёт тарихига оид китоб ёзган араб олими Ибн Абн Усайбна (1203—1270) Форобий ҳақида бундай ёзади:

«Абу Наср Форобий бир қанча вақт Бағдодда яшади, кейин Шом (Сурия) га кўчиб келиб, умрининг охирига қадар шу ерда туриб қолди. Раҳматлик етук файласуфлардан, фозил донишмандлардан эди, ҳикмат — фалсафага оид фанларни мукаммал биларди. Риёзиёт-математика, фалакиёт астрономик илмларига моҳир, покиза, йирик аллома киши эди. Мол-дунё билан ҳеч иши йўқ эди, «ўлмас овқат» га чидаб яшайдиган серқаноат одам эди. Унинг феъл-атвори худди қадимги файласуф-ҳақимлар одобига ўхшарди.

Абу Наср Форобий тиб илмидан ҳам дурустгина хабардор эди. Бу илмга оид назарияни яхши биларди. Аммо амалий тажриба қисмини унча чуқур билмасди».

Ибн Абн Усайбнанинг отаси кўз табиби бўлган экан, ўғли ҳам бу касбни эгаллаб, кейин асар ёзишга рағбат қилган, натижада тўрт юз табибнинг таржиман ҳолини тўплаб асар ёзганида улар ичида Шом (Сурия) табиби сифатида Форобийни ҳам эслаб, у ҳақда ўзингача етиб келган маълумотларни бериб ўтган.

Чундан ҳам Форобийнинг тиббиётга оид «Гален (Жолинос) қарашларига қарши ёзилган раддия китоби»,

«Тирик мавжудот аъзолари ҳақида», «Қувват ҳақидаги китобга тушунтирув» каби асарлари бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб жамғармасида Форобийнинг тиббиётга оид учта асарининг қўлёзмаси (номлари бир оз бошқачароқ тарзда) сақланади. Булар институт жамғармасидаги нодир қўлёзма ҳисобланган 2385 рақамли «Рисоил ал-ҳукамо» («Ҳақимлар рисоалари») деган тўпламдadir.

Форобий дастлаб қадимий фалсафа фани билан танишар экан, аввало Аристотель (Арасту) асарларини кўпроқ мутолаа қилган ва бу соҳани у жуда ҳам мукамал эгаллаб олган.

Ҳақиқатан ҳам қадимги юнон файласуфи Аристотель (Арасту) жаҳон фани ва маданияти тарихида салмоқли ўрн олган буюк мутафаккир эди. Унинг асарлари ўрта асрларда Шарқ тилларига таржима қилиниб, кенг кўламда ўрганилар эди. Лекин Аристотел (Арасту) дан кейин фалсафа уфқида, хусусан, Шарқда Форобийчилик улкан зот майдонга чиқмади. Форобий ўз билими, маърифати, фикр доирасининг кенглиги билан Шарқда шу даражада шуҳратга эришдики, оқибатда уни Аристотел — (Арасту) дан кейинги йирик мутафаккир — «Муаллимус-соний» — «Иккинчи муаллим» деб атаб бошладилар. Шу билан «Иккинчи муаллим» унвони Форобий номига сифат тартиқасида қўшиб ёзила бошлади.

Форобий йирик маърифатпарвар олим эди. У умр бўйи илм ахтарди, билим ўрганди. Форобийнинг ўз ибораси билан айтганда, «бўшаб қолган днёрлар, одамлар сўзларидан мева териб юрди». Унинг фикр доирасига ўзи туғилиб-ўсган (у 873 йилда туғилган эди) юрти — Фороб шаҳридаги билим етарли бўлмади, ўша даврдаги Ўрта Осиё ўлкалари унинг билимга бўлган ташналигини қондира олмади, билим-маърифат излаб Ироқ ўлкасига сафар қилди. Уша даврдаги ҳашаматли сапалган, теваарак-атрофдаги олимларни, билим-маърифат эгаси бўлмиш донишмандларни ўзига жалб қилган Бағдодда Форобий қўним топди. Бу ерда у араб тили ва адабиётини, мантиқ ва фалсафани ўрганди. Лекин Форобий билим ахтаришида ҳормас-толмас кишилардан эди. У ўша пайтларда Шомнинг шимолида жойлашган Харрон деган шаҳарда Юҳанно ибн Хийлон деган мантиқ илмига уста масиҳий олим бор деб эпитади. Бу олим Аристотел (Арасту) дан қолган фалсафий тузилмани ўз даврининг энг йирик олимларидан ўрганган экан. Форобий ўша даврдаги мусулмон фарзанди фақат мусулмондан тат-

лим олиши керак, деган ақидаши тарк этиб, «гайридди»-лардан ҳам илм ўрганишдан ҳайиқмайди. Кейин у Шом, Миср ўлкаларига юзланди, бу ерларда у файласуф сифатида жуда катта обрў қозонди, мударрислик қилиб, шогирдлар орттирди. Тарихчиларнинг ёзишича, Форобий доимо ўз шогирдлари даврасида бўлар ва уларнинг йиғинларида қатнашиб турар экан. Шунингдек, унинг олдида навбатма-навбат илм аҳли ҳам келиб турар экан. Тарихчиларнинг хабар беришларига қараганда, Дамашқнинг ўзида Форобийдан таълим олувчилар сони ўн миנגа етган. Форобий маътик соҳасида ҳам анчагина тер тўккан. Ибн ал-Қифтий (1172—1248) деган араб олимнинг сўзига қараганда Форобий «Маътиққа онд китобларини тадқиқ қилиш ва шарҳлашда кўн иш қилган. Маътиқнинг қийин жойларини ойдинлаштирган, кўнчилиққа номаълум бўлган яшурин сирларини очган ва ундан фойдаланишни осонлаштирган».

Ўша давргача маътиқни ўқиш ва ўқитиш усуллари анчагина мураккаб бўлган экан. Бу борада Форобий мутолаачиларга маътик илминини ўрганишини осонлаштиришга бел боғлаб, анчагина муваффақиятларга эришган.

Юқорида зикр қилинган араб олим Ибн ал-Қифтий бу тўғрида шундай деб ёзади: «Форобий ўз асарларида маътиқдан фойдаланиш учун тушунарли иборалар, нозик ишоралар кўллади. ҳатто маътиқда шарҳлаш, ўргатиш ва таҳлил қилишдаги ал-Қиндий ва бошқа олимлар йўл кўйган бепарволикларни ҳам кўрсатиб ўтди. Шундай бўлгани учун ҳам Форобий китоби бу фан соҳасида гоят етук, ниҳоятда ягона саналадиган бўлди».

Форобий шугулланган ҳар бир соҳа, у ёзган ҳар бир асар ўрта асрларда олимлар таҳсинига сазовор бўлган.

«Абу Наср Форобийнинг «Иҳсо ал-улум ва ат-таъриф» («Илмлар саноғи ва уларнинг таърифлари» деган кутлуг китоби бор, — дейди Ибн ал-Қифтий. — Бундай асарни ёзишда шу пайтгача Абу Насрдан ҳеч ким ўзиб кетолмаган, ҳатто бу хил фикр-мулоҳазаларни унча ҳеч ким айта олмаган, у кини етишган даражага эриша олмаган ҳам; биронта ҳам толби илм йўқки, у тутган тўғри йўлдан фойдаланмаган бўлсин».

Форобий ўша даврда фалсафа фани Платон (Афлотун) ва Аристотель (Арасту) гоёларини, члар колдирган фалсафий меросни ўрганган. Бу ҳақда Ибн ал-Қифтий маълумот бериб ўтади. Бу олим XII асрнинг охири, XIII асрнинг бошларида яшагани учун унинг мулоҳазалари диққатга сазовордир. Шу боисдан сўзини яна ўша Ибн ал-Қифтийга берамиз. У айтади:

«Абу Наер Форобийнинг Платон (Афлотун) ва Аристотель (Арасту) фалсафасига бағишланган китоби унинг фалсафа соҳасида пешқадам бўлганлигидан далолат беради. Бу китоб илм ҳикматнинг назарий йўлларини ўрганишда жуда катта дастуриламал бўлди ва у орқали муаллиф барча илм сирлари ва унинг натижаларини алоҳида-алоҳида эгаллаш йўлларини билдирди; илмлар қандай қилиб соддаликдан мураккаблик даражасига ўсиб-ривожланаётганини баён қилди. Кейин шу восита билан Афлотун фалсафасидаги ғояларни тушунтиришга киришди, бу ерда у унинг таърифларини бир-бир санаб ўтди. Кейин шу йўсинда Аристотель (Арасту) фалсафасини пухталаштириш давом эттирди, унга каттагина муқаддима ёзди ва тадрижий равишда унинг фалсафасини баён қилиб берди. Ундан сўнг Аристотел (Арасту) нинг мантиқ ва тиббиётга оид осарларидаги ғояларининг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида китоб ёзиб, уларни тавсифлаб тушунтириб берди...

Мен фалсафани ўрганувчилар учун ундан фойдаланган бирор китоб борлигини билмайман. Бу асар барча илмлар учун муштарак ҳисобланган ҳамда у орқали биллинган илмларнинг ўзига хос маъноларини ҳам кўрсатади. Олдинлари мантиқдаги маъқулот — категория маънолари, уларнинг нимадан иборат экани тушуниб бўлмас даражада эди; қандай қилиб у маънолар барча илмларга дастлабки асос бўлиши мумкинлигини худди мана шу Форобий асарларидангина аниқлаб олинган бўлди».

Форобий ўрта асрларда ҳам олимлар наздида шундай мўътабар зот, уларга буюк устоз эди. У биргина фалсафа ва мантиқдагина шуҳрат қозониб қолмади. Улуғ мутафаккирнинг юз олтишидан ортиқ асарининг чорак қисмигина бизгача етиб келган, холос. Ҳозир Форобий борасидаги айтилаётган гапларимизнинг ҳаммаси унинг ўша бизгача етиб келган сал кам қирқта асарини асосида билдирилаётган мулоҳазалардир. Лекин шунинг ҳам айтиш керакки, Форобий кўпчилик олимларга нисбатан энг камбағал ҳаёт кечирганлардан саналади. Шунга қарамай, у йирик асарлар таълиф (ижод) қилишга муваффақ бўлган.

Тарихчиларнинг нақл қилишларича, Форобий Дамашқнинг бир боғида қоровуллик қилиб кун кўрар, камбағаллигидан ўша қоровуллик учун берилган чироқни ёқиб, китоб муталаа қилар ё бўлмаса, таълиф (ижод) билан шуғулланар экан.

Форобийнинг яна ажойиб ишларидан бири мусиқа соҳасида ёзган асарларидир. Маълум бўлишича, Форобий

ёшлигидан бошлаб мусиқага берилган, ўша пайтларда Урта Осиёда мавжуд бўлган мусиқа асбобларини яхши чала билган. Шу билан бирга у мусиқа назариясини ҳам мукамал эгаллаган. Абу Наср Форобийнинг асарлари рўйхатида унинг бу соҳага оид бир қанча асарларини кўрамиз. Чунинчи, Форобий «Мусиқа китоби» «Оҳанглар таснифи ҳақида китоб», «Мусиқа ҳақида сўз», «Оҳангга қўшимча қилинган сўз» каби асарлар ёзган.

Тарихчи Ибн Абл Усайбанинг ҳикоя қилишича, «Форобий ажойиб бир мусиқа асбоби ясаган, ундан жуда ҳам гўзал, ёқимли куйлар эшитиш мумкин бўлган, ҳатто бу куй эшитувчини жуда ҳам завқлантириб юборган».

Форобийнинг мусиқа соҳасида билимдон киши эканлигини ўша даврда тўқилган бир ҳикоядан ҳам билиш мумкин. Ҳикояда Форобий Шом амири саройига кириб, мусиқа чалиб, у ердагиларни ухлатиб чиқиб кетади. Бу нақл ҳам Форобийнинг мусиқа донишмандлигига эмас, балки унинг уста ижрочиси ҳам бўлгани ҳақида ўша пайтларда пайдо бўлган ҳикоятдир.

Форобийнинг катта хизматларидан яна бири унинг идеал жамият ҳақидаги ўйлари ва бу ҳақда ёзган асарларидир.

Форобий бу борада бир неча асарлар таълиф қилган кўринади. Унинг «Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб», «Сиясат ал-мадания» («Шаҳарлар устида сиясат юргизиш») ва бошқа асарлари бўлган. Буларда Форобий олпжаноб жамият, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган. Ана шу асарнинг икки нусхаси Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб жамғармасида сақланмоқда.

Ундан ташқари, бу институт жамғармасида Форобийнинг анчагина қўлёзма асарлари сақланади. Форобийнинг институт даргоҳида сақланаётган қўлёзма китоблари ўн саккизтадир. Булар орасида «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Масалалар булоғи», «Жисм ва акциденцияларининг бошланиши», «Ақл маънолари ҳақида рисола», «Яҳё ан-Наҳвийнинг Аристотел (Арасту) га билдирган раддиясига қарши ёзилган раддия», «Аристотел (Арасту) нинг «Метафизика» асарл мақсадлари ҳақида» каби асарлари мавжуд. Булар Форобийнинг юз олтиинчидан ортиқ асарларининг бизгача етиб келганларидан бир қисми, холос.

Буюк маърифатпарвар Форобий таваллудига 1100 йил-

дан ошди. Лекин шунча вақт ўтганига қарамай инсоният уни унутмади, мутафаккирнинг маърифат йўлида чексиз заҳматлари, билим ва таълим борасида қилган меҳнатлари юксак баҳоланди, унинг мероси авлодлари наздида қадр топа олди.

Абдусодиқ ИРИСОВ





АБУ НАСР ФОРОБИЙ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

ТАЛХИСУ НАВОМИСИ АФЛОТУИ

(Афлотуи қонунлари моҳияти)

Агар инсон ҳар қандай ҳайвондан бирор нарсада устун бўлса, у — нарса ва хатти-ҳаракатларнинг фарқини ажратишга ёрдам берувчи бир куч бўлади ва инсон ўша куч ёрдамида нарсалар ҳамда хатти-ҳаракатлардан ўз хоҳиши бўйича фойдаланади. Инсон, уларнинг қайси бири фойдали, қайси бири зарарли эканлиги ўзига равишан бўлмагунча кузатади ва фойдалигини танлаб олиб ўзлаштиради, зарарлигини рад этиб, улардан ўзини олиб қочади. Кучларнинг ҳаракатга айланиши тажриба ёрдамида рўёбга чиқади. Тажрибанинг моҳияти — айрим турлар тўғрисида фикрлаш ва ўша айрим нарсалар билан мос келадиган умумиятлар ҳақида мулоҳаза қилишдан иборатдир.

Тажриба ўтказиб, бу тажриба ва ҳаракатларда нарсанинг ҳақиқий моҳиятига қарама-қарши ҳолати ҳақида ўйлаб адашган одам баркамол эмас, балки бу ишда ким энг кўн тажрибага эришса, ўша энг мўътабар ва энг баркамол инсондир. Янглишчилар учун сабаблар бисёр. Улардан (янглиш фикрлашдан) суфетаник санъат ҳақида сўз юритганлар фойдаланишган.

Донишманд кишилар, айрим нарсалар устида ўз кузатишлари пайтида умумий фикрлар ва мулоҳазаларга суянишга туғма қобилиятлари бўлган одамлар эмас, балки тажриба орқали аёл ҳақиқатга етишган кишилар оқил инсонлардир. Шунингдек, айрим нарсаларни ўзида мужассам этган вақт давомида ўша нарсанинг шундай иш-ҳаракати бир неча бор кузатилса, ўша айрим нарса субстанционал бўлиб қолади. Худди бир ёки икки ва ундан ҳам кўн марта тўғри гапирилса, ҳақиқатнинг бутунлай ҳаққонийлиги ҳақидаги мулоҳаза туғма қобилиятга ўхшаб қолганидай, бу нарса ҳақида шу иш-ҳаракатлар кетган жамъи вақтига қараб баҳо берадилар. Ёлгон гапирилганда ҳам худди шундай бўлади. Жасурлик, қўрқоқлик ёки инсон табиатининг бошқа бирор жиҳатини

бир неча бор мулоҳаза қилинса, у ҳолда булар ҳақида ҳамма, донмо ўз фикрини билдиради.

Агар оқиллар одамлардаги туғма қобилиятларнинг бу аҳамиятини билсалар эди, ўз кўпчилиларида кўпчилик баҳо бериши мумкин бўлган, кўп марта қайтарилувчи бирор фазилатни топган бўлар эдилар. Кейин улар ўша фазилатни, тескари бирор иш қилиб, одамлардан яширган бўлардилар, одамлар эса (шу тескари ишни) унинг аввалги хислати, деб ўйлар эдилар. Бу худди имон, ҳақгўйлик, зоҳидлик ҳамда маросимлардан яхши хабардор бўлган ва эзгуликларини халқ орасида тарқатувчи бир покдоман тақводорнинг ишига ўхшайди. У жоҳил ҳоким таъқибидан қўриқиб шаҳардан қочмоқчи бўлган. Аммо ўша ҳоким томонидан уш қардан топиб бўлса-да, дарҳол ҳибсага олиш тўғрисида фармон чиқарилди. Тақводор шаҳарнинг ҳеч қайси дарвозасидан чиқиб кетолмади, у султоннинг соқчилари қўлига тушиб қолишдан қўрқарди. Шунда зоҳид байрамона кийимларни кийиб ясаннишга, қўлига танбур олиб ўзини ёлғондакам мастликка солиб, танбурни чертиб кечаси шаҳар дарвозаси олдига келишга мажбур бўлди. Дарвозабон унда: «Сен кимсан?» деб сўради. Зоҳид масхараюмуз жавоб берди: «Мен фалончи зоҳидман». Дарвозабон, устимдан кулаяпти, деб ўйлаб, унинг йўлини тўсмади. Шундай қилиб зоҳид, спра ёлғон гапирмай таъқибдан қутулди.

Ушбу муқаддимадан кўзлаган мақсадимиз, донишманд Афлотун (Платон) ўз илмларини ҳамма одамларга ошкор этишни ўзинга эи билмаганини, шунинг учун тимсоллар, мажозлар, топшмоқлар ва идрок этишга қийин усуллар воситасида илмин унга алоқаси бўлмаган одамлар тушуна олмайдиган даражага етказганини кўриб чиқишдир. Бу, илмининг қадрига етмайдиган ёки ундаи тўғри фойдаланмайдиган одамларга нисбатан тўғри тадбирдир. Агар илм матлум ва тушунарли бўлиб кўпчилик орасида ёйилганида, Афлотун балки илм тўғрисида очиқ ва аниқ гапирган бўларди. Мутолаа қилувчи ва эшитувчи эса, уларни бир тимсол деб, Афлотун шу тимсоллар орқали асарларидаги интихон нуқталарини ва индииятларини тушунтирмоқда, деб ўйлаши мумкин эди. У аввал тушунтирган, кўрсатиб ўтган нуқталарида тўхталиб ўтирмай, ўз суҳбатларида ёритилган илмда кўрсатилганларининг таъкидлайди. Бу, унинг «Қонунлари» даги усулдир. Биз, бу китобни тушунмоқчи бўлган ва ўрганишга қийналган одамларга фойдали бўлиши учун унинг ушбу асарида уқдирилган асосий маънони таъкидлаб кўрсатишга аҳд қилдик.

Савол берувчи (Афиналик) қонунларнинг жорий этилишининг сабабларини ва бу сабабларнинг маъносини, айтиб ўтилганидек, ҳақиқатан ҳам қонунлар тузувчи номидан амалга ошириладими, йўқми аниқлайди. Жавоб берувчи (Клиний) юнонларда бу қонунларни жорий қилувчи Зевс эканлигини ва у, бу ишда буюк натижаларга эришганлигини тушунтиради. Қонунларнинг қўлиги ва уларнинг кўпи бефойда эканлигини тушунтириш учун Афлотун бошқа бир қонун ҳақида ҳикоя қила бошлайди. У исбот тариқасида шеърятдан мисол олади ва қадимги қонун жорий қилувчиларни мадҳ этувчи, одамлар орасида кенг тарқалган матални келтиради. Кейин у, қонунларни ўрганиш тўғри эканлигини кўрсатиб ўтади. Чунки қонунларни билмаган ва уларга бўйсунмаганлар (қонунларни) бемаъни деб аташни хоҳлаб қоладилар. Афлотун, қонунларнинг ҳар қандай оқилликдан бениҳоя устуни туршларини тушунтиради. У ўз даврида маълум бўлган қонунлардан айримларини ўрганиб чиқади.

Сухбатда сарвлар ҳақида ва савол берувчи қайси йўлдан бориши зарурлиги ҳақида эслатиб ўтилади. Кўп одамлар бу ерда позик маъно бор деб ўйлайди. Афлотун баҳалашувчиларнинг савол-жавоблари ва эркин ҳамда тушуниш қийин бўлган ғоялар ёрдамида бошқалар ўйлаган маънодан ўзгача маънода ўз путқини чўзмоқчи бўлган. Гапни бундай айлантириш туфайли у ўзи беркитмоқчи бўлган маънонинг тескарисини ёрпштишда нутқ равшанлигига эришган.

Кейин у ўзларида (юнонларда) маълум бўлган қонунларни баркамол этишга киришади, соғлом ақл талабига биноан уларнинг қанчалик тўғрилиги ва фойдаланишга яроқлилигини ўрганади. Жамоа бўлиб овқатланиш, оғир юкларни ташинишда енгил қурилмалардан фойдаланиш шулар жумласидандир. Уларнинг кўнчилиги пиёда юришларини ҳисобга олиб, нотекис йўлларда одамлар орасида аҳиллик ва ўзаро ёрдам мавжуд бўлса, бундан фойда жуда кўнчилигини тушунтиради.

Сўнгра, у мувофиқ қуролларнинг қўлланиши, уларни ишлатиш маҳорати, бирлаштириш ва ўзаро жойлаштириш — айрим одамлар учун эмас, доимий уруш ҳолатларида умуман зарур нарса эканлигини тушунтиради.

Афлотун шунингдек, баъзилар урушда қандай фойда олишларини, урушнинг айрим ўринлари кўпчилик томонидан пухта ўрганилганми, йўқми эканлигини баён этади. Сўнг жузъий ва умумий масалаларни изоҳлайди.

Кейин урушлар масаласига ўтади ва урушда ҳам қонуларнинг кўп фойдали томонлари борлигини эслатади. Масалан, сиртдан тазйқ ўтказиб сингдириладиган кўнгил ғазабини бостириш учун инсоннинг ўзи билан олиб борадиган ҳақиқат излаш борасидаги курашда қонуннинг фойдаси борлигини айтади.

У яна, қандай шаҳар фозил шаҳар ва қандай одам фозил одам эканлигини тушунтиради, қондали ва соғлом фикрлаш фазилатига эга бўлган шаҳар ва фозил одам ҳаммша ғалиб эканлигини кўрсатади. У, ҳокимга эга бўлиш хоҳишининг чин истак эканлигини, унга бўйсунининг зарурлигини тушунтиради ва бундан келадиган фойдани кўрсатади. У меҳрибонлик ва бошқарувдаги асосий ва энг арзимас томонлардан бошлаб, халқни урушлардан сақлашда ҳамда жаҳолатни бостиришда хайрихоҳ ҳокимнинг ҳаёт тарзи қандай бўлиши зарурлигини таърифлайди.

У одамларнинг ўзаро урушларни бартараф этишга бўлган чин хоҳишларини тушунтиради ва бу хоҳишни мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида гапирди, чунки бу — эзгулик, яхшиликдир. Бу нарса, фақат қонун бўлгандагина ва у қонун яхши ишлагандагина амалга ошиши мумкин. Агар қонун жанг қилишни буюрса, демак бу уруш учун эмас, тинчлик учун қилинади. Афлотун инсоннинг хавфсиз яшаш учун биргина фаровонликнинг ўзи этишмаслигини кўрсатади. Мисол тариқасида у машҳур юнон шоири Тиртейнинг шеърларини келтиради. Афлотун, мадҳ этилаётган жасорат ташқи урушдаги жасорат эмас, лекин одамлар баҳоли-қудрат ўз (иллатлари) устидан ғалиб келиб, тинчликни таъминлашлари мумкин, дейди.

Афлотун айтадики, балоғатга етгандан сўнг ва бу иш насиб этганда, қонулар яратувчисининг мақсади худо йўлида жасурлик, буюкликка эришиш, нариги дунёда яхши мукофот олишга интилиш бўлиши зарур. Бунинг учун тўрт туғма фазилатдан буюкроқ фазилатга эришиши зарур. Афлотун, инсонлар орасида шундай соҳиб қонулар учраб қолиши мумкинлигини ва улар ўз олдиларига турли мақсадлар қўйишларини, аммо қонуларни тузишда шошма-шошарлик натижасида ёмон натижаларга эришишлари мумкинлигини тушунтиради. Афлотун ўшаларга ўхшашларнинг аврашларидан одамларни эҳтиёт қилиш мақсадида бу гапларни эслатиб ўтади.

Афлотун эзгулик, яхшиликларни икки турга бўлади ва уларнинг қайси бирлари инсоний, қайси бирлари пло-

ҳий эканлигини тушунтиради. Илоҳий яхшилик инсоний яхшиликларга таъсир ўтказadi. Агар илоҳий эзгуликлар, яхшиликлар ўзлаштирилса, у ҳолда инсоний яхшиликлар ҳам ўзлаштирилади, фақат инсонийлари ўзлаштирилганда эса илоҳийларини бой бериб қўйиш мумкин. Инсоний эзгуликлар, хайрли нарсаларга куч, гўзаллик, бойлик, билим ва бошқалар кирadi, буларни Афлотун ўзининг ахлоқ ҳақидаги китобларида таҳлил қилади. У, ҳақиқий соҳиби қонун илоҳий эзгуликларга етишиш учун бу эзгуликларни яхши бир тартибга солувчи зот эканлигини тушунтиради. Чунки у фойдаланадиган эзгуликлар қонун талаб қилгандай илоҳий эзгуликлардир. Афлотун қонун чиқарувчилар эзгуликка, яхшиликка эришишга ёрдам берувчи воситаларга интилишлари, одамлар эзгуликларга эришини борасида қатъият кўрсатиш зарурлигини оиларига сингдиришлари кераклигини айтади. Аввало бу, қонуний никоҳларга, ҳирс ва эҳтиросларни тартибга солишга, улардан фақат қонун талаб қилган миқдорда ўзлаштиришга тааллуқлидир. Бу яна, кўрқинч ва ғазаб, мудҳиш ва гўзал ишлар ҳамда эзгуликка олиб боровчи бошқа воситаларга тегишлидир. Сўнгра Афлотун бу воситаларнинг ҳаммасидан Зевс ва Апполлонларнинг фойдаланганларини айтиб ўтади, уларнинг қонунаридаги ҳар бир амру талаблардан қанчалик улкан фойда борлигини тушунтиради, масалан, овга тааллуқли ёки жамоа бўлиб овқатланиш ёки урушга тегишли бўлган амру фармонлар. У яна, урушлар зарурият юзасидан ва эҳтирос туйғуси ҳамда бирор афзалликни кўзлаб бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. У қандай уруш эҳтирос ва завқ олиш учун, қайсиси зарурият жиҳатидан бўлишини аниқлаб тушунтиради.

Афлотун ўзининг шоврона сўзида савол берувчи ва жавоб қайтарувчи орасидаги баҳсда мудҳиш нарсаларнинг таъсир урган ва уларга боғлиқ бўлиб қолган баъзи гўзалликлар ҳақида эслаб ўтиш жонлигини таъкидлайди. Шу сабабдан хайрли ишларни таъминлаш, бу ишлар ҳақидаги бошқача фикрни бартараф этиш, ҳамда уларнинг афзаллиги ва ҳаққонийлигига ишонтириш учун соҳиби қонун теран мулоҳаза юритиши ва текширишлар ўтказиши зарур. Афлотун ўша қонунлардаги баъзи талабларнинг зарарлигини, бундай фармонлар номақбул эканлигини кўрсатиб ўтади ва улар гўр ҳамда жоҳил инсонларнинг иши эканлигини тушунтиради. Идрокли одам эса ўзига ишбатан шубҳа уйғотмаслик учун ва фуқарони қонунлар ҳаққонийлигига ишонтириш учун буларга ўхшаш мисолларни ўрганиб чиқиши зарур.

Афлотуннинг айтишича, энг мушкул иш — қонунни жорий қилишдир. Қонунга шубҳа билан қараш ҳамда қонун устидан араз қилиш эса энг осон ишдир. Сўнгра, у аввалги қонунлардан маълум бўлган баъзи фармонлар ҳақида эслатиб ўтади. Бу, мақсадга жуда мувофиқ бўлган байрамлар ҳақидаги фармондир, чунки улар (байрамлар) завқ бағишлайдилар, уларга барча инсонлар табиатан мойиллик билдирадилар, улар худолар жорий этган қонунлар сифатида барқарор этилганлар. Уларга Афлотун хайрихоҳлик билдиради, мадҳ этади ва улар қандай фойда келтиришларини зикр этади. Кейин у, қонун тарафидан талаб этилган тақдирда май ичиш ҳақида гапирди ва бошқа бирор сабаб билан майхўрлик қилинса нима бўлишини кўрсатади.

Афлотун, гўёки голиблар — доимо энг яхши одамлар, мағлублар — энг ёмонлар, деган тушунчадан огоҳлантиради. Ғалаба тасодифий бўлиши мумкин, масалан, халқнинг кўп бўлишидан бу халқни қаҳрамон деб ўйласа бўлади. Аммо одам ғалабасидан мағрурланмаслиги керак, аксинча ўз мавқеини қонунларга мувофиқ равишда кўриши лозим. Хоҳиш билдирганларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий соҳиб қонун бўлолмайди, қонунларни тузишга яралганларгина соҳиб қонун бўлишлари мумкин. Бу илм-фан ва бошқа соҳалардаги раҳбарларга ҳам тааллиқли. Ўз фаолияти даврида ҳам, бу фаолиятдан ўзини тортганда ҳам сардор ўз номи билан сардор деб аталishi зарур, агар у бошқаларни бу санъатга ўргатгандан сўнг ўз фаолиятидан воз кечса ҳам у раҳбар деб аталishiга сазовордир. Агар санъатдаги раҳбарнинг фаолияти мақтовга сазовор бўлмаса ва бу иш унинг қўлидан келмаса, у ҳолда бошлиқ деб аталishiга лойиқ эмас.

Афлотун соҳиб қонун биринчидан, қонунларни жорий қила олиши, иккинчидан фармон бериши биллиш зарур, дейди. Агар у ўзи буюрган нарсани жорий этолмаса, агар бошқалар бўйсунган нарсага ўзи амал қилмаса, у ҳолда унинг кўрсатмалари қонуний кучга эга бўлмайди ва унинг сўзлари қўл остидагиларга таъсир этмайди. Бу муносиб ва чиройли ҳолдир. Қонунга ўзи амал қилмаган раҳбар ўзи қаҳрамон бўлмай туриб аскарларга раҳбарлик қиладиганларга ўхшайди, бундайларга ҳавас қилиб бўлмайди.

Шу муносибат билан Афлотун ҳокимлари ва бошлиқлари ўзларига ўхшаб ичиб юрувчилар бўлган маст-аластларни мисол қилиб келтиради. Уларнинг бошқаруви ҳам ўзларига монанд. Маст-аластларни бошқариш учун зеҳн, билим ва ҳушёрликда ниҳоятда ўткир бўлиш керак.

Дарҳақиқат, Афлотун айтганидек, агар соҳиб қонун оддий одамлар каби жоҳил бўлса, у одамларга наф келтирадиган қонунни жорий этолмайди. Афлотун қонунларга роя қилишда тарбия ва машғулотлар катта аҳамиятга эга эканлигини айтади. Ҳзи қонунни менсимайдиган ва шу билан бирга қўли остидагиларни ҳам шунга ундайдиганлар ўз хатти-ҳаракатлари пла катта тартибсизликлар келтириб чиқарадилар.

Агар инсон уни мадҳ этиб кўтарувчиларнинг баҳе ва суҳбатдаги моҳирлиги, сўзга бойлиги, билим кучлари туфайли машҳур бўлса, уни улар қанча кўп мақташмасин, одамлар буларнинг ҳаммаси унинг фазилати эмас, деб ўйлашларини Афлотун эслатиб ўтади. Агар одамни сўзининг қудратига қараб таърифласалар, бу — олимлар кўпинча мурожаат этувчи анъанадир. Нутқни эшитувчининг вазифаси, туб маънони тўғри ва соғлом фикрлаб, чуқур ўрганиб, ўша одамда таърифланаётган сифатлар борми ёки у сифатларни потиқ сўзамоллиги ва потиқлик маҳорати билан ёхуд нотқининг ҳамма нарса тўғрисида яхши фикр билдиришга ўрганганлигидан шундай кўрсатдим, билиб олиш зарур... Қонуннинг ўзи ўз ҳолича олижаноб ва юқори мартабали бўлиши керак ва унинг номидан ҳамда у (қонун) ҳақда нимаки гапирилса ҳам мўътабар ҳисобланиши лозим.

Афлотун қонунларнинг моҳияти ва афзалликларни халққа маъниқ ўқитиш ва ўргатиш орқали тушунтиришни айтади. Халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтирадилар. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Афлотун мисол келтириб, гўдак боланинг ҳунар ўрганишга зўр иштиёқи борлиги туфайли у ўйин орасида эшик ва уйларнинг қандай ясалишини ўрганиб олишини ва кейинчалик шу ҳунарни эгаллаб олишини, бу қобилиятнинг фойдаси тегишини айтади. Сўнгра Афлотун соҳиб қонунга мурожаат этиб, агар соҳиб қонун ёшлигидан бошлаб давлат ишлари бўйича фойдали машқлар қилиб юришга, давлат ишларининг тўғри ва нотўғрилиги ҳақида мулоҳаза юритишга ўрганган бўлса, у ҳолда вақти-вақти билан ўзи устидан назорат ўрнатиши ҳамда авваллари шуғулланган ва ҳозир ҳам давом эттираётган машғулотларига сабот, қунт билан қараши зарурлигини тушунтиради.

Афлотун ҳар бир одамнинг қалбида қарама-қарши, ўзаро туташ жуфт қувват: ғамгинлик ва қувонч, лаззат ва пэтироб ва ҳоказолар бор деб ҳисоблайди. Бу қув-

ватлардан бири — таҳсинга сазовор, иккинчиси ҳайвонийдир. Қовун ҳайвоний кучни эмас, таҳсинга сазовор кучни ривожлантиришга қаратилган бўлиши зарур. Афлотун, ҳайвоний қувват томонидаги зиддият кучли ва оғир, таҳсинли қувват томонидаги зиддият — мулоҳимроқ ва хушкўнгироқ, деб тушунтиради. Ҳар бир айрим одам шу икки зиддият ҳолати ҳақида ўйлаши, таҳсинга сазовор қувватга бўйсунishi керак. Шаҳарнинг ҳамма аҳолисига келганда, агар улар таҳсинга сазовор кучларга эришишга кучлари етмаса, йўл кўрсатувчи, энг мўтабар авлиёларнинг ишларидан сўз юритувчи, соҳиб қовунларнинг адолатларига бўйсунishi керак бўлади.

Афлотун айтадики, соҳиб қовун томонидан оғир ишлар ва машаққатли меҳнат билан боғлиқ бўлган матонат талаб қилиниши энг яхши адолатдир, чунки унинг пировардида қулайлик ва хайрли ишлар келади, бу ҳолат худди аччиқ, аммо соғлиққа яхши таъсир этувчи дори ичишга ўхшайди.

Афлотун, инсон табиатидаги зарурий хислатларни ва уларнинг қарама-қарши жиҳатларини фарқлаш кераклигини тушунтиради. Масалан, камтарлик — таҳсинга сазовор, аммо камтарлик ҳаддан ошиб кетса, у ҳолда ўз кучини йўқотади ва зарарли бўлиб қолади. Одамлар ҳақида яхши фикрлаш ва уларга нисбатан очиқ кўнгиллик таҳсинга сазовор, лекин, булар душманга тааллуқли бўлса, улар зарарлидирлар. Хушёрлик ҳам таҳсинга сазовор, аммо ҳаддан ошиб кетса, у қўрқув ва ўзини тийишга айланиб, зарарли бўлиб қолади. Аллома, агар инсон ўз мақсадига эришиб, ҳурматга сазовор бўлса-ю, аммо мақсадга эрилик билан эришса, бу ҳам зарарли ҳисобланади — деб тушунтиради. Энг яхшиси мақсадга чиройли ва покиза йўл билан эришишдир.

Афлотун, эсли одамга фойдали иш сифатида, ёмонликка яқинлашиб, унга тобеъ бўлиб қолмаслик учун уш тушуниш, унга нисбатан ўз хушёрлигини ошириш зарурлигини эслатади. У майхўрлик билан боғлиқ мисолни келтиради. Афлотун соғ одамнинг мастларга яқин бўлиши, уларнинг дастурхоннда бирга бўлиб туриши, мастликдаги бемаълигарчиликлардан, қабиҳ ишлардан ўзини ҳимоя эта билishi зарурлигини тушунтиради. Иимжон одам балки косалаб ичиб, ўзини кучли фараз қилиб, ўзининг кучини кўрсатиш учун шовқин-тўполон ва уришни тусаб қолади, аммо беҳол бўлиб кучдан айрилади. Ичувчи одам билан яна бошқа кўн савдолар содир бўлади.

Яхши фазилатларга эришмоқчи бўлган одам, яхши хислатларга қарши турган, ўзидаги иллатларни йўқ қи-

лишга интилиши зарур. Чунки яхши фазилатларга эришиш қийин. Одам фақат иллатлардан фориг бўлгандан сўнггина яхши фазилатларга эриша олади. Сўнгра у ҳар бир инсон табиатига маълум бир хислат тўғри келишини айтади. Ҳар бир айрим шароитда ўзининг ё маъқулловчи ёхуд номақбул дегувчи қарорини чиқариши учун соҳиби қонун ҳам, инсоннинг ўзи ҳам шу нарсаларни (яъни инсондаги бу хусусиятларни) билишлари керак, бу ўша қарорнинг йўқолмаслиги учун ҳам зарур. Агар бирор қарор ноўрин чиқарилса, бу ҳолда у йўқолиб кетади ва ундан ном-нишон қолмайди.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

Афлотун, инсон табиий хислатларга эга — булар ундаги хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларга сабаб бўладилар, деб тушунтиради. Соҳиби қонун бу хислатларни пазарда тутиши, уларни тузатиши, шу хислатларни тузатувчи қонунлар чиқариши керак, чунки бу билан соҳиби қонун фуқаронинг хулқ-атворини ҳам тузатади...

Роҳатланиш, дард чекиш ва қайғуриш асосий табиий хислатлар ҳисобланадилар, улар туфайли фазилатлар ва иллатлар ўзлаштирилади. Ва ниҳоят, балоғат ва билмларга, яъни ривожланишга тарбия ва машқ орқали эришилади. Соҳиби қонун одамларга ўзларини тийиброқ туришларини буюрган бўлса ҳам, одамлар байрамларда ва ором олганларида роҳатланадилар, чунки одамда роҳатланишга табиий мойиллик бор. Бундай роҳатланиш туйғуларини худо таоло ато этган. Мусиқага бўлган мойиллик ҳам шундай: табиий майл туфайли, мусиқадан хабардорлик натижасида роҳатланиш пайдо бўлади. Афлотун юнонларда машҳур бўлган оммавий рақслар ва сурнай наволарини мисол қилиб кўрсатади. У ҳар бир айрим ҳолда, гўзаллик нима-ю, хунуклик, беъманилик шималигини тушунтиради. Гўзаллик — бу турли мусиқалар, яхши хулқ-атворга тўғри келадиган, масалан, саҳийлик ва жасурлик каби яхши, ижобий хислатлар — одамлар эришишга ҳавас қиладиган нарсалардир. Хунуклик — беъманилик эса ёмон хислатларга ундайди. Афлотун, Миср эҳромларида мавжуд бўлган куй ва тасвирларни мисол қилиб кўрсатади, бу эҳромларда қатъий қонун ўрнатилган бўлиб, улар илоҳий деб эълон қилинган.

Афлотун, хурсандчиликни хотиржам ва совуққон қабул қилувчи катта одамларга нисбатан ўсимлар роҳат-

ланишдан олган қувончни анчагина кучлироқ ҳис этишларини тушунтиради.

Чинакам қонун ўрнатувчи янги қонун қабул қилаётганида унинг мамлакатдаги барча табақалар ва авлодларга, барча вилоятларнинг аҳолисига бахт-саодат, шод-хуррамлик келтиришини ҳисобга олади. Қонунда одамларнинг барча хислатларидан фарқ қилувчи туғма хислатлари ҳам ҳисобга олиниши керак. Халқларни бирмабир мағлуб этишга қаратилган қонун қабул қилувчи раҳбарлар маърифатли соҳиб қонунлар қаторига кирмайдилар. Билимдон қонун ўрнатувчи, масала, созанданинг хислатларини ҳам ҳисобга олади ва у чиқарган қонун созанданинг туғма фазилатларини ҳам юзага чиқартиради. Демак, қонун турли-туман феъл-атвордаги, турли-туман хислатли одамлар хайрихоҳлик билан кутиб олишига арзийдиган бўлиши зарур. Идрокли ва тажрибали одамни бўйсундирувчи қонунни жорий этиш, оломон ва тажрибасиз одамларни олимларга тенглаштириб, бўйсундирувчи қонунни жорий этишдан кўра маъқулоқ ва афзалроқдир. Буни катта ёшдаги, тажрибали ва матонатли одамлар даврасида кўшиқ айтувчи хонандага ўхшатса бўлади. (Бу одамлар қонунни тўғри тушунувчилар билан қиёсланаётганга ўхшайди).

Соҳиб қонун ҳам, унинг кўрсатмаларини бажарувчилар ҳам халқнинг жуда кўп, турли-туман ишларини назорат қилиб туришлари зарур, токи ҳеч бир иш уларнинг назаридан четда қолмасин. Агар улар бунга бефарқ қарасалар, у ҳолда таъсирлари бўлган барча соҳалардан уларни четлатиш керак, агар улар бирор нарсага кўп марта эътибор бермаган бўлсалар, унда уларнинг спичковлиги ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетади, бу уларга одат бўлиб қолади ва ўз эътиборсизликлари натижасида меъёрни билмай қоладилар, улар ўзларига эргшиб, таълим оладиган болалар ва ўсмирларнинг ишларидан бе-хабар қоладилар. Агар ёшлар маишатга ўрганиб, қонунга зид равишда дилхушлик қилиб ва роҳатланиб юрсалар, соҳиб қонунлар уларни тузатишлари қийин, аммо роҳатланишларини қонунга бўйсундиришлари зарур, ба-лоғатга етган ёш йигитлар эса бу шарт-шароитларга кўнгишлари ва ундан фойдаланишлари керак.

Соҳиб қонуннинг ҳар бир гуруҳ одамларга мурожаатни тушунарли бўлиши зарур. Бунинг учун қонун чиқарувчи одамларнинг идрок этиш имкониятларини ҳисобга олиниши керак, токи одамлар уни тушуensingилар. Чунки одамларга бирор нарса ни тушуниш ва амалда қўллаш қийин бўлиши мумкин. Тушунмовчилик бундай

соҳиби қонундан воз кечишга туртки ва ағдариб ташлашга сабаб бўлиб қолиши мумкин. Шу муносабат билан Афлотун, бир билимдон ва меҳрли табиб шифобахш дори тайёрлаб, бемор яхши кўрадиган овқатга қўшиб берганини мисол қилиб кўрсатади.

Афлотун, мутлақ эзгулик бўлмаган нисбий эзгуликни тушунтиради. Ўз сўзларининг тўғрилигини исботлаш учун соғлиқ, чиройлилик, бойлик каби кўп авлодлар томонидан хайрли деб ҳисобланган эзгуликлар эслатилган қадимий шеърни келтиради. У, буларнинг ҳаммаси эътиборли инсонлар учун эзгулик эканлигини тушунтиради. Жоҳил ва адолатсизлик учун эса эзгулик йўқ ва улар бахтга эриша олмайдилар. Улар учун ҳатто ҳаёт ҳам бир кулфатдир.

Агарда яхшилик, эзгуликка оид қонун мавҳум бўлса, соҳиби қонунлар ва уларнинг пандларни ёзиб борувчилар ва шоирлар уларнинг сўзларидаги хатоларни тушунтириш учун бунга жиддий эътибор беришлари керак бўлади. Афлотун, «ҳамма эзгуликлар айни пайтда ёқимли», «ниманки чиройли ва эзгу бўлса, хайрли ва ёқимли», аммо «кўп ёқимли нарсалар хайрли эмас» деган пбораларни тушунтиради. Эзгулиги йўқ, фақат ёқимли нарсалар билан эса ақли калта одамлар роҳатланадилар. Эзгулик, яхшилик, улардан ҳосилланадиган натижани билувчи одамлар учун ёқимлидирлар, билмайдиганлар учун эса ёқимсиздирлар. Айрим бир оиланинг турмуш тарзи ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Афлотун айтадики, бир одамга тааллуқли қонда, ҳамма одамлар учун шарт эмас, бир гуруҳ учун яратилган қонунларга, бошқа гуруҳдаги одамларнинг риюя қилишлари ҳам шарт эмас. У қуйидаги мисолни келтиради: қарилликнинг хусусиятларини назарда тутганда, кекса ёшдаги одамлар учун рақс тушиш ярашмайди. Агар бундай одам ўринсиз шу ишни қилса, у кўзга хунук кўринади ва одамларга хуш келмайди. Агар у бари-бир шундай қилса ва унинг ўзини бундай тутиши ярашса нима бўлади? (Фаробий бу саволни Афлотуннинг фикрига қарши қўяётганга ўхшайди) Афлотун, бир чол ўзинга ярашмаса ҳам най чалиб, рақс тушгани воқеасини мисол қилиб келтиради. Бу байрамда қатнашаётган одамлар унга қўшилиб ўйнамайдилар, қувониб шод-хуррам бўлмай, бепарво томоша қиладилар. Агар най чалиб, рақс тушишга эҳтиёж бўлмаса-ю, бу иш қилинса, у ҳолда нохуш ва одобсизлик ҳисобланади. Шундай қилиб, агар ниманки қилинса ҳам, вақт ва шароитга тўғри кел-

маса, келтирилган мисоллардаги каби бу чиройли хатти-ҳаракат ҳисобланмайди.

Шунга ўхшаш, агар хатти-ҳаракат заруратсиз амалга оширилса, у нохуш ва таҳсинга сазовор эмас. (Бунинг устига) томоша қилаётганларда, айниқса тажрибасиз одамларда, у жирканиш туйғуларини уйғотади. Афлотун, агар бирор нарсадан роҳатланиш одамларга хуш ёқмаса, ўша нарса уларнинг ҳожати, фитрати (табиати) ва ода-тига тўғри келмайди, деб тушунтиради. У жасур одам-лар, шунингдек бирон-бир санъат соҳиби бўлган одам-ларга доир мисоллар келтиради. Бир санъат соҳиблари учун завқли бўлган нарса бошқа санъат соҳиблари учун завқли бўлмаслиги мумкин.

Шунга ўхшаш, баъзиларга тўғри ва гўзал, адолатли кўринган нарса бошқаларга ёмон кўриниши мумкин. Сўнгра Афлотун, ашъёлар ўз-ўзидан гўзал ва хунук эмас, балки, (бошқа ашъёларга) нисбатан гўзал ва хунук бў-лади, деб қўшимча қилади. Агар бу ҳақда санъаткор-лардан сўралса, улар албатта бу фикрни тасдиқлайдилар.

Афлотуннинг тушунтиришича, нарсанинг моҳияти номаълум бўлса, бу нарсани аниқлаш учун, унинг ай-рим қисмларини, уйғунлигини, тегишли жиҳатини ва зарурийлигини тартибга солиб бўлмайди. Агар кимдир шусиз ҳам (у нарсани) аниқлаш мумкин, деб даъво қилса, янглишади.

Агар бирор одам ашёнинг моҳиятини билса ҳам, ўша нарсанинг яхши ва олий сифатларини ёки ёмон ва бе-маъни ҳислатларини билмаслиги мумкин. Ашёнинг асл моҳиятини, унинг яхши ва олий сифатларини, ёмон ва бемаъни ҳислатларини билганларидагина бу ашё ҳақи-да мукамал билимга эга бўлишлари мумкин.

Қонуларни, ҳамма санъатлар (ҳунарлар) ва фан-ларга оид билимларни ҳам шунга ўхшатиш мумкин. Ҳо-ким шуларга ё яхши ёки ёмон муносабатда бўлиши учун ўша соҳаларнинг моҳиятини билиши зарур. Ҳоким ҳар соҳанинг юқоридagi уч жиҳатини яхши эгаллаши, улар ҳақидаги билимини камолотга етказиши, тўғри ва ҳақ-қоний бошқаруви учун уларни билиши керак. Қонунни яратувчи, бу уч нарсани (яъни: моҳият, сифат ва ҳис-лат) яхши билиб олган тақдирдагина ўша қонун энг яхши қонун бўлади. Агар ўша уч жиҳатни тўғри тушун-маса, у қандай қилиб қонулар яратиши мумкин? Бу фа-қат қонуларгагина эмас, балки ҳар қандай илм ва санъат-га ҳам тааллуқли. Афлотун шеърларини мисол қилиб, уларнинг (умумий) ўлчови, вазни, оҳанги ҳақида гапи-риб, буларнинг пжодкорлари ҳамда бу санъатнинг ҳам-

ма турларидан баҳраманд бўлган одамларни тилга олади.

Афлотун, қонулардаги ҳар бир кўрсатмадан моҳиятига қараб фойдаланиш зарурлигини тушунтириш учун мисол сифатида яна рақс ва най чалиш ҳақидаги гапини давом эттиради. Кимда ким бирор нарсани талқин қилишда ва ундан фойдаланишда ҳақиқатга хилоф иш қилса, у одам энг қаттиққўл, жоҳил ва бемаъни одам ҳисобланади, ундай одамдан дарҳол воз кечиш керак.

Узларда маълум бўлган мусиқавий санъатлардан тўғри фойдаланишга одатланган одамлар таҳсинга сазовордирлар. Уларнинг маъносини ўзгартириб, ўринсиз ва мавридсиз фойдаланувчилар ёмонланишга ва қораланишга лойиқдирлар, чунки бу билан ғам-кулфатга сабаб бўладилар. Юнонларда қўшиқ санъати муҳим ўрин тутади, шунинг учун соҳибни қонунлар унга алоҳида эътибор беришлари даркор. Дарҳақиқат, қўшиқ санъати жуда фойдали, айниқса ўзининг руҳиятга таъсири ҳамда руҳиятга алоқадор бўлган қонунларга таъсири билан ниҳоятда фойдалидир.

Ушбу бобда Афлотун, бадан учун жуда зарур бўлган жисмоний машқлар руҳ учун ҳам шундай зарурдир, чунки баданинг пок, соғлом этиш руҳни ҳам пок, соғлом этади, дейди.

Кейин Афлотун бошқа бир масалани тушунтиришга ўтади. Шундай нарсалар борки, улардан бир қонунда фойдаланишдади-ю, бошқасида уни жирканч ва пожўя, деб воз кичишади. У майхўрлик ҳақидаги мисолларни келтиради. Юнонларда бир гуруҳ одамлар май ичишган, бошқалари эса ичишмаган. Баъзан зарурат юзасидан май ичишга аҳтиёж бўлгандир, масалан, эс-ҳушни йўқотиш учун, аёлларни тўлғоқ тутганда, ёки бадан яраси куйдирилаётганда ёхуд бадан беҳол бўлиб қолганда.

УЧИНЧИ БУЛИМ

Афлотун турли қонунларнинг вужудга келиши, йўқолиши ва янгилалиши фақат унинг замонасигагина тааллуқли бир янгилик эмаслигини тушунтиришдан бошлайди. Зотан қадим замонларда ҳам шундай бўлган ва келгусида ҳам шундай бўлади. Афлотун, қонунларнинг бекор қилиниши ва йўқолишига икки сабаб бор, деб ҳисоблайди. Биринчиси — уларнинг амалда қўлланиши муддатининг чўзилиб кетиши бўлса, иккинчиси — дунёда ҳамма халқлар учун ҳалокатли тўфон, вабо касалли-

ги каби оммавий фалокатларнинг рўй бериши оқибатидир.

Афлотун янги шаҳарларнинг қандай бунёд этилиши, бошқарув ва қонунларга эҳтиёж қандай туғилиши ҳақида ёзади.

Мисол тариқасида у ҳамма шаҳарларни яқсон этган умумжаҳон тўфонни келтиради. Тўфондан кейин шаҳарлар (яна) қад кўтариб ривожлана бошлайди, у ерда одамлар тўпланиб, халқлар ва шаҳарлар вужудга келади. У, аввалги шаҳарлар қандай вайрон бўлганлиги ва кейинчалик қандай қилиб бошқа шаҳарлар қурилганлиги ҳақида гапирди. Аввалига бу шаҳарлардаги одамларнинг ахлоқи таҳсинга сазовор бўлган, лекин одамзот авлоди кўпая борган сари бу хулқ ўзгара бошлаган. Олдинга (яъни тўфондан кейин) улар ўзларини бахтиқаро сезишиб, бир-бирларига хушмуомалада бўлиб, меҳр билан қараганлар. Одам авлодининг кўпайиши натижасида улар орасидаги ҳасадгўйлик, жаҳолат пайдо бўлди ва улар ўзаро уруша бошладилар. Бу пайтда, тўфон туфайли энг зарар кўрган санъатлар (ҳунарлар) умуман йўқ бўлиб кетдилар. Аста-секин, маъдан қазиб олиш, дарахтларни кесиб, устахоналар, уйлар қуриш зарур бўлгани туфайли ҳунарларни қайта тиклай бошладилар. Бу ишлар фақат китоблардан баҳраманд бўлувчилар учунгина қийинчилик туғдирмайди. Одамлар ўзларининг асл моҳиятлари (нима учун яратилганликлари, мақсадлари, вазифалари нимада эканлиги) ҳақида фикр юритиб, санъат воситаларини идрок эта бошладилар. Аввалига санъат (ҳунар) шунчаки, ўз ҳолича зарур эди, кейинчалик эса, худди, нозик ва ҳимоясиз аъзоларни беркитиш ва психик, совуқдан сақланиш учун яхши кийимлар керак бўлганидай, гўзал ва чиройли буюмларга эҳтиёж туғилди. Кейинча улар бу буюмларнинг энг чиройлиларига алоҳида эътибор бера бошладилар. Афлотун, одамлар аввалига, шаҳарлар, қалъалар ва усти берк, пана жойларда ваҳший ҳайвонлар ёки кучсиз мавжудотлар сингари бошпана қилганлар, деб ҳикоя қилади. Кейинроқ бир-бирларидан сақлаиш учун истеҳкомлар қура бошлаганлар. Шундай қилиб, аста-секин улар орасида урушлар чиқа бошлаган.

Афлотун яна урф-одатлар, уларнинг оталардан фарзандларга қандай ўтиши ҳақида ҳам маълумот беради. Агар бу жараён бирлик-бирдамликни идрок этишига олиб келадиган бўлса, у ҳолда, турли ҳаёт тарзидаги одамларни, катта, обрўли оқлаларнинг табаррук ёшидаги оталар ва фарзандларни фароғат келтирадиган бирдам-

ликка бирлаштирадиган қонувлар яратишга мажбур этади. Афлотун эллиндар шахри ва унинг бунёд этилишини тасвирлаган Ҳомерга мурожаат этади. Яна Афлотун жаҳолат ва зўравонликка ружу қўйган бир шаҳар аҳолисидан бошқа бир шаҳар аҳолиси жабр-ситам чекадиган уруш ғайри қонуний бўлгани учун (ҳеч қандай) фойда келтирмаслигини тушунтиради. Мисол тариқасида у қадимий юнонлар галаба қозониб забт этган шаҳарларни келтиради ва ўша шаҳарларнинг аҳволи ҳақида эслатиб ўтилган маънода гапириб ўтади.

Афлотун, бир шаҳарда кўнгли тусаган инши қилиб юрадиган бир ҳоким яшарди, деб ҳикоя қилади. Ушбу шаҳарда яшайдиган одамлар ҳар жиҳатдан унга тақлид қилишгани учун ҳаётлари борган сари айниб боради, натижада шаҳар иккирозга учрайди. Бу икки сабаб билан юз беради: бири — ўзларига фойда келтириши мумкин бўлган вазифаларни бажармаган одамларнинг ҳаёт тарзи нопоклигидир. Бошқа бир сабаб — уларнинг устидан бошқа ҳокимларнинг мавжудлигидир. Бу ҳокимият балки қонуний равишда амалга оширилгандир, лекин шундай бўлган тақдирда, бир давлатдаги бир неча ҳокимлар Афлотун эслатиб ўтган, унинг даврида машҳур бўлган шаҳарлардаги каби плоҳий қонун қабул қилиш учун бирлашган бўлар эдилар. Афлотун ўзи келтирган мисоллардан бирида тушунтириб ўтгани каби, бирор халққа мансуб, туғма одатларни инobatга олмаганда, унинг фикрича, бир шаҳар аҳолиси бошқа бир шаҳар аҳолисига қараганда ўз қонунларини тезроқ бузади.

Афлотун айтадики, мақтов баъзан қонуннинг барқарорлигига олиб келади ва инсон, ўз моҳияти бўйича фаровонлик келтирмайдиган нарсани ҳам маъқуллаши мумкин, деб эслатиб ўтади. Фаровонлик келтирмайдиган ва бахт сари олиб бормайдиган қонунни қандай қилиб маъқуллаш мумкин? Афлотун, бу жуда мушкул масала, дейди ва ушбу мисол орқали тушунтиради: ажойиб кемаши кўриб турганлар унга эга бўлишни хоҳлайдилар ёхуд фаровонлик ва беқиёс бойлик хуш ёққани учун уларни кўрган одамлар ҳаммасига эга бўлишни нотаб қолишадди. Балки булар ҳақиқий фаровонлик келтирувчи нарсалар ҳам эмасдир. У яна тушунтириб айтадики, гўдаклик пайтида болага бирор нарса ёқши мумкин, лекин у улғайгандан сўнг аввал хуш кўрган нарсасини хоҳламайди, демак, уни маъқулламайди ҳам. Ушбу (ҳозир хоҳланмаган) нарса эса ўзининг асл моҳиятини ўзгартирмайди. Сўнгга Афлотун, қайси ҳолларда хоҳланган бирор нарса ҳақиқатан ҳам яхши, фойдали, қа-

чоң яхши эмаслигини исбот қилади. Биз биламизки, бола бир нарсани хоҳлайди, унинг отаси эса ўша нарсани хоҳламайди. Ота ушбу хоҳиш болани тарк этишини худодан илтижо қилади, чунки ота оқил, бола эса подондир. Оқил, идрокли инсонлар хоҳлаган нарса яхши, фараҳбахшдир; лекин подонларнинг хоҳлаганларини рад этмоқ керак.

Афлотун яхшилик, саодат нималигини тушунтиради, бу — қонун шаҳодат беришича, амал қилиниши зарур, афзал кўрилиши керак бўлган оқилликдир ва унга ҳаммаша интилиб туриши керак. Қонун чиқарувчи соҳиб қонун руҳ ва идрокни ривожлантирувчи омилларга интилиши ва ўша омилларга гамхўрлик қилиши зарур. Ва агар бу нарсалар ҳар сафар ишончли бўлса, у ҳолда қарор ҳам ишончли бўлади. Тарбия оқилликни вужудга келтиради. Кишининг тарбияси бўлмаса, у бемаъниликни хуш кўради. Қонун фаровонлик йўлидир, шундай экан, соҳиб қонун тарбияни мустаҳкамлашга алоҳида ҳаракат қилиши зарур. Агар тарбия шаҳарларнинг ҳокимлари ва уларга ўхшаган одамлар табиатларининг узвий бир қисми бўлса, Афлотуннинг фикрича, уларни қувватлашдан, уларнинг софдилликлари ва энг юксак хислатлар мажмуаси бўлган ҳикматдан келган фаровонликдан ҳам афзалроқ натижага эришилади.

Афлотун, шаҳарда ҳокимлар на бўйсунувчилар бўлган тақдирдагина у ерда қонунлаштиришнинг баркамол бўлиши мумкинлиги ҳақида ёзади. Ҳокимлар, асл олижаноб оқсоқоллар сингари улуғвор ёшда ва ҳаётий тажрибага эга бўлишлари керак. Бўйсунганлар эса гўдақлар, ёшлар ва жоҳил одамлардан ташқари, қолган ҳамма одамлардир. Ишда бунга қанчалик риоя қилинса, шунчалик тўғри бўлади. Агар ҳокимлар тарбиясиз бўлсалар, Афлотуннинг фикрича, у ҳолда уларнинг ишлари ҳам, фуқароларнинг ишлари ҳам инқирозга юз тутади. У мисол тариқасида юнон ҳокимлари ҳақида гапирди. Агар улар илм эгаси бўлмаганларида қўл остидагиларнинг ва ўзларининг ишларини барбод этиб, шаҳарларни ҳалокатга учратган бўлардилар..

Ҳокимларнинг подонлиги эса халқ учун энг катта зарардир. Афлотун, ҳокимнинг тарбияли, бошқарувининг кўнгилдагидек бўлиши шаҳар аҳолиси учун жуда муҳимлигини тушунтиради. Бу — баданга овқат, кемага маллоҳ (денгизчи) керак бўлгани каби зарурий нарсалардир.

Ҳасал бадан қўйинчиликларга чидамсиз ва яхши, самарали ишларни бажаришга қобилиятсиз бўлгани каби;

касал руҳ ҳам энг юксак ва фойдали нарсаларнинг фарқига бормайди ва саралаб ололмайди. Руҳнинг касаллиги илоҳий бошқарув одобини рад этади. Афлотун, ўзларини билимдон ва хушхулқ деб билган, лекин аслида ундай бўлмаган ҳокимларнинг ўз шахсиятларига ортиқча эътибор талаб этишларини ва ишни барбод қилганликларини мисол қилиб келтиради. У айтадики, халқ қонун чиқарувчига эргашиши учун қонуннинг қатъийлиги — олиҳпмат бўлиши, унинг (қонуннинг) камчилиги — енгилроқ бўлиши учун, соҳиби қонун бошқарув соҳасида улкан ишларни амалга оширмоғи керак, акс ҳолда ишнинг мушкilotлари чуқурлашиб кетади. Унинг тушунтиришича, ишни барбод қилган ҳокимлар кўп бўлган ва соҳиби қонуннинг мақсади айнан ҳокимларга қаратилган бўлиши, белгиланган мақсади чўзилиб кетмаслиги, унинг қонуни абадий бўлиб қолмаслиги зарур. Агар соҳиби қонун махсус ва мустақил қонунга эга бўлмаса, у ҳолда унинг иши хайрихоҳлик билан қабул қилинмайди.

У яна, соҳиби қонун учун энг фойдали ва таҳсинга лойиқ нарса қонуннинг ихтиёрий зарурат усулида амалга оширилиши, шунингдек, ҳасад хизматкорлар табиатига мос бўлгани учун, ҳоким ҳасаддан ҳоли бўлиши керак, деб тушунтиради. Агар қонулаштириш эркинлик билан ихтиёрий амалга оширилса, у ҳолда бўйсунмиш ва итоат ҳам фуқаро томонидан хайрихоҳлик ва қувонч билан қабул қилиниб, узоқ муддатга давом этади. Бу ғоялар ва уларнинг аксини у, форслар, Эрон ҳокимларининг ҳаёти ва одатларидан келтирилган мисоллар билан тўлдиради.

Афлотун, меҳр-шафқатлилиқ ва ахлоқлилиқ тушунчалари ҳақида гапириб, соҳиби қонун инсон табиатидаги бу хислатларни алоҳида инobatга олиши зарурлигини ва шу хислатларнинг таъсир кучига қараб иш юритиш жоизлигини эслатиб ўтади, токи қонун чиқарувчи қонунни қулларча итоаткорликни талаб қилиш йўли билан эмас, балки эркин равишда қабул қилдира олсин. Афлотун ўз ҳикояларида эслатиб ўтган форслар мисолида, ҳокимиятнинг ҳокимдан ўзига ўтиши мисолида ва деиғиздаги урушдан қандай ўлжалар олингани мисолида, қулларча итоаткорликнинг иллатли эканлигини кўрсатади. Бу ерда, бир шаҳардаги душман қандай қилиб дўст бўлиб қолгани ҳақидаги воқеани эслатиб ўтиш ўриплидир. Қонун чиқарувчи, қўл остидагиларнинг дўстлик туйғулари мавжудлигини кузатган ҳолда, қонуннинг камчилиқ ва иллатлардан ҳоли бўлишини таъминлаши учун жорий эт-

гай қонуларини чуқур ишонч ва билгим билан баркамол этиши зарур. Афлотун, қонуларнинг эркин итоат этиш йўли билан қабул қилиниши ва ундан келадиган фойда ҳамда қонуларга қулларча итоат ва мажбур этиш йўли билан қабул қилиниши ва ундан келадиган зарар муаммоларини тушунтиради. Афлотун художўйликда пайгамбарона кароматнинг аҳамияти ҳақида эслатиб ўтади. Агар шаҳар ўз қонунчилигида ҳақиқий муҳаббат, юксак ахлоқ, баркамол ақлга эга бўлмаса, унинг қисмати ҳалокат ва парокандалик бўлади, агарда бу уч (гўзал нуқталар) бўлса, оқибатда у фаровонлик ва бахтга етишади. Буни Афлотун бутун шаҳарга ҳам, бир уйга ҳам, битта одамга ҳам баробар тааллуқли дейди.

ТҲРТИНЧИ БҮЛИМ

Афлотун, ўз мавқеи ва одамлар жамоаси борлиги учунгина шаҳар деб аталувчи шаҳар, ҳақиқий шаҳар эмаслигини, ҳақиқий шаҳар аҳолиси адолатли Қонуларга ва бошқарув қондаларига риоя қилишларига, худо ёрлақаган раҳбарга эга бўлишга ва одамларнинг таҳсирига лойиқ одатлари ва ахлоқи рўёбга чиқишига шартшароит яратилган, жойлашган ери, табиий шароити қулай, яъни унга аҳоли учун озпқ-овқат ва бошқа зарур нарсаларни олиб келиш мумкин бўлган шаҳардир, деб тушунтиради.

Афлотун, агар бирор одамнинг одати ва табиати (адолатли) Қонунга мос, гўзал ва талабга жавоб берадиган бўлмаса, у донио пасткаш, жирканч бўлиб, ҳар гал қонунни бузганида жиноятчи сифатида қораланади, деган гоёни ҳам эслатиб ўтади. Мисол тариқасида у, денгизда сузиш ва пунга ўхшаш сармоя келтирадиган ишларга ҳамда турли санъатлар (ҳунарлар) билан шуғулланишга ўзларини мажбур этган, ўз руҳларини тарбиялаб, кейин эса машқни тўхтатиб қўйган жасур одамлар ҳақида ҳикоя қилади. Афлотун, ўзларининг машҳур шоирлари Ҳомернинг, ўзини-ўзи менсимай қўйган арслоннинг охири жасурлигини йўқотиб, оҳулардан ҳам қўрқадиган бўлиб қолганлиги ҳақидаги шеърни келтиради. Афлотун мамлакатдаги тузумнинг гўзал ва яхши бўлишини қонун чиқарувчининг билимдонлиги ҳамда ўзга тузумлардаги фаровонлик ва бошқа ижобий жиҳатлардан хабардорлиги билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Яна соҳиб қонун мамлакат аҳолисини бошқарув силсиласидаги қонунларга риоя қилишларини ва бўйсунилларини таъ-

минлай олсагина аъло даражадаги давлат тузуми бўлиши мумкин. Афлотун ҳокимият масаласига ҳам эътибор беради; эҳтимол, мамлакат аҳолиси хушхулққа эга бўлмаган тақдирда ҳокимиятга эҳтиёж туғилар. Агар ҳукмдор, зарурат юзасидан ва шаҳар аҳолиси учун эмас, балки ўз одатига кўра ҳокимиятга эга бўлса, бундай ҳокимият қораланади. Аммо, шаҳарни итбатда сақлаш учун бошқарувчига эҳтиёж бўлиши ҳам мумкин. У шаҳарни итбат қилдиради, қонунларни жорий қилади ва бу қонунлар қанчалик илоҳий, адолатли бўлсалар, шунчалик таҳсибга сазовор ва қонқарли ҳисобланадилар. Агар ҳокимият масаласи ҳақида мулоҳаза қилинадиган бўлса, бу жиҳатдан ҳокимият ихтиёрий қабул қилинганда кўпроқ маъқул ва ҳар томонлама қулай ҳисобланади, чунки ҳоким ўз ҳукмини аҳолига тавсия қилиш билан уларга қисқа муддатда ўзларини тузатиб олишларига имконият яратиб беради. Агарда, ҳоким шаҳар аҳлига ўз ҳокимиятини тавсия қила олмаса, ишлар мушкулланади, ҳокимнинг фойда келтиришига имконият бўлмай қолади ва хайрли ишларни амалга ошириш муддати чўзилиб кетади. Афлотун, қуллар ва жоҳил одамлар устидан ҳукмронлик ва уларни ҳокимиятга бўйсундириш ҳақиқатан тўғри иш эканлигини, шу билан бирга эркин ва меҳр-шафқатлиларни бўйсундириш ўта бемаънилик эканлигини тушунтиради.

Афлотун шаҳар аҳолиси қанчалик меҳр-шафқатли бўлса, уларни бошқарув шунчалик юқори даражада илоҳий бўлади, деб ҳисоблайди. Агар уларнинг ҳокими нолайиқ бўлса, у ҳолда, токи у илоҳий авлодга мансуб шаҳар ҳокими бўлиш даражасига юксалмагунча, аҳолининг баъзи озгина қисмидан ташқари, бошқа ўз ҳукми остидагилар билан тил топиша олмайди. Сўнгра у айтадики, бошқарув турларининг сони қонунчилигининг сонига мутаносибдур чунки ҳокимият қонунларга бўйсундирилади, улардан ҳосил бўлади ва уларга асосланади. Бошқарув ҳам қонунларнинг сонига ва қадриятига боғлиқ. Яхши бошқарув — яхши қонунларга боғлиқ, ёмон бошқарув — ёмон қонунларга, етук бошқарув — етук қонунларга боғлиқ.

Афлотун айтадики, ўзининг камолоти ёхуд давлати билан ёки шухрати билан ҳамда таҳсибга сазовор бўлмайдиган ва дилхуш ҳисобланмайдиган бирор фазилати билан кеккайиб юрувчи ҳокимлар такаббур ҳокимлардир, аслида ҳоким, фуқароларнинг покдомонлигига эътибор бериши, ҳамда ўз шахсияти ва кўнгилхушлиги билангина шуғулланувчи баъзи беҳаёларга худо номидан

шафқатсиз муносабатда бўлиши, гўзал ва дилхуш таасурот қолдирмайдиганларга мурувват кўрсатмаслиги зарур. Афлотун, ҳокимнинг нималарга эътибор бериши ҳақида ёзади. Бу аввало — моддий ҳузур, сўнгра руҳий, кейин улардан ташқари бўлган барча нарсалар, ўз навбати билан. Афлотун, кўп гапириш билан қизиқиб кетиб, мисоллар келтиради, чунки уларни фойдали ҳисоблайди ва ниҳоят, ўғиллар ва оталар ҳақида гапирди. Улар қандай бўлишлари керак, қонунларни қандай бажаришади, ҳаёт йўли қандай бошланади, умр тугатгандан кейин улар нималарга эришишлари ҳақида фикр юритади. Сўнгра, ушбу меҳр-шафқат йўлининг кийин ва энгил томонларини тушунтириб беради. Шу муносабат билан у машҳур шеърлардан мисоллар келтиради.

Афлотуннинг фикрича, агар шоир, баҳслашувчи ёки мутакаллим (нотик) бир-бирига зид фикрлар айтсалар, у ҳолда соҳиби қонун фақат фойда келтирувчи жиҳатларини ҳимоя қилиши зарур. У, ўлган одамларни кўмиш маросими, қафан билан ўраш ҳақида шоирларнинг мулоҳазаларидан мисоллар келтириб, бу ҳақда соҳиби қонуннинг фикри қандай бўлиши зарурлиги ва аза тугатилган одамларнинг ўзлари (васият қилиб) нима деганларини ибобатга олиш кераклиги тўғрисида ёзади. Афлотун, одамларга қонунни манзур этиш учун қандай чоралар кўриш кераклигини тушунтиради ва мисоллар тариқасида болалар билан мулойим муомалада бўлувчи шифокор ҳақида сўзлайди, сўнг ҳамма табиблар ўз юмушларига кўра бир-бирларига ўхшашликларини эслатади. Худди шунга ўхшаш, одамларни тўғри йўлдан етаклаб боришда ва амалдаги қонунларни ҳурмат қилиш ҳамда бошқалар учун сақлаб қолишга мажбур қилишда соҳиби қонунларга ҳокимлар тақлид қиладилар. Афлотуннинг фикрича, шаҳар аҳолисининг соини тартибга солишнинг асоси никоҳ ва туғлиш ҳақидаги қонун бўлиши зарур. У олий даражада тартибли ва яхши ишланган бўлиши керак. Афлотун баъзи чалкашликлар ҳақида ва ўша замонлардаги қонунларда жарима ҳамда жазо каби нарсалар бўлганлигини эслатиб ўтади.

Афлотун, қонунларни яратишдан аввал муваффақиятли келишувлар, мажбуриятлар ва табиий ҳолат каби тайёргарлик чоралари кўрилмаган бўлса, қонунлар инсонлар юрагига ҳеч жо бўлмайдилар, деб тушунтиради. Ёмон келишув инсонлар орасидаги муносабатларни бузувчи бир омилдир. Шундай бўлганда одамлар бирлаштирувчи ва фикрларини жамлайдиган қонунга мурожаат

этишга мажбур бўладилар. Узоқ давом этувчи ахлоқ инқирози ва халққа мансуб зерикш каби ҳолатлар юз берганида баҳслар, нутқ ва тушунтиришлар орқали қонунга бўйсунишга чақирилади. Агар бу уч ҳолат тайёрланган бўлса, улар одамларнинг қонунларни ихтиёрий қабул этишларига шарт-шароит яратадилар. Одамлар қонунларга мурожаат этишга мажбурлар, шунинг учун ҳам улар мурасага келганларида қонуяларни мамнуният билан кутиб оладилар. Аммо бу ерда бу уч ҳолатдан ташқари бошқа бир ҳолат кўзда тутилмоқда. Бу ерда соҳибни қонушлар ва ҳокимлар такомиллаштиришлари зарур бўлган жом йўл-йўриқлар ҳақида гап боради. Яхши хулқ-атворли бўлишга аҳд қилган ёшлар ва подовлар токи қонунни осонлик билан қабул қилишлари ва унга бўйсунишлари учун фаоллик кўрсатишга қодир бўлмагунларигача ўша хом йўл-йўриқларга эргашадилар, чунки жоҳил одамлар яхши ишга осонликча бўйсунмайдилар, ўртаҳол одамлар эса осон қулоқ соладилар. Афлотун яна, шаҳар аҳолисининг руҳлари, бадавлари, одатлари ва тутган ўринлари қандай фармонларга муҳтож эканлиги ҳақида ҳам тушунтириш беради.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

Афлотун, руҳ энг эзгу олам бўлгани учун инсон аввало ўзининг руҳини камол топтириши зарурлиги ҳақида гапирди... Руҳни эъзозлаш — унинг эҳтиросини қондиришдан иборат эмас, чунки, агар шундай бўлса, (яъни фақат эҳтиросни қондириш бўлса) болалар ва жоҳил одамларда пайдо бўлувчи ўз руҳий эҳтиросларини қондириш истаги, руҳни эъзозлашга интилишдай туюларди. Улар нимани яхши ва лаззатли деб билсалар, руҳлари ҳам ўша нарсаларни хоҳларди, ваҳоланки, бу эҳтиросларни қондириш кишига улкан зарар келтиради. Аслида эса руҳнинг қадр-қиммати унинг покланишидан ва илоҳий қонуларда мақтовли ҳисобланган истаklarни қондиришдан иборат бўлиши керак. Агар муайян истаklar қонунда қораланса, руҳ улардан муҳофаза қилинса, эъзозланса ўша истаklar тез орада зарарли бўлиб қоладилар. Руҳ бўлмаса бадан ҳам бўлмас эди, деган тушунчага суяниб, руҳ бадандан афзалроқ, деб ўйлаган одам хато қилади. Афлотун бу муаммони қизиқ бир йўсинда тушунтиради. Сўнгра у инсон бажарадиган кўп ишларда, масалан, бойлик тўплаш ва ҳоказо ишларда руҳни эъзозлаш зарурлиги ҳақида га-

пиради, ўша ишларда руҳни қандай эъозлаш кераклигини кўрсатади. Кейин Афлотун руҳни эъозлашнинг қандай хиллари борлиги ва қонуни чиқарувчи раҳбар руҳни қандай эъозлашга ўргатишга эътибор бериши зарурлигини таъкидлайди.

Афлотун руҳ эъозлангандан кейин баданининг эъозланишини тушунтиради. Олийжаноб бадан ўз гўзаллиги, кучи, заифлиги, соғломлиги ёки семизлиги учун олижаноб эмас. Балки қонуналарга мос ҳаёт тарзи бўйича маъқул кўрилган одатларга риоя қилгани учун олийжанобдир. Инсон табиатини тарбиялашга бўлган зарурат, бадани эъозлашни тақозо қилади. Бу фикрни Афлотун фойдали мисоллар воситасида келг тушунтиради. Болалар ҳали гўр бўлсалар, уларнинг баданини эъозлашга қаратилган қонуналар, ўрта ёш ва қари одамларнинг баданларини эъозлашга қаратилган қонуналарга ўхшамайди, деб тушунтиради. Афлотун, руҳни эъозлашга қаратилган қонуналар чет элликлар, шаҳар аҳолиси ва қариндош-уруғлар учун бир хил, уларни баданларига тааллуқли қонуналар эса чет элликларга бошқа, шаҳар аҳлига бошқа бўлиши керак, деб тушунтиради. Тарбия ишида чет элик ва қариндош-уруғ қилган жинойятлар учун (бир хил) жазо бўлиши керак, чунки бу жинойятлар қонуналарни бир хилда оёқ ости қиладилар.

Афлотун ахлоқий фазилатларни қандай ўзлаштириш мумкинлигини тушунтиради. Бундай яхши одатлар вақтинча ўзлашган бўлади, чунки жамиятлар ва барча одамларда одатлар узок муддат ўтиб ўзлаштирилади. Адолатли, пок, жасур бўлишга одат қилиш, шу билан бирга ёмон қилиқлардан қутулиш учун ҳам маълум муддат ўтиши керак. Бу вақт давомида инсон ўзининг ёмон қилиқларидан воз кеча олади. Агар одамда туғма, кучли гурури туйғулари бўлмаса, у ҳолда ўша одам ўз руҳини машқ ила тарбиялаши зарур, чунки ўзи севган инсоннинг кўп жинойтларини сезмаслик одамнинг туғма хислатидир. Зеро шундай экан, шаҳвоний хоҳишларга эрк бермаслик учун албатта кучли гурури бўлиши керак. Инсония ҳалокатга олиб борадиган нарсаларни руҳига раво кўрмаслик учун бундай ҳолларда ғазабдан ҳам ижобий фойдалана билиш ва руҳни доимо ўзидан кўнгли тўлмасликка ўргатиш керак.

Афлотун айтадики, тарбияли одамлар ўз руҳларини доимо қувониш, ортиқча кулиш, қаттиқ хафа бўлиш, ортиқча қайғуриш каби ҳолатларда мўътадиллик доирасидан чиқмасликка мажбур қила олишлари керак. Афлотуннинг айтишича, одамлар маънавий фазилатларга

эришишни истаб, илтижо қилиб, уларни ўзлаштиришга эътибор беришлари керак, токи ахлоқ қонуний, мақтовларга сазовор ва илоҳий бўлиб қолсин.

Агар инсон илоҳий эзгуликларга эришишни умид қилса, унинг ҳаёти қувончли, ҳаёт тарзи эса, жуда гўзал бўлади. Гўзал ҳаёт тарзи эса халқ назарида ҳам, худо назарида ҳам юксак бўлади. Буни кўра билиш ва яхшилиб ўйлаб кўриш керак. Афлотун бу фикрни муфассал ифодалайди, манзур бўлган ҳаёт тарзи қандай бўлиш кераклигини, ҳар бир айрим ҳолатда бу ҳаёт тарзи ахлоқ ва қонунга мувофиқми ёки мувофиқ эмаслигини кўрсатади; улардан баъзиларини мисол тариқасида эслатиб ўтади. Бу мисолларда у оқиллик ҳақида эслатиб, машаққатдан роҳатни афзал кўриш беъмани ҳаёт тарзи эканлигини, роҳатдан машаққатни афзал кўриш маъқул ҳаёт тарзи эканлигини тушунтиради. Яна у соғлиқ, жасурлик, билим ва ҳоказолар ҳақида гапирди.

Афлотун, қонунларни жорий қилиш учун давлат бошқарувида тайёргарлик кўрилган тақдирдагина шаҳар тартиботи мукамал бўлиши мумкинлигини эслатади. Бу тайёргарлик ишлари қонуннинг буюк ва нуфузли бўлишини таъминлайдилар. Шу муносабат билан у, каштанинг гули ва чокини мисол келтиради. У икки хил давлат бошқаруви мавжуд эканлиги ҳақида гапирди. Бир хилида одамлар устидан ҳокимлар тўрадилар, бошқасида қонунлар ҳокимларга ҳам тааллуқли...

Афлотун, бошқа бир фойдали гоё — ҳокимият ҳақида эслатиб ўтади. Илоҳий қонунни идрок этишга тайёргарлик кўриш ва қўйидаги яна икки гоёни амалга ошириш учун ҳокимиятга муҳтожлик пайдо бўлади. Бу гоёлардан бири — саъй-ҳаракати, ҳунарлари ва мақсадлари (адолатли) ҳокимларга қарши бўлган ёвуз ниятли одамлардан шаҳарни тозалашдир. Бошқа бир гоё — панд-насихат йўли билан фаровонликка интилиш ва одамларнинг илоҳий қонунни осовликча ва қувонч билан қабул қилишларини таъминлашдир. Афлотун мисоллар келтириб, ушбу фикрларни қисқача ифодалайди...

Афлотуннинг фикрича, шаҳар тартиботида энг асосий нарса мулк, ноз-неъматларни тўғри тақсимлашдир. Шунга эътибор қилиш керакки, кўпчилик одамларнинг иши жўнлашиб, бачканалашиб кетмасин, зарур нарсаларнинг озайиб кетиши одамларни фақир аҳволга солиб қўймасин. Аввало, ер ва жойларнинг миқдори, кейин уларнинг эгалари ва тутган ўринлари, сўнгра ниҳоятда зарур нарсалар бўлган озиқ-овқат, экиладиган ерлар, сарой ва шахсий уйларнинг миқдори ҳисобга олинishi керак. Аф-

лотун тақсимот ишини жуда қийин, лекин зарур иш эканлигини эслатади. Раҳбар ўз қонунларини асослаб ақс эттириши лозим. Афлотун ўз замонасида маълум бўлган мисолларни келтириб, соҳиби қонунлар шаҳар аҳолисига ер бўлиб бераётганларида қонунлар лойиҳаларининг жорий қилинмоқчи бўлган бўлимларини халқдан яширмасликлари кераклигини айтади.

Болалар ва ўсмирлар ҳамда жоҳил одамлар масаласига Афлотун яна бир бор қайтиб, уларни қандай бошқариш кераклигини кўрсатади. Сўнгра у, қонунларни ва бошқарувни ҳурмат қилиш ҳамда уларга жиддий эҳтиром билан қараш зарурлиги ҳақида гапиради. Афлотун, мулкни бефойда жамғаришдан фарқли равишда мулк эгаси бўлиш ёмон одат эмаслигини, чунки мулк ҳалоллик билан тўпланадиган бўлса, қашшоқликда яшашга қараганда бадавлатлик афзал эканлигини тушунтиради. Агар мол-мулк нафсоният учун тўпланадиган бўлса, унда одам бир кун уятга қолади. Шундай қилиб, манфаатдан ўзини тийиш, қандай қилиб бўлса ҳам нопок йўл билан эришилган манфаатдан яхшироқдир. Бу бобда Афлотун мол-мулк орттиришнинг йўллари ҳақида батафсил гапиради ва юнонларга маълум бўлган усулларнинг қайси бири ҳалол, қайсилари ҳаромлиги ҳақида мисоллар келтиради. Бу фикрлар саёҳат ва тижоратга ҳам таллуқли. Бу ҳалол ишларнинг мажмуаси қуйидагича: авлодга зарар келтирмайдиган мол-мулк орттириш ва руҳ ҳамда баданининг эъзозланиши туфайли таҳсинга сазовор иш ҳисобланмиш қонунлар муқаддимаси бўлган тарбиядир. Бошқаларга зарар келтирадиган нарсалар эса ёмонланади. Зараркунандаликдан воз кечиш, зараркунандалikka интилишдан афзалдир, чунки тарбия ва қонунларнинг мақсадлари — одамларни ёмон ишлардан тийишдир. Қонун чиқарувчининг фақирларга ва бойларга бир хил эътибор бериши шартлиги, уларнинг руҳларини тузатувчи ва яхшиловчи қонунлар яратиши зарурлиги ҳақида у кўп гапиради.

Раҳбар яна оғирлик ўлчови, дон-дун ва шакарга ўхшаш нарсалар ўлчовлари ҳақида ҳам ҳеч кимга зарар келтирмайдиган савдо ҳақида қонунлар чиқариши керак. Шу билан бирга қонун чиқарувчи, қонунларда ҳамма бадавлат ва фақир кишиларнинг аҳволини ақс эттирувчи зарур, токи қонунларни бузувчи ва ўзининг нуқсонларини охиригача тузатмай различликларни янгиловчи одамлар тойфаси назардан тушиб қолмасин...

Бу бобда Афлотун, фозиллар шахрида ҳокимлар ва ҳокимият дуруст табиий тартибга келтирилган бўлишини, бундай тартиб бўлмаган шаҳар яхши ҳисобланмаслигини тушунтиради. Ҳокимлар ўртасида табиий тартибни ўрната олмаган қонун чиқарувчи кўп ўтмай масҳара бўлади ва инҳоят унинг ишлари тушунарсиз бўлиб, чиқарган қонун ҳамда у билан бирга шаҳарнинг ўзи ҳам инқирозга юз тутиши мумкин.

Афлотун, агар шаҳар аҳолиси маърифатсиз, тажрибасиз одамлар ва болалардан иборат бўлса, у ҳолда улар соҳиби қонун ўрнатган тартиб ва бошқарув усулини яхши қабул қилмайдилар, деб ҳисоблайди. У, қонуннинг тартиб-қондаларини қабул қилишнинг шарт-шароитлари ҳақида гапириб, шаҳар икки ҳолда: ё у қадимий бўлгани учун ёки янги бўлганидан аҳоли билан гавжум бўлмаслигини кўрсатиб ўтади. Агар у қадимий бўлса, у ҳолда қонун чиқарувчи раҳбарнинг иши осонлашади, чунки бу шаҳарда аҳоли ахлоқи ва аҳволига таъсир ўтказувчи ҳамда кейинги қонунларга муқаддима бўладиган аввалги қонунлар кучини йўқотмаган бўладилар, агарда у янги бўлса, у ҳолда соҳиби қонуннинг иши анча қийинлашади, чунки у, одамлар орасидан қонунларни қабул қилишга табиатан тайёр бўлган одамларни танлаб олиши керак бўлади, шунда соҳиби қонун улар билан ҳамкорликда ишлай олади, кўнгилларида қонунга ҳурмат уйғота олади ва ёрдамга жалб эта олади.

Агарда, ушбу шаҳар қонунлари билан бошқа шаҳар фуқароси танишиб, шу шаҳар аҳолисига ватандош бўлганлари учун уларга ергашсалар, у ҳолда бу шаҳарга мансуб қонунлар бошқа шаҳарларга ҳам тааллуқли бўлади. Қонунларни жорий этиш учун ҳаёт тажрибасига эга ва хуш хулқли одамларни жалб этиш керак, аммо асло бу ишга гўл ва жоҳил одамларни қўшмаслик даркор. Агарда соҳиби қонун тасодифан уларга рўбарў бўлиб қолса, уларни тартибга солиш учун инманидир уларнинг табиатига мос равишда ўзгартириб тартибга солиши ва қонунларини тан олдириб, ўша қонунларга бўйсуниб яшай олишларига ишонтира олиши керак. Биз аввал эслатиб ўтган бу фикрни Афлотун ҳам Крит ва бошқа шаҳарларнинг аҳолиси ҳақидаги мисолларда таъкидлаб ўтади.

Афлотун, янги қурилаётган шаҳар қандай аҳволда бўлиши, унда одамлар қандай жойлашиши, ҳаёт кечи-

риш учун зарур маҳсулотлар қандай тақсимланиши, аҳоли нимага муҳтож бўлиши мумкинлиги, ёшларига қараб вазифалар қандай бўлиши ҳақида гапирлади.

Оқсоқоллар амалга оширадиган ва камолотга етказадиган ишлар ёшлар учун тўғри келмайди. Файласуф буни ишончли равишда исботлайди.

Афлотун, одамлар орасида тартиб ўрнатилгандан сўнг уруш бўлиб қолишини ҳисобга олиб, ҳарбий қўмондонларни ва бошқа раҳбарларни тайинлаш керак, деб таъкидлайди. Кейин у тартибот ғоясига тааллуқли бошқа бир фикрни эслатади. Эҳтимол, бутунлай тўғри тартибни дарҳол ўрнатиб бўлмас, дейди у. Агар баъзи фаол бўлмаган ва ишни унча яхши билмайдиган ҳокимлар (ишдан) четлатилганда, ундан фаолроқ ва устароқ бошқа бири топилса, у ҳолда иккинчиси фақат оққўнгиллик ва ҳақгўйлик билан олди мақсадга етиш учун тартиб ўрнатади.

Афлотун, кенгашлар ўтказилаётганда вазирлар, савдогарлар ва мансабдорларнинг бажараётган ишларига, уларнинг ўзаро муносабатларига — аҳил ёки ноаҳил эканликларига катта эътибор бериш зарурлигини ва шу билан бирга соҳиби қонунлар ва шаҳар аҳолиси томонидан уларнинг фазилатларини эътироф қилиб рағбатлантириш кераклигини таъкидлайди. Афлотун раҳбарлар учун зарур бўлган турли фазилатларни тушунтиради. Энг биринчи фазилат — оққўнгиллик, иккинчиси меҳршафқат, учинчиси — келажаги порлоқ бўлиши, тўртинчиси — обрў-эътибор қозонганлигида. Йўлбошчиларга келсак, уларнинг барча фазилатлари фойдали бўлиб, бойлик — неъматларга тааллуқли, уларнинг ўртасидаги тартиб, бойликлари миқдори асосида бўлиши зарур. Бу тартибларнинг ҳаммасига риоя қилиш керак. Афлотун, фазилатини қабоҳатга алмаштирган, тавбал ва ўжар одамларга қарши ҳокимлар курашсаларини маъқул тартиб бўлиши мумкинлигини тушунтиради. Агар уларнинг фазилат ва қабоҳатларини таҳқиқчи ҳисобга олиб, тартибга келтирмаса, қонун бузилиши мумкин.

Афлотун шаҳарда тартиб ўрнатиш бўйича қизиқ бир ғояни эслатиб ўтади. Бу — дўстликни пайдо қилувчи тенгликка тааллуқли бўлиб, уларнинг иккаласи ҳам тартиб ўрнатишда катта таъсир кучига эга. Қуллар ва бадаларга қилинган одамлар билан эркин бўлиб туғилган ва фазилатли одамлар тенг даражада фозил бўладилар, деб тушуниш хатодир. Тенглик уларнинг ҳар бирига ато этилган. ўзи муносиб бўлган мавқеъдир. Бу тенгликдан муҳаббат ва дўстлик туғилади...

У. ҳаражат қилишда хотамтойлик ва зиқпаллик ҳақида сўз юритади. Агар яшаш учун бериладиган маблағ одамларнинг ҳаражатига тўғри келмаса, турли номақбулчиликлар рўй беради. Бу — бошқарилиши энг қийин бўлган ишдир. Кимда-ким ўз ихтиёрида бўлган мулкни фойда чиқариш учун муомалага қўшмай, ўзи учун жамғарса, жуда катта зарар келтиради. Ҳокимлар бундай одамларни назорат қилишлари (мулкни ишлатмай жамғаришларини) манъ этишлари ва бойликни совирншларига йўл қўймасликлари керак. Афлотун бу фикрни батафсил изоҳлайди ва ўзларидаги маблағларидан ортиқча сарфлайдиганларнинг иллатлари ҳақидаги масалани тушутиради, чунки худди ўша одамларнинг сарф ва маблағлари шаҳарда ғоят катта кулфат ва зарар келтиради.

Афлотун қўриқловчилар ва соқчилар ҳақида эслатади. Улар икки хил бўладилар. Биринчиси шаҳар қўриқлайдиганлар. Уларга тунги соқчилар ва мунтазам қўшин аскарлари киради. Бошқаси эса, қонунлар ва салтанатни қўриқловчилардир. Булар ҳукмроплар, воизлар, раҳбарлар ва мансабдорлардир. Афлотун бундай давлат тузилишини денгизда сузиб бораётган кемага ўхшатади. У яна чопарлик алоқаларининг, давлат ишларида ҳушёрлик, таябалликдан воз кечпш ва қўриқчилар сақлашнинг фойдалари ҳақида эслатади.

Афлотуннинг фикрича, мансабдорларни тўғри тайинлаш улкан фойда келтиради. Шу билан бирга у халқ ичида юриб, гап терадиган жосуслар ва айғоқчилар хусусида тўхталиб ўтади. Сўнгра у эркакларнинг моҳиятларига тўхталади. Бу масалани таҳлил қилиш фойдадан холи эмас. Чунки бу масала қонун чиқарувчи ва ҳокимларнинг ишларига яқин ишларни амалга ошириш учун эркакларни тавлаш муаммосига тааллуқлидир.

Афлотун етарли миқдорда бўлиши керак бўлган табиий идоралар тўғрисида батафсил гапирди. Юзлик юзликка, ўнлик ўнликка, бирлик бирликка ўз ўрни, ҳолати ва вазияти жиҳатидан тўғри келиши зарур. У яна дастёрлик масаласига тўхталиб, шаҳар аҳолиси учун энг муҳим нарсалардан бири дастёрларга эҳтиёж эканлигини тушутиради. Дастёрлик икки хил бўлади. Биринчи хилига эркак ва аёл қуллар киради. Иккинчисига — тинчлик даврида ва уруш пайтларида ҳам шаҳар аҳли муҳтож бўладиган ҳайвонлардир. Шаҳарни идора этишда ва қонунлар тузишда қонун чиқарувчилар ва ҳокимлар буви ҳисобга олишлари керак.

Афлотун сув масаласига ҳам эътибор беради, чунки

шаҳар аҳолиси учун сув манбаъларини тартибга солимай туриб ҳаёт кечирish мумкин эмас.

Қонун чиқарувчилар ва ҳокимлар сув муаммосига, дарёларнинг ўзанига катта эътибор беришлари зарур. Бир ерда сув кўп бўлиб, бировлар сув билан таъминланиб, бошқалар сувга муҳтож бўлмасликлари учун бу муаммога адолат билан ёндошмоқ керак. У, экинзорларни суғориш ва керак бўлса, муҳтожлар учун жамоат қудуқларини қазish бўйича қўшимча тадбирлар амалга ошириш зарурлигини эслатиб ўтади. Бу шаҳарларда ҳаёт кечирishнинг энг муҳим омилidir. Афлотун, қонун чиқарувчилар ва ҳокимлар сув иншоотларига алоҳида эътибор билан қарашлари зарурлигини кўп марта таъкидлайди. Сўнгра Афлотун, бошқа бир фикр — одамлар дастурламанал деб билишлари керак бўлган, шаҳар учун зарур парсалар — закот, хирож, жийа каби солиқларни солиш тартиблари ҳақидаги фикр тўғрисида гапирди. Солиқлар ҳар хил бўладилар ва улар қонун чиқарувчи бош қотириши керак бўлган парсалар қаторига кирадилар.

Қонун чиқарувчининг ҳаёт тарзи шаҳар аҳолисининг ҳаёт тарзи ва уларнинг қонуиларига энд бўлмаслиги керак.

Афлотун жиноятлар ва жазолар ҳақида гапирди. Жиноятлар икки хил бўлади. Улардан биринчиси қонунга бўйсунмаслик, бошқаси эса қонун маъқул кўрмаган ишларни қилишдир. Агар жиноят фуқаро томонидан қилинган бўлса, у ҳолда ҳоким қонун томонидан кўзда тутилган жазони қўллайди. Энг катта жиноят — раҳбар шахс томонидан қилинган жиноятдир. Бундай ҳолатда бошқа ҳокимлар уни тарбиялаш ва таъсир ўтказиш чораларини кўришлари керак. Агар бунга эътибор берилмаса, бундай жиноятлар шаҳар иллатларининг кўпайишига ва шаҳарнинг инқирозига сабаб бўлади.

Афлотун, юқорида айтиб ўтилган, аммо олдингидай умуман фаровонликни эмас, балки шахсан ўзига фаровонлик тилайдиган шаҳар аҳолисининг ҳаёт кечирishлари учун зарур бўлган маблағлар тўғрисида эслатиб ўтади.

Афлотун, мусиқа санъатларига алоқадор бўлган ҳокимлар ва мансабдорлар қандай ишлар қилишлари кераклигини эслатиб ўтади, чунки бу санъатлар фақат керак бўлиб қолгандагина эмас, балки ҳамма вақт ҳам зарурдирлар. Унинг фикрича бу санъатлар икки хил бўладилар: баъзилари кураш ва ҳарбий ишларга ундайди. Бошқалари эса осойишта ҳаёт ва қувончга даъват этадилар. Қонун чиқарувчи ва ҳокимлар бу санъатларни тартибга

солиб, қонунлар воситасида одамларни санъатлар (ҳунарлар) билан шуғулланишга рағбатлантиришлари керак.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

Афлотун бу бўлимни, соҳиб қонунлар ўз асрининг ва келгуси асрларнинг одамлари мурожаат этадиган таълимот жорий этишлари зарурлиги ҳақидаги масалани тушунтириш билан бошлайди. Бу энг муҳим иш эканлигини эслатиб ўтади. Таълимотлар босқичма-босқич ва давлат ишларидаги бошқа тадбирлар билан бирга амалга ошириладиган асосий иш бўлишлари зарур. Бу таълимот аввалан шу даврда урф бўлган одатларни сохталаштириш билан машғул одамларга нисбатан қўллашни керак.

Бу сохталаштиришлар қонунни яхши билмайдиган одамлар ва болаларда бир иллат пайдо қилиши мумкин. Агар таълимот ва қонунларга ўргатиш ишлари босқичма-босқич ва доимо олиб бориlsa, у ҳолда улар аъло натижа берадилар.

Афлотун бу таълимотларни таҳлил қилувчи ва кўриб чиқувчиларга ёзилмаган урф-одатлар халақит бермаслиги керак, деб эслатади. У мисол тариқасида қадимги соҳиб қонунларнинг бу одатларини ўрганиб чиққан ва баъзи аҳамиятсиз сўзларнинг кўп маъноларга эга эканлигини аниқлаган шоирларнинг сўзларини келтиради. Ҳ. қисқа ёки батафсил баён қилинадиган нутқлардан иборат бир неча хил нутқлар мавжудлигини ва улардан қайси бири афзалроқ эканлигини аниқлаш зарурлигини эслатади. У яна панд-насиҳатлар тўғрисида гапириб ўтади. Агар шаҳар аҳолиси бу насиҳатларга қулоқ солсалар, уларнинг кўнгиллари юмшайди, уларда назокат ва қобиллик пайдо бўлади, ўзлари итоаткор бўлиб майин тортадилар. Афлотун, шаҳар аҳолиси, ё ўтиб кетиб ном-нишон қолмаган одамларни ёки ҳайвонотни, ёхуд ғайри оддий бирор нарсани тушунишни дилдан хоҳлаб эъвозлашлари ҳақида мисол келтиради. Бу ишларнинг фойдали томонларини аниқлайди. Бу фойдалардан бири ўз табиатларига кўра тажрибасиз кўпчилик одамларнинг, ёзилмаган одатлардан, уларнинг моҳиятларини зўрға тушунсаларда, бирор нарсга билишга интилишларидадир. Иккинчиси, бу одамлар бирор янгиликка ҳайратланиб қарайдилар. Ниҳоят учинчиси, улар бу ғаройиботларнинг моҳиятларига етиш учун қонунни сақлаб қола-

дилар. У ўша шаҳарларнинг фуқароларига маълум бўлган ва улар туб маъносига етмоқчи бўлган китоблар ҳақида эслатиб ўтади. Ўз шеърларида буларнинг ҳаммасини тасвирлаган шоирлар туфайли бу воқеалардан хабардор бўлинди. Ҳомер ва бошқалар шундай шоирлардирлар.

Афлотун, соҳиби қонун ўз шаҳрининг аҳолисидан ёзилмаган урф-одатларни сақлаш, ўрганиш ва уларга итоат қилишни талаб этиши зарурлиги ҳақида гапирди. Ҳеч қайси соҳиби қонун ўзидан олдинги соҳиби қонун томонидан амалга оширилган ишларни рад этмаслиги керак. Лекин, олдинги соҳиби қонуннинг қарорларидан баъзиларини ўзгартириш зарурати пайдо бўлса, у ҳолда шаҳар аҳолиси улардан (яъни ўзгартирилиши керак бўлган моддалардан) воз кечишлари зарур ва бу ўзгаришлар қонунларда ўз аксини топиши керак. Бу, уларнинг қонунаридаги маъноси бузилган моддаларга ҳам тааллуқли. Кейин Афлотун моддаларни ўзгартириш ҳақида гапирди.

Сўнгра соҳиби қонунлар ўрнига келадиган бошқа бир соҳиби қонунлар тўғрисидаги масала кўрилади. Соҳиби қонун ўзидан кейин бўладиган бошқа соҳиби қонун тўғрисида аҳолига маълум қилса, бу билан у шаҳар аҳолисининг кўнглига, айниқса, тажрибасиз одамларнинг кўнгилларига гулеула солиб қўяди, улар нима бўлар экан, деб қалблари зириллаб кутадилар ва кейинги соҳиби қонун жорий этган қондаларга итоат этишига хоҳиш пайдо бўлишини (тангридан) илтижо қиладилар. Афлотун, ҳаёт соҳиби қонунда, гўёки ундан кейин бошқа соҳиби қонун келмайди, деган фикр пайдо бўлмаслиги учун унга эҳтиёткорлик билан уқдириш зарурлигини тушунтиради. Агар у шундай ўйласа ва бундан халқ хабардор бўлиб қолса, вақт ўтиши билан унинг ўрнига бошқаси келганини кўрган халқ учун бу воқеа барча қонунларни: ўзининг (ҳозирги) соҳиби қонунининг ҳам, кейин келганининг қонуналарини ҳам рад этишига сабаб бўлади. Соҳиби қонун халқ билан биргаликда қонунларни рад этиш ва тан олиш орасидаги ўрта йўлни белгилаб олмоғи даркор. Бунинг учун соҳиби қонун ўнгилар, қонунлар ва инсон иллатларини ўрганиш учун узоқ вақт ишлайдиган, ёрдам берувчи одам пайдо бўлганлигидан халқни хабардор этиши керак бўлади. Агар ундан, хайрли ишларда ёрдамчи шахс унинг ўзига ўхшайдими, деб сўрашса, у шикор этмаслиги, аксинча халққа зарар келтирмаслиги ҳақида огоҳлантириши зарур. Афлотун

шаҳарларнинг аҳолиси ва соҳиби қонунларнинг ҳаётидан мисоллар келтиради.

У қонунларнинг икки хил бўлиши ҳақида гапирди. Биринчи хил қонунларга, ҳар қайси соҳиби қонунга қонунларни жорий этишда, шаҳар аҳоли ва вақт зиклигидан шошма-шошарликка хос бўлган ҳолдагилари киради. Бошқа бир хили ўзгармайдиган ва асл ҳолни сақлайдиганлари, булар — табиий қонунлардир. Афлотун бу фикрини қариндош-уруғларга бўлган муносабат, хайрли ишларни инкор этиш ва бошқа мисоллар билан тўлдиради.

САККИЗИНЧИ БУЛИМ

Афлотун биринчи китобда ҳам ҳикоя қилинган байрамлар, уларнинг ташкил қилиниши ҳақида эслатади. У байрамлардан ажойиб фойда борлиги ҳақидаги қизиқ фикрни билдиради. Бу ерда гап, биринчи китобда айтиб ўтилган фойда ҳақида эмас, худоларни эъвозлаш ва уларнинг номларини янгилашдан келиб чиқадиган фойда ҳақида кетади. Чунки уларни эъвозлаш ва мадҳ этиш орқали қонунлар ҳам эъвозланади. Худоларнинг миқдорини белгилаш ва улардан ҳар бирига байрамлар ҳамда қурбонлик қилиш маросимларини ташкил этиш лозим, шунда одамлар покланадилар. Худолар икки хил бўладилар: сиғиналадиган осмонийлари ва эъвозланувчи ерликлари, аммо уларга сиғинмайдилар. Худоларнинг ҳар бир турини белгилаш учун, қурбонлик ва қонунларда кўзда тутилган ишлар билан уларнинг (одамларга) меҳрини орттириш зарур. Бу байрамларда қурбонлик қилингандан сўнг ёшлар турли жисмоний машқлар уюштиришлари керак бўлади. Байрам шод, хуррам ўтиши учун мадҳия ва танқиддан иборат бўлган кўшиқ турларидан фойдаланадилар. Буларнинг ҳаммаси хурсанд ва шодона қонунлар йўриғига киришга тарғибот этиш учун қилинади. Мадҳия ва танқидни эшитиш, агар у қонуни талаб қилганидай ҳаққоний бўлса, ёшларнинг қалбларига жо бўлиб, кураш орқали хайрли ишларга сазовор бўлишга ундайди, унинг раъйини кучайтиради, кўнгилларини тўқ этади ва жасоратларини оширади. Байрамларда қатнашувчи ёшлар баянларуви жисмоний машқлар ёшларнинг шаҳар учун фойдаси кўп бўлган кураш маҳоратларини ва азим кучларини ошириш учун зарурдир.

Шаҳар ҳокимлари ўз ишларига бепарво бўлишлари

мумкин эмас. Бу, қурбонлик қилишлар ва шаҳарларнинг маълум бир таркибий қисми бўлган байрамларни безатиш санъати билан машғул бўлган одамларга тааллуқлидир. Ҳокимлар шаҳар аҳолисидап ҳаддан ташқари кўп одамларни санъатнинг бу тури билан шугулланишларига руҳсат бермасликлари, шаҳар аҳолисини бузмаслик учун уларга шахсий эрк бермасликлари, бу санъатнинг ёмон томонларини кўриб одамларда нафрат пайдо бўлишидан сақлаш учун унинг ёмон жиҳатларини намойиш этмасликлари зарур. Бу ерда, ўзи асли табиатан нафратли ва қонушларга зарар келтирадиган нарсаларга нисбатан бўлган нафрат туйғуси мустаснодир.

Сўнгра Афлотун байрам кунларида бўладиган жисмоний машқлар ҳақида эслатиб, уларни номма-ном санаб ўтади ва ўша даврларда маълум бўлган ўйинларнинг ҳар қайсиси — суворийлик, қуроқ билан машқ қилиш ҳамда курашнинг фойдали томонларини кўрсатиб беради. Ушбу байрамона кўнгилхушликлар байрам кунини уларнинг юракларига жо бўлишини эслатиб ўтади. Ёшлар бундай ўйинларга қизиқиб оддий кунлари ҳам шугулланиб туришлари зарурлигини ва бу тадбирлар, токи ёшлар байрам мусобақаларидан олган ҳузурларини, қонунга хилоф нарсалардан олган ҳузурларидан афзал кўрадиган бўлгувларича давом этиши кераклигини уқтиради. Соҳиб қонун бу ғояни, айниқса, ҳузурларга тааллуқли ғояни яхши эсда тутиши керак. Унинг (ҳузур, кўнгилхушликнинг) фойдаси қанча кўп бўлса, зарари ҳам беҳад кўп. Афлотун бу ҳақда жуда кўп гапирди, сўнг ёшларнинг оқиллона, хайрли ишларига тўхталади. У, хайрли ишларнинг юракка қандай жо бўлиши ҳамда қонундан ташқари кўнгилхушликларнинг иллатли эканлиги ҳақида гапирди. Соҳиб қонуннинг энг асосий вазифаларидан бири юқорида эслатилган қонунларга қатта аҳамият беришдир.

Афлотун, бу соҳадаги қийинчиликлар, яъни бу маросимларни ҳимоя қилиш ва назорат ҳақида эслатади. Ўсмирлар ва ёмон шиятли одамлар фақат ташқи гўзалликка ошиқдирлар, шунинг учун уларнинг бундай хоҳишларини таъқиқлашда ҳокимлар қийин аҳволда қоладилар. Бундай ўсмирлар то бир балого учрамагунларича шундай қилаверадилар, охир-оқибатда бу аҳвол шаҳарни нохуш фалокатга олиб келади. Соҳиб қонун бундай масалаларга доимо эътибор бериб туриши, уларни назарда тутиши зарур. Шу қатори соҳиб қонун, ҳунармандлар, деҳқонлар, чекка жойларда яшовчиларнинг гуноҳ ишларига тегишли масалаларга ҳам эътибор бе-

риши. уларни тўғри йўлга солувчи қонунларни ишлаб чиқиши керак бўлади. Ниҳоят, соҳиб қонун, тавоф қилинадиган ерлар, пбодатхоналарга катта эътибор бериши керак, токи улар нураб, бузилиб кетмасин, уларнинг ёмон аҳволга келиши шаҳар аҳолисининг юракларини, ҳамда шаҳар ишларига мутасадди одамларнинг қалбларининг бузилиши, қабиҳлашишига олиб келади.

Одамлар ҳокимлар кўрсатган тўғри йўлдан боришлари ва қонуларининг тузилиши ҳамда моҳияти уларда ғазаб уйғотмаслиги учун соҳиб қонунлар ҳокимларни одамларни бошқаришга ўргатишлари лозим. Афлотун, озод туғилганлар ва қуллар, аспр, аспралар ҳаётдан мисоллар келтиради, одамлар орасидаги муносабатларга тегишли нуқталарда у жоҳил ва разил одамларни назарда тутати. У, битта раҳбар ёки бошқарувчи ҳамма ёзилмаган одатлар, қонунлар ва анъаналарнинг талаб-эҳтиёжларини биллиши мумкин эмаслигини эслатади, чунки у, бир гуруҳ одамлар ёхуд ўз мамлакатини бошқаришга моҳир бўлиши эҳтимол, аммо унга бошқа халқни, масалан унча кўпчилик бўлмаган халқни бошқариш топирилса, бу ишнинг уддасидан чиқолмайди, негаки, улардаги мавжуд талабларни, қонунларни ва уларнинг урфларини билмайди. Афлотун, дунгиз давлатлари ва қуруқликдаги давлатларнинг ҳокимлари ҳақида кўп мисол келтиради.

Афлотун ўғриллик масаласини ва мулк орттириш масалаларини кўриб чиқади. Мулк орттиришда унча хавф йўқ, аммо уни эҳтиёт қилиб сақлаш мумкин эмас. Агар, бошқа бировлар ҳисобига мулк орттирганлар жазоланмасалар, у ҳолда шаҳар аҳолисидан инсоф ва шуҳрат йўқолади. Мулкни эҳтиёт қилиб сақлаб ўз эҳтиёжига ишлатса, бу ёмон иш ҳисобланмайди. Юқорда айтилгандай, бирорнинг мулкни олиб ўз мулкни кўнайтирганлари, бирор қимматга эга нарсани ўғирлаган ўғриларни жазолагандай жазоламайдилар (уларнинг жпнойти баробар эмаслиги учун бўлса керак — тарж.) Афлотун узум ва бошқа мевалар билан боғлиқ мисоллар келтиради.

Афлотун турли санъатлар (ҳунарлар) ҳақида гапирди ва уларнинг ҳар биридан шу шаҳарга мансуб бўлган санъатларга мувофиқ равишда фойдаланиш зарурлигини тушунтиради. Қимми эрмак учун ва ўйин учун ёки заруратдан эмас, такаббурликдан ёхуд худди шу санъат билан шуғулланишга кучи етмаганликдан ё бошқа бирор сабаб билан шуғулланаётган санъатни ўзгартирса, шаҳар раҳбари унга бу ишни манъ этиши ке-

рак, зарурият бўлса жазолаши даркор, чунки бу санъатдан бекордан-бекорга ўтиш, давлат тузумига чалкашлик ва турли иллатлар кириб қолишига кучли сабаб бўлади. Афлотун бу ғоя тўғрисида ва бундай ҳодисалар туфайли бўладиган зарарнинг товоғи ҳақида жуда кўп гапирди.

Сўнгра Афлотун, шаҳар аҳолисига зарур бўлган озиқ-овқатлар тўғрисида гапириб ўтади. Шаҳарнинг ҳокимлари овқат масаласини бошқариб туришлари, соҳиби қонулар эса бу ишга беэътибор бўлмасликлари керак. Аксинча, улар шаҳар аҳолисини, шу қатори қуллар ва ҳайвонларни озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича, сўнгра шаҳарликлар бир-бирларига берадиган ҳадялар, совғалар тўғрисида қатъий қонулар жорий этишлари керак. Афлотун худоларга сиғиниладиган жойларни, шаҳар аҳолиси ўз манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал этиш учун йиғиладиган сарой, кошоналарни тасвирайди. Шундай жойлардан бири бозорлардир. Соҳиби қонулар ва шаҳар ҳокимлари буларнинг ҳаммасини ҳисобга олишлари зарур.

Афлотун олди-сотди масалаларини кўриб чиқади. Шу қатори одамларга зарур бўлган асбоб-ускуна билан таъминлаш, қадамжолар, ибодатхоналар, кошовалар, уруш ҳақида, сўнгра, шартномалар тузиш, чегаралар, динларга мансублик ва динлар ҳақида ёзади. Соҳиби қонун буларнинг ҳаммаси ҳақида жон куйдириши, ўйлаши зарур. Афлотун бу нарсаларни китобининг бўлимини охирида эслатиб ўтади.

ТЎҚҚИЗИНЧИ БЎЛИМ

Бунда Афлотун қонуларнинг асосий қондалари ва соҳиби қонун бу ишнинг ҳеч бир томонига бефарқ қарамаслиги, уларга риоя қилинишига ғамхўрлик қилиши зарурлиги ҳақида гапирди.

Кейин Афлотун қонунни ва унинг асосий қисмини такомиллаштириш лозимлигини айтиб ўтади. Ушбу шаҳар аҳолисининг энг яхши қонуларга янада сидқидилдан бўйсунушлари учун ўз руҳларини тарбиялашлари зарурлигини таъкидлайди, чунки эркин бўлиб тутилган (одам) уларга (қонуларга) ихтиёрни равишда, қул эса бузурилгандагина бўйсунди. Яхши фазилатларга эга бўлган шаҳар аҳолиси энг бахтиёр одам бўлишлари ҳамда қонуларга ихтиёрни бўйсунушларини таъминлаш учун қонуларни такомиллаштириш ва улардаги қондаларни мустаҳкамлашга ғамхўрлик қилишлари керак. Афлотун

муқаддас уйлар ва иншоотларни зиёрат қилиш ҳамда дўстлик энг олий фазилатлардан бири эканлиги ҳақида мисоллар келтиради. Ибодат қилинадиган уйларни эъзозламайдиган жоҳил одамларга қандай муносабатда бўлиш зарурлиги ҳақида эслатади.

Афлотун ота-оналар ва ҳокимларни менсимайдиганларни жиноятчилардай жазолаш зарур, деб ҳисоблайди. Ҳокимият вакиллари бундай ишларни ўз зиммаларига олиб, жиноятчиларни уларнинг жиноятларига қараб — таёқ билан уриб, жарима солиб, қатл этиб жазолашлари керак, деб ҳисоблайди. Агар (жиноятчи) жазога норози бўлса ва унинг ижро этилишига қаршилик қилса, бу билан қонунларга ташқи душманга қараганда кўпроқ зарар келтиради, деб эслатиб ўтади.

Кейин мерос масаласи кўриб чықилади. Агар шаҳарда катта авлодга мансуб, фойдали ишлар билан машғул бўлган бирор покдоман шахс бўлса, унинг иши давом эттирилиши зарур, бирор амал соҳибни вафот этса, унинг ўрнига бошқа бир одам ўтириши керак. Афлотун жазолар ва пул жарималари масаласини қисқача баён қилади. Ўғрилиқ ҳақида мисол келтиради. Агар ўғри ўғирлаганини икки баравар кўп қилиб қайтариб берса ва тавба қилса, у ҳолда жазо, қамоққа солишдан бошқа бир енгилроқ жазога алмаштирилади ёки жазо бекор қилиниши даркор. Афлотун, агар одамлар олий фазилатларга эга бўлсалар, у ҳолда улар қонунларга ҳеч муҳтож эмаслар ва жуда бахтпёрлар, деб тушунтиради. У, шаҳар аҳолиси қадимги қонунлардан баъзи бир ўғитларни топишлари ҳақида эслатади. Бу ўғитлар, соҳибни қонунларга камдан-кам эҳтиёж туғдиргани ҳолда, уларга ахлоқни тузатиш борасида анчагина фойда келтиридилар. Афлотун яна шеърятда акс этган ёзилмаган урф-одатлар ва умумий қонунлар ҳақида ҳам эслатиб ўтади.

Афлотун, хоҳлаб ва биллиб туриб қилинган ёвузлик ҳамда одат бўлиб қолган ва тушунмай қилинган ёвузлик, қонунлар нуқтаи назаридан бир хилда ёмон, улар шаҳар ишларига ҳам зарар келтиради ва бузади, деб ҳисоблайди. Афлотун (ёвузлик қилингани учун) бериладиган жазолар ҳақида гапирди, сўнгра у шаҳар аҳолисининг бир-бирига биллиб туриб ёки ногаҳон, билмай туриб келтирадиган зарарлари ҳақида гапирди. У, ўзларида маълум бўлган (давлатни, шаҳарни) бошқариш шакллари, адолат ва олижаноблик ва шуларга ўхшаш бошқа фазилатлар, уларнинг биллиб туриб ёхуд билмай амалга оширилиши ҳақида эслатади.

Афлотун ниҳоятда фойдали бўлган бир фикрни ту-

ишунтиришга интилади, бу — адолатнинг гўзаллигидир. Адолатнинг амалга оширилиши ва бу борадаги барча қилинадиган ишлар гўзалми ёки йўқми? Афлотун ўч олиш ва жиноятчини жазолашда адолатнинг моҳиятини таҳлил қилади. Агар қатл этиш, уриш, жарима солиш каби хатти-ҳаракатларнинг ўзи айрим олинса, улар умуман гўзал эмас. Афлотун бунга мисол келтириб айтдики, ибодат қилинадиган уйлардан бирига ўғриликка тушган одам ё урилади ёки қатл этилади.

Афлотун қуйидагиларни тушунтиришни ўзига мақсад қилиб қўяди: қонунлар туфайли тарбия тонадиган, улардан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган, фақат қонун йўриқларини бажариб, унга хилоф иш қилмайдиган, таҳсияга лойиқ одам борми ёки йўқми? Бу борада у одамлар орасида сақланиб келаётган улкан қарама-қаршиликлар борлигини айтиб ўтади. Кейин у идрок қилиб, билиб туриб эмас, билмасдан жиноят қилган шахсни жазолаш керакми йўқми, деган масала ҳақида гапирди, чунки, у одам барибир қачондир эртами-кеч жазосини олади-ку! Агар одам фаҳм ва фаросат қувватига эга бўлса, иллатлар келтирадиган ишлардан ўзини тияди, агарда у ўз инсоний руҳиятини менсимаса, у ҳолда табиатан иллатли бўлган ишларни қилишгача боради, эрта ё кеч у ўз қилмишларининг жазосини тортади. Сўнгра Афлотун жазолар ҳақида гапирди ва ўз замонасида маълум бўлган жиноятларга кўра жазоларни даражаларга бўлиб чиқарди.

«Муаллиму соний» ўзигача етиб келган китоб бўйича ушбу мавзунини ёритди. Бу китобни диққат билан ўрганиб, фикр юритганимиздан сўнг, биз ҳаким (Афлотун) ёзилмаган қонунларнинг маъносини тушунтириб беришни ўзига мақсад қилиб қўйган, деб хулоса чиқардик. Китобда билдирилган фикрлардан гўзал ва нозик маънолар, қимматбаҳо ғоялар дурдонасини топдик, бу маънолар ва ғоялар икки маротаба фойдали бўлдилар, чунки у (Афлотун) ўз олдига қўйган мақсад бизнинг ҳам мақсадимиз бўлиб чиқди. Бу китобдан қўлёзмаларнинг биз тайёрламаган бўлимлари тушиб қолди. Бу китобнинг бўлимлари сови (ҳар хил нусхаларда — тарж.) ҳар хил. Бировлар ўнта (бўлим) бор деса, бошқалар ўн тўртта, деб тасдиқлайдилар. Қўлимизда фақат баён қилиб ўтилган бўлимларгина бор.



ФАЛСАФАТУ АРИСТУТОЛИС

(Арасту фалсафаси)

БИРИНЧИ БЎЛИМ

Арасту инсон баркамоллигини худди Афлотунга ўхшаб, баъзан эса кенгроқ ҳам таҳлил этади. Аммо Арасту ўзи тушунтира олмаганида ёки ўз мулоҳазаларини ялми яқинийага эришишга молик бўлувчи далиллар ёрдамида осонлаштира олмаганида, Афлотун (одатда) бошлайдиган ҳоллардан эмас, балки улардан аввалгиларидан бошлаш зарур, деб ҳисоблайди. Шунинг учун Арасту, орзу қилинадиган бўлиб кўринган ва вақт нуқтаи назаридан бошқа истаклардан устун турувчи эзгулик деб билинадиган ва интилинадиган, (одамларнинг) мақсадлари тўртта, деб тушунтиради, булар: тан соғломлиги, туйғулар (аъзоларининг) соғломлиги, турли нарсаларни идрок этишга бўлган қобилият соғломлиги (бу қобилият борлиги учун ана шу соғломлик ҳам бўлади), интилишга бўлган қобилият соғломлиги (бу қобилият борлиги учун ана шу соғломлик ҳам бўлади).

Буларни (ҳаммасини) билмоқлик зарурий фойдали билимдир. Зарурий фойдали ва фаол интилиш — бу аввалан шундай интилишки, унда ўша интилиш бошқа бировнинг интилиши билан қўшилиб мазкур одам учун бўлади ёхуд (ўша интилиш) мазкур одамдаги интилиш билан қўшилиб бошқа биров учун бўлади ва бу интилиш бирор ҳаракат ёки мулоҳаза бўладими йўқми фарқи йўқ. Агар интилиш ҳаракатнинг ўзи бўлса, у ҳолда у дастлабки (биринчи) ва фойдали (интилиш) бўлади. Агар интилиш мулоҳаза бўлса, у ҳолда мулоҳаза сифатида фойдали бўлади. Арасту айтадики, ушбу тўртта интилинадиган мақсадлар инсон саломатлигининг энг олийжаноб ҳолатларидир ва улар шу билан бирга ўзгариб ҳам турадилар (бузилиш ёки баркамоллик тарафларига).

Сўнгра Арасту айтадики, осмон ва ердаги туйғу билан ҳис этиладиган нарсалар ва кўзга кўринадиган ҳолатларни ҳамда руҳнинг ўзидаги туйғуларнинг мавжудлиги сабабларини билишга руҳ доимо интилиб туради. Руҳ

лна, руҳиятда пайдо бўладиган бошқа ғоялар ва эсдаликларнинг ҳақиқий моҳиятини, хоҳ улар мазкур одам руҳида пайдо бўлаётган бўлсин, хоҳ бошқа бир одам руҳида пайдо бўлиб унга (мазкур одамга) маълум бўлган бўлсин, барибир билишга интилади. Аммо буларнинг ҳаммаси аввалги исталинаётган мақсадлар (мажмуасига) кирмайди. Уларни идрок этиш билан руҳ на соғломлик ва на бошқа бирор нарса учун фойда топмайди, улардан руҳ фақат билимни билан сифатидагина ўзлаштиради. Юқорида айтилган нарсалардан бир нимани билиб олган одам қувонч ва ҳузур топади.

Агар инсон хайрихоҳлик, гўзаллик, олийжаноблик ва улуғворликка бошқа одамлар орқали эмас, балки ўзи ва ўз руҳи ўртасидаги мавжуд нарса орқали эришган бўлса, у (одам) ҳақиқатан ҳам хайрихоҳлик ва баркамолликка эришади. Буни унинг ўзидан бошқа ҳеч ким сезмаган тақдирда ҳам унинг руҳи улуғвор ва олийжаноб бўлади ва ўша одам бу фазилатларга эришганидан бағоят хурсанд бўлади. Шу билан бирга у одам маълум бир даражада ушбу хайрихоҳликларни унга халқ бахшида этган деб ўйлайди. Ёки ўзидаги фазилатларнинг баркамоллиги, улуғворлиги ва таҳсинга сазоворлигига, айниқса кўпчилик одамлар эришиб бўлмайди деб тасаввур қилган хайрихоҳликларга эришганига халқ сабабчи, деб ўйлайди.

Аммо кўпчилик, юқорида зикр этилган нарсалар ва маълумотларни билиш шарт эмас, исталинувчи мақсадларга уларнинг фойдаси тегмайди, аксинча, ўзининг зарурияти ва фойдалилиги билан ҳам ортиқчадир, деб ҳисоблайдилар. Шунга қарамай улар (бу билимни) улуғвор ва олийжаноб дейдилар. Инсон интилувчи билимни улар аввалан икки хилга бўладилар: а) ўша исталган тўрт мақсаддаги соғломликка эришишда инсон фойда топишига ёхуд энг юксак даражадаги соғломликка молик бўлишда ёрдам берувчи, хоҳланмиш билим; б) ўзи ҳар қанча фойдали бўлса ҳам ортиқча бўлган бирор нарса учун эмас, балки ўз-ўзинча хоҳланиладиган билим. Билимни бундай бўлиш тўғри, чунки у, руҳлар орасида алоқа ўрнатилишидан анча олдин руҳларнинг ўзлари (айрим-айрим) ўша билимларга интилишларига имконият яратади. Ушбу билимлардан бирнга ҳаракатни (унинг ёрдамида) рўёбга чиқариш учун мурожаат қиладилар. Боника билимдан ўзларини тортадилар. Билимнинг биринчи хили «амалий», иккинчиси эса — «назарий», — деб аталади.

Аммо одамлар, ўша тўрт истаминлувчи мақсадлардан

нималар фойдали эмаслигини фаҳм этиш учун баъзан ўз ҳис-туйғуларидан фойдаланадилар. Улар сезги-ҳиссиёт орқали идрок этилувчи нарсаларни билишга интиладилар, аммо уларни ўз сезгилари туфайли идрок қилсалар ҳам масалан, ҳайкалтарошлик, инжа расмлар, оромбахш куйлар, хушбўй ислар, позик буюмларни билган каби билсалар-да, улардан истилинаётган мақсадларга (эришиш) учун эмас, балки фақат завқ олиш учунгина фойдаланадилар. Бу ҳолда завқнинг маъноси, хайрихоҳликка эришишдан, хайрихоҳ (завқда) эришиш маъқул кўрилганидан иборат бўлиб қолади холос. Ҳузурга эришмай ҳузурланиб бўлмайди, унга сезги-туйғу орқали эришилгандагина у намоён бўлади ва сезмай туриб туйғусиз ҳузур олиб бўлмайди. Бошқа сезги орқали эришилдиган билимлар ҳам шу йўсунда мавжуддирлар. Баъзан инсон идрок этиши ва билиши орқали завқ олувчи сезги-туйғу орқали идрок этиладиган нарсаларнинг мавжудлиги сабабини (кўрсатувчи) билимларга инсбатан бу билимлар (яъни фақат ҳис этиб олинган билимлар) ташқи билимлардирлар. Аммо инсон афсоналар, латиқалар ва халқ ривоятларини билишдан ҳам қувониб, ҳузур олади. Бунинг (ҳақиқий) қувонч олиш учун аҳамияти йўқ. Ҳикоя қилувчи, афсоналарни айтувчилар, шеърят ва халқ ривоятларини эшитувчи, кейин бошқаларга айтиб берувчиларга инсбатан бўлган фикр ҳам шундай. Одамга айтиб берилган ва «ўқилган» шеърят ҳамда афсоналардан пайдо бўладиган ҳиссиётлар у оладиган қувонч, ҳаловат ва ҳузурни вужудга келтирадиган ҳиссиётлардир. Энг юксак, баркамол билим (даражасига) эришган ҳар бир инсон энг юксак ҳузурга моллик бўлади. У руҳида баркамол билимга эришган чоғида ундан оладиган ҳузур ҳам тўлақонли ва баркамол бўлади. Бу билимлар ва камолот ҳам фақат ўзича билим ва камолот бўлиб қоладилар ва ҳузурни, айтилган истилинувчи тўрт мақсадда эмас, уларнинг ўзидан (шу билим ва камолотдан) оладилар. Шунга қарамай, одамлар улардан фойдаланадилар. Истилинувчи (тўрт) мақсад учун ҳузурланишга эришмоқ ниятида улардан фойдаланиш тасодифий бир ҳолдир.

Сўнгра, Арастунинг фикрича, зарурий билимлар худди одам билан дунёга келгандай унга туғилишидан бери тааллуқлидир, улар ҳис-туйғу орқали эришилгандаёқ кўпроқ табиатдан эҳсон қилингандирлар. Баъзан инсон ўша истилинаётган мақсадларнинг соғломликларига етишмоқ учун ҳис-туйғудан олган билимлардан фойдаланадилар. Сўнгра Арасту айтадики, инсонга эришилган билим-

лар етарли бўлмаганидан, у инсон туғма билимлардан фойдаланишга интилади. Агар ўзига зарур бўлган жиҳатларга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлса, у ўзи бажариши зарур ва муҳтожлик ҳис этган ишларни рўёбга чиқаришни учун туғма билимлар ҳам етарли эмаслигини тушунади. Шунда инсон билимларнинг (бошқа) кўп турларига ҳам мурожаат этади ва токи улар устида фикр юритмай, ўрганиб чиқмай ҳеч ишга қўл урмайди. У ўз ташаббуси билан доимо бошқалар учун наф келтиришни хоҳлайди, бошқаларни саволларга тутати, ўзи ўйлаган нарса тўғрисида бошқалар билан маслаҳатлашади. ўзининг кашфиёти ва эҳтироси тўғрими, йўқми билгиси келади. Буларнинг ҳаммаси билимларни бошқарувчи туғма қобилият қувватининг кўрсаткичидир. Фикрлаш ва таҳлил этиш туфайли одам ўзида аввалидан номаълум бўлган билимларни топади. Кўпинча у қайси хулоса фойдали, қайси бири зарарли эканлигини билмай ҳайратланиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Кўпинча у таҳлил, текширувлар натижасида кашфиёти, аввал ўзи сезмаган бўлса ҳам, хато эканлигини кейин билиб қолар.

Фанларга рағбат қилиб, уларни ўрганиб, таҳлил этиб инсон улардан баъзилари ишончли ва ҳақиқий, баъзилари эса — бўш ва аҳамиятсиз эканлигини билиб олади. Аммо у ўз изланишлари туфайли ҳақиқатга олиб борувчи йўлда турган бўлса, у идрок этмоқчи бўлган нарса ҳақидаги камолот даражаси бўлади, бу баркамоллик. ўзининг ҳаққонийлиги билан интиҳосига етиб бормаган бир чегара, ўзидан кейин яна бир ҳадди бор манзилдир. Амалий фанларга эришиш борасида инсоннинг ҳолати шундай тасаввур этилади.

Арасту, амалий фанларга эришишнинг учта усули бор деб тушунтиради, улар: 1) ҳис-сезги ёрдамида; 2) ҳис-сезги орқали эришилган билимлардан миқдор жиҳатдан кўпроқ бўлган биринчи (жибиллий) билим ёрдамида; 3) таҳлил, текширувлар ёрдамида. Назарий фанларда ҳам шулар борга ўхшайди. Эришишнинг уч усулига идрок этишнинг уч усули тўғри келади: 1) ҳис-сезгилар; 2) ҳис-сезгидан олинган билим маълумотидан кўпроқ бўлган биринчи билим маълумотлари; 3) текширув, таҳлил натижасида олинган маълумотлар. Текширув, таҳлил натижасида олинган билимларни дастлаб, ҳали текширилмаган нарсалардан олинади. Ўрганиб, текшириб чиқишдан аввал улар изланилаётган мақсад бўлганлар ва «идрок этиш нуқталари» деб аталганлар. Фан талаб этадиган жиҳатни аниқлаш учун фойдаланиладиган дастлабки маълумотлар «муқаддимот» деб аталадилар.

Фан текширадиган нарсаларни «матлуб ал-мақсад» деб, ўрганилганларини эса — «хулосот» деб атайдилар. Шундай қилиб, бу уч нарсанинг ҳаммаси олдиндан мавжуддирлар.

Арасту, инсон фойдали нарсалар ҳақидаги билим ҳақиқатига етиша олмайди, деб тушунтиради. Инсон ўзининг интилиши қандай эканлигини ва фойдали нарсалардан қайси бирига интилиши зарурлигини билолмайди, интилишининг чегараси ва бу чегара аниқланганими, патижаси борми, йўқми унга номаълумдир. Аммо биз, инсоннинг эслатиб ўтилган исталинувчи мақсадларнинг соғломлигига эришишга интилишини биламиз. Агар инсон аниқ бир мақсадга етишиш учун фойдали нарсалардан қайси бири кераклигини, кўриб ўтилган тўрт мақсаддан қайси бирлари зарурлигини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрса, унда масала, қуйидагиларга ўхшаш саволларга: ҳис-сезги соғломлиги бадан соғломлигига боғлиқми, йўқми ёки бадан соғломлигини таъминлаш учун ҳис-сезги соғломлиги зарурми ва ҳис-сезги туфайли бадан соғломлиги барқарорми ёхуд буларнинг ҳаммаси айрим бир фойдали нарсани сақлаб туриш учун керакми, деган саволларга жавоб излашга аҳд қилганда у қийин аҳволга тушиб қолган бўлар эди.

Агар сезгилар мақсаднинг ўзи бўлсалар, унда улардан баданни соғломлаштириш учун фойдаланиш керак бўлмаса эди, чунки баданни, ҳис-сезгиларнинг борлигини таъминловчи бир ускуна, ёки воситачи ёхуд ашё деб ҳисоблаш мумкин. Бадан соғломлиги ва интилишлар қуввати соғломлигининг мавжудлигини сақлаб турувчи инсонга хос қобилият ва интилишлар қуввати ҳис-сезгилар соғломлигининг мавжудлиги, бор бўлиши учун хизмат қиладилар. Баъзан сезгилар таъсири ва шу ҳис-сезгилар туфайли бўладиган инсон истаги ва амали мақсаднинг ўзи бўлиши мумкин.

Бу хулосаларнинг ҳаммасига эътироз билдириш мумкин. Аммо биламизки, биз ўзимизнинг баданларимиз ва бошқа барча нарсаларни соғломлаштириш учун ёрдам берувчи нарсага эришиш ниятида ўз ҳис-туйғу сезгиларимиздан фойдаланамиз ёки улардан бири (яъни ҳис-сезги) бошқа бири (яъни баданни соғломлаштириш) учун мавжуддир деб ҳисоблаймиз. Шундай қилиб айланаверадимиз: уларнинг баъзилари бошқалари учун ва бошқалари туфайли мавжуддирлар.

Инсон, мақсадга етиб бормаслик ёки мақсади бўлмаган нарса олдига етиши учун эмас, аксинча ўзининг интилишларининг маълум бир мақсади бўлиши учун

Ҳақиқатга етишишни хоҳлайди. Ҳазининг руҳи табиатан бадан соғломлиги ва ҳис-сезги соғломлигига боғлиқлигини ва соғломликнинг бу ҳолатларни исбот талаб қилишини инсон тушунади. Уларни ҳақида аввалам тугал билим бермайдиган, аммо бу билимнинг арзимас улушини берувчи нарсаларнинг борлиги туфайли айтиш мумкинлиги, инсон камолотга эришишга ё табиатан ёки истаги ва саботи ила интилади.

Аммо бадан соғломлиги ва ҳис-сезги соғломлигидан олинмаган нарсани одамнинг болалик ва ўсмирлик даврларида эришадиган (нарсаларга) ўхшайди. Бадан соғломлиги ва ҳис-сезги соғломлигининг қисқариши болалик ва ўсмирлик даврининг қисқаришига ўхшаса керак. Баъзан, бадан соғломлиги бошқа (бир) мақсадга қаратилган бўлиши ҳам мумкин, у ҳолда ҳис-сезги соғломлиги, бадан соғломлигига шароит яратувчи, шу соғломликка эришиш учун фойдаланиладиган мақсадга асос бўлиб қолади. Агар инсон, бадан ва ҳис-сезги соғломликларини, шу ҳис-сезги ва бадан соғломлигини таъминловчи фарқ этиш кучи соғломлигини ҳамда интилиш кучи соғломлигини чегаралайдиган бўлса, жуда мушкул аҳволга тушиб қолиши мумкин. Кейин у, бадан соғломлиги ҳолати яхшими ёки ҳис-сезги соғломлиги ҳолати яхшими, деб ўйлаб қолган бўлар эди, гарчи кўпчилик айтганидек энг афзали ҳис-сезги, туйғу соғломлиги бўлса ҳам. Сўнгра у инсон фарқ этиш кучи яхшими ёхуд интилиш кучи яхшими, деб ўйлашга тушар эди. Буларнинг ҳаммасини тушуниш ниҳоятда мушкул ишдир.

Кўйидагиларни ҳам инсон мулоҳаза қилиб тушуниши жуда қийин. Агарда изланилаётган мақсадлардан энг зарурийлари чекланиб қўйилса ёки уларни камолот даражасига етказилса, ушбу истак-хоҳишларда меъёрдан ўтиб кетадиган ва инсонга хос бўлмайдиган нарсани унинг руҳи хоҳлайдими, хоҳламайдими? Ёки, унинг руҳи ҳар бир изланилаётган мақсадлардан ҳар бирининг баъшарият учун баркамол ва инсонга хос бўлган энг яхши ҳолатига интиладими?

Рухий ҳақиқатга эришишда нималарга интилишини, руҳиятида нималар пайдо бўлаётганини, кўришиб турган нарсаларнинг асосларини, моҳиятини билишда, бу оддий инсоний билимга эришишга бўлган интилиши ёки на фанларга, на умуман одамга тааллуқли бўлмаган ҳаддан ташқари хоҳиши ёки ўша изланилувчи тўрт мақсадга онд бўлган, ҳақиқатан ҳам чин инсоний хо-

ҳиши, бундай масалаларни мулоҳаза қилишда инсон кўп қийинчиликларга дуч келади.

Ушбу, инсонга хос, изланилаётган тўртта мақсад ҳайвонларга ҳам тааллуқли. Чунки ҳар бир ҳайвоннинг ҳам бадани, ҳис-сезгиси фарқлаш қобилияти бор ва шулар туфайли ўзининг бадани ва ҳис-сезгисининг соғломлигини сақлаб қолишга интилади. Аммо ҳайвонда ҳис-сезги орқали идрок этиладиган нарсаларнинг мавжудлиги сабабларини билишга ва ердаги барча нарсанинг (мавжудлиги) сабабларини билишга бўлган интилиш йўқ, мавжудлиги сабабларини билишга бўлган интилишни пайдо қилувчи нарсаларга ҳайвон ҳеч ҳам ҳайратланмайди.

Қуйидаги масалаларни мулоҳаза қилганда ҳам инсон кўп қийналади. Инсоннинг билимга бўлган интилишининг сабаби нимада? Агар соф инсоний сифат бўлмаса, инсонни ҳақиқат томон йўналтирувчи, билиш, идрок этишга бўлган интилиш қобилияти ва биринчи, дастлабки билимлар унга нега берилган? Балки булар (фақат) одамзотга хос хислатлардир?

Эҳтимол, одамзот яндан баъзи одамлар, ё ўзларининг асл моҳиятлари ёки тасодиф кучи туфайли бўлган билимлари билан энг баркамол инсон бўлолсалар керак. Балки билиш, инсон моҳияти ёки инсон моҳиятининг таъсирларидан биридир. Агар-да билиш, инсон моҳиятининг таъсиридан бири бўлса, унинг моҳияти, бу таъсир (ҳаракат) рўй бераётган онда энг юксак баркамолликка эришишга бўлган интилиш узра пайдо бўлган унинг (моҳиятининг) таъсири (ҳаракатидан) иборат бўлади. Шундай экан, ўша таъсир (ҳаракатни)ни пайдо қилувчи нарсани ўзи нима ва унга интилувчи ҳар бир инсон учун у, изланувчи мақсадми ёки йўқми, билиб олиш керак бўлади.

Ҳақиқатан ҳам одамлар зарурат орқали ўзлари эҳтиёж сезган ҳолатларни билишга, идрок этишга интиладилар. Нрсаларни идрок этиш, билиш учун зарурат тугилмай туриб билим хайрли бўлмайди. Яна, билим сифатининг даражаси, зарурий даражадан ошиб кетмаслиги керак. Инсон интилаётган нарса ҳаддан зиёдми йўқми ва инсонга табиатан хос бўлган бу ҳаддан зиёд хоҳишни чегаралаш ва босиб туриш керакми ёки умуман йўқотиш зарурми? Бу саволларнинг барчаси мулоҳазалар юритишни талаб қилдилар ва улар бўйича кўпдан-кўп турли фикрлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси ҳайратга соладиган масалалар, турли фикрлар мавжуд бўлган мулоҳаза мавзуларидир.

Одам агар булардан (турли фикрлардан) биронтасяни афзал кўрадиган бўлса, бу ишни у, ё ўзини қониқтириш учун, ёки бошқа бировни қониқтириш учун қилган бўлади. Бу ҳақда турли фикрлар кўп. Лекин одамнинг имкониятлари чегараланиб қўйилса, бу билан унга хос турмуш, ҳаёт кечирish сифатини чегаралаб қўйилмайдими?

Агар одам, бадан ва ҳис-сезги соғломлиги, табиат эҳсони бўлган фарқ этиш ва билиш қобилияти, ҳамда эркин танлашга бўлган ният ва қобилият ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлса, у ҳолда инсонга табиат томонидан, ҳайвонот, наботот ва табиатдаги бошқа нарсаларга ҳам берилган қобилиятлар, бадан ва ҳис-сезги соғломлигига эришиш учун етарлими, йўқми, деган савол туғилади.

Агар ният ва эркин танлаш мақсад бўлсалар, табиатдан олинган қобилиятлар бадан ва ҳис-сезги соғломлигига эришиш учун етарли бўлса, у ҳолда нега инсонга ният ва эркин танлаш (имконияти) ато этилган? Балки, ният ва эркин танлашни табиат ҳаддан ортиқ бергандир, унда уни чегаралаб қўйиш керак бўлади. Аммо табиат ато қилган ният ва эркин танлаш (имкониятини) қандай чегаралаш мумкин? Агар ният (хоҳиш) ва эркин танлаш одамга хос бўлса, улар табиат берган бадан ва ҳис-сезги соғломлигига эришишга хизмат қиладиларми? Ёки инсонга табиатан хос бўлган нарса, ният ва эркин танлаш туфайли инсонда мавжуд бўлган нарса учун хизмат қилар? Ёки туғма одат ва ният биргаликда, инсон бошқа бир нарсага роя қилиши учун хизмат қиларлар? Инсон эришган энг юксак камолот, табиат ато қилган камолот даражасининг ўзими ёки унга етарли даражадаги (камолот) эмасми? Инсон эришган баркамоллик, ният ва эркин танлов натижасими ёки улар ва яна, туғма, жибиллий одат туфайли эришилган, унинг моҳиятига бопс баркамолликми ёки бу баркамоллик бошқа бир алоҳида сифатда намоен бўладими?

Қисқаси, инсоннинг энг юксак баркамоллиги бўлган мақсад ўзи нималигини билиш керак бўлади. Бу энг юксак баркамоллик инсоний моҳияти ёхуд инсон асл моҳиятга эга бўлгандан сўнг пайдо бўлувчи таъсир (ҳаракат) ми, аниқлаш зарур. Ушбу энг юксак баркамоллик, инсонга табиат ато қилган нарсами ёки табиатдан олинган модда (материя) бу баркамоллик учун асос ва манбаъни тайёрлаб берадими ва уларни (асос, манбаъларни) инсон ўзининг нияти ва прода эркинлиги воситаларида ана шу энг юксак баркамолликка эришиш учун фойдаланадими? Одамнинг бадан ва ҳис-сезги соғломлиги унинг

«одамнинг) моҳиятини белгиловчи нарсанинг соғломлиги ёки улар (бадан ва ҳис-сезги соғломлиги) нуқсонлардан иборатмилар? Буларнинг ҳаммаси барча ҳайвонларга ҳам тааллуқли бўлгани учун бадан ва ҳис-сезги соғломлиги инсоннинг ўз-ўзича моҳият касб этишига тайёргарлик ва манбаъ бўлиб қолади.

Инсон нарсалар, буюмларни билгани туфайли интилайтгани, ҳамда шу билимга эга бўлиш борасида фақат ҳақиқатни билиш билан чегараланиб қолиши, инсон моҳият кашф этишига сабаб бўладиган баркамоллик учун фойда келтирадими? Ёки ҳақиқатни билиш инсон моҳиятининг таъсирларидан бири бўлиб, у туфайли инсоний моҳият баркамолликда ўзининг энг юқори даражасига кўтариладими?

Бу саволларга жавоб топш учун ҳам, инсоннинг асл моҳияти нимадан иборат эканлигини, унинг энг юксак баркамоллиги қандай, одам моҳият касб этишига ва ана шу энг юксак баркамолликка эришишга унинг (моҳиятининг) таъсири нималардан иборат эканлигини таҳлил қилишга одам мажбур бўлади. Бунинг учун у, инсоннинг ўзининг қандайлигини, инсонийлиги нимадалигини, буларни билишга интилиши учун (агар шундай интилиш бўлса) унинг мавжудияти нега яратилган ва лимадан иборат эканлигини билиб олмаса, идрок этмаса, у ҳолда қандай мақсадга интилиши зарурлиги мавҳум бўлиб қолади.

Арасту, ҳақиқий инсоний фаолият бўлган фаолият (ҳаракат), агар инсоннинг кoinотда яратилиши сабаби бўлган мақсад аниқ маълум бўлса, у ҳолда инсон унинг (koinотнинг) бир қисми эканлиги ва шу koinот билан бир умумийликни ташкил этиши ҳақида хабар беришини тушунтиради. Агар тўқувчи, косиб ва шаҳар фуқаросиянинг ҳар бири ўзининг нега яшаётганини билмаса мақсад ва манфаат даражаси мавҳум бўлса, ҳар бирининг айрим-айрим мақсадлари ҳам номаълум бўлади, бу худди, агар бўлақлардан иборат умумиятнинг мақсади номаълум бўлса, унинг бир бўлагининг мақсадини аниқлаб бўлмаслигига ўхшайди. Шунга ўхшаш, токи бадандаги бошқа аъзолар орасида қўлнинг моҳияти, мақсад ва фаолияти номаълум қолар экан, бир бармоқнинг ҳам моҳияти, мақсад ва фаолияти номаълум бўлиб қолаверади. Биз аввало бутун вужуднинг охириги, энг юксак мақсадини билиб олишимиз зарур. Шундай қилиб воқеликлар умумлашмаси, ҳар бир бўлагининг мақсади ё шу бўлакнинг ўзи ёки барча умумият эриша-

диган сўнгги мақсадга сабаб бўлувчи муқаррар, зарурий фойдали бир нарса бўлади.

Муқаррар, инсон коинотнинг бир бўлаги (қисми) экан, ва агар биз унинг мақсадини, фаолиятини, фойдалилигини ва (бутун борлиққа муносабатининг) даражасини аниқламоқчи бўлсак, биз аввало бутун коинотдан келиб чиқадиган мақсадни билиб олишимиз зарур бўларди. Шунда бизга, бутун коинот мақсади бўлган мақсадга эришишда, шу коинотнинг бир бўлаги бўлишимиз зарурлиги равшан бўлар эди. Одамга тааллуқли нарсани билиш учун биз одамнинг мақсадини (ундан пайдо бўлувчи мақсадни) ва инсоний баркамоллик (нима эканлигини) ни билишга интилишимиз зарур. Бунинг учун биз бутун коинотдан келиб чиқувчи мақсадни билишга мажбур бўламиз. Аммо бунга, бутун коинотни ташкил этган барча бўлақларни ва уларнинг асосларини билмай туриб эришиб бўлмайди. Биз, бу мақсад ўзи нимадан иборат эканлигини, қандайлигини, нима туфайли ва нима учун у мавжудлигини билишимиз керак. Бу бутун коинотни ташкил этган барча нарсалар мажмуасига ҳам, унинг ҳар бир бўлагига ҳам тааллуқлидир.

Инсонга икки нарса хос. Улардан бири — табиатдан олинган, бошқаси — ният (хоҳиш) бўйича. Агар биз табиатан олинadиган баркамоллик ва шу баркамоллик маҳсули бўлган мақсад ҳақида билишни хоҳласак, у ҳолда биз сўнгги мақсади инсон бўлган табиат умумлашмаси ҳақида билишимиз керак бўлади, (ўз навбатида) инсоннинг ўзи ҳам шу коинот мақсадлари умумлашмасининг фитрий қисмидир. Дарҳақиқат, агар коинот табиатга тааллуқли бўлса ва унинг кўплаб бўлақлари ҳам табиат ашёларига кирса, у ҳолда, табиатан коинотни билдирувчи ҳамма нарса — бутунини ё бўлагини ва ундан инсонга табиатан хос бўлгани ҳақида, тадқиқот, мулоҳаза ва ўрганиш орқали айрим фикрлаш керак бўлади. Бундай тадқиқотни «табiiй фикрлаш» деб аталади. Инсонга ва бошқа нарсаларга тааллуқли ният хоҳиш орқали, ҳамда ният хосилаларидан келиб чиқадиган хос нарсалар тадқиқот, мулоҳаза ва ўрганиш орқали кўриб чиқилади ва уни «продага асосланган инсоний билим» деб аталади. Бу ҳолат башариятга тааллуқли бўлгани учун бир одамга ҳам тааллуқлидир.

Агар инсон яратилишининг мақсади бўлмиш баркамоллик инсонга фақат табиатан хос бўлганида ва фақат яхши ният билан амалга оширилганида эди, у ҳолда баркамолликка етиштирувчи фаолият ва ҳаёт тарзи фақат чин инсоний фазилат, эзгу ишлар ва фаолиятлар,

гўзал ҳаёт тарзи бўлур эди. Аммо инсонни ушбу баркамолликдан маҳрум этадиган ҳолатлар ҳам бор, улар инсоний бўлмаган фаолиятлар ва ҳаёт тарзи бўлиб, улар мараз, хунук ва ёмон ишлар ҳамда ёмон фаолиятлардир. Биз улардан қайси бирларини қабул этишимиз ва қайси бирларидан ўзимизни олиб қочишимиз кераклигини билиб олишимиз зарур бўлади.

Агар инсонга табиатан хос бўлган бирор нарса вақт ўтиши билан ният ва эркин танловга ўтса, у ҳолда аввал унга табиатан тааллуқлисини, кейин эса эркин танлов орқали ўзлаштирганини таҳлил этиш керак бўлади. Демак, агар инсонга ният ва эркин танлов орқали тааллуқли бўлган ёки улар (ният ва эркин танлов) нинг иккисининг ҳосиласини аниқлаш мумкин бўлмаса, у ҳолда дастлаб инсонга табиатан хос фазилатни таҳлил этилади. Инсон этишиши зарур бўлган ва ўзи учун уни билиши шарт деб қабул қилинган билимни илм ал-йақинийа (ишонч илми) дейилади. Инсонга табиатан ва ният орқали мансуб нарсаларни, илм ал-йақинийа тадқиқ этганларининг барчасини инсон дастуруламал этиши керак бўлади.

Шундай қилиб, Арастунинг фикрича, инсон аввало илм ал-йақинийани, бу илмининг салмоқ жиҳатидан қанчаллигини, қандай хиллари борлигини, қандай мавзуларни ўрганишини, унинг изланаётган мақсадлар билан қандай қилиб ва нималар туфайли муносабати борлигини билиб олиш керак. Қаерда ва қандай қилиб ва нимадан улар пайдо бўладилар? Илм ал-йақинийани тадқиқ этиш пайтида қандай тўсиқлар, қаршиликлар бўлиши мумкин. бу қаршиликларнинг ўзи нималардан иборат? Илм ал-йақинийани ўрганишнинг қандай шакллари бор, унга ўқитадиганлар бу шаклларнинг қайси биридан фойдаланадилар, ҳақиқий, ишончлиликнинг қайси даража ва туркумлари ишлатилади, эътиқод, ишонтиришнинг ҳамда тасаввурнинг шаклларида ўқитиш даврида фойдаланиладими? Илми-ал-йақинийани ўрганиш ва уни идрок этиш қобилиятини бахш этувчи санъат, қандай санъат, у нималардан иборат, бу санъатларнинг қанча турлари бор, уларнинг ҳар бири ўзи қандай? Ўрганишнинг бошқа ҳамма турлари бўйича қобилият берувчи санъат нималардан иборат?

Сўнгра Арасту, турли туркум, даражадаги одамларни қандай, нималарга, билимларнинг қайси турларига ўргатиш зарурлигини тунуштиради, токи ҳар бир инсон ўзи интилайтган мақсадни яхши тасаввур этсин, кўр-кўрона

жоҳелиятда қолмай шу билимни ўзига раҳнамо, дастур қилиб олсин.

Кейин у, баҳслардан келиб чиқадиган софизмлар нималигини, улар нималар билан узвий боғлиқлигини, қанча турлари борлигини, қандайликларини тушунтиради. Турли софизмлар таъсирида бўлган инсоннинг ёмон хислатлари ва ҳолатлари ҳақида мисоллар келтиради, софизмларнинг қайси турлари қандай ҳислатлар туғдиришини кўриб чиқади. Кейин у, бу хислатлар ва ҳолатлар бешта эканлигини айтади. Улардан қайси тарафдан огоҳ бўлиш зарурлигини тушунтиради.

Фақатгина «ас-санаъий мантиқийа» («мантиқ санъатигина») софизмлардан сақлайди, у руҳнинг оқил қисмини тўғрилайди, руҳни илми йақинийа ва фанларни ўрганиш, тадқиқ этишининг фойдали жиҳатлари томон йўллайди. Бу санъат воситасида руҳнинг оқил қисми, ўқитиш силсиласида путқ ва суҳбатлардан қандай фойдаланишини, баҳслар қандай қилиб софизмларни келтириб чиқаришини билади, уларнинг биридан фойдаланиб, биридан огоҳ бўлмоқ учун билиб олади.

Арастунинг фикрича, кўлдан-кўп фанлар орасида бир тури (Фаробий тури ал-жинс дейди) борки, у уч хилда намоён бўлади, улар «мантиқ санъати», «табиат ҳақидаги фан» физика ва «ниятлар ҳақидаги фан»лардир.¹ Мантиқ санъати бу икки фандан олдинроқ, юқорироқ туради ва бу икки фанга эришган ҳар бир кимсани мантиқ санъати синовдан ўтказади, бу икки фан, яъни — табиат ҳақидаги фан физика ва ниятлар ҳақидаги фанларга келсак, улар мавжуд бўлган, ўз жинслари пла бир хил нарсаларни қамрайди, мантиқ фани эса, аввало физика ва ниятлар ҳақидаги фанлар қамраб олган нарсалар тўғрисида билим беришга интилади. Модда материя ва мавжуд ашёлар бу учта фан нуқтаи назардан бир жинсдаги нарсалардир, деган фикр бор. Мантиқ фани бу икки фандан пешвороқ бўлганидан, бу уч фанга мансуб мавжуд нарсаларни биринчи бўлиб текширади, ҳисобини олади. Бу уч фан табиатан барча мавжуд нарсаларни ва ният бўйича барча мавжуд нарсаларни ўрганадилар. Табиатан мавжуд нарса, табиий нарсаларни ўрганувчи фанга тааллуқли бўлади. Мавжудлиги фақат ниятга боғлиқ нарсалар, ниятлар ҳақидаги фан тасарруфига киради. Агар улар бирлашган бўлиб, уларга

¹ «Ниятлар ҳақидаги санъат» деб инсоннинг идрок этиш, билиш қобилиятини ўрганувчи, «идрок этиш, билиш илми»ви назарда тутилади.

табиатан ва иният туфайли эришилса, бу иккала фанга тааллуқли бўладилар...

Шунинг учун Арасту, муқаддимот берувчи нарсаларнинг жинс турларининг изланадиган мақсадлари бор ва уларни тадқиқ этадилар, уларга кўпчиликка маълум сўзлар ишора қиладилар, деб ҳисоблайди. Бу нарсаларнинг ҳақиқатан мавжудлигига ҳис-туйғу (шуъур) шаҳодат беради, ҳар бир ақлан идрок этиладиган моҳият эса, ҳис-туйғу ила ўзлаштириладиган нарса ҳисобланади.

Мавжуд нарсаларнинг ушбу хиллари ўн жинсга — турга бўлинадилар ва улар синф—категориялар, деб аталадилар, улар «Катагурияс» ёки «Китоб фи ал-маъқулот» номли рисолада тасвирланганлар. Бу жинслар табиий фанлар ўрганадиган нарсалар бўлиб, шу билан бирга ё «моҳиятини» ёки «қанча» лигини, ёхуд «қандай» ва ҳоказо эканлигини билдирадилар.

Сўнгра Арасту, мантиқ санъатининг таъсири ва ундан қандай фойдаланиш зарурлигини таҳлил этади.

У. мавжуд нарсаларнинг мазкур хиллари навлари қандай тафаккур этилишини, улардан муқаддимот келиб чиқишини, бу муқаддимот қанча хилларга ўтишини, улардан изланадиган мақсадлар қандай пайдо бўлишини, муқаддимот ва изланадиган мақсадлар қайси нуқтада бир-бирлари билан туташилари ва ажралишларининг сабабларини тушунтиради. Ҳар бир изланувчи мақсад умумияти ила, заруриятдан ҳақиқат ва ёлғонни билдирувчи икки қарама-қарши мулоҳаза ўрганадиган мавжуддир. Улар ўрганишда бу икки қарама-қарши мулоҳазаларнинг қайси бирлари ҳақиқатлиги номаълум бўлади. Ҳақиқий билим изланади ва таҳмин қилинади. Улар (яъни қарама қарши мулоҳазалар) иккита зарурий муқаддимотга бўлинадилар. Муқаддимотнинг ҳар бири мавжуд бўлмай қолмайди ва мавжуд бўлиб ҳам қололмайди. Улар иккаласи зарурий муқаддимотларга бўлинадилар.

Мумкин мавжуд ва мумкин номавжуд муқаддимотларни мумкинний имконий муқаддимотлар дейдилар. Ҳозир мавжуд ва мумкин номавжуд шунга ўхшаш келажакда ҳам мавжуд бўлиши ва мавжуд бўлмаслиги мумкин бўлган муқаддимотлар эҳтимол бўлиши мумкин муқаддимотлар деб аталадилар. Булар «Бориминнас» ёки «Китоб ал-иборатун» номли рисолада ёзилган.

Сўнгра у, муқаддимотлар қандай бартараф этилишларини, улар бир-бирлари билан қандай яқин бўлишларини таъайунлигини, улардан қандай қилиб мулоҳаза пайдо бўлади, бу мулоҳаза қандай қилиб муқобил мақ-

сад орқали, муқобил¹ мулоҳазалардан бирига айланиши тушунтиради. Биз қиёс деб тахмин қилганимиз ҳар бир изланадиган нарсани қандай қилиб ҳақиқатнинг ўзи дейишимиз мумкин, ҳақиқат мантиқан ўша қиёсдан шу изланаётган нарса воситасида келиб чиқади-ку. Агар мулоҳаза биз учун тахминий бўлса, у ҳолда бу мулоҳаза, мулоҳазани ўзи учун изланадиган нарсага айлантирувчи ҳақиқий изланадиган (нарсани)ни мантиқан келтириб чиқарадиган мулоҳазани ёки йўқлигини қандай текширишимиз мумкин бўлади? Арасту, фикрлаш шаклини текшириш ўз мавзуси бўлган, мантиқ санъати тариқатида бирининг усуллари тушунтиради. У руҳиятда фикр, ҳақиқий ёки сохта бўлмай туриб ва яна, агар албатта ҳақиқий ёки сохта бўлса, қандай пайдо бўлишини тушунтиради. Бу ҳолатларнинг барчаси унинг юқорида айтиб ўтилган «Китоб ал-иборагун» рисоласида таъкид этиб ўтилади. Шу билан бирга Арасту, ўқитишда фойдаланиладиган ҳар бир санъатдаги ҳар бир суҳбат — диалог шу қатори баҳсда фойдаланилмайдиган суҳбатнинг ҳар бир тури, ё ўқитишда ёки софистик (суфстанция) да ва ўқитишни қабул этилмаганида эришиладиган мақсадга босиб бўлишини тушунтиради. Буларнинг ҳаммаси юнонча «Аналитика», арабча «Китоб фи ал-қиёс» номли рисоласида акс этган.

Арасту, умуман олганда билим нималигини, илми йақинийа нималигини, унинг ўзи қандай сифатларга эга, унинг қанча хиллари борлигини тушунтиради, у Арасту илми йақинийа, нарсанинг буюмнинг мавжудлик учун мавжуд эканлигини ва нарса зотининг мавжудлиги туфайли мавжудлиги ҳақида, ҳамда бу билим неча хилга бўлиниши ҳақида гапирди. У, билимнинг ўзи нима, у нимадан пайдо бўлади ва у нима учун зарур, деган уч ҳолни санаб ўтади.

Арасту, илми йақинийанинг хилларидан бири мавжуд бўлган муқаддимотлар қандай бўлиши керак, ушбу изланиладиган ва муқаддимотларни мужассам этувчи моддалар ва мавжуд нарсалар ўзи нималигини, уларнинг ҳолатлари худди шу ҳолат, шарт-шароитлари — худди шу шарт-шароитлигини ва улар, мумкин мавжуд ва мумкин номавжуд зарурий муқаддимотларни бартараф этувчи моддаларга бориб мужассам бўлишлигини ҳамда имконий (эҳтимолӣ) ва мумкиний муқаддимотлар орқали илми йақинийага эришиб бўлмастлигини тушунтиради. Шундай қилиб, нарсанинг мавжудлигини тайёр-

¹ Қарама-қарш.

лайдиган муқаддимотлар улардан нарсанинг борлиги сабаблари, ҳақида ёки унинг мавжудлиги ҳақидаги билими олганимиз учун ўқитишнинг асосий ташкил этадилар ва нарсанинг «мавжуддети сабаблари» ёки «нарсанинг мавжуддети асоси» деб аталадилар.

У яна, изланаётганда бу моддаларнинг қайси хиллари ва илми йақинийанинг қайси хиллари борлигини ва зарурий мавжуд нарсаларнинг бирор хилда илм-ал-йақинийанинг ҳар қандай хили бўлиши мумкин эмаслигини айтиб ўтади. Агар нарсанинг мавжуддети асос ва сабабларга эга бўлмаса, бу нарсанинг нега мавжуд эканлиги ҳақида илм-ал-йақинийага эришиб бўлмайди, ammo нарсанинг мавжуддети бор экан, илм-ал-йақинийага етишса бўлади.

Арасту, илм-ал-йақинийани ўзинга жо этган бу моддалар ва мавжуд нарсаларни ўрганувчи санъатнинг моҳиятини, нималардан иборатлигини тушутиради. У, илми йақинийага эришишга имконият бермайдиган, мавжуд нарсаларни ўзида жо этган зарурий муқаддимотлар билан, зарурий ва имконий (эҳтимоллий) муқаддимотларни бартараф этишга восита бўлган моддалардан фойдаланиб, уларни (моддаларни) таҳлил этувчи санъатларнинг ўртасидаги фарқни кўрсатади. Арасту бу санъатни «фалсафа» деб атайди.

Арасту, фалсафа деб аталувчи бу санъатдан ташқари бошқа санъатлар ҳам бор ва ҳар бир шу санъатга (фалсафага) тақлид этувчи, ҳамда билимларни, амалларни чуқур ўранишни қабул этган бошқа санъат ҳам фалсафа санъатига ўхшашлиги туфайли фалсафа дейилади, деб тушутиради. Бу худди фаришта исмли одам, ёки фазилатли одам ўз хатти-ҳаракатлари билан фариштага ёхуд фазилатли одамга ўхшашни истаганига ўхшайди. Инсоннинг ўз зотига (моҳиятига) ва фаолиятига бўлган муносабати, фазилатнинг ўз асл моҳиятига ва амалларига (фаолиятига) муносабати сифатида кўрилгани учун ўз номи билан аталади. Шунга ўхшаб, бошқа санъатлар орасида фалсафа ҳам ўз номи билан аталади, чунки у, шу санъатга ўхшашлиги нуқтан назаридан ва унинг ҳақида шу санъат сифатида қандай фикрда бўлиса, ўша даражада аталади.

Арасту, бу санъатнинг қанча бўлим ва хиллари борлигини, ҳар бир хили нималардан иборатлигини, уларнинг моҳиятини, унинг ҳар бир хили моддалар ва мавжуд нарсаларнинг қайси хилларини ўрганади, у билан (фалсафа билан) махсус боғлиқ изланиладиганлари мақсадлари қандай, унинг муқаддимотлари қандай, излани-

ладиганлари ва ундаги муқаддимоти авваллари қандай бўлишлари керак эди, бу санъатнинг ҳар бир хилидан пайдо бўлувчи изланиладиганини тадқиқ этишнинг қандай усуллари бор, деган масалаларни тушунтиради. Ҳар бир назарий санъатга у билан махсус боғланган мавзуда, изланиладиган мақсадлар ва муқаддимоти аввал мос келади. Буларни у «фалсафа» деб аталувчи назарий санъатларнинг ҳар бири мисолида тушунтиради.

Арасту, назарий санъатларнинг барча хилларини қандай тартибда бўлишини, уларнинг ўхшаш ва фарқ қилувчи томонларини, улардан қайси бири кўпроқ, қайси бири камроқ ривожланганини, қайсылари бошқаларидан шартроқда туришини таҳлил этади. Улар орасида барча бошқаларига қараганда кўпроқ ривож топган санъат борми ёки йўқ эканлигини кўриб чиқади. У, бир санъат бошқасидан қанчалик қуйи туришини тушунтиради. У яна, кўпроқ ривожланган деб олдин айтилган санъат, «фалсафа» ва «билим», «илм» деган унвонга энг лойиқ санъат эканлигини айтади. Уни одатда мутлақ маънода «фалсафа» ва «билим» деб атайдилар, ёки яна «фалсафалар фалсафаси», «билимлар билими» ҳам дейдилар.

Сўнгра у, санъатда изланиладиганини топши учун муқаддимоти аввалдан қандай фойдаланишни тушунтиради.

Арасту, назарий суҳбат-баҳс (хиварун назарийун) қандай ўтказилишини, унинг қанча хиллари борлигини, суҳбат-баҳс хилларининг назарий санъатларнинг бирор хилига ҳос ҳар биридан қандай фойдаланиш зарурлигини, ўқитиш-таълим беришнинг ўзи нимадан иборат, унинг қанча хиллари борлигини, у ўқитиш нима билан боғлиқ, ўқитишнинг қайси хили назарий санъатларнинг қайси хилига бевосита тааллуқли эканлигини тушунтиради.

Арасту, ушбу санъатга қобилият касб этиш учун инсон ўқиш-ўрганни жараёнда ўзини қандай тутishi кераклигини тушунтиради. Бу санъатни эгаллаш ёки бу санъатга малака ҳосил қилиш учун инсон қандай табиий руҳий қобилиятга эга бўлиши керак? Табиатдан олнандиган руҳий қобилиятларни ўзи қанча? Қимда-ким табиат ато қилган ушбу қобилиятларга эга бўлмаса, у ушбу санъат билан шуғулланаолмайди, чунки бу санъат билан шуғулланишнинг ўзи унинг барча усулларини эгаллашга қобилият бермайди. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, у ҳолда санъат билан биргаликда инсон ҳолатини яхшилайдиган нарсаларни, унинг продага асосланган табиатая берилган хислатларини бошқа бир ўқитиш усули ва билмнинг бошқа хилига асосланиб билиб

олиш керак бўлади. Ҳамма одамлар ҳам ҳақиқатни турли йўллар билан ўзлаштиришга қодирлар, улар турли воситалар билан ўз руҳиятларида турли хил илмлар орттиришга интиладилар ва унга эришадилар ҳам. Табиатан туғма хислатлари ва қобилиятлари борлар, шу китобда тасвирланганидай, табиатан алоҳида одамлардирлар. Алоҳида қобилияти бўлмаган одам эса, табиатан оддий одамдир. Буларнинг ҳаммаси «Иккинчи аналитика» («Китоб фи ал-Бурхон») рисоласида баён этилган.

Сўнгра Арасту, бошқа бир санъат ҳақида гапирди. Бу санъат туфайли инсон, ҳар қандай изланадиган мақсад ҳақида аҳтимолий ахборот берувчи ҳар бир қиёс (силлогизм) ни зудлик билан олиш қобилиятига эришиш бўйича машқлар қилади. Бу санъат мавжуд бўлган барча назарий санъатларнинг ҳар қайсиси билан мос келади. Тадқиқотчи бу қиёслардан топган нарса, юқорида эслатилган китобда Арасту айтиб ўтган илмий қонунларни топишга қандайдир тайёргарлик вазифасини ўташи зарур. Арасту уларни (илмий қонунларни) текшириб чиқади, ўзига маъқулларидан фойдаланади ва улардан нима пайдо бўлишини тушунтиради. У, одамнинг келиб чиқишини, онининг сарчашмаларини аввалдан бошлаб таҳлил этади, ўзининг қарашлари ва фикр-ўйларини далиллар ёрдамида изоҳлаб беради. Далиллар туфайли у изланилаётган нарса ҳақидаги илми йақинийга кўч қийинчиликлар билан эришади.

Шунинг учун у, илми йақинийани ўзлаштиришни тайёрлашга восита бўлиб хизмат қилувчи амалий санъат қобилиятига зарурат сезади. У, инсон ўз тадқиқотлари ва мулоҳазаларида фойдаланиши мумкин бўлган барча қонунлар ҳақида гапирди: уларнинг баъзиларидан ўзи ва руҳияти орасида бўлганни тадқиқ этиш пайтида, баъзиларидан ўзи ва бошқа одам орасида бўлганни тадқиқ этиш учун фойдаланади. Бу санъат, инсоннинг ўзи ва бошқа биров ўртасидаги мавжуд нарсани ўрганиш жараёнида тезда қиёслар (силлогизм) топиш қобилиятига эришишга тайёргарлик кўришда бир восита бўлади. Бундай тайёргарлик ўз моҳияти бўйича бу санъатдан инсон ва унинг руҳияти орасидаги ҳолатни тадқиқ этишда фойдаланиш қобилиятини беради.

Инсон ва унинг руҳияти орасидаги ҳолатни тадқиқ этишда, инсон ўз қобилиятидан жуда аҳтиёткорлик ва назокат билан фойдаланади, чунки одам ўзи ва руҳияти орасидаги тадқиқ этаётган ҳолатни тасаввур этаётган чоғида уни худди биров кузатаётганига, текшираётганига ўхшайди, ақлнинг назокатини ва таҳсинга сазовор эҳ-

тиёткорликни намоён этади. Шунинг учун бу санъат инсонни, ўзи ва бошқа бир одам орасидаги мавжуд ҳолатни тадқиқ этишда фойдаланишга, савол ва жавоб шаклида тайёрлайди.

Ушбу машқий, фанни ўрганишга тайёрловчи ва тадқиқ этувчи санъатни «санаъи жадалиёа» «диалектика санъати» деб аталади. Булар ҳақида Арасту «Китоби Тубиқа» ёки «Китоб ал-жадал» рисоласида гапирлади.

Машқларга асосланган санъат, биринчи тадқиқот мавжуд бўлганлигига сабабчи санъат бўлганлигидан, савол ва жавоб шаклида тадқиқотда фойдаланиш учун тайёрловчи восита бўлиб қолади. Негаки, инсоннинг ўзи ва руҳияти орасидаги ҳолатни тадқиқ этишда, уни тўғри йўлдан оғдириб, бошқа томонга бошловчи, изланилаётган мақсаддан келиб чиқадиган ҳақиқатга инсбатан адаштирувчи бир нарсани топишга инсончи қониқ бўлмайди. Чунки, машққа асосланган тадқиқот, ҳақиқатни излашга аввалиданоқ фақатгина ундайди холос, ҳар ҳолда у туфайли инсон тўғри йўлда бўлади. Аммо, шу вақтнинг ўзида у, машққа асосланган санъат уни далиллардан фойдалана оладиган бўлишига тайёрлаганига қараганда кўпроқ адашишга мойил бўлади. Далиллар қўлланилганида одам адашмайди ёки деярли адашмайди. Токим у машққа асосланган санъатдан фойдаланар экан, (баъзан) адашаётганини билмайди, чунки у тўғри усуллар деб ҳисобланувчи далиллар ва усуллардан фойдаланиб тадқиқ олиб боради.

Худди шунга ўхшаш, агар буларнинг ҳаммаси инсонни бу усулларни ўзи ва бошқа биров орасидаги муносабатни, бор нарсани аниқлаш учун ўтказилган тадқиқотларда савол ва жавоб шаклида фойдаланишга тайёрлайдиган бўлса, у ҳолда бу усулларни ўқитиш — ўргатишнинг шакллари деб бўлмайди. У, баҳслашувчиларнинг беғараз бўлиш қобилиятларини намоён этиш учун бир машқ бўлиб, агар баҳслашувчилардан бири бошқасининг фикрини рад эта олса, у иложсиз қилиб ўз мақсадидан воз кечади. Шунга ўхшаш, софизмларни (қуруқ сафсата) рад этувчиларнинг имкониятлари анча кўп бўлади. Шунинг учун Арасту машққа асосланган фақат ушбу санъатнинггина эмас, балки ўзи ва бошқа биров орасида мавжуд бўлган нарсани тадқиқ этишда тўғри йўлдан оздирувчи барча нарсалардан, ҳақиқатга эришишга монеъ ва тўғри йўл ҳақида алдовчи тасаввур берувчи баҳслар ҳақида огоҳ этувчи санъатни ҳам баён этишга мажбур бўлади. Бу санъат ҳам, шу санъат воситалари ила инсоннинг ўзига эмас бошқа бировга маъ-

суб фикрни рад этиш учун тайёрлайдиган бир санъат бўлиб қолади.

Машқларга асосланган санъат, унинг усулларидан баҳслашувчи иккала тараф фойдаланишига тайёрлайдиган бўлгани учун, бу санъат уни воситасида софизмлар ва ҳақиқатга эришишга монелик қилувчи ва шу йўлдан оздирувчи нарсаларга шубҳа уйғотувчи санъатга айланади. Бу санъат ўз воситалари билан бошқа бировда намоён бўлувчи фикрни рад этишга тайёрлайди.

Арасту иккита санъат ҳақида гапираётган кўринади: улардан бири — машқларга асосланган санъат туфайли етишиладиган тўғри йўлдан оздирувчи, бошқа биров томонидан билдирилувчи фикрни ўз таъсири билан рад этувчи санъатдир. Ҳақиқатга эришиш ва машққа асосланган санъатни тадқиқот этишда ундан фойдаланиш учун эмас, балки машққа асосланган санъатдан фойдаланишга, ўша инсон ва бошқа биров ўртасидаги мавжуд нарсани тадқиқотга ҳамда бутунлай машқларга берилишга қаршилик кўрсатувчи нарсаларни намоён этиш учун фойдаланиладиган санъат — иккинчи санъатдир. Арасту айтиб ўтган айёрликка асосланган бу санъат унинг фикрича одамни ҳамда бошқа биров томонидан билдириладиган фикрни рад этиш ва машқларга асосланган санъат воситаларидан чалғитувчи, санъат бўлиб уни у «ас-суфстанийа» («софистика») деб атайд.

Инсон, бошқа бировнинг фикрини рад этиши учун ниманидир ўзлаштириши мумкин бўлган санъат, машқларга асосланган санъат билан сўфистанийа санъати ўртасидаги ораллиқ бир санъатдир. Бу санъатни, биринчи мақсад фойдаси учун (яъни, ҳақиқатни топиш учун), инсон ва унинг руҳияти орасидаги мавжуд нарсани ва унинг ўзи ва бошқа биров орасидаги мавжуд нарсани тадқиқ этиш учун ишлатиб бўлмайди. У, сўфистанийа яратадиган маслакни ўзлаштирувчи қобилият бўлмай, балки инсон продаси итиладиган нарсани акс эттирувчи ва инкор этувчи бир қобилиятдир.

Ушбулар ё тадқиқотчига, ёки баҳсда ғолиб келаётган тарафдан, ёхуд ўша ерда бўлган файласуфдан агар у яқка бўлса ё файласуфлардан (улар бир қапча бўлсалар) фойдаланувчи бошқа сомеъларга (баҳсни эшитувчиларга) тааллуқлидир. Бу ерда софистик баҳслар тўғрисида гап кетаётган кўринади. Шунинг учун сомеъ (эшитувчи) фақат томошабинлар ва жамоа ҳузурда софистнинг (сўфистанионнинг) фикр-мулоҳазаси қандай бўлишига эътибор берилиш керак, тоқки, ким эшитувчи — жамоаю, ким файласуфлиги унга равшан бўлсин (яъни,

савол-жавоблардан ким файласуф эканлигини ажратиб олиш зарур, дейилмоқчи бўлса керак). У, ё ҳақиқат ҳақида ўз фикрини билдирмай сукут сақлаши ёки томошабинлар ва файласуфлар ҳузурида фикрини билдирмай сукут сақлаши ёки томошабинлар ва файласуфлар ҳузурида фикрини айтиш керак бўлади. Ушбу санъат, машқларга асосланган санъат ва усуллари баҳсдан лборат бўлган бошқа санъатларга кирмайди.

Суфистанийа санъати бўйича баҳсда қатнашувчиларнинг ҳар бирлари қуйидаги олти нарсани қўллашади: 1. таъбеҳ; 2. саросима, довдираш; 3. туҳмат ва қатъият; 4. нутқда дудукланишга мажбур қилиш; 5. бемаъни сўзлардан фойдаланиш, сафсата; 6. сукутга мажбур этиш, ҳатто баҳслашувчи, гапиринишга қодир, қобилиятли бўлса ҳам гапириниш манъ этиш. Баҳслашувчи одамни, гапирмаган маъқулроқ, деган хулосага келтириш учун шундай қилинади.

Таъбеҳ шундай нарсани, унда биринчи ҳолатга нисбатан чалғитувчи нарсалар туфайли яратиладиган муқобил ҳолатни онга сингдирилади. Бу нарсалар моҳиятан шундайки, агар одам, ўзи ва руҳияти ўртасидаги мавжуд нарсани тадқиқ этишда улардан фойдаланадиган бўлса, у ҳолда улар уни адаштирадилар ва ҳақиқатан муқобил тарафга бурни юбориладилар, натижада ҳақиқат инкор этилиб, ҳақиқатга муқобил бирор нима маъқулланади.

Саросима бундай эмас, икки қарама-қарши фикр (тушунча) мавжуд бўлганида пайдо бўлувчи саросима инсон табиатига хос нарсанир, бу ҳолат адашаётган бир одам ўзи ишонтирмоқчи бўлган фикрни инкор этади ва ўзи ҳам унга қарши тарафнинг ишонтирмоқчи бўлган фикрини ўзинча инкор этади. Ушбу ҳолат, «бу нарсани шундайми ёки шундай эмасми?» деб сўралганда пайдо бўлади. Қандай жавоб берсалар ҳам таъбеҳ оладилар. Шунинг ўзи саросимага солиш усулидир.

Таъбеҳ бир муқобил тарафдан бошқасига ўзлаштирилиш орқали ўтади. Саросима (тараддуд) эса, қарама-қарши тарафларнинг саросимали фикрлари биринчисидан иккинчисига ўтади, иккинчисидан яна биринчисига сўнг яна биринчисидан иккинчисига ўтиб, бу ҳол токи иккала муқобил тарафнинг иккала тушунчаси (фикри) ҳам бир хил бўлмагунча давом этаверади.

Туҳмат ва қатъийлик (мулиҳ) қа келсак, уларнинг таъсирида тарафлардан бири бутунлай аниқ нарсаларни инкор этади ва ўз моҳияти бўйича тушунарли ва равшан ҳолатларга шубҳа билдира бошлайди. Бу ҳолат то

бошқа тараф адашиб, ҳақиқий нарсанинг борлигига шаходат берувчи далилларни ҳамда маълум нарсалар ва ҳақиқийлиги аён бўлган нарсалар ҳақида хато тасаввур ҳосил қилмагунича давом этаверади. Бу, сўфистаниё софистик санъатининг усулларида биридир. Шунинг учун бу санъатнинг мақсади ҳақиқатга ва аниқ далиллар ёрдамида бирор нарсага эришишга тўққинлик қилишдан иборатдир.

Бу уч (танбеҳ, саросима, тухмат) ҳислат энг ёмон руҳий сифатлар бўлиб, уларга сўфистаниё санъати воситасида эришилади. Қолган учтаси эса онга таъсир этмай фақат тилни кишанлайди. Аввалги учтаси эса онни жароҳатлайди.

Баҳса дудуқланишга мажбур бўлган одам ё тўғри маънода табиатан ва одат бўлиб қолганидан дудуқланади ёки бошқа халқнинг тилида баҳс юритаётган бўлса, мажбуран дудуқланади. Шунга ўхшаш, дудуқланиш ё тўғри маънода табиатан ёки талаффузга путур етказувчи ёлғондан ташкил этилган нарсалар сабабли инсонга хос бўлади. Бу ҳолат бирор бошқа халқнинг тилидаги сўзлардан келиб чиқса, инқала баҳслашувчи ҳам ўша халқ тилида сўзлашишлари керак.

Сафсатаининг ишлатилиши ҳам шу тарзда рўй беради. Дудуқланиш, ишлатиладиган иборанинг маънони ифодалаш учун етарли бўлмаганлигидан пайдо бўлади. Бунинг учун эса маънони шундай даражага келтириш керакки, ибора ҳам кичика бўлсин (бу ерда Форобий ишлатиладиган ибораларда — лафзда маънони тўла акс эттирilmаслик натижасида, маънони ифодаловчи ибора ва маъно мавқеи мутаносиб бўлмаганда дудуқланиш пайдо бўлади, деган фикрни билдираётган кўринади). Сафсата эса иборанинг маъносини кўпайтиради бунинг кучайтиришдан фарқ қилиш керак (яъни, турли маънолар силсиласини келтириб чиқаради, дейилмоқчи шекилли), шунинг учун маъно жиҳатидан таъсир ўтказувчи ҳолат зарур бўлиб қолади. Бунда кўп маънолар бўлиб, улар фақат қайтаришлар (кўп таъкидлар) даги ибораларга тааллуқлидирлар. Кўп таъкидлар эса, ё амал (инш-харакат маъносидан) ёки қобилият туфайли бўладилар. Бу қайтаришлар таъкидлар бемаънигарчиликдан иборат бўлган маъно ифодаларига илбатап инсонни чалғитадилар. Сўфистаниён (софист) шу мисолларга ўхшаш равишда ва шу мисоллар воситасида сафсатаини қўллаш мумкин.

Сукутга мажбур қилишга келсак, у сўфистаниёнларнинг энг пасткаш усулларида биридир. Бунга кўркиниш, уялтириш ёки ҳаяжонга солувчи бошқа бир нарса

билан эришилади. Арасту баҳс таркибини ва сўфистаннюн мақсадига қандай эришишни батафсил баён қилади.

Сўнгра у қонулар тўғрисида сўз юритади. Агар инсон уларга риоя қилса, улар туфайли, ўз вазифасини бажаришдан чалғитувчи юқорида айтилган бирор нарсада адашган одамга имконияти борича ёрдам бериши мумкин. Булар унинг «Софистаниъа» («Софистика») номли рисоласида баён этилган. Буларни баён этишдан мақсад, ҳақиқатга эришишда ҳали ҳам фойдаланиладиган машқларга асосланган санъатни таъкидлаб кўрсатишдир (бу ерда сўз жадалиъа санъати — диалектика санъати ҳақида кетмоқда). Софистаниъа санъати машқларга асосланган жадалиъа санъатига қарама-қарши туради. Сўфистаниъа санъати, диалектика санъатини ҳақиқатга ва илми йақинийага эришиш йўли бўлган усулларидан чалғитади. Бу йўлда (тарикатда), Арасту ўзининг «Китоб ал-Тубика» («Топика») асарига баён этган санъат туради. Бу санъат ҳақиқатга олиб боргани учун, ҳақиқатнинг бир қуроли, хизматкори бўлгани ҳамда илми йақинийанинг қуроли ва хизматкори бўлгани учун ҳам фойдалидир.

Шундай қилиб, Арасту илм-ал-йақинийа билан боғлиқ масалалар мажмуасини баён қилди, унга (илми-ал-йақинийага) олиб борувчи йўлни кўрсатади, илми йақинийага эришишга моневъ бўлган нарсалар тўғрисида сўз юритиб огоҳлантирди.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

Арасту илми-ал-йақинийа масалаларини тугатганидан сўнг у, илм-ал-йақинийага эришиш учун мантиқ илмидан фойдаланмайдиганларни ўргатишга инсонни қодир этувчи санъатларнинг таҳлилига ўтади. Улар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчисига табиатан алоҳида қобилиятлари бўлмаганлар кирадилар. Иккинчи гуруҳга худди шундай табиатан алоҳида қобилиятга эга бўлмаган, ammo бетиним машғулотлар орқали ўз сайъ-ҳаракатлари билан илм-ал-йақинийага етишишга интилувчилар кирадилар. Арасту, инсоний мақсадга, шу мақсадни мукамал билувчи, бу мақсадга эришса, у билан нималар содир бўлишини тасаввур қилувчи ва илм-ал-йақинийага эришишга табиатан тайёр одамларгина интилишлари зарур, деб ҳисоблайди. Ammo Арасту, бу мақсадга интилувчи бошқалар ҳам, идрок этганларича шу мақсадга интилишлари, (яъни мақсадни ўзлари ҳам идрок этиб,

шунга яраша питиляшлари зарур деган гоё илгари суринлаётган кўринади), улар мавжуд нарсалар ҳақида илм-аляқинийга эришишнинг ўз усуллари бўлган одамлардан ўқиб жараёнида олган билимлари билан чегараланиб қолмасликлари керак, деб ҳисоблайди.

Арасту, барча назарий ва амалий нарсаларга халқни ишонтириш мумкин бўлган санъат ҳақида ҳикоя қилади. Халойиқ, одатда, умуминсоний муносабатларни ўзида акс эттирган айрим ҳоллар билан қаноат ҳосил қилади. Улар шундай нарсаларки, улар туфайли, одам яратилишнинг боиси бўлмиш мақсадга ятилишда одамлар орасида ўзаро ёрдам мавжуддир.

У, назарий санъатлар ёрдамида идрок этилувчи ҳолларни инсон хаёлан тасаввур этишига кўмак берувчи санъат ҳақида сўз юритади. Бу санъат яна мавжуд кўргазма нусха орқали тақлид этиш ва бошқа айрим нарсаларни тасаввур қилиш ва сохта тасвирлаш қобилиятини уйғотадилар, бунда асосан мулоҳаза ёрдамида тасаввур ва тақлид усулларидан фойдаланилади.

Ўхшаш нарса воситасида тасаввур ва тақлид—халқни кўпгина назарий нарсаларга ўргатишдаги усуллардан биридир. Оддий халқ учун нарсаларни табиий нусхалари орқали хаёлан тасаввур этиш қийинлигидан, улар уни тасаввур этмай, ўша нарса ҳақиқатан уларга қандай намоён бўлса, шундай тасаввур этадилар ва идрок қиладилар. Агарда хаёлан тасаввур этилаётган нарсанинг моҳияти унинг ҳақиқий мавжудиёти бўйича тушунилса ҳам бу иш жуда қийинчилик билан рўй беради, бундай фикр, билиш, идрок этиш усули фақатгина назарий фанларни билган одамларгагина тааллуқли эмас.

Инсон, ўзи ва руҳияти орасидаги ҳамда ўзи ва бошқа биров орасидаги мавжуд нарсани тадқиқ этишда бор имкониятни ишлатиб мунтазам равишда машқ қилиб туриши керак. Бунини у ҳақиқат воситаларини ағаллашда сабот билан ё ўқитиш ва мураббийлик усуллари ёки баҳс ва ҳимоя усуллари билан амалга ошириши зарур. Ушбу санъат туфайли эришилган қобилиятни «маънавий қобилият» деб аталади.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

Бу масалаларни кўриб чиққач, Арасту табиий фан ҳақида гапирди ва «Китоб фи ал-жадал» рисоласида турларини баён этган мавжуд нарсаларга қайтади.

У, мавжуд нарсаларнинг борлигига ҳис-сезги шундай

шаҳодат бериши мумкинки, улардан ҳосил бўлган турлар (категориялар) дан биз ўз ихтиёрий иродаларимиз орқали бирдан бошқасига нисбатан фойдаланамиз, уларнинг бирлари бошқаси орқали бизга маълумот берадилар, баъзилари бошқалари туфайли, ёки инсоннинг ўзи ва руҳияти, ёхуд бошқа биров билан баҳс орқали идрок этилади, деб ҳисоблайди.

Табиатан мавжуд бўлган нарсаларнинг борлиги бизнинг идрок этиш қобилиятимизга боғлиқ, деб ҳисоблаш мумкин эмас. Табиатан мавжудлик — табиий сифат ва моҳиятлардир. Бу — уларнинг биз идрок қиладиган ва ҳис этадиган белгисидир. Биз тушунчалар пла тўлдирган ўша ҳолат-йўриқлар мантиқий ҳолат-йўриқлардир. Мантиқ тўғри фикр юритишга алоҳида қоидалар, усуллар ва йўсинлар беради, унинг ихтиёрида мавҳум тушунчалар бор, у инсонни (унинг ақлини) адашишлар ва ҳатолардан огоҳлантиради, муҳофаза қилади.

Мавжуд нарсалар ҳолатига нисбатан ҳис-сезги шаҳодат берадиган нарса — беададлик (кўплик) дир. Ҳис-сезги билан биз биладиган беададлик икки хилга бўлинади. Биринчи хилга, беададликни турли ҳолатларда ажратиш ёрдамида ҳис-сезги томонидан эришиладиган нарсалар киради, яъни бир хил нарсалар бошқаларидан айрим ҳолат билан фарқ қиладилар. Бу — кўпроқ маълум бўлган, биринчи хил беададликдир. Иккинчи хилга бир нарса (буюм) дан ва бир хилдаги ҳис-сезги туфайли билиб оладиганимиз кўп нарсалар киради, баъзан бу нарсалар (буюмлар) бир-бирига зид бўлмаган нарсалар бўлиши мумкин. Бунга ушбу мисолни келтирса бўлади: биз бир жисмга қўл теккизиб кўриб, унинг иссиқ, совуқ, қаттиқ, юмшоқлигини биламиз.

Баъзан нарсалар бир-бирларига зид бўладилар, масалан, иссиқ ва совуқ, қаттиқ ва юмшоқ, дағал ва майин каби. Шунга ўхшаш, баъзан шууримиз орқали билганимиз мавжуд сифатлар беададлиги фарқли бўладилар. Масалан, ушбу нарса иссиқ ва оқ. Улардан бирини қувван ломиса (ушлаб, қўл теккизиб сезиш) туйғуси билан, бошқасини нигоҳий (кўриш) орқали билинади. Шунга ўхшаш, ушбу ҳолат бошқа сезги аъзоларига ҳам тегишли.

Сўнгра Арасту, шуур орқали билинадиган ҳар бир нарса тўғрисида сезгидан олиннадиган билим даражаси ҳақида ва улардан бирини бошқасидан фарқ этувчи белгилар ҳақида гапирди. Шуур, мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси ёки кўпи ўзгариши ва бир жойдан бошқа жойга ўтиб туришлари, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш-

лари ҳақида шаҳодат ва билим беради. Масалан, оқ нарса қандай қилиб қора бўлгани ҳақида.

Беадад зиддиятлар бир-бирларини алмаштириб турадилар. Ушбу тановобларда (алмашиниб туришларда) битта ўзгармайдиган доимий нарса бор. У, ушбу тановобларни сақлаб туради ва уларга сингиб кетади. Нарсалар бир-бирларига эргашиб ва ўзгариб турганлари ҳолида доимий бўлиб келадиган нарсани «жавҳар» («субстанция») деб аталади, алмашиниб ва ўзгариб турувчи нарсаларни «ораз» («акциденция») дейилади.

Биз ҳис-туйғу билан биладиган ва улар тасдиқ этадиган нарсалар табиатан мавжуд нарсалардир. Мавжуд нарсаларнинг рутбалари (категориялари) — хабардор этувчи (нарсаларга) келсак, рутбалар бизга ўзга бир нарса ҳақида эмас, фақат ўша нарса ҳақида ахборот берадилар, улар бизга ўша нарса қанчалигини (миқдор жиҳатидан), қандайлигини билдирадилар, ёки ҳис-туйғу ила билинаётган нарсага нисбатан ташқарида бўлган бошқа нарса ҳақида ахборот берадилар. Бу ҳолат, қачонки, бирларидан бошқалари орқали фойдаланилса, қачонки, бирлари бошқалари орқали аниқлансалар рўй беради.

Биз фикрп тасаввур этадиган маъқулот — ақлан тушунса бўладиган моҳиятлар сифатларининг кўплиги билан ажралиб турадилар, булардан ҳис-туйғу ила билинувчи нарсага ўхшатиб, уларни ҳолатига қараб хаёлан тасаввур этиладиганлари мустаснодир. Бизнинг тасаввуримизда маъқулотлар қандай ҳолатда эканликларини сезганимизда, биз фикр қилган беададликни хаёлан тасаввур этамиз. Чунки биз маъқулот деб хаёлан тасаввур этадиган ва сезадиган воҳид (бир) нарса, биз беадад сифатида хаёлан тасаввур этадиган ва фикрлайдиганимиз, сифатларнинг кўплигидав туйғулар ила билинадиган нарсаларнинг беададлигига ўхшамагунича беадад (кўплик) бўлиб қолаверади. Чунки бир нарса тўғрисида, бир ҳолатда у беадад сифатлар ва маҳмуллар (предикат) га эга, деб ахборот берилса, у ҳолда ўша нарсага шу сифатлардан ҳар қандай бир сифат мансуб, деб тушунилади.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилганидек, ушбу (одам) Зайд, унга тириклик, оқлик, (бўйи) баландлик сифатлари хослигини таъкидлаб ўтсак бўлади. Биз зеҳнимиз билан унга беадад мавжудлик (сифатлари) мансублигини тушунамиз.

Аmmo биз, бир нарсанинг беадад маъқулотлари бўлмиш беадад ашёларнинг ҳар қайсиси берган ахборотни фарқ этадиган бўлсак, биз шу нарсанинг зеҳнини билол-

ган такдиримизда унинг «нималикчилигини» белгилловчи-
сини аниқлай оламиз. Шу, ўша парсаннинг жавҳари суб-
станция бўлади. Бу парсаннинг жавҳари (субстанция)
деб атаганимиз ўзи ҳақида қуйидагиларни билдиради:
«нималик»нинг ўзи нима, у ўзи қанча, қандай, ёки «ўзи
нималигидан» бошқа бир ҳолат ҳақида хабардор этади.
Ушбу нарса ҳақида ва ўша маълумотлар ҳақида биз
уларни ҳақиқатан ҳам жавҳардир деб айтамыз, чунки
«нималиги ҳақида» ахборот берадилар ва улар ораз
(акциденция)дирлар, негаки ўзлари ҳақида «нималик»-
дан ташқари, бошқа аниқловчиларни маълум қиладилар.

Агар юқориди айтиб ўтилган нарса туйғу ила гидрок
этиладиган нарса бўлса ва кўпгина маъқулотларга эга
бўлса, улар орсинда ушбу туйғу ила гидрок этиладиган
нарсанинг «нималикчилиги» ҳақида маълумот берадиган
маъқулот бор бўлса ва агар бизга бошқа бир нарса ҳақида
ҳеч нарса — на унинг қанчалиги (миқдор ҳисобида),
унинг ўзи ва ҳолати қандайликлари — маълум бўлмаса,
у ҳолда биз шу нарсани сўзнинг том маъноси ила жавҳар
деб атаган бўлур эдик, аммо асло бирон-бир нарсанинг
жавҳари ва бошқа нарсанинг ораси бўлиши учун қабул
қилган жавҳар, деб аталмас эди. Модомки, шундай экан,
биз барча табиатан маъқулотларни сўзнинг том маъноси-
да жавҳар деб атаймыз. Унга табиатан тааллуқли бўл-
маган барча нарсалар эса, мутлақ жавҳар деб аталувчи
нарсанинг, табиатга музоф муносабатдор бўлган ораси
(акциденция) деб аталади. Ва ниҳоят, музофий жавҳар
деганимизни, агарда у бизга нарсанинг «нималиги» ҳа-
қида маълумот берса, ҳақиқатан ҳам, ушбу жавҳарга
бўлган ўхшашлик улушига кўра унинг жавҳари деб атай-
мыз. Мутлақ маънодаги жавҳардан бошқа жавҳар мав-
жуд эмас. Бошқа ҳаммаси умумий ном билан «жавҳар-
даги оразлар» деб аталадилар.

Сўнгра Арасту ушбу ҳолни, авваллари мантиқда қўл-
ланилган даъво билан қувватлайди: жавҳардаги мавжуд
оразларнинг, жавҳардаги моҳияти «нималикчи» аниқ-
ловчилари ҳам «нималикчи» ораз ёрдамида аниқловчи-
лари ҳам бўлади. Зотий, яъни айнан нарсага келсак, ун-
дан биринчи тартибдаги «нималик» келиб чиқади. Ушбу
жавҳар шундай жавҳардирки, уни ораздан на ҳис-сезги
ва на фикр билан ажратиб бўлади. Аммо ақл, ҳарҳолда
жавҳарни ораздан ва оразларни бир-бирларидан, улар
жавҳарга ҳос эканликларни учун эмас, балки фақат бир-
гина жавҳарни гидрок этиши орқалигина ажратиб олиши
мумкин. Унинг маъжудлиги ҳис-туйғуларимиз ва ўзи-
мизнинг шахсан бу нарсалардан фойдаланишимиз ор-

қали тасдиқланади, чунки бизга инсоний барча нарсалар хосдир.

Арасту бу нарсаларда, бизда биринчи жавҳар каби қабул қилинганни назарда тутади. Борлиги инсон прода-сидан ташқари мавжуд бўлгани у табиатан мавжуд нарсалар деб атайди. Инсон прода-сидан ташқари мавжуд бўлган ушбу жавҳарнинг ҳар бир хилига бир жавҳар хосдир ва у туфайли жавҳар ўз асосига эга бўлади ҳамда у туфайли жавҳар моҳияти унинг барча хиллари-дан (сифтларидан) ажралиб туради. Ўз-ўзидан жавҳар бўлган ушбу ҳар бир сифтнинг моҳиятини у жавҳарнинг «табиатан ҳислати», деб атайди. Моҳиятларнинг ушбу фарқланшлари жавҳарларнинг табиатан ҳислатлари билан аниқланади деб тушунтиради. Ҳар бир хилнинг моҳияти шундайки, шу хил нарсанинг ўзи ўзидан келиб чиққан ҳаракат ила унга таъсир қилиши аниқ равшандир, шу хил нарсада мавжуд бўлган бошқа айнан зотий ора-зларнинг хоҳ ҳаракат, хоҳ миқдор, хоҳ сифат, ҳолат ва бошқа ора-злари мавжудлигига сабаб бўлади. Худди масалан, деворнинг моҳияти устида шифтнинг тутиб туришидир ва у деворга таалуқли ҳислатларни ўзлаштиради, чунки шу хил ҳислатларга эга бўлиш учун ҳам девордир. Табиат туфайли мавжуд жавҳарларнинг хилларидан ҳар бирини у «табиатан жавҳарлар» деб, уларнинг айнан (моҳиятли) ора-зларини эса у «табиатан ора-злар» деб атайди. Арасту ўз олдига мақсадли қўйгач, унга ҳис-туйғу туфайли етиб боргандай етиб бормади ва туғма одат туфайли маъқулотларни билгандай билмади, балки ўзи маъна-қанда эслатиб ўтган нарсаларни тадқиқ этиш усули туфайли муқаддимоти аввал-ни аниқлаб, мақсадига эришди.

ТҲРТИНЧИ БҮЛИМ

Арасту буларнинг ҳаммасини тушунтирмақчи бўлганида, у шуур учун равшан нарсанинг зидлари бўлган ва амалда фойдаланиш лшида оқил ҳисобланган нарсанинг зидди бўлган мулоҳазаларга дучор бўлади. Ушбу мулоҳазалар шундайки, улар мавжуд нарсаларнинг ўзгариши ва уларнинг фарқланшларини шак-шубҳага қўяди. Ушбу мулоҳазалар, мавжуд нарсалар орасидаги фарқлар ва ўзгаришлар, мавжуд нарсаларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлмай, балки нарсанинг мавжудлигидан ташқари бўлган бошқа бир нарсага боғлиқ эканлигини кўрсатади. Ушбу бошқа бир нарсанинг ўзи нима?

У мавжудиятдан маҳрум бўлгани учун шундай ҳолатга келади.

Ушбу, туйғу билан идрок этилувчи нарсаларда, маълум бир якка нарсалардан ажралиб турувчи алоҳида нарсалар йўқ. Агар мавжуд нарсани мутлақ маънода олинмаган бўлса, у ҳолда бирор қисқа муддат мобайнида, жавҳарийни ножавҳарий, ўзи жавҳарийдан ташқари бўлгани туфайли, фарқ эта олади. Аммо жавҳарий бўлмаган нарса умуман бўлмаслиги мумкин, мавжуд бўлмаган нарса эса, умуман ҳеч нарса эмас. Фарқланади, деб ўйланадиган нарса умуман мавжуд эмас. Шундай экан, ҳақиқатан мавжуд бўлмаган ва мавжудиятдан ташқари бўлган нарса умуман мавжуд эмас.

Беададлик (кўплик) фарқланмиш туфайли мавжуддир. Демак, аҳадий — бирлик нимадир мавжуд. Арасту, бирлик (тавҳо) нарсанинг турли сифатларини баён этишгача боради. Уларнинг (шу сифатларнинг) ҳар бири, шу нарсага нисбатан, бошқа сифатлари кўрсатмаган хусусиятларни кўрсатади. Беадад сўз бирикмалари — иборалар ёрдамида нарса ҳақида ифодаланган хусусиятлар миқдор жиҳатидан бир бутун бўлиб қолади, аммо бир сўз ва бир ибора бўлмайди. Шу қонда бўйича, шуур — ҳиссиёт шаҳодат берувчи нарсага ва ушбу шуур ила идрок этиладиган нарсаларнинг маъқулотларидан ақл билан тушунса бўладиган моҳиятларидан фойдаланганимизда эришадиганимиз ҳолатга энд турувчи ақлий хулосалар қилинади.

Арасту ушбу мулоҳазаларни аввалиданоқ муғнитот, ғалаг (софизм) деб рад этади.

У, ҳақиқатан тўғри фикрга келиш ва ихтилофли (бир-бирига зид) ақлий хулосаларни инкор этиш учун улар ҳеч қандай фойда бермайдилар деб тушунтиради (сўз софизми ҳақида кетмоқда). Ҳақиқийликка фақат шуур ва онг (ақл) туфайли эришилади.

Сўнгра Арасту ўз тадқиқотларини давом эттириб, фазода намоён бўлган жавҳар, деб аталувчи ҳар бир нарсанинг энн, бўйи ва қалинлиги бор деган фикрга келади. Ростки жавҳар фазода чўзиқ деб таърифланадиган бўлса, шунинг учун у баъзан «жисмлар», баъзан эса «жисмий жавҳарлар» деб аталади. Табиатан мавжуд нарсалар, жисмларга оразлар, жисмий жавҳарлар ва уларга хос белгиларга оғалар. Буларнинг ҳаммаси табиат ҳақидаги фан (физика) нинг мавзусидир. Арасту бу нарсаларни исбот талаб қилмайдиган муқаддимотлардан олади ва уларни таҳлил қилишда жадалий (диалектик) василани (усулни) қўллайди. Жадалий ҳивора (диалектик

диалог) га қобилият пайдо этувчи ҳолатга олиб келувчи нарсани тушунтириш учун у шундай йўл тутлади. Демак у, ушбу нарсаларга илмий қонуларни тадқиқ этади ва улар туфайли уларнинг моҳиятини ўрганади. Илми йиқинишани берувчи ва тасодифан учрагучи улардаги мавжуд муқаддмотларнинг шарт-шароитларини у далил келтириш орқали топади. Ушбу шарт-шароитлар ўзларида бўлмаган нарсаларни Арасту ўз ҳолида қолдиради.

Бу унинг, ундан кейин ушбу масалага яна қайтишни истаган ва плм-ал-йиқиниша талаб этган чоғларда маданий маъқулотлардан фойдаланиш ҳақидаги тавсияларида айтиб ўтганларини ўрганишга ўзларини бағишловчилар учун ёзган китобларида ўз тасдиғини топган. Кўрилаётган ҳар бир нарсани у икки — жадалий ва плм-ал-йиқиниша тарафидан солиштиради. Бунинг унга хос барча нарсанинг ҳақиқийлигига етишиш учун қилган. Аввало Арасту ушбу услубдан фойдаланади: мавжуд нарсаларни таърифловчи умумий тасдиқ, маъқулотлар бўлган умум асосларни аниқлайди. Ва булар ўз-ўзинча равишан маъқулотни авваллар эмас, балки биринчи ҳолдан бошлаб номалум энг умумий мулоҳазалардир, улар ўз-ўзидан маълум биринчи маъқулотлардан келиб чиқадиган далиллар ёрдамида аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қиладилар. Улар ҳақида тадқиқот олиб берилганида у жадалий василалардан фойдаланади.

Жисмий жавҳарларнинг ҳаммасида бўладиган мавжудиятнинг дастлабки асосларида мавжуд қонуларининг умумий асосларини баён этади. Улардан ҳар бирини айриям ҳолда ҳамроҳ, иккита дастлабки асос (асли муторифат) лар бор, улар: билқуввати (потенциал) мавжуд дастлабки асос — уни «модда» — «материя» дейилади, муҳиммопа (актуал) мавжуд асли муторифатни эса «шакл» — «форма» дейилади.

Арасту билқувват ҳолатдан муҳиммонага ўтиш учун, билқуввати мавжуд асл муторифатнинг (дастлабки асосининг) ўзи етарли эмас, деб тушунтиради. Бунинг учун, билқувватдан муҳиммотга ўтказувчи учинчи бир асл муторифатнинг бўлиши зарур. Ушбу асл муторифат (дастлабки асос) «мафъули асли муторифат» амалдаги дастлабки асос» — деб аталади.

У, ҳаракатда бўлиши учун, ҳаракатланувчи ва ўзгарувчи барча нарса қандайдир худудга «охирига» ва «мақсадга» қараб боради, деб ҳисоблайди. Ва ўзинча жисмий жавҳар бўлмиш барча нарса ё «мақсадга» ва «охирига», ёки қандай бўлса ҳам бирор мақсад ва ҳадга олиб борувчи нарсага бориши зарур. Шундай қилиб «мақсадга»

ҳам, охирига ҳам асл муторифатлар эришиллари ва ўз мавжудиятлари бўйича асл муторифат бўлиши барчаларига, кўп ҳам эмас, оз ҳам эмас тўртта жинс ҳамроҳ бўлиши унга равшан бўлади, улар — модда, жавҳари соний (иккинчи жавҳар) — субстанция, фаолиятидаги сабаб ва мақсаддирлар.

Арасту яна, табиатнинг нималигини, унинг ҳақида барча сўз юритувчиларга қандай бўлиб туюлишини тушунтиради. Унинг моҳиятини умум кўринишида тасвирлаб, табиат ҳақидаги фан (физикадан) хабардор қадимгилар табиат ҳақида нималар деганлари ва уларнинг ўзларида — юнонларда табиат ҳақида шу дастлабки асослар мажмуасида нималар дейилганини баён этади. У, табиатнинг моҳиятини «табиат» деб аталадиган асл муторифатнинг қандай вазифани бажаришини, «табиий нарсалар» деган иборанинг маъноси қандайлигини, «табиатан бирламчи» иборасида мавжудиятнинг ушбу дастлабки асослари ҳақида қандай тушунчада сўз юритилади, «табиий жараён бўйича», «табиат бўйича», «табиий жараён бўйича эмас» ибораларининг қандай маънолари борлигини таҳлил этади. Ушбу тушунчаларнинг мажмуасини, мавжуд нарсалар ҳақидаги билим ва уларни хато тушуниш қандай фарқланишларини кўриб чиқади. У яна тўртта дастлабки асослар қандай қонулар бўйича бир-бирига нисбатан жойлашганлари, улардан қайси бирлари кўпроқ, қайси бирлари камроқ ривожланганлари ҳақида гапирди ва улар мавжуд нарсаларга моҳият ато этишларини таъкидлайди. Бу моҳиятни унинг ўзи тадқиқ этади, бунинг устига бу ҳолат махсус табиий нарсаларга тааллуқлидир. Шунинг ўзи биринчи асослар ва биринчи сабаблар, махсус табиий нарсалардир.

Арасту жисмий жавҳарларда ўз-ўзларича мавжуд қонулар ва асослар ҳақида гапирди. У, жисм фазода чўзиқ туриши нуқтан назаридан нимадан иборатлигини, жисмнинг фазода чўзиқ туришининг моҳиятини, чўзиқ туриш чўзиқ туришларнинг қисмларидан иборатми, уларнинг ҳолатларини ўзаро яқинлашишга боғлиқми ёки бошқа бирор усул туфайли мавжуд эканлигини тушуниради.

У, жисмий табиатан жавҳарни, жавҳар моҳияти унинг фазода чўзиқ туришига боғлиқми ёки йўқми, таҳлил этади. Барча ўзига хос орашлар (акциденция) билан жавҳар (субстанция) бўлса, у нарса жисм ва чўзиқ турган бўла оладими? Ўзида шакллар ва орашлар алмашиб туривчи ва ундан жавҳарларнинг хиллари пайдо бўлувчи модда бўлгани учун ё у жисм ва чўзиқ бўлади ёки у нарса моддий жавҳар бўлади, негаки унинг чўзиқлиги бўй, эн ва

қалинликка эга. Арасту, бу чўзиқ парса жавҳар эмас, бошқа нимадир, деб тушунтиради. Чўзиқлик, узалганлик унинг жавҳарлиги нуқтаи назаридан жавҳарнинг моҳиятини билдирмайди. Бизнинг иборамиздаги «чўзиқлик», «узалганлик» худди «оқ» иборасидаги каби маънога эга ва жавҳар ҳақида гапирётганимизда биз мутлақ маънодаги жавҳар ҳақида гапирамиз, бунда биз унинг чўзиқлиги, узалганлиги ва бўй, эн, қалинлиги бор парсаллиги ҳақида гап юритмаймиз. Жавҳар ўзинга хос бўлган бошқа нарсаларга эга. «Узалган» ва «узалганлик» тушунчалари жисмий жавҳарнинг на моддасига, на унинг шаклига хос, модда эса ўз моҳияти бўйича жисм эмас, шакл ҳам шундай — жисм эмас, аммо модда ва шаклнинг бирлашиб уйғунлашуви (синтези) фазода узалганлик кўринишини пайдо қилади. Ушбу чўзиқлик, узалганлик шу бирикмиш — синтезда мавжуд, чунки у ўз мавжудиятида ўз шаклининг мавжудиятига эргашади ва жавҳарнинг шакл мавжудияти туфайли у яъни чўзиқлик, узалганлик ҳақиқий ва баркамол жавҳар бўлиб қолади. Табиий жавҳарнинг моддаси (материя) ўзинга хос бўлган шаклдан ҳоли эмас, шунинг учун жавҳар қандайдир узалганликлардан таркиб топган эмас. Узалганлик, узунлик, кенлик, қалинликлар эса энг аввалги (биринчи) оразлардир (акциденция). Ушбу оразлар, табиий жавҳарларда мавжуд бўлган бошқа оразларга ўхшаб унда пайдо бўлиб, ўзгариб, кўпайиб ёки камайиб турдилар. Арасту сўнгра, миқёси бўйича бениҳоя (ла-ниҳоя) фазода узалган, чўзиқ жисмий жавҳар борми ёки йўқ эканлиги ҳақида сўз юритади. Ва у бениҳоя фазода узалган жисмий табиий жавҳар йўқлигини ва ҳар бир жисмий табиий жавҳар фазода чекланганлигини тушунтиради. Арасту, табиат нарсаларида бўлган чекланган бениҳоятлик, табиат нарсалари ҳақида гап юритувчилар бениҳоялик ҳақида ўйлаганларидек аҳамиятдан бутунлай бошқа аҳамиятга эга, деб тушунтиради. Арасту, ушбу аҳамиятни қисқача таърифлайди ва унинг қандайлиги, нимага тааллуқлиги ҳақида айтиб ўтади.

Сўнгра у ҳаракат даражасини, рутбасини (категория), у қандай намойи бўлишини ва моҳиятини таҳлил этади. Ҳаракат, унинг бениҳоялигини кўрсатувчи моҳиятга эгалик учун, ҳаракат, фазо ва вақт пчида бир нарсадан бошқа нарсага ўтганлиги учун, ҳаракат жисмий жавҳарнинг орази бўлиб, ҳаракатлантирувчи сабабга эга бўлганлиги учун уни тадқиқ этишга зарурат бўлади. Шу қатори ҳаракат билан бирга унинг моҳиятини тартибли билан, ҳамда унинг ўзи нимадан иборатлиги, нима учун

керак ва у қандай, унинг мавжудияти қандай эканлигини ва ниҳоят унинг моҳият ҳосилаларини аниқлаш зарур. Ушбу кўндан кўп шароитлар ҳосилаларининг ҳар бирини ҳаракат ўз ичига олгани учун, бу шароитларнинг ҳар қайсисига ҳаракат хос ва ҳаракатлантирувчи жисмларга ҳаракат ҳосилалари шароитлар хос бўлганлиги учун, Арасту юқорида санаб ўтилган ҳар бир шароитни ҳаракат ўз ичига олганлигини ва шароитлардан ҳар бири ҳаракатга хослигини тадқиқ этади.

Бунинг учун Арасту макон рутбасини (категориясини) таҳлил этади, макон ўзи нима эканлиги ҳақида фикр юритади. Макон моҳиятига хос бўлган нарсаларнинг таърифини келтиради ва жисмнинг макони бўлатуриб қандайдир оразга эга бўлишига зарурат бўлган ҳолда жисм учун макон зарурми, йўқми, шуларни кўриб чиқади.

Арасту, ҳаракатлантирувчи сабаб, ҳаракатнинг бўшлиққа бўлган эҳтиёжининг оқибатини ёки йўқми, деган масалани таҳлил қилади. Ва унинг (ҳаракатлантирувчи сабабнинг) на уйғотувчи сабабга, на вакуумнинг йўқлигига, на ҳар қандай табиий василалар мажмуасига эҳтиёжи бунинг устига бўшлиқдаги — на жавҳарга ва на оразга эҳтиёжи йўқ деб таъкидлайди. У, мутлақ бўшлиқнинг йўқлигини чуқур бўлмаса-да, тушунтириб беради.

Сўнгра Арасту «вақт» рутбаси нималигини тушунтиради ва табиатдаги мавжуд нарсалар ва ҳаракат, вақт ва фазонинг борлигига муҳтожмилар деган масалани кўриб чиқади. Арасту ҳаракат ва шароитларга тегишли асос ва қонунларни баён этади.

Сўнгра у, жисмларда мавжуд бўлган ва уларнинг ҳаракати ва бу ҳаракатнинг бошланишига зарур бўлган беҳисоб сабаблар ҳақида сўз юритади. Бир-бирларига тегиб турувчи ва ёнма-ён турувчи бошқа жисмлардан ҳаракатланадиган мутаҳаррик жисмлар бўлиши керак, улар эса ўз навбатида бошқа жисмлардан ҳаракатланадилар ва ҳоказо. Бундай ҳолатда бир жисмнинг бошқасига нисбатан ҳаракати ўзаро яқинлашган ва ёндошган, бир ҳаракат шкличисидан келиб чиқувчи ва умуман олганда бениҳоят бўлади.

Арасту, табиий жисм ўз табиатига кўра бошқа бир жисмни қандай қилиб ҳаракатга келтиришини ва ҳаракатдаги олдинги жисмдан ҳаракатга келган жисмлар ўз навбатида бошқаларини қандай ҳаракатга келтиришини кўрсатади. Бунда ҳаракат шакли фақат механик (ал-ҳайал) ҳаракат бўлиб, бошқача бўлиши мумкин эмас. Атрофдаги бошқа жисмларни ҳаракатга келтирувчи ушбу

ҳаракат тўғри чиқиқли бўлмай, балки айланма ҳаракатдир. Бошқа бир жисм орқали ҳаракатга келтирилган жисм ўша жисмнинг ҳаракат таъсиридан ташқари бўлмайди. Арасту, ушбу жисм мутлақ миқдорга эга бўлиши мумкин эмас, деб тушунтиради. Демак, барча табиий жисмларни ҳаракатга келтирувчи бошланғич жисм бўлиши зарур ва яна ўша жисмдан ҳаракатни қабул қилиб бошқа ҳамма жисмларни айланма ҳаракатга келтирувчи бошқа бир жисм бўлиши керак.

Сўнгра у айланма ҳаракатланувчи жисм ҳақида сўз юритади, ўша жисм ўз-ўзида ҳаракатланадими ёки уни ҳаракатлантирувчи сабаб борми? Ва уни ҳаракат манбаъи бор бўлиши кераклигини тушунтиради. Арасту табиатан айланма ҳаракат қилувчи жисмлар ҳаракатларининг асосларини кўрсатади, улар жисмларми ёки жисм эмасмилар, улар модда ва жисмларни (таналари) бўлмаган жисмсиз моҳиятмилар ёки йўқми, деган масалани ойдинлаштиради.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

Арасту буларнинг ҳаммасини диққат билан ўрганиб чиққанда сўнг айланма ҳаракатнинг энг четда турувчи жисмлар, мавжуд нарсаларнинг қандайдир моҳияти эканликларини ва ҳеч вақт у моҳият на табиат ҳодисаси, на жисм бўлиши мумкин эмаслиги, у на жисмда ва на моддада бўлиши мумкин эмаслиги унга равишан бўлади. Уларни, табиий нарсаларга нисбатан қўлланмадиганга ўхшаш усулда тадқиқ этмай, балки бутунлай бошқача услуб билан тадқиқ этиш керак бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганлар, Арасту табиат ҳақидаги фанга мансуб деган асосларнинг мажмуасини ташкил этади. Улар ҳақида Арасту «Физик гармония» номли китобида сўз юритган.

У ўзининг «Физик гармония» китобида батафсил ёритган мавзунини яна бошқа бир китобида ҳам давом эттиради. Бу китоби у, зарурат нуқтаи назаридан, шундай бир жисм бўлиши керакки, у жисм ўз атрофида турувчи, бошқа жисмларни ҳаракатга келтириши зарур, деган фикр билан бошлайди. Аммо бу жисмлар мутлақ бўшлиқда эмаслар. Яна ушбу жисм бошқа ёндош жисмларга туташини ва тегиб туриши керак, чунки улар орасида ҳеч вақт бўшлиқ йўқ. Бир-бирига яқин ва ёндош жисмларни ўз ичига олган мажмуани Арасту «коинот», деб атайдди.

Арасту, коннот ўраб олган ушбу жисмлар мажмуаси ичра коннотни ташкил этувчи энг биринчи жисмлар бўлмиш жисмлар борми ёки йўқ эканлигини, ҳамда улар коннотнинг энг биринчи бўлаклари бўлсалар ва оламни йўқ қилиб ёки инкор этиб юбориш учун улардан бирор бўлагини бартараф этилганда коннот йўқ бўлиб кетадими, деган мураккаб масалани ўрганади. Ва у, коннотни ташкил этувчи энг биринчи жисмлар бор ва улар коннотни ташкил этувчи қисмлар бўлган биринчи мавжудиятлардир, деб тушунтиради.

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

Арасту, коннотни энг аввалидан ташкил этувчи биринчи жисмларнинг баъзи сифатларини баён этади. Ушбу жисмлар мажмуасида бошқа ҳамма жисмларга айланма ҳаракат берувчи жисм бўлгани учун зарурий равишда икки макон бўлиши керак, улар: ўртадаги, марказдаги макон ва марказнинг атрофини қуршаган макон. Шу билан бирга механик ҳаракат туфайли ҳаракатланувчи жисмлар бўлиши зарур, уларнинг учта энг оддий хили бор: айланма бўйлаб ҳаракат, ўртага (марказга) интилувчи ҳаракат ва ўртадан (марказдан) четга томон ҳаракат. Ҳаракатнинг бу уч хили ёндошининг турли хиллари бўладилар, чунки уларнинг орасида ҳеч қандай бўшлиқ йўқ.

Арасту ўртадан (марказдан) четга томон ҳаракатни кўриб чиқади. У ҳаракат миқдори жиҳатидан биттами, ёки кўпроқми? Ва бу ҳаракат уч турли деб тушунтиради. Бу ҳаракатларнинг ҳар бирини айрим таърифлайди, ҳар бир хилнинг моҳияти ва уларда бор бўлган моҳиятий оразларни тушунтиради. Арасту ҳаракатнинг бу хилларини ўрганиб, уларнинг ўзи қандайлигини, нимадан ва нима учун бўлишларини кўриб чиқади. У, ушбу ҳаракатлар оддий жисмларга ҳосилгини тушунтиради. Коннотни ташкил этган ушбу жисмлар бир қанчадир. У, ушбу жисмларнинг коннотдаги жойлашмишлари, ҳамда бир-бирларига нисбатан ҳолатлари ва тартибни аниқлайди. Яна, уларнинг ҳар бир қисмини ва ушбу қисмларнинг жойлашиш тартибларини таърифлайди. Оддий қисмлардан бири «биринчи жисм» дир ва у, умумий моддага эга ва шакл ила фарқланувчи бошқа тўрт жисм тупроқ, олов, ҳаво ва сувдан фарқланади. «Биринчи жисм», бошқа тўртта жисмдан ҳам модда, ҳам шакл жиҳатидан фарқланади. Ушбу тўртта оддий жисмлар, биринчи жисм-

дан қуйида турувчи бошқа жисмларни яратувчи унсурлар (элементлар)дир. Ушбу унсурларнинг бирлари бошқаларидан, унсурларнинг ўзларидан оддийроқ қисмлардан яратиладилар, ammo «биринчи жисм» дан пайдо бўлмайдилар.

Булар ҳақида унинг «Китоб ал-само ва ал-олам» асаридан маълумот олса бўлади. Арасту «Китоб ал-само ва ал-олам» нинг охирида баён этган мавзунин, бошқа бир рисоласида давом эттиради. Бу асарда ўз-ўзларича пайдо бўлган ушбу тўрт унсур, бирлари бошқаларидан яратиладилар, деб ёзади. Яна, унинг ёзишича, эргашинш услуби бўйича бир жавҳарнинг моддаси, бошқа жавҳарнинг ҳам ўша моддаси бўлади, деб тушунтиради. Дарҳақиқат, ҳар бир унсур бошқа унсур орқали яратилади, бошқа яратилувчи жисмлар эса, ушбу унсурлардан яратиладилар. Унсурлар асослар ва кучларга эгадилар ва улар туфайли унсурлар бир-бирларидан пайдо бўладилар, ҳамда ўзлари учун ўзга жисмларни яратадилар. Пайдо бўлиш ва фасодга келсак, улар ҳақида бундай фикр билдирилган: бир ҳолат бошқа ҳолатга ўтади, пайдо бўлиш — ривожланишни, фасод (барбод бўлиш) — инкорни билдиради. Пайдо бўлиш — ал-қави нималигги равшан экан, демак, бир жисмнинг бошқасидан пайдо бўлиши, бири бошқасининг таъсирга учраши, бири бошқасига таъсир этиши учун улар бир-бирларига тегиб туришлари керак. Бунинг учун аввало пайдо бўлиш ва фасод жараёнини ўрганиш зарур бўлади, уларнинг ўзи нимадан иборат, қандай ва нимада мавжуд эканликларини билиш керак. Яна, пайдо бўлиш ва фасод оддий бирланишдан ёки ажралашдан иборат эмасликларини, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш, на пайдо бўлиш ва на фасод эмаслигини кўрсатиш керак бўлади.

Сўнгра Арасту, сифатлари таъсир этиш ва таъсирланиш (ҳаракатлантириш ва ҳаракатланиш) дан иборат жисмларнинг таломусини (бир-бирларига тегиб туришларини) кўриб чиқади. У яна, бири бошқасига таъсир ўтказувчи ва бошқаси ўзи таъсирланувчи жисмларнинг хислатларини кўриб чиқади.

Сўнгра у, таъсир (ҳаракат) нима ва таъсирланиш (ҳаракатланиш — бошқа бир куч таъсирда) нима эканлигини, улар ушбу туйғу ила идрок этилувчи сифатларда бўлишларини таҳлил этади, бу қандай рўй беришини тушунтиради.

Арасту яна бирикиш (синтез), қоришиш ва бошқа табиий жисмлар мавжудлиги сабаби бўлмиш тўрт унсурнинг қўшилиши натижасини таҳлил этади.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

Буларни кўриб чиққач, Арасту ўша тўрт (тупроқ, олов, ҳаво ва сув) жисмнинг таҳлилига ўтади. Бу унсурлар қандай хислатга эга, уларга қандай мазмун сийғдирилган, уларда шундай бўлишларига ёрдам берувчи асос ва кучлар борми, улар ўз моҳиятларига кўра унсурми-лар ёки табиий сабаблар туфайлими, улар биринчи энг оддий жисмларми ёки улардан аввал бошқа зарралар борми, уларга уларни бениҳоя этувчи кучлар ҳамроҳ бўладими ёки улар ниҳояли (чегараланган) милар. Бу ерда Арасту, аввалги айтиб ўтганларидан фарқли равишда, унсурларни бениҳоя деб ҳисоблаб бўлмайди, дейди. Аввалида ўз тадқиқотларида у, ҳар қайси айрим олинган унсур фазода бениҳоями ёки чегараланганми, қонiotни ташкил этган биринчи жисмлар бениҳоя кўп миқдордами ёки йўқми, деган масалаларни қўйган эди. Эндиги тадқиқотлар эса ушбу масалаларни ёритиш учун олиб борилган: улар (яъни унсурлар) қандайдир йўл билан ўша унсурларни бениҳоя кўп унсурлар бўлишларига ёрдам берувчи кучга эга бўладиларми. йўқми, унсурлар абадийларми ёки улар ҳам пайдо бўлиб яна барбод бўладиларми?

Улар абадий (боқий) бўлолмайдилар, чунки ҳаво, сув, тупроқ ва олов бўлинадилар, бирлари бошқасига айланадилар ва балки ҳар бир унсур ҳар бир бошқасида мавжуддир. Мисол тариқасида ҳавони олайлик, чунки у тўрт унсурнинг биридир. Унга қандайдир билқувват (потенциал) имконият ҳамроҳ бўлиши мумкин. Шу билқувват имконият туфайли у унсур бўлиб қолиши мумкин, ва унга ҳам ўз навбатида уни унсурларга ажратиб юборувчи ўзга бир куч ҳамроҳ бўлиши мумкин. Бу ҳол ушбу вақтда рўй бериши мумкин: ё сув бениҳоят кўп қисмларга (бўлақларга) бўлиниб кетади ёки сувнинг ҳар бир қисми-бўлагинда шундай кучлар борки, улар туфайли сув, шу ҳар бир кучга эга бўлган унсур бўла олади. Арасту буларнинг ҳаммаси бўлиши мумкин эмас, чунки унсурлар сопи бениҳоя эмас ва унсурлар мавжудлигини таъминловчи сабаблар мутлоқ боқий бўлиб қолаолмайдилар, деб тушунтиради.

Арасту билқувват имкониятлар бор, улар туфайли

бир жисмлар бошқаларига таъсир ўтказадилар, бирлари бошқларидан таъсирланадилар, деб тушунтиради. Чунки ҳар бир пайдо бўладиган жисмнинг пайдо бўлиши аввало жисмнинг баъзи туйғу билан идрок этиладиган сифатларга таъсир сабаб бўлади. Натижада жисм жавҳари ва юқорида айтилганидек, жисмлар ушбу тўрт жисм унсур бўлишларига сабаб бўлувчи шу сифатлар сифатлардан таъсирланишлари учун зарурат сабаб бўлади, деб тушунтиради.

Сўнгра Арасту, ҳар бир айрим унсур бошқасидан пайдо бўладими ёки учта унсур биттасидан пайдо бўладими, деган масалани кўриб чиқади. У, бир унсурнинг бошқасидан пайдо бўлишини ва бу ҳол қандай рўй беришини баён қилади. Кейин Арасту бошқа жисмларнинг пайдо бўлишларини таҳлил қилади: улар қандай пайдо бўладилар, қандай аралашадилар, бирикмиш жараёни қандай кечади, янги жисмлар қайси жараён натижасида пайдо бўладилар.

САККИЗИНЧИ БЎЛИМ

Бу масалани ниҳоясига етказиб Арасту, бир хил жисмлар бошқаларига таъсир ўтказа бошлашлари, иккинчилари эса таъсирлана бошлашларининг боиси бўлмиш ўша сабаблар ва асослар етарлими, йўқми деган масалани тадқиқ эта бошлайди, ҳар бир нарса ҳам имконий, ҳам ҳақиқатан мавжуд бўлганлигидан, уларнинг ҳар бири ҳаракатлантирувчи (таъсир ўтказувчи) ва ҳаракат таъсирини ўзига сезувчи (таъсирланувчи) бўлиши мумкин. У, бир-бирларига нисбатан жойлашган жисмлар коинотга ҳос биринчи имкониятни, кучни ташкил этишлари учун, бир (хил) жисмлардан бошқалари пайдо бўлишлари учун ушбу ҳолат етарлими, йўқми ёки улар бошқа кучлар ёрдамида бир-бирларига яқинлашишлари учун, бир-бирлари билан қўшилишлари учун кўмаклашувчи ва улардан янги жисм пайдо бўлишига асослар берувчи бирон-бир ташқи таъсир этувчи кучга мухтожмилар деган ҳолатларни баён қилади. У, на юқорида айтиб ўтилган нарсалар, на уларнинг асослари, на уларнинг жавҳарлари, на бошқа хислатлари бунинг учун (яъни, янги жисмлар пайдо бўлишлари учун, бирларидан бошқалари пайдо бўлишлари учун — дейилмоқчига ўхшайди) етарли эмас, бунинг учун қандайдир бошқа ташқи таъсир этувчи сабаб бўлиши зарур, деб тушунтиради.

Шу билан бирга Арасту таъсир этувчи ҳаракатдаги

кучларнинг асосларини таҳлил этади. Бу кучлар ёрдамида бир хил жисмлар бошқаларига таъсир этадилар ва уларнинг бирланишлари учун уларни бир-бирларига яқинлаштиради. Шу қатори Арасту, моддаларни, ҳамда улар туфайли пайдо бўлувчи ва барбод бўлувчи жисмларни текширади, қайси асослар умумийлигини ва унсурлардаги моҳиятлар қандай эканлигини тадқиқ этади.

У, ушбу пайдо бўлувчи ва барбод этилувчи жисмлар сифатлари томондан белгиланувчи мақсад ва оразни таҳлил этади. У яна, бир жисмлар бошқаларни томондан яратилишларининг, қайтарилишларининг ва пайдо бўлувчи жисмлар тановаб (навбат билан ўрни алмаштириш) қондаси бўйича муттасил алмашишиб туришларининг сабабларини баён этади.

Сўнгра Арасту, бутунлай ҳалок бўлувчи ва пайдо бўлувчи бирор нарса борми ёки аслида бундай бўлмайди ва доимо нимадир пимадан пайдо бўлиб туради, деган муаммони кўриб чиқади. Шу муносабат билан у барбод бўлишга маҳкум нарсаларни тадқиқ этади: бу нарсалар яна қайта тикланадиларми ва улар шундан кейин аввалги ҳолларида мавжуд бўладиларми ёки уларда моҳиятсизликка айланиб ҳеч нарса сақланиб қолмайди? Моҳиятсизлик эса — йўқлик демакдир. Ёки улардан нимадир қайта тикланиб, нимадир йўқ бўладими? Агар бирор нарса қайта тикланса, у ҳолда қай даражада тикланади ва неча марта; пайдо бўлувчи ва ғасод нарса бениҳоя равишда қайта тикланадими ёки ҳадди чегараси борми?

Буларнинг ҳаммаси ҳақида унинг «Китоб фп-л кави ва-л-ғасод» рисоласида ёзилган.

Сўнгра Арасту, унсурларни тадқиқ этади. Чунки уларга муҳиммона хос ўз моҳиятлари ва унсурларнинг шундай бўлишлари билан бўлиши кучлар бўйича улар бир-бирларига зиддилар. Улардан бир хиллари бошқаларига таъсир (ҳаракат) ўтказиб, яна ўзгаларни учинчиларидан таъсирланиб бир-бирларига тегадилар, аралашадилар, барбод бўладилар, янгиларни пайдо бўлади. Шунинг учун, ҳаддига етаётган ёки етиб бўлган унсурлардан ҳар бирига, уларга моҳият берувчи қандайдир баркамоллик бўлиши учун, моҳият камолоти, унда зарурийдан ортиқча бўлмаслиги зарур. Шунга ўхшаб, унсур мавжудиятининг билан бўлиши сабаб, энг сўнгги ҳудудий мезонга эга, чунки ортиқча зиёдалик ҳар қандай баркамолликни бузади.

Камолот ва кучда кичрая бориб унсур, унинг моҳия-

тига хос энг кичкина миқдорга (ҳажмга) эга бўлади, камаю бориб эса, ушбу унсурнинг моҳияти энг адно (минимал) миқдорда бошқа улсурнинг моҳияти бўлиб қолади. Бу моҳият бошқа улсурнинг моҳияти бўлиши мумкин. Унсурнинг моҳияти энг кам миқдорга эга бўлсагина шундай бўлиши мумкин. Бу икки услубда рўй беради. Уларнинг бири бўйича қабул этувчи молда, ташқаридаги зид моҳиятдан моҳияти аллақачон пиманидир қабул қилган улсурда бўлади. Аммо, у пимадир (нарса) ташқи таъсир (таъсир этувчи ҳаракат) эмас ва шу билан бирга тенг равишда моҳияти зид ушбу улсурда мавжуд бўлган (таъсир) куч, ҳаракат бўлиб ҳам қолаверади ва ниҳоят у пимадир нарса ўзига зид улсурнинг ҳаддини чегаралаб турувчи бўлади, лекин бунинг учун аввал у ўз ҳаддини чегаралаган бўлиши зарур. Бу ҳолат, зид моҳиятдан олдинроқ пиманидир қабул этгани учун рўй бермайди. Арасту бу ҳолниҳадди бўлмаган нарсадаги кучлар туфайли рўй берадими йўқми кўриб чиқади.

Арасту, улсурлар бир-бирларига қайси усул ила ёндошларини ҳар бир айрим улсурнинг ташкилий қисмлари бошқаларига сингиб, сочилиб кетган жуда ҳам кўп кичкина майда қисмларми ёки жисмлар мажмуаси, бошқа жисм макони бўлмаган макон билан фарқланиб турадими, деган масалани ёритади. Марказга жойлашган ва тўрт жисмдан бири бўлмиш жисм, агар унинг қисмларида (бўлақларида) бошқа жисмнинг бўлақлари бўлмаса, эркин жисм бўлади. Коинотнинг (Оламнинг) юқори қисмидаги жисм ҳам марказдаги (ўртадаги) жисмга ўхшаган ҳолатда бўлади (яъни унинг эркинлик шартлари ҳам ўшандай дейилмоқчиға ўхшайди). Шундай қилиб, фазовий жисмларга тегиб турган жисм қандайдир бир улсур бўлиб қолади, унга яқинлашган, ёндош ва ундан пастда жойлашган жисм эса, қандайдир бошқа бир улсур бўлади. Агарда бу ҳолат мумкин бўладиган бўлса, у ҳолда зарурий равишда, ҳар бир айрим жисмнинг қисмлари ҳар бир айрим бошқа жисмнинг қисмларида, бирларининг қисмлари эса, бошқаларининг қисмларида бўлишлари керак бўлади. Арасту буни икки усулда рўй беради, деб таъкидлайди.

Арасту, фазовий жисмларга таломис (тегиб турувчи) жисмнинг ҳолати қандай бўлиши кераклигини туншутиради. Унинг баёнича, бу ҳолат ўз моҳияти бўйича анча эркинроқ ва ўз моҳиятининг ҳамда ўз кучиянинг (ортиқчалигига) анча яқинроқ бўлиши керак, у ўзи

билан аралашуви жисмларга қараганда анча паст ёки анча юқори ҳарорат ва қуриқликка (кам намликка) эга бўлмоғи зарур.

Сўнгра, унга таломис унсур, моҳият томовидан зид ва куч жиҳатидан бўшироқ бўлиш учун унга қараганда камроқ моҳият ва кучга эга бўлмоғи керак бўлади. Марказга яқин бўлган барча жисмлар энг кам даражадаги куч ва моҳиятга эга бўлишлари зарур, — фақат шундай кучки, бу куч воситасида унсур, унсур бўла олсин халос ва фақат шундай моҳиятки у моҳият воситасида унсур жавҳарлаша олсин.

Яна, марказдаги бошқа бир унсурга интилаётган унсурнинг ҳаракатчанлик қобилияти ва бошқа унсур билан аралашини қобилияти анча кучлироқ бўлмоғи зарурдир. Бошқа учта у билан аралашган унсурлар аралашини беҳад кўп хилларидан иборат бўладилар. Арасту буларга сабаб таъсир ўтказувчи (ҳаракатланувчи) сабаб бўлмиш фазовий жисмлар уларнинг моддалари ва уларга хос бўлган нарсалардан келиб чиқади, деб айтади.

Сўнгра, у ушбу унсурларни ном қўйиб белгилаш зарур, дейди. Чунки, улар қандайдир йўл билан ўз эидиятлари билан аралашшдан эмас, айрим ва эркин моҳиятларга эгадирлар. Чунки улар (унсурлар) унсур бўлишларининг босиб бўлиши зарурий моҳиятларга эгадирлар. У уларни белгилаш учун уларга янги ном бермайди, балки шу унсурларнинг бошқа унсурлар билан аралашувлари (мухталит) натижасида олинган жисмларнинг номларини сақлаб қолади. Шунинг учун у унсурларнинг номлари маълум бўлган хилларини кўриб чиқади. Масалан, механик ҳаракат хилларидан қайси бири, қандайдир бир унсурнинг худди шундай ҳаракати бўлмоғи учун энг яқин туради ёки туйғу билан қабул идрок этилувчи қайси сифатларнинг қайси хили бирон-бир унсурда мавжуд бўлган сифатлар бўлиб қолишига яқинроқ туради? Унсурларнинг бир хилларини номини Арасту шу унсурлар мажмуасининг номига кўчиради.

Фазовий жисмларга туташувчи жисмини у «олов» деб атайти ва бу олов, бизда бор бўлган олов эмаслигини тушунтиради, чунки халқ назарида олов, аланга ва ёнаётган чўғ маъносининггина касб этади.

Модомики аланганинг ҳаракати, аланга то ҳавонг қамраб олгунга қадар, ҳавонинг ёнишини босиб бўлмиш ҳаракатнинг қандайдир ҳислатини касб этар экан, бошқа унсурларни айланиб ўтиб ва фазовий жисмлар-

нинг биронта эгма сатҳига туташувчи жисмни «аланга» деб атайдилар. Алангаси бўлмаган (алангандан маҳрум бўлган) жисмни «ҳаво», ҳавоси бўлмаган жисмни «сув», марказда турган жисмни эса «ер», деб атайдилар. Унда барча унсурлар мужассам бўлганлар ва бу кузатув ва тажрибалар орқали тасдиқланади.

Унсурларнинг аралашувлари турли хилларда содир бўлади: тупроқ бошқа унсурлар билан икки хил аралашади, сув ҳам тупроқ ва ҳаво билан шу йўсинда аралашади. Олов билан аралашмиш қандай ўтгани эса сезилмайди. Ҳаво сув кетидан, олов улар кетидан эргашади. Буларни Арасту чуқур таҳлил этади.

Сўнгра Арасту барча қоришмалардан биринчисини таҳлил этади. Бунда аралашувчи унсурлардан бири ўз моҳиятини йўқотмайди. Арасту қоришмаларнинг хилларини кўриб чеқади. Қоришмалар деярли бениҳоят бўлганларида, уларга помлар ҳам, уларни бир-бирларидан аниқ ажратадиган нарса ҳам етишмай қолади. Фақат бир-бирларидан озгинагина фарқ этишлари мумкин, буғ, тутуғ, аланга ва ҳоказо каби.

ТУҲҚЗИНЧИ БЎЛИМ

Кўп қоришмалар ном олишларига зарурат пайдо бўлганидан кейин Арасту ҳар бир айрим қоришмани, унсурларнинг моҳиятини энг яхши ақс эттирувчи ном билан аташга мажбур бўлади. Ҳавонинг моҳиятини «ҳаволи» номи, оловни «оловли», тупроқни «тупроқли», сувни «сувли» сўзи энг яхши ақс эттиради. Уларни Арасту турли синфларга ажратади: баъзиларини у механик ҳаракат бўйича, бошқаларини туйғу орқали ядрок этилувчи сифатлар бўйича аниқлайди, агарда икки унсурдан иборат қоришма учраса, у ҳолда унинг номида ҳам икки ташкил этувчи ақс этади, масалан: «тупроқли-сувли» ва ҳоказо.

У асосий сифатлар ва бу тўрт унсурда рўй берган унча аҳамиятли бўлмаган сифат инфолини (ўзгартириши) таҳлил этади ва бошқа жисмлар таъсирита учраган жисмлар олган моҳиятлар ва моддалар ҳақида сўз юритади. Уларга таъсир этувчи асосий сабабларни аниқлайди, фазовий жисмларга туташувчи унсурларда улардан (шу сабаблардан дейилмоқчи) қайси бирлар борлигини, улардан қайси бирлари ҳавода, сувда ва тупроқда мавжудлигини аниқлайди.

Сўнгра у, унсурларни тадқиқ этади. Мавжудият камо-

лот кашф этишига зарур бўлган нарса бўлмоғи учун унсурларнинг мавжудияти ўз-ўзи учунгина керакми, деган масалани кўриб чиқади. Улар ё уларнинг ўзидан бошқа пайдо бўлувчи нарсалар келиб чиқиши учун яратилганлар. Ёки вужуднинг яхлитликка қўшимча бўла оладиган қисмларидан бири учун донмо мавжуд бирор нарса бўлиш учун ва яна унсурлар аралашини туфайли бири-кетин пайдо бўлувчи жисмларни яратилганлар.

У яна, ушбу унсурлардаги ҳислатларни ҳам кўриб чиқади: улар бирор асосий мақсад учун яратилганмилар ёки улар қандайдир бошқа мақсад учун яратилган нарсаларга боғлиқ ва улар учун зарурмилар, ёки улар мақсадга хос бўлмаган бутунлай ортиқча хусусиятдирлар ва улардаги зиёдалик қўлда ортиқча бармоқнинг борлиги, етишмаслик эса — етишмаган бармоқни эслатади.

Булар борасида унинг «Фазовий рамзлар» рисола-сининг учта маҳсуе бобида ёзилган.

Сўнгра Арасту, ушбу тўрт унсурнинг аралашини натижасида бир-биридан ташкил толувчи жисмларни кўриб чиқади, Аралашини натижасида ҳосил бўлувчи жисм икки хил бўлади: бир хили ўхшаш жисмлар билан бошқаси — фарқланувчи жисмлар билан ҳосил бўлиш. Фарқланувчи қисмлардан иборат хили, бирлари бошқаларига ўхшаш, жисмларнинг қоришини натижасида пайдо бўлувчи жисмлар қоришма яратган пайтда бўлади. Бу қоришма, эслатилган жисмлардан ҳар бир айрим жисмнинг моҳиятини сақлаб қолган бўлади. Ушбу қоришмага, бир-бирига туташ ва бир-бирига тегиб турувчи жисмлар киради. Қисмлари бир-бирига ўхшаш жисмларга келсак, ҳар бир айрим қисмининг моҳияти сақланиб қолмайдиган аралашув натижасида ҳосил бўладилар. Бу аралашма, бир жисмлар ҳаракатни яратганлари (таъсир ўтказганлари), бошқалари эса ҳаракат таъсирига учраганлари (таъсирланганлари) натижасида рўй беради.

Қисмлари ўхшаш жисмлар икки хилдирлар: бирда, асосий хусусиятга эга унсурларнинг бир қисми кўпроқ бўлади, бу ҳол маълум бир жинс ва хилнинг сақланиши учун зарур. Бошқа бир хилга эса собиқ (олдинги) нарсадан жуда кам ҳислатга эга бўлган жисмлар кирадилар, улар янги жисмларнинг пайдо бўлишлари учун зарурдир.

Арасту аввалан, унсурлардан қисмлари ўхшаш жисмлар пайдо бўлишини тадқиқ этади ва ушбу масалаларни

кўриб чиқади: бу қандай рўй беради, унсурнинг унсур ила қўшилиши қандай кечади, қўшилган унсурлардан қайси бири таъсир ўтказувчи — ҳаракатдаги сабаб (фoъил) вазифасини ўтайди, қайси куч воситасида унсурларнинг қанчадир қисми ҳайулий — биринчи модда вазифасини ўтайди? Қандай куч туфайли унсурларнинг қанчадир қисми жузъи фoъил бўлиб қолади, янги жисмларнинг пайдо бўлиши қандай ҳислатларнинг аралашуви натижасида рўй беради, Арасту худди шу тартибда, йўқолиб кетиш масаласини кўриб чиқади. Жисмларнинг пайдо бўлишида ва йўқолишида ўзгартирилари қанча хиллари бўлишини ва бу қайси маконда рўй беришини тушунтиради. Унинг фикрича, бу макон (жой) ўрталик бўлиши зарур, ўрталик эса ерга, унинг сатҳи ва бағрига туташ.

Сўнгра Арасту, ҳис этилувчи сифатларнинг таснифига (классификация) ўтади. Бу сифатларнинг ҳислатлари шундан иборатки, улар қисмлари (жузъи) ўхшаш жисмларда ва биринчи кучларга бўйсунган аралаш қисмларда бўладилар. Бу кучлар воситасида бир унсурлар ҳаракат пайдо этадилар, бошқалари ҳаракатланадилар, учинчилари ҳаракат таъсиринга учрайдилар яъни ҳаракатни қабул этадилар (таъсирланадилар). Буларнинг ҳаммаси унсурларнинг аралашувлари ва бир-бирларига ўтишлари сабабли рўй беради. У, ҳис этилувчи сифатларни кўриб чиқади. Бу сифатларнинг аралаш жисмдаги мавжудлиги унсурларда бор бўлган ҳаракатдаги кучларга бўйсунди. Бу кучларга эса, жисмларнинг лоқайд (пассив — ҳаракат таъсиринга учрагувчи) бўлиб қолишларига кўмак берувчи кучлар кўмак берадилар.

Сўнгра Арасту, бошқа сезги аъзолари ила ҳис этиладиган ўзга сифат ва қисмларни тадқиқ этади. Лекин, баъзи унсурлар бошқаларига таъсир этишларига восита бўлувчи кучлар ўхшаш бўлишлари учун улар етарли эмас, деган кўпгина фикрлар мавжуддир. Яъни, таниқ кучлардан келиб чиқувчи ёки билқувват мавжуд бўлган бошқа қандайдир кучларга эҳтиёж сезилади. Шунинг учун, бу ҳолатларни ўрганиш табиат ҳақидаги фаннинг (физика) бошқа бўлимига тааллуқли деб ҳисоблайдилар. Физиканинг бу бўлими басарий (кўриш), самоъий (эшитиш) ва бошқа ҳис-туйғу аъзоларининг мавзусига тааллуқли парсаларни тадқиқ этади, негаки, мавжуд рағлар муҳрланиб қолишига мухтождирлар, туйғулар ила идрок этилувчи парсалар, — шу қатори ҳис эти-

лувчи парсалар ҳам, — шуларга ўхшаш кучларга муҳтожлар.

Буларнинг ҳаммаси юқорида айтиб ўтилган «Фазовий рамзлар» китобида ўз ифодасини топган.

Сўнгра Арасту, жинсдош нарсалардан пайдо бўлган, ўхшаш қисмларга эга жисмларни кўриб чиқади. Уларга тошлар, ҳамда тошлар билан жинсдош тошлик жисмлар киряди.

Арасту, ер (тупроқ) қисмлари, бу қисмларнинг хиллари ва уларнинг ҳолатларини, ҳамда мавжуд буғланишларнинг навларига батафсил тўхталади. У, қайсиниси оловли, қайсиниси — ҳаволи, қайсиниси эса — сувли эканлигининг фарқини кўрсатади ва улардан нималар ердаги (тупроқдаги) беқиёс кўп нарсалар билан аллақачон аралашиб бўлганини айтиб ўтади.

У, иссиқ буғланишларни кўриб чиқади. Ушбу буғланишларнинг баъзи қисмлари қуруқликка, баъзилари намликка, бир қисми анча тоза ва нозик, бошқаси анча тутунли бўлишга мойил. Буғланиш гўёки табиий ҳарорат билан бирлашадиган (наrsa) бўлиб, у туфайли ер остидаги ва устидаги жисмларнинг балогати мавжуддир. Бу жисмлар сув ва тупроқнинг ёки намлик ва қуруқликнинг қоринмасидан иборатдирлар. Ва улар ўзларига таъсирини қабул этувчи моддалардирлар, чунки уларга ҳарорат ва совуқлик таъсир ўтказганлар, ўз навбатида булар ҳарорат, совуқликка ўхшаш қисмларга эга бўлган жисмларнинг фонллари, таъсир ўтказувчи сабабларидирлар. У, ер ости буғланишлари пайдо бўлишининг биринчи сабаблари аввалам фазовий жисмлардир, сўнгра бунга, фазовий жисмлар орқали исийдиган, ерга туташ ҳаво имконият яратади, деб тушунтиради.

Сўнгра Арасту, ердаги аралашган унсурларнинг айрим қисмлари ер остида ва устида бўлган тош ва маъдан жисмларни тузувчи навларини тушунтиришга ўтади. Арасту тушунча — категорияларнинг таснифини тузишга ҳамда шу навларнинг кейинги шаҳобчаларини аниқлашга ҳаракат қилади. Агар улар ўзаро фарқлансалар, у ҳолда ҳар бирининг айрим моддасининг ва шаклининг моҳиятини ва шу навлардан қайси биридадир мавжуд бўлган уларнинг ҳаракатдаги таъсир этувчи асосларни ёки уларнинг оразларининг моҳиятини кўрсатиб ўтиш керак бўлади. Шу қатори яна ушбу навлардан қайси биринидир яратилишининг бойси бўлиши мақсадларини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Ушбу мақсадларни аниқлаш ва коинот мажмуаси мақсадини билмасдан олдин билиш мушкул иш бўлгани учун Арасту ушбу

мақсадларни кўриб чиқишни фаннинг бошқа бўлимига ҳавола қилади. Фаннинг бу бўлими кoinотдаги энг сўнгги чегарадаги асосларнинг тадқиқ этиш билан шуғулланади.

Буларнинг ҳаммаси унинг «Илм ал-маъодин» «Минералогия» рисоласида баён этилган.

Ҳайвонотни кўриб чиққунга қадар у набобот (ўсимликлар) да тўхталади. Бу ишни у ҳис-туйғу ва кузатиш орқали маълум бўлган нарсаларни тасниф этиш масаласидан бошлайди. У навларни бирма-бир санаб ўтади ва санаб ўтилган ҳар бир навдан кўриниб турганини тасниф этади. Шу билан бирга у, биронта навда ёхуд ҳар бир навнинг бирон қисмида намоён бўлмиш ораз (акциденция)ларни тасниф этади. Шу аснода у ўзига маълум барча нарсани баён этган.

Сўнгра Арасту, ўсимликларнинг ҳар қайси қисми пайдо бўлишининг боиси бўлмиш мақсад ҳақида эслатиб ўтади.

У яна ўсимликларнинг бирон-бир хилнинг пайдо бўлишини таҳлил этади ва уларнинг ҳар бирга, улар пайдо бўлувчи модда ва шу хилнинг пайдо бўлишига васила бўлувчи фойил (ҳаракатдаги сабаб) хос эканлигини кўрсатиб ўтади. Шундай қилиб у, набобот моҳиятига тааллуқли барча масалаларни баён этади.

Сўнгра у, ҳайвонот ҳақидаги муаммоларга тўхталади ва уларни кузатув ҳамда ҳис-туйғу орқали билгани йўлларини кўрсатади. У ҳайвонларнинг хилларини санаб ўтади ва улар ҳақидаги маълум нарсаларни тушунтиради.

УНИНЧИ БЎЛИМ

Ҳайвонот ва набоботнинг муътадил ҳолатлари учун табиат ва табиий асослар етарли эмаслар. Бу сабаблардан ташқари яна улар бошқа кучларга ҳам мухтождирлар токи, ҳайвонот ва набоботда ушбу асос фитрий (табиий) нарсаларда мавжуд бўлган табиатга ўхшаш зарур бўлади. Буни кўриб чиққанидан сўнг Арасту, ҳайвонларда табиатдан ва бошқа нарсалардан олган беҳад асосларни борлигини кўрсатишга мажбур бўлади. Бу ўзга асосни Арасту «руҳ» (Фаробий «нафс сўзини ишлатади), деб атайди ва ҳайвоннинг ҳам ўсимликнинг ҳам руҳи бор деб эслатади. Руҳ билан ҳамжиҳат асосларни у «руҳий асослар ва кучлар», деб атайди.

Аввало Арасту табиатан ҳайвонга хос нарсани

тадқиқ қилади. У, ҳайвонга хос бўлган барча нарсаларга эътибор беради. Аввало у, ҳайвонлар хилларининг шохобчаларини ва ҳайвонотнинг табиатан яратилуви, ҳар бир айрим хили яратилишининг боиси бўлмиш табиий мақсадлар устида тадқиқот ўтказади. У, ҳайвонотнинг ҳар бир хилида моҳиятни қабул этувчи асос бор ҳамда бу асос — қандай бўлмасин ҳайвонотнинг қандайдир хилини пайдо қилувчи моддадир, деб таъкидлайди. У, фитрий фаъол асослар ҳайвонотнинг ҳар бир турида бор, деб тушунтиради ва ушбу тур табиий жавҳар бўлишига восита бўла оладиган сабабни, ҳамда унга (фитрий асосга) табиатан хос бўлган барча нарса мавжудиятининг боиси бўлмиш мақсадни кўрсатади.

Буларнинг барчасидан Арасту ўзи учун фитрий жисмлар икки хилга бўлинишларини аниқлаб олади. Биринчи хили энг сўнгги нуқтага етгани бўлиб, унинг воситасида шу хил моҳият касб этади. Бу — ҳар бир айрим табиий жавҳарнинг моҳияти бўлмиш табиатнинг ўзидир. Иккинчи хили — аслида табиатнинг ўзи бўлган жавҳарни модданн тайёрлаш, билқувват имконият ёки бошқа бир асосга қурол бўлмоғи учун табиатан моҳият касб этганидир. Ушбу хил (фитрий жисмлар)нинг, бир вақтнинг ўзиде шакл ҳам бўлган табиатга, ўз моддасига ёхуд унинг қуроли бўлмиш кучларга нисбати, бир асос бўлиб, у — «руҳ»дир.

УН БИРИНЧИ БЎЛИМ

Шу муносабат билан Арасту «руҳ»ни тадқиқ этишга, руҳ ўзи нималигини билишга, табиатни тадқиқ этганидаги каби зарурат сезади. У, руҳий кучлар ва руҳдан пайдо бўлувчи ҳаракатлар ҳолатини таърифлайди. Сўнгга у руҳ ўзи нималигини, унинг мавжудияти нима сабабдан ва қандай бор бўлишини, ўсимлик, ҳайвон ва одамдаги руҳ қандай эканлигини тушунтиришга ўтади. У, беадад руҳлар мавжудми ёки руҳ биттами, агар улар кўп бўлсалар, у ҳолда бу ҳолат қандай намойиш бўлади: қисмларнинг кўплиги биланми, ёки кучларнинг кўплиги биланми каби (мураккаб) масалани тадқиқ этади. Агар қисмлар беададлиги бўлса, у ҳолда улар қандай кўринишда бўладилар, макон (жой), моддалар ва турли жойларга сочилиб кетган жисмлар кўплиги биланми ёки унинг миқдори, қисмлари ўхшаш ё фарқланувчи бир жисмнинг қисмларини кўплигига

боглиқми ёхуд, беадад қисмлар бошқача бир усулда ҳозир бўладиларми. У яна руҳий кучлар ва уларнинг асослари нималардан эканлигини тушунтиради. Арасту табиатга табиий жавҳар хос бўлганидан, руҳ — бу табиий руҳият жавҳарининг моҳияти (зот) хос бўлган нарсасидир. Ушбу моҳият воситасида руҳ, руҳият жавҳарига эришади, яъни ҳаётни идрок этиш қобилиятига эга бўлиб қолади. Жавҳар эса, руҳ уч хил асос муштарак бўлишига ёрдам беради. Улар: фойил асослари, шакл учун асослар ва худди табиатда бўлганидек мақсад учун асослар. Табиат нимаки айтилган бўлса, уларни руҳга тааллуқли деса бўлади, чунки у ҳам асос, ҳам жавҳардир. Аммо у (табиат), моддалар мавжудлиги қондаси бўйича жавҳар бўладими? Бу ўрида шубҳа бор, аммо Арасту кейинги масалалардан ҳеч нимами тушунтирмайди. Аввал у, табиат тўрт асосга эга, деб айтган эди. Энди бўлса, табиатнинг ўзи моҳиятдир ва бу моҳият воситасида жавҳар жисми муҳиммона (актуал) ўзлаштиради, ҳамда бу моҳият яна руҳнинг ҳам моддасидир, демоқда.

Сўнгра Арасту, ҳаракатлари таъсирлари табиатда мавжуд бўлган фитрий жисмлар нималигини ва олдин, табиат ҳаракатни пайдо этишига босиб бўлувчи табиат кучларини нимадан иборат эканлигини тушунтиргани каби, руҳий кучлар ўзи нимадан иборатлигини тушунтиради. Демак, ўзига бир чўри ва қуроли бўлиб хизмат қилувчи табиатдан фойдаланувчи асосий моҳият мавжуддир.

Икки хил табиий жисмлар пайдо бўладилар: биринчиси энг сўнгги, юксаклари бўлиб, уларнинг воситасида моҳиятга эга бўлинади — бу табиатдир, иккинчиси энг сўнгги юксаклари бўлиб, уларнинг воситасида табиат ўзининг моҳиятига эришади. Табиатан моҳият касб этишига восита бўлувчи нарса — руҳдир ва руҳнинг ҳолати ҳайвонотнинг табиий ҳислатларига узвий боғлиқдир. Руҳнинг ўзига қабул қилувчи — касб этувчи табиий моҳияти модда бўлиб қолади. Руҳ ўз фаолиятида (ҳаракати, таъсирида) фойдаланиши учун табиат ё модда, ёки қуроли бўлиб хизмат қилади. Руҳий жавҳарда мавжуд бўлган табиат икки навга эга: улардан бири — модда, иккинчиси — қуроли. Руҳий жавҳарда мавжуд бўлмиш табиат ўз моҳияти учун эмас, балки руҳият учун мавжуддир. Табиатнинг асосий фитрий ҳислати билан асосийсининг чўриси ва қуроли бўлмиш унинг зуҳури орасида фарқ бўлгани каби руҳлар орасида ҳам фарқ мавжуд. Арасту аввал, табиатдан келиб

чиқувчи ҳаракатлар (таъсирлар) ва табиий жавҳарга боғлиқ бўлган орашлар ҳақида қандай сўз юритган бўлса, худди шундай равишда руҳдан келиб чиқувчи ҳаракат (таъсирлар) ва руҳият жавҳарида мавжуд руҳий бўлганлари нуқтаи назаридан — руҳ ҳосиласи орашлар ҳақида сўз юритади.

Табиий (табиат) жавҳарларда мавжуд баъзи орашлар моддалар (материядан), баъзилари эса шаклдан чиққанлари учун, руҳий жавҳарларда мавжуд, — орашлар махсус хислатлар берувчи модда ва шакл оқибатидир.

Аввало Арасту, руҳнинг энг биринчи ҳислатларидан бири бўлмиш ғизо (озиқа) га хос нарсани тадқиқ этади. У, ғизо нима туфайли руҳнинг кучларидан, қобилиятларидан бири бўлиб қолади ва қайси бир кучга ёки руҳнинг қайси қисмига тааллуқли, деган масалани ёритади. У, асосий руҳи, чўри (ёрдамчи) ва қурол бўлмиш руҳдан фарқ қилади. У, руҳ ва руҳий кучлар ўз фаолиятлари (ҳаракатлари)да фойдаланишлари учун хизмат қилувчи белги ва қобилиятларини тадқиқ этади. Яна уларнинг таъсирларини — ҳаракатларини ҳам у кўрсатиб ўтади: ҳаракат (таъсир)ларнинг неча тури бор, ҳар бир айрим ҳаракат ўзи нимадан иборат. Ҳайвонларнинг хилларидан бири ва шу руҳнинг бирор ҳаракатида фойдаланиладиган қандайдир бир аъзо ўзи қандай бўлмоғи зарур.

Сўнгра Арасту озиқ-овқат ва пшлаб чиқариш муаммоларини кўриб чиқади. Унинг фикрича, озиқ-овқатдан маҳрум мавжудот яшай олмайди; овқат ҳаёт фаолиятини таъмин этади. Овқатнинг бир қисми бево-сита табиатнинг ўзидан олинади, баъзи қисми эса, бошқа нарсалар билан аралашми воситасида ташкил топади. У, ўсимликлар нимадан озиқа олишини ва ҳайвонлар нимадан озиқа олишини тушуниради. Ҳайвонларда бирлари бошқаларини еб, иккинчилари ўсимлик еб, учинчилари тахминан ўсимликлар қандай озиқа олсалар шу йўсинда озиқа оладилар.

Арасту яна, озиқа бўлувчи нарса, жисмларнинг навларини, дастлабдан улар озиқа сифатида фойдаланишга тайёр бўлганми ёки улар кинотини бир қисми бўлганлари учун бу жисмлар фақат ўзлари учунгина яратилганмилар, шуларни тушуниради. Агар жисмлар озиқа учун яроқли бўлсалар ёки улардан озиқлансалар, бу ҳолат маълум мавжудотлар мавжудиятига ёрдам беради. Бу масалалар тадқиқоти, бундан олдинги таҳлилга ўхшайди. Ва унда: унсурлар ўз-ўзлари учун мавжудмилар ёки улардан бошқа ҳосила жисмлар яра-

тиллари учун мавжуддилар, деган масала кўриб чиқилади.

Бу нарсалар Арасту томонидан аввалидан кўриб чиқилган, ammo ушбу соҳада у камолотга эриша олмади, чунки, кинот ҳолатларида нима муҳимроқ, деган савол юзасидан унда ҳар хил эпид фикрлар бор.

Арасту соғломлик ва касалликни ҳамда уларнинг ҳар бир айрим хилини текширади.

У, соғломликнинг қапдайдир бир хилини ва касалликларнинг бир хилини кўриб чиқади. Улар қандай сабаб ила, нега, нимада ва нимадан пайдо бўлишларини ўрганади. Буларнинг ҳаммасини руҳий жавҳар табиатдан ва махсус руҳий жавҳарларга хос табиат кучларидан олади. Шунинг учун, биринчи асос руҳга айланиб кетиши эҳтимоли бор, чунки руҳ — табиат тугайли бор бўлган, ҳам ўз мақсади ила — ўзи руҳни моддага эриштирадиган нарсанинг сабабидир. Табиат ҳам, модданинг тайёрлалишига бонс бўлмиш хослик ҳам, табиатнинг ўзида бўлиб моддани тайёрловчи табиат кучлари ҳам — ҳаммаси, руҳга эга бўлмиш нарсага тааллуқлидир.

Шундай қилиб, амалдаги (ҳаракатдаги) асос ва мақсадга алоқадор барча нарсалар, бир бутун ҳолда руҳни таъкил этадилар.

Булар ҳақида унинг «Саломатлик ва касаллик ҳақида» рисоласида ёзилган.

Арасту табиатдан олинган руҳий жавҳар эринган нарсани текширади, табиат ҳайвонни ёшдан-ёшга ўтти вақтида бу нарса билан махсус таъминлайди.

У яна, мавжудотларнинг табиатдан олинган ҳар бир ёшга хос ҳолатини ва руҳий жавҳарларнинг айрим хусусиятлари бўлмиш табиий кучларни кўриб чиқади. Булар унинг «Ёшлик ва кексаллик ҳақида» рисоласида баён этилган.

Арасту умрининг қанча давом этишини, қапдайдир бир хил ҳайвоннинг умрини нима узайтиришини, ҳамда қандай сабаблар унинг умрини қисқартиришини ўрганади. Уларнинг табиий (табиатан) ва руҳий сабабларни ва асосларини кўрсатиб беради, ҳаёт ва ўлимни, уларнинг ҳар бири ўзи нимадан иборатлигини таҳлил этади. У, руҳият соҳиб бўлмиш ҳайвоннинг пайдо бўлиши ва барбод бўлишини, бу ҳол нимадан, нимада ва нима мупосабат рўй беришини текширади.

Арасту, буларнинг ҳаммаси ўсимликларга ҳам, ҳайвонотга ҳам тааллуқли эканини таъкидлайди. Лекин, айни вақтда ўсимликлар, ҳайвонлар билан тош жисм-

лар оралигидаги қандайдир ўзига хос жойни эгаллайдилар, деб ҳисоблайди. Оддий одамлар, уларни нимага, руҳий ёки табиий жисмларга тааллуқли экаплигини билолмай шубҳаланадилар. Кўпчилик ўсимликларини ҳайвонлар сифига (қаторига) киритиш зарур деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун руҳ ёки руҳиятга тааллуқли қандайдир кучлар табиатга яқинроқ бўладилар.

Арасту яна шуур ва сезги аъзоларини кўриб чиқади ва улар руҳ ёки руҳий кучнинг бир қисми дейди. У яна, сезги аъзоларининг ҳолати ва бу аъзолар таъсирдаги мавзуларни тадқиқ этади. Булар — ҳис-туйғулар орқали идрок этиладиган нарсалар: ҳар бир ҳис-туйғу орқали идрок этилувчи нарса ўзи нимадан иборат, уларнинг ҳар бири неча хил бўлади, бу хилнинг ўзи қандай, улар нимада, нимадан ва нима учун мавжудлар.

Сўнгра у, сезгилар мансуб бўлмиш табиий аъзоларни ва улар нималар воситасида ҳис этишларини текширади. Баъзи аъзолар сезгү учун модда, баъзилари эса қурол бўлиб хизмат қиладилар. Ушбу аъзоларнинг ҳар бирини табиати қандай бўлиши зарур ва уларнинг ҳар биридаги табиий кучлар ва оразлар (акциденция) қандай бўлишлари керак? У, ҳис-туйғуларга мос келувчи аъзоларни ва уларнинг вазифаларини бирма-бир текшириб чиқади. Уларда (аъзоларда) мавжуд руҳнинг кучларидан бири ёки бирор қисми томонидан бўлган сабабларни кўрсатиб ўтади.

Булар унинг «Туйғу ила идрок этилувчини ҳис этиш» рисоласида баён этилган.

Арасту, жонли жисмларда мавжуд бўлган ва руҳдан чиқувчи ҳаракатлар (таъсир этувчилар)нинг хилларини, табиий жисмларда табиатан мавжуд бўлмиш ҳиялий (механик) ҳаракатни текширади, чунки табиат, ҳаракат ва роҳат (суқун, ҳаракатсизлик)нинг қандайдир ибтидои ва сабабидир. Унинг фикрича ҳаракатнинг ўзи нималигини охиригача аниқламай қолдириш мумкин эмас, ҳаракатнинг қандай хиллари бор, ўзгаришнинг ёки суқуннинг, ёки ҳаракатнинг бошланиши қаердан пайдо бўлади, буларни билиш керак. У, ҳайвонларнинг ҳар бир хилдаги шу ҳаракат учун мослашган аъзоларни айтиб ўтади ва ҳайвон аъзоларининг ҳар бирида мавжуд бўлмиш асосларини ва руҳий кучлар ёхуд уларнинг қисмлари оқибати бўлган сабабларни кўрсатиб ўтади. Бу ҳаракатлар шундайки, уларнинг воситалари ила ҳайвонлар нималаридир хоҳлайдилар, нималардандир ўзларини олиб қочадилар.

Яна, бирор-бир хил ҳайвоннинг янаш жойини, нима учун унга шу жой зарурлигини, у қандай жойларда

яшаши мумкинлигини тадқиқ этиш керак бўлади. Ҳайвонлар баъзи жойларда овқат қидириш билан машғул бўладилар, бошқа жойларда душманлардан ўзларини сақлаш учун беркинадиган жой истифодилар, яна бир жой эса уларга авлодларини ўстиришлари учун хизмат қиладди. Кўп ҳайвонлар озиқ-овқат сақлайдиган жойларга муҳтожлар. Баъзи ҳайвонлар олдидаан йиғиб қўйилган овқатдан фойдаланадилар, баъзилари эса уни ҳар куни излаб тонадилар.

Буларнинг ҳаммаси унинг «Ҳайвондаги ҳиялий (механик) ҳаракатлар» рисоласида баён этилган.

Сўнгра Арасту, нафас олишни тадқиқ этади ва ҳалқум нафас олиш аъзоси бўлиб хизмат қиладди ва ҳалқумнинг мавжудлигининг боиси эса ўпкадир, деб тушунтиради.

У, уйку, бедорлик ва туш кўришларни таҳлил этади. Улар ўзлари нималардан иборат, нимада ва қандай бўладилар, руҳий кучлардан қайси бири сабаб бўлиб улар рўй берадилар, деган саволларга жавоб излайди. У, уйкулар ва тушларининг сабаблари, хиллари ва асосларини текширади, энди рўй берувчи воқеалардан огоҳлантирувчи тушларни тушунтиради. Арасту, «нима бўлиши»дан огоҳлантирувчи тушлар ҳақидаги масала, биргина руҳнинг табиий кучлар билан қирони (бирлашгани) билан чегараланиб қолади, деб тушунтиради. Бунинг учун бундай туш, яна руҳ мавжудиятидан юқорироқ даражада турувчи бошқа асосларга ҳам муҳтождир. Шунинг учун, Арасту ушбу масалани чуқур ўрганишдан воз кечиб ўз изланишларини шу ерда тўхтатади.

Сўнгра Арасту, уч хил—онгсиз, ақлсиз ҳайвоннинг хотирасини текширади, қандай руҳий куч воситасида унга эришилишини ва бу қандай рўй беришини баён этади.

ЎН ИККИНЧИ БЎЛИМ

Инсонни мустасно этилганда, ҳайвонга хос нарсаларни текширганида Арасту руҳият ва руҳий кучлар оқибати бўлмиш уларнинг сабаблари асосларини кўрсатиш билан чеklangанади.

ЎН УЧИНЧИ БЎЛИМ

Инсонда ўша нарсаларнинг ўзини тадқиқ этганида Арасту, уларнинг ҳаммасини сабабили тушунтиришда

фақат биргина руҳ билан чегараланиб қолмайди. Чунки, инсонда биз кузатадиган нарсага тўғри келувчи нарсалар руҳ ҳаракатлари (таъсирлари)га қараганда кўпроқ миқдордаги ва кучлироқ ҳаракатлар (таъсирлар)га мослашганлар. Арасту инсонда, ҳайвонларда бўлмаган бошқа имкониятлар, руҳ ва руҳий кучлардан пайдо бўлолмайдиган сабаб ва асосларни топади. Инсон табиати ва унда мавжуд бўлмиш табиий кучларни тушунтириш борасида улар, фақат руҳ фаолияти (ҳаракатлари, таъсирлари)га қараганда юксакроқ фаолият (ҳаракатлар) учун мослашганлар, деган фикрга келади. Инсоннинг руҳи ва руҳий кучларини текшириш борасида Арасту инсон фақат руҳ ва руҳий кучлар воситасида ўз моҳиятига эришиши учун улар етишмасликларини ва бунинг учун яна ўзга нимадир зарурлигини аниқлайди. Бу ўринда Арасту, нега бундай бўлишини ўрганишга мажбур бўлди ва инсон нутқ эгаси эканлигини тонди, нутқ эса ақл билан боғлиқдир. Шу муносабат билан Арасту ақлни, ақл ўзи нима эканлигини таҳлил этди. Буни у руҳ ва табиатни қандай тадқиқ этган бўлса, шу йўсинда тадқиқ этди. Руҳнинг қисмларга бўлинишидай ақл ҳам қисмларга бўлинадими, унда қисмлар ва кучлар борми? Ақлнинг ҳолати худди руҳ ва табиий ҳолати каби эканлиги, ақл қисмларга ёки кучларга бўлиниши, инсон моҳият касб этишига восита бўлувчи фаол (таъсирчан) асос эканлиги худди табиатда бўлгани каби у — ақл ўз мақсади (гарани)нинг сабаб ва асоси эканлиги Арастуга равшан бўлади.

Табиий жавҳарлар икки хил бўлади: бирида нимадир энг охириги, сўнгги нарса бўлиб, унинг воситасида моҳият касб этилади, бу табиийдир, иккинчисида бир нимадир бор бўлиб, ўнинг воситасида руҳни тайёрловчи моҳият касб этилади, бу ё модда ёки қуролдир. Худди шунга ўхшаб руҳий жавҳарлар ҳам иккига бўлинадилар: бири нимадир сўнгги — ҳаддига етган бир нарсага эга бўлиб, унинг воситасида руҳ моҳият касб этади, иккинчисида — руҳга бир нарса ҳамроҳ бўлиб, унинг воситасида у, ақл ва оқил кучлар учун ёки бир қурол бўлиб бориб моҳият касб этади. Арасту ақл ва фикрловчи кучларни, улар руҳ ва табиатдаги каби асосий қисм ва хизматчи (юмушдаги) қисмларга бўлинадиларми, йўқми, деган саволга жавоб излаб кўриб чиқади. У фикрловчи кучларни текширади. Уларнинг қайси бирлари қайси бирлари учун мавжуд, деган масалаларни таҳлил этади. Шу муносабат билан Арасту фикрловчи куч ҳаракатларини (фаолияти, таъсири) ва ақлнинг ҳаракатларини яхлит ҳолда таҳлил

этадп. Агар ниманидир моҳияти ўз-ўзича ҳаракат (фаол-
ният, таъсир) бўлмаса, у ҳолда у, ўз моҳияти учун эмас,
балки ҳаракат учун мавжуд бўлади.

ЎН ТҮРТИНЧИ БҮЛИМ

Фикрловчи кучларнинг ҳаракатлари (таъсирини) ва ақлнинг ҳаракатини тадқиқ этиш борасида Арасту, улар маъқулотларга эришишга қаратилган, деган фикрга келади. Аммо Арасту, баъзи маъқулотлар шундай даражада идрок этиладиларки, уларни инсон табиатан фитрий (табиий) нарсаларда актуал мавжудлигини топади, баъзиларини эса инсон дарров пайқамайди, шунинг учун уни идрок этиш анча қийин бўлади, деб ҳисоблайди. Инсон табиатан актуал мавжуд сифатида пайқаш, билиши мумкин бўлган ва агар аниқланса фойдаланилади, деб ўйлайдиган мавжуд нарсаларни идрок этадиган кучни Арасту «ақли амалиййун» (амалий ақл) деб атайдп. Инсон аниқ нарсалардан муфориқ бўлиб, мавжуд нарсаларни мавҳум фикрлаб билиб олишига, идрок этишига восита вазифасини ўтайдиган нарсани Арасту «ақли назарий» деб атайдп. «Ақли амалий» идрок этиб бўлган табиий нарсалардан бироп бир нарсани пайқашга, топишга восита бўла оладиган кучни Арасту «продиййун ва ихтиёриййун» («эркин ирода ва эркин танлаш») деб атайдп.

ЎН БЕШИНЧИ БҮЛИМ

Ақлнинг ушбу икки амалий ва назарий кучини ўрганиб, Арасту улар иккаласи ҳам хизматкор, уларнинг ҳаракатлари (фаолниятлари; таъсирлари)ни эса хизмат ҳаракатлари, деган фикрга келади. Улар—айтиб ўтилган кучлар хизматда бўлган нарсаларни текшириш борасида Арасту, бу нарсаларга аввалан табиатдаги (табиий) нарсалар ва руҳий кучлар тааллуқли деган хулосага келади. У яна ақлнинг турлари хизмат қилувчи ўша нарсалар, инсонда ўз-ўзи учун мавжуд бўлувчи нарсалар бўлмай, балки улар инсоннинг ақл бовар қилмайдиган баркамоллигига эришиши учун мавжуддирлар, деб ҳисоблайди.

Арасту инсоннинг руҳий кучлари биричи навбатда тайёрлашнинг босқи бўлгани ақли текширади ушбу кучларга хизмат қилувчи ақлнинг бир қисми учун улар (яъни, руҳий кучлар) мавжудмилар ёки бу хизматни бажо келтира туриб, ақл уларда хизматда турган бошқа

бир нарсами, деган саволга жавоб излайди. Хизматдаги бўлган ўша қисм ўз моҳияти бўйича хизматда бўлиш мақсадига эга бўлгани учун хизмат қиладими ёки у қисм хизматда бўлишига мажбур эатдиган кучлар борлигиданми. Ва у тушунтириб айтадиги, унда (яъни хизматкор қисмда) ўша кучларга хизмат қилиш мақсади йўқ. У (яъни, хизматкор қисм) хизмат қиладиган кучлар аниқроқ улардан модда ёки курул сифатида фойдаланилади ва у ўша ўзи фойдаланадиган кучларга нисбатан бонч, етакчи бўлади.

Арасту ақлининг етакчилигини текширади. Ва ақлининг воситаси ила хизмат қилиш мумкин бўлмаган нарсами, йўқми экашлигини аниқлайди. Арасту ушбу етакчилигининг барча ҳаракатлари (таъсири) шундай ҳаракатларки, унинг воситаси ила хизматда бўлмаслик ҳам мумкин бўлади, деган хулосага келади.

Арасту назарий ақлини текширар экан, назарий ақл эришадиган маъқулотлар, ўз воситасида ҳеч ҳам хизматда бўлиш мумкин бўлмаган моҳиятлар эмаслар, деган фикрга келади (яъни бу маъқулот назарий ақлининг хизматда бўлишига монез бўлмайдиган моҳиятдир). У яна, ушбу ақл ўзининг олий даражадаги камолотига эришгани тақдирда ҳам, ўзи билкувват бўлгандан сўнг (уни) олий даражадаги камолотни фаол ақл сифатида қабул этади, деб ҳисоблайди. Маъқулотларга етишишгандан сўнг фаол ақлга эришилади. Арасту, Фаол (актуал) моҳият бўлмиш назарий маъқулотларга нимаининг воситалигида етилишини кўрсатиб ўтади ва қўшимча қилиб айтадики, улар (назарий маъқулотлар) анчагина тўлароқ шаклда идрок этиладилар ва бу ақл (назарий ақл кўзда тутилмоқда) ўзининг олий камолотига эришади. ундан зиёдароқ камолоти бўлиши мумкин эмас. Унинг фикрича, бу ҳолда ақл шундай жавҳарга (субстанция) эга бўладиги, у жавҳар ўз-ўзидан унинг (ақлининг) ҳаракати ва ёки унинг ҳаракати бўлишига яқин бўлиб қолади.

ЎН ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

Арасту ақлининг ушбу мавжудиятидан баркамолроқ мавжудият бўлиши мумкин эмас, деган хулосага келади. Ва ўзга нимадир борки, ўша туфайли, у, яъни ақл моҳият касб этади, моҳият касб этиш борасида эса, ўша ўзга нимадир инсоннинг ақлга (онгга) эришишига ионат бўлади. Агар инсон ўзининг бундан ортиқ баркамол бўлолмайдиган олий камолотига, (яъни ақлга) эришса, унинг

(инсоннинг) моҳияти, инсоннинг (асл) моҳияти бўлишга яқинлашган бир қисми бўла бошлайди ва бу моҳият унинг фаолияти (ҳаракатидир). Бундан маълум бўладики, назарий ақл бўлгани хайрли нарсага эга бўлиши учун инсонга хизмат қилиш мақсади бўлган кучлар зарур экан. Инсон моҳияти ақлда намоён бўлади. Ақлнинг моҳияти унинг (ақлнинг) ҳаракати (фаолияти) бўлишига яқин бўлганида ақл эгалик қилувчи фаолият (ҳаракат) бўла бошлайди. Бунинг учун инсоннинг фақат табиий (табиат ато қилган) авлоддан-авлодга ўтиб борислик йўли ила эришилладиган фикрлаш қобилиятидан ташқари яна амалий маҳоратлар бўлмоғи зарурдир. Ақл фикрлаш воситасида фаолият кўрсатади. Шу муносабат ила Арасту, ақлнинг камолотга эришмоғи учун табиий (табиат) ва руҳий кучларнинг ўзлари етарлими, деган масалани ўрганади ва улар етарли эмас, деб тушунтиради. Хуллас, инсон энг олпий камолотга эришуви учун унга (яна) инсон табиати ва фаолиятига қўшимча ижтима — амалий ва назарий фикрий кучлар зарурдир.

ЎН ЕТИНЧИ БЎЛИМ

Ушбу масалаларни текширишни тугатиб Арасту аввал тадқиқ этиб бўлган нарсаларга қайтади. Табиатан инсон ўзи қандай зот, унда руҳдан нималар мавжуд. У ушбу сабабларнинг, агар улар ё модда томонидан ёки қурол-восита томонидан тайёрловчи бўлсалар мавжудликлари шарт-шароитларини кўрсатиб ўтади, токи ақлнинг амалий кучлари назарий ақлга эришишда улардан имкони борича тўла фойдалана олинлар.

Сўнгра Арасту инсонга хос руҳий моҳиятларни текширишга ўтади. Уларнинг борлиғи инсоннинг камолотга эришишига етарлими ёхуд улар фақатгина жонат-ёрдамчи бўлиб қоладиларми? Ушбу тадқиқот мавжудият унсурлари ҳақидаги низоънинг ўзидир. Бу унсурлар ўзларининг воситасида пайдо бўлувчи нарсалар учун етарли деб ҳисобланадиларми, йўқми? Фитрий (табиий) жавҳарлар оқилона фаолиятини тайёрлай оладиларми, йўқми, деган масалаларни Арасту тадқиқ этади.

ЎН САККИЗИНЧИ БЎЛИМ

Аmmo ушбу масалаларни ўрганишда Арасту маълум бир мушкулликларга дуч келади. Унинг, руҳ ва руҳнинг

қобилиятларини тугатганидан сўнг бошлаган тадқиқотиё билқувват ақл ва билқувватнинг бошқа кучларга боғлиқ томопларига бағпшланган. Арасту камолотга яъни ҳақиқатга эришишда фақат руҳий моҳиятларнинг ўзи етарли эмас фикрий кучлар яна бошқа асосга муҳтождир, деб тушунтиради. Хур ирода ва фикрлаш туфайли фикрий кучлар томонидан идрок этилувчи мавҳум моҳиятлар (билимлар) табиий асослари бўлмиш моҳиятлардан аввал мавжуд бўлганлари учун, улардан бошқа маъқулотларга эришишда фойдаланадилар.

Шунинг учун олдин билқувват ақлга маъқулотлар қандай таъсир этишларини ўрганиш маъқул бўлади. Билқувват ақл нега абадий эмас. Бунинг учун ҳур ирода бўйича эмас, табиатан тааллуқли бўлиши зарурдир. Демак, албатта билқувват ақлда биринчи фаол (ҳаракатдаги) сабабларни яратувчи ва бошқа маъқулотларга табиий қобилият берувчи қандайдир мавзӯ (объект) бўлиши керак.

ҲИ ТУҒҚИЗИНЧИ БЎЛИМ

Ушбу ақлни (ўн еттинчи бўлим сўнгида сўз юритилган ақл назарда тутилмоқда) Арасту тадқиқ этар экан, уни билқувватга ҳеч ҳам эга бўлмаган, фаолни (актуал) эканлигини аниқлайди ва мутлақо билқувватга эга бўлмаган нарса модда қаторига кирмайди, деб тушунтиради. Инсон ақли ўзининг сўнги камолотига етишган тақдирда ҳам фақат ўзининг моҳиятига фаол ақл моҳиятига яқинлаша олади, холос. Арасту инсон ўз моҳиятининг камолотга етишиши борасида шу ақлга тақлид этилиши ва тақлид усули бўйича энг сўнги ҳолат ва фойил (таъсир этувчи сабаб) эканлигини ўзи учун аниқлаб олади. Ушбу ақл зеҳнининг асосидир, чунки у фойил ва унинг воситасида инсон ўзининг ақлий моҳиятига эришади. Ушбу ақл яна мақсад ҳам, чунки у инсон энг сўнги ҳолатга (камолотга) эришишига восита бўлувчи асосин ҳозирлайди. Инсон ақли учта ҳислатга эга асосдир. У фойил (таъсир этувчи сабаб), у — мақсад ва у — фаол ақлга яқин бўлишига интилувчи баркамолликдир. Инсон ақли шакл, мақсад ва фойили билан фарқланади. Инсон зеҳн ила қандайдир бир он фаол ақлга (ақли фаъл) етишгач, унга таломус бўлади. Шу нарса маълум бўладикки, табиатан инсон моҳиятида мавжуд бўлган нимадир (нарса) ақлнинг ўзидир. Фаъл ақлга етишиши борасида, инсон ўзи ва унинг (фаъл ақлнинг) ўртасида бўлмайди ва

шу йўсинда одам руҳи (нафси нисоний) ушбу ақл эгаси бўлади. Инсон руҳи (нафси нисоний) шу ақл учун мавжуд бўлганидан, табиат эса — одамнинг табиий мустаҳкамлигини билиш учун, руҳ (нафс) бўлса — бор нарсалардан энг мукаммали назарий ақл учун мавжуд экан, буларнинг ҳаммаси мавжудиятнинг, ҳаётнинг маълум бир даражасига кўтарилишда инсонга хизмат қиладилар.

Баъзан Арасту, авваллари ўзига тушунарсиз бўлган масалаларга ёки инкор этган кўп нарсаларга қайтади.

Сўнгра у фаол ақлни кўриб чиқади. Бу ақл табиат ва руҳ (нафс), табиий ва руҳий моҳиятлар мавжудиятининг сабабими, йўқми деган саволга жавоб излайди. Натижада у, унсурлар ва бошқа нарсаларнинг ҳаракатига (ҳаракатланишга) мойил этувчи асослардир, деган фикрни маъқул деб топади. У, ўзига самовий жисملарни ҳам олган мавжуд нарсаларга мавжудият бағишлаш жараёнларида ақл самовий жисмларга нонат бўладими, йўқми деган масалани кўриб чиқади. Уларда (нарсаларга мавжудият бағишлаш жараёнлари назарда тутилаётгандир) табиат, руҳ ва ақлга эришиш учун фазовий жисмлар етарли эмас деб тушунтирилади. Фаол ақл фазовий жисмларга камлот бахш этади ва ушбу фазовий жисмлар ёрдамида табиат ва руҳиятни ҳаракатга келтиради. Кўп руҳий моҳиятлар ўзларига муносиб моддаларга эришадилар, бу моддалар эса, ақлни қайта яратиб учун уларда мавжуд бўлган табиатни тайёрлайдилар, бу ҳол худди одам ўзидан олдинги одамдаа, униси эса яна олдингисидан туғилганга ўхшайди. Ҳайвонот ва набоботда ҳам худди шу тарзда рўй беради. Маъданлар эса ўзларига ўхшаш хиллардан пайдо бўлмайдилар.

Шунга ўхшаб, мазкур хилнинг шаклланишига нонатлик этувчи нарсани ҳам текшириб чиқилади. Қисқаси, хилларга шакл берувчи нарса фазовий жисмларми ёки фаол ақлми ё фаол ақл фазовий жисмларига шакл бериб, улар ўз навбатида моддаларни ҳаракатга келтирадими? Шуниси аниқки, фазовий жисмлар табиий жисмларни ҳаракатга келтиради. Шунинг учун фазовий жисмларнинг жавҳарларини ҳам тадқиқ этиш зарурати пайдо бўлади. Улар табиатмилар, руҳми ёки ақлмилар, ёхуд бошқа бир баркамолроқ нарсамми? Уларнинг тадқиқоти, фақат табиат тадқиқотига қараганда умумийроқ, кенгроқ бўлмоғи даркор. Арасту физикада бу масалаларни тадқиқ этар экан, табиатни текширишдаги энг сўнгги нуқта — ақли фаол ва фазовий жисмларнинг ҳаракат маънайдир, деб таъкидлайди. Инсон тарафидан қобилиятга

эришишда руҳларнинг куч ва ҳаракатлари амалий фикррий кучлар билан биргаликда назарий ақл камолоти учун хизмат қиладилар. Фақатгина фитрий майллар ва ҳис-туйғунинг ўзи, амалий ақлга тобеъ бўлмиш ният ва ҳур прода бўйича мавжуд бўлган ҳаракатлар (фаолиятлар) етарли эмас.

Шу муносабат билан амалий ақлга тобеъ бўлмиш ният ва ҳур прода бўйича мавжуд бўлган ҳаракатларни ўрганиш зарурати пайдо бўлади. Инсоний ният шуларга тааллуқли. Бошқа тирик жонзотлардаги нимагадир бўлган интилишга келсак, улар инсоний ниятга алоқадор эмаслар ва назарий камолотга эришиш ишида фойдасиздирлар, чунки унга эришишда инсон ва ҳайвоннинг қобилиятлари бир хилда эмас.

Шунинг учун, продавий (ҳур прода) ва ният яла мавжуд бўлмиш барча фаолиятларни (ҳаракатларни) ўрганиш зарурати пайдо бўлади. Эзгу проданинг моҳияти амалий ақлга мансуб бўлган ҳур продадир. Шу сабабдан уни бошқа тирик мавжудотлардаги, масалан, ҳайвонлардаги «эзгу продага» ўхшатиб бўлмайди. Демак, ушбу ҳаракатларни билиш ва сўнгги мақсаддан олинадиган суд (фойда) ва зарарнинг фарқини билиб олиш керак бўлади. Арасту яна, бу ҳаракатлардан пайдо бўлувчи фойдали табиий нарсаларни ҳам ўрганади. У, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг руҳий моҳиятларидаги табиий асосларни ҳам кўриб чиқади ва инсоний камолотга олиб борувчи ҳаракат фаолиятларнинг мажмуаси учун уларнинг (руҳий асосларнинг) қайси бири фойдали эканлигини аниқлаш зарур, дейди. У, бошқа табиий (табиатга оид) нарсаларни ҳам, яъни тошлар, маъданлар ва унсурларни таҳлил этади ва улардан қайси бирлари фойдали эканлигини аниқлайди, улардаги тош, маъдан, унсурлардаги мавжудиятга фазовий жисмлар сабаб бўлувчи ҳолатларни кўрсатади. У, ҳайвонлар ва ўсимликларга нисбатан ҳам худди шундай таҳлил ўтказади.

Шунинг учун нарсаларнинг ҳаммасини ўрганиш, табиий моҳиятлар ҳақида баркамол билим олишга ионат бўлмоғи зарур ва улар ҳақида физикавий ва фуқаровий фалсафадан (фалсафатун маданиятун) етарлича маълум бўлмаган ҳолатларни тўлдириш керак.

Шу муносабат билан Арасту ўзининг «Китоб ал-рубубатун» («Метафизика») рисоласида мавжуд нарсаларни, табиий моҳиятларни ўрганган ва тадқиқ этган усулидан ўзгачароқ усулда ўрганган ва тадқиқ этганини тушунтиради.

Юқорида айтилганлардан шу нарса маълум бўладики, бевосита бадан ва ҳис-туйғу саломатлиги учун бевосита фойдаланимайдиган маъқулотларни (ақл бовар қиладиган моҳиятларни) ўрганиш ва тадқиқ қилиш зарурий ишдир ва инсон билиши зарур бўлган илмларга нисбатан инсон қалби (нафси инсоний) руҳ интиладиган кўриниб турувчи нарсалар мавжудлигининг сабаби ҳақида маълумотни билиш инсоний моҳиятнинг аҳтиёжи кўпроқдир. Улардан энг фойдалилари инсон моҳиятининг шаклланишида ва инсоннинг энг юқори камолотни эгаллашида зарурдир.

Фанда Арасту томонидаг биринчи маротаба ўрганилган донишмандлик (ҳикмат) масаласи (яъни, фалсафа) ва ҳақиқатни тиклаш бўйича ўтказган тадқиқоти, инсон ақл-заковатини бойитишда биринчи заруратга айланди, зеро инсон яратилишининг боиси ҳам шудир. Бошқа фан, яъни математика келсак, Арасту уни икки мақсадда тадқиқ этади: улардан бири, инсон яратилишининг боиси бўлмиш инсон ақлини баркамол этишга хизмат қилади, бошқаси — физика (табиат) ва метафизика ал-илоҳиёт (ал-рубубат) фанларида етишмаётган билимларни тўлдиради.

Шундай қилиб, фалсафа — ҳикмат имконият борича ҳақиқатга етишиш учун, албатта, зарурдир.





ШЕЪР САНЪАТИ

Биз шеъриятидан хабардор бўлган кўпгина халқларга қараганда араблар ўз шеърларида байтларнинг охирларига кўпроқ эътибор берадилар. Шунинг учун ҳам араб байтлари маълум ўлчовдаги маҳдуд сўзлар билан мукамал ва гўзал бўлади, бу ҳол эса уларда кам қўлланиладиган ё бўлмаса кўпчилик орасида машҳур бўлган сўзларни ишлатиш билан юз беради. Мазкур байтлардаги сўзлардан тушуниладиган маънолар ўша сўз бораётган нарса ва ҳодисаларга ўхшайдиган — тақлидий бўлмоғи керак.

Шуниси ҳам борки, унда ишлатиладиган иборалар ритмли маълум бўлакларга ажратилган бўлиши керак: ҳатто ундаги ҳар бир ритм (зарб), турок, сабаб, ватадлар¹ сони ҳам чегараланиши зарур.

Шеърнинг ҳар бир вазнида қўлланиладиган сўз бўлаклари тартибининг ҳам муайян чегараси бўлади.

Шеър байтларининг ҳар бир бўлагидан вазн тартиби билан бошқа қисмдаги тартиб ҳамоҳанг бўлмоғи керак. Натижада мана шу юқоридаги шартларга риоя қилинар экан, унинг ҳар бир бўлаклари ўқилиш пайтида бир-бирига баробар вақтда ўқилади ва силлиқ чиқади. Ҳар бир вазнида ишлатиладиган байт сўзларининг ҳам маълум бир тартиби, чегараси бор. Бунда байт сўзларининг охирлари ҳам чекланган: ё товушлар худди ўзидагидек ёки уни талаффуз қилганда баробар келадиган сўзлар бўлмоғи керак.

Байтлардаги сўзлар ҳам гап нима ҳақда кетаётган бўлса, ўшанга ўхшатма тарзда ифодаланиши лозим. Шу билан бирга байтларнинг бир-бирига ҳамоҳанг бўлиши ҳам талаб қилинади.

Баъзи халқларда олдин нагма-куй яратилиб, кейин

¹ Арузда ҳаракатли икки бўғинли сўзлар сабаб (кўпчилиги ас-боб), уч бўғинлилар ватад (кўпчилиги автод) деб юритилади.

упга ҳамоҳанг қилиб шеър боғлайдилар. Бунда шеърнинг бўлаклари куйга боғланган нуқтаи назаридан худди баъзи бир ҳарф-товушларга ўхшаб қолади.

Борди-ю, шеърнинг¹ маълум қисмига оҳанг боғланмай қолган бўлса, у ҳолда вази бузилади. Бу худди шеърда ҳарфларнинг биронтаси тушиб қолган тақдирда вазининг бузилганига ўхшаб кетади.

Баъзи халқлар эса араблар шеърларни куйга солгани каби, ўз шеърларига куй басталамайдилар (272-а). Лекин шеър фақат бўғинлардангина тузилади, холос. Бу эса худди араб шеъриятидаги ҳолатга ўхшаб кетади. Бунда агар шеърга куй боғланса оҳанг вази (ритми) шеър вазига қарама-қарши келади. Шу билан куйга солинган сўз (яъни шеър)нинг вази бузилади. Шунинг учун кимда-ким сўзга нағма-куй боғлар экан, шеърнинг баъзибир сўзларида юз берганидай, вази бузилишидан эҳтиёт бўлиши керак.

Одамлар ва кўпчилик шоирлар тушунчасича, сўзлар маълум тартибли бўлақларга бўлиниб, бу бўлақлар муайян ва баб-баравар мавзун-вазли дейиш мумкин. Бунда шеър бирор нарсага тақлид қилиб тўқилганми-йўқми — масаланинг бу томони эътиборга олинмайди. Шу билан бирга ўша шеър битилаётган тилда ишлатиладиган сўзларнинг фасоҳати² ҳам эътиборга олинмайди, бу сўзлар машҳур ва энгил бўлса бас, ўшанга кўпроқ эътибор берадилар. Шеърда келган сўзларнинг кўпи — юқорида шартли равишда айтилган томонларни ҳисобга олган ҳолда — шеърнинг охирида ишлатиладиган сўз бўлақлари билан баробар тугалланишни тақозо қилади. Бу эса ё бир хил ҳарф-товушлардан иборат сўзлар бўлиши, ё бўлмаса, иккаласи ҳам баб-баравар бир вақтда талаффуз этиладиган сўзлар бўлиши керак.

Аммо юнон шоири Ҳомер³ феълидан маълум бўлишича, у ўз шеърлари охириларининг баробар келишига риоя қилмаган.

Агар сўзлар бирор нарсага қилинган тақлиддан ташкил топган бўлса-ю, лекин улар бирор оҳанг билан вазига туширилган бўлса, ундай тизма сўзлар шеър саналмайди, балки бундайлар шеърини сўз-мулоҳаза деб юртилади, хо-

¹ Матда «ал-қавл» — «сўз» келган. Бу ерда музика сўзи, яъни шеъри дейилмоқчи.

² Матда «фасоҳа» келган. Бу ерда муаллиф шеърларда ишлатиладиган фасоҳат ва балогатни айтмоқчи.

³ Матда Ҳомерус, Ҳомерус яъни Ҳомер — Гомер. Тахминан милoddан аввалги IX асрларда яшаган буюк юнон шоири, машҳур «Одиссея» ва «Илиада» дostonларининг муаллифи.

лос. Шу билан бирга агар бу айтылган «шеърый сўзлар» маълум вазнга туширилиб, шеърый бўлакларга бўлинсагина айтылган сўзлар шеър бўла олади.

Қадимги шоирлар наздида шеър тузилиши ва унинг жавҳар — асоси ана шулардан иборат бўлган.

Шеър бирор нарсага тақлид қилинган сўзлардан ташкил топиши керак¹.

Шеър маълум бўлакларга бўлинган бўлиб, бу бўлаklar (олдинма-кетин) баб-баравар вақтда ўқиладиган бўлиши лозим. Шеър табиати — тузилишида бошқа қонун-қондаларга риоя қилиш унчалик зарурий саналмаган, ваҳоланки, бу қонун-қондаларга риоя қилишнинг ўзи шеърятнинг энг афзал ва улуғвор бўлишига сабаб бўлган. Шеър тузилишида тутилмаган мана шу икки йўл фақат тақлид — ташбиҳ бўлишинигина эмас (272-б), балки улар орқали тақлид қилиниши мумкин бўлган нарсаларни ҳам билишни тақозо қилади.

Бундай қонун-қондаларга риоя қилишнинг энг кичиги вази масаласидир.

Хитоба (риторика)да ҳам тақлидий нарсалар ишлатилади. Шунини борки, бу хил нарсалар кўпчиликка жудаям яқин, аён ва машҳурдир. Балки шунинг учун ҳам нотикларнинг кўпи табиатларида асли шеърый мулоҳаза юритиш қобилияти бўла туриб, хитоба талаб қилганидан ортиқроқ даражада тақлидий ишга солмоқчи бўлганлар ва шу билан хатога йўл қўйганлар. Аммо уларнинг бу мулоҳазаларига ҳеч ким ишониб қарамаган, балки аксинча, уларнинг бу хил сўзлари кўпчилик назарида жуда муволағали хитоба сифатида қабул қилинган. Аслини олганда эса уларнинг бу сўзлари шеърый мулоҳазаларнинг ўзигина бўлиб, нотиклар бунда фақат хитоба йўлидан бормасдан, балки шеърый йўлга майл қўйган эдилар, холос.

Кўпчилик шоирлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини бошқаларда қаноат ҳосил бўладиган даражада ифодалаш қобилиятига эга бўладилар. Улар ўзларининг ўша қондиқарли мулоҳазаларини шеърый йўл билан ифода этганлар. Бунинг оқибатида булар кўпчилик наздида шеър билан битилган учун уни шеърый асар сифатида қабул қилганлар, ваҳоланки, аслида у хитобий бир мулоҳаза бўлиб, ўша шоирларнинг шеърый йўлдан чеклиниб, хитобий йўлга майл этганларни эди, холос.

Нотиклар кўпинча ўз нутқларида мана шу икки ҳо-

¹ Буни «шеър бирор нарсага ўхшатылган ё ташбиҳ қилинган рамзли сўзлардан иборат бўлиши керак», деб тушунмоқ лозим.

латни жамлаган бўладилар¹. Кўпчилик шоирларда ҳам аҳвол худди шундай. Масалан, мавжуд шеър ва шеърний мулоҳазаларнинг ҳаммаси нима ҳақда сўз кетаётган бўлса, ўшаларга бориб тақаладиган нарсалардан тузилган бўлади. Нарсаларга тақлид этиш эса ҳам феъл билан, ҳам мулоҳазалар билан билдирish йўлида амалга оширилади. Феъл билан юзага келадиган тақлид икки хил бўлади: уларнинг бири шуки, инсон ўз қўли билан бирор нарсага ўхшаган шаклни ясайди, чунончи, инсон бировнинг тимсолини ишлаб, уни муайян бир кишига ёки бошқа бирор нарсага ўхшатмоқчи бўлади. Ёки бўлмаса инсон бирор бошқа одамнинг хатти-ҳаракатига ўхшаган ҳаракатлар қилади.

Сўз билан юзага келадиган тақлид шундаки, у ўша сўз бораётган ҳаракатлардан бирортасига ташбиҳ қилинган сўзлардан тузилган ё айtilган бўлиши керак. Бу сўзлар ўша нарсалар ташбиҳ қилинган ҳаракатларга ишора қилади ва ўша нарсалардан тузилган сўз сифатида хаёл ҳам қилинади (273-а). Ва бу ҳаракат ё ўша нарсаларнинг ўзида ёки бошқа нарсаларда бўлади, деб хаёл қилинади.

Шундай қилиб, сўз — мулоҳаза билан бўладиган тақлид — ташбиҳ ҳам икки турли бўлади: бир турида тақлид ўша нарсанинг ўзида деб тасаввур қилинса, иккинчисида эса бир нарсанинг борлигини бошқа нарса орқали тасаввур қилинади.

Бу ҳол илмий мулоҳаза юритилганда худди шундай бўлади. Буларнинг бирида нарсани ўзида борлиги ҳақида маълумот беради, чунончи, айтайлик, таъриф; иккинчисида эса бир нарсанинг борлиги бошқа бир нарсанинг борлиги билан юзага келиши ҳақида маълумот беради. Масалан, айтайлик бурҳон — исбот.

Демак, бундан маълум бўлишича, исботда илм, тортишувда иккиланиш, хитобда ишонтириш қанчалик аҳамиятли бўлса, шеърятда ҳам хаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади. Баъзида инсон феъли кўпроқ хаёл суришга боғлиқ бўлади. Бу шундайки, инсон бир нарсани бошқа нарсада бор, деб тасаввур қилади. Бунинг натижасида у нарсаларнинг борлигини ҳис ва исбот тасдиқлагандаги ва унинг ўша нарсада борлигига ишониб, ўшандай қилиш мумкин. Ҳатто бу ишда унинг борлиги ёлгон бўлиб, фақат хаёл қилинган тақдирда ҳам бу ҳаракат — феълни амалга оширади. Чунончи, одамлар айтишади-ку, агар

¹ Матнда Хитабо-хитоб қилувчи — нотиқлар.

жиши бирор нарсага пазар солса, у нарса унинг хуш кўрмайдиган нарсасига ўхшаган бўлса, у ҳолда унинг тасавурида ўша заҳотиёқ бу нарсага хуш кўрмаслик ҳисси пайдо бўлади. Шу билан ҳалиги киши у нарсадан ўзини авайлаб-асраб, четлашиб юришга уринади. Ваҳолонки, аслини олганда бу нарсанинг ўзи ўша хаёл қилингандай ёмон нарса бўлмаслиги ҳам мумкин.

Мулоҳазалар ичида тақлид ишлатилган гапларни эшитган одамда ҳам худди шундай ҳолат пайдо бўлади. Бунда у бир нарсада бирор бошқа нарса тимсолини кўз олдига келтиради. Бу эса, ўз навбатида, у нарсани ўша киши илгари ўз кўзи билан кўрган бўлиши ва шунинг учун ҳам у нарсанинг тимсоли унинг кўз олдига келган бўлиши мумкин.

Борди-ю, агар ўшанда у кишига бирор нарсанинг ўзини сўз билан тавсифлаб берилса борми, унда ўша сўз — мулоҳазаларда ўзи илгарилари тасаввур қилиб юрган бошқа нарсаларнинг тимсолини кўз олдига келтиради. Шу тариқа ўша сўз — мулоҳазаларда ишлатиладиган ҳар бир нарса ичида яхшилик ё ёмонлик, адолатсизлик ё тубанлик ва ё бўлмаса ҳалолликни тасаввур қилганига ўхшаб келади. Шундай қилиб, инсоннинг феъл-атвори кўпроқ ўзининг хаёлларига боғлиқ бўлади. Булар, албатта, унинг билим ё андишасига боғлиқ бўлади. Аммо шуниси ҳам борки, кўпинча, унинг билим ва андишаси хаёлидаги нарсаларга тескари келиб ҳам қолади. Бундай пайтларда унинг феъл-атвори ўз билим ва андишасига кўра эмас, балки хаёлига кўра иш тутади.

Бас шундай эҳол, хаёлга келган сўзлардан (273-б) кузатилган мақсад ҳам эшитувчининг ўзинг хаёлига келган нарсани қилишга ундашдан иборат бўлади. Унинг хаёлига келган нарса ё исталган нарсалардан бирига интилиш, ё бўлмаса ундан қочишдан, унга мойил бўлиб берилиш ва ё бўлмаса, уни ёмон кўриш ё ундан ёмонлик ё яхшилик кутуш каби ишлардан иборат ҳис пайдо бўлади. Ўша нарсалардан унинг хаёлига келадиган нарса хоҳ тўғри бўлсин, хоҳ нотўғри бўлсин унга бунинг фарқи йўқ. Шунда иш ҳақиқатан хаёлига келган йўсинда бўлганимиди ёки хаёлига келгандек бўлмаганимиди, бунинг ҳам фарқи йўқ, масаланинг бу томонига қаралмайди. Бу худди бир киши ўзи бажараётган ишини бир нарсага тақлидан қилаётган бўлса, у баъзан ўша тақлид қилаётган нарсасининг айнан ўзини бажараётгандек бўлади.

Баъзан эса инсон ўзи тақлид қилаётган нарсага тақлид қилаётган нарсанинг ўзини бажарган бўлади. Чу-

нончи, у Эшматнинг¹ афт-ангориин акс эттирган ҳайкал тимсолини ишлаган бўлиши мумкин. Шу билан бирга у Эшматнинг тимсоли акс этадиган кўзгуни ҳам ясаган. Худди шунингдек, биз, эҳтимол Эшматни танимаслигимиз ҳам мумкин, лекин биз унинг ишлаган тимсолини кўриб, уни билиб оламиз. Биз бунда Эшматнинг ўзини, шаклини эмас, балки унинг афт-ангорига тақлид қилганини, яъни ўхшатирилганлигини кўриб, билиб олдик. Кўпинча, биз унинг тимсолини — шаклини кўзгуда акс этиб турганини кўрамиз. Шунда биз уни ўхшатилаётганига ўхшаб қолганидан билиб оламиз. Бу ҳолда биз Эшмат шакли ҳақиқатини билиш борасида икки поғона узоқлашган бўламиз. Худди мана шунинг ўзи мулоҳазаларни тақлидга илаштирадиган томонлардан саналади.

Бу мулоҳазалар баъзан ўша нарсаларга ўхшаган нарсалардан тузилган бўлиши ҳам мумкин. Баъзан эса бу тузилган нарсаларнинг ўзи, ўз навбатида, унинг ўзига ўхшайдиган нарсалардан, бу ҳам ўз навбатида унинг ўзига ўхшаган нарсалардан ва у нарсаларга ўхшаган нарсалардан тузилган бўлиши ҳам мумкин.

Натижада тақлид — ўхшатиш борасида нарсалар аслидан бир неча поғона узоқлашади.

Ўша мулоҳазалар хусусида ҳосил қилинган нарсалар тасавури мана шулардан иборат. Бу тасавурларни ҳосил қилишга эса мана шу каби қатор поғоналар илашиб келади.

Ҳар бир нарса бирор нарсага бевосита ўхшаган бўлгани учун у нарса тасаввур қилинади. Ёки бўлмаса бир ё икки нарса воситаси билан тасаввур қилинади. Бу эса ўхшатирилган нарсага билдирилган мулоҳазаларга кўра бўлади. Кўпчилик одамлар аслига яқин бўлган нарсаларга тақлид қилишдан кўра аслидан узоқ бўлган нарсаларга бўлган тақлид — ташбиҳни энг мукамал ва афзал бўлади, деб ўйлашади. Уларнинг фикрича, бундай ҳолатда туриб мулоҳаза юритувчилар тақлид борасида ишловчилар орасида энг лаёқатли киши саналади, ундай киши бу санъат аҳлига жуда муносиб келади ва тақлидни ўз йўлига мослаб улардан фойдаланади.

Китоб тамом².

¹ Матнда Зайд келган. Арабларда Зайд билан Амр исмлари худди бизларда Эшмат-Тошмат сингари ишлатилади.

² Қўлёзма охирида котиб:

«Абу Насрнинг барча китоблари кўчирилиши шу билан бутунлай ниҳоясига етди», деб ёзиб қўйган.



ШОИРЛАРНИНГ ШЕЪР ЁЗИШ САНЪАТИ ҚОНУНЛАРИ ҲАҚИДА

Бу ерда (келтирилайтган) мулоҳазалардан¹ мақсадимиз ҳақим Арастунинг «Фиссиноат аш-шеър» («Шеър санъати») асарида айтган фикр-мулоҳазаларини исботлаб кўрсатишдан ва унинг маъволарига ишора қилишдан иборатдир. Зеро, бу билан шеърний санъат ишқибозларининг барчасини тавиштириш ниятидамиз. Шуниси ҳам борки, ҳақим Арасту ўзининг «Шеър санъати» уёқда турсин, ҳатто муволат-софистика ҳақидаги мулоҳазаларини ҳам мукамал баён қилиб улгурмаган эди. Шунинг учун бу борадаги гапларнинг ҳаммасини ишдан-иғнаси-гача муфассал қилиб, тартиби билан битмоқчи ҳам эмасмиз. Чунки «Софистика санъати» асарининг охириги жумлаларида Арасту айтиб ўтган мулоҳазага қараганда, у бунинг сабабини аҳволни чинакамига ифодалаб бериши учун ўзидан олдин ўтганларнинг асарларига қабул қиладиган тартибга туширадиган ҳолда улар асосида янги-ларини пайдо қиладиган бирор усул ва қонун-қоидалар тополмаганига йўйган.

Ҳақим Арасту ўзининг шундай фазилати ва даҳоси билан тугатиб қўйишга жазм қилолмаган бир ишни биз ниҳоясига етказишга интилишимиздан кўра, бу санъатда фойда берадиган ва ҳозирги замонда учрайдиган қонун-қоидалар, мисол ва мулоҳазалар келтириш билан чеклашак яхшироқ бўлар эди.

Модомики шундай экан, биз деймизки, лафз — сўзлар ё бирор маънони билдириши ҳам, билдирмаслиги ҳам мумкин; улар шу икки ҳолатнинг бирида бўлишдан холи эмас. Маънони билдирадиган сўзлар бирор мулоҳазани ё англатади, ё англатмайди. Мулоҳазани англатадиганларининг қатъий жазмлилиги ва жазмпези бўлади. Қатъий-

¹ Маънада «сал-қавл» — «сўз» маъносида келган. Лекин бу ерда ва бундан кейинги ўринларда «ақовил» сўзини Форобий «фикр», «мулоҳаза» маъносида ишлатади.

лари ё тўғри, ё ёлгон бўлади. Ёлгонларидан баъзлари эшитувчилар зеҳнга уни англатадиган маъно билан бирга ўрнашиб қолади, ваҳолонки бошқалари унинг онгида нарсаларнинг ўхшаши — акси билан ўрнашиб қолади. Мана шу нарса тақлидлар — шеърини мулоҳазалар саналади.

Мана шу акс ўхшашликларнинг баъзилари энг мукаммал бўлади, бошқалари нуқсонли экашани аниқлаш шоирлар, турли-туман тил ва луғатлардаги шеърини ўрганаётган маърифат аҳлининг фикр доирасига киради. Лекин бундан ҳеч ким софистика билан акс тақлид икковини бир сўз деб ўйламасин. Булар иккови ҳам баъзи сабабларга кўра бир-биридан бутунлай фарқ қилади.

Софистнинг мақсади билан тақлидчининг мақсади бир-биридан фарқ қилади. Софист эшитувчини ғалатга ундаб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган нуқсонли нарсаларни кўз олдига келтириб қўяди. Ҳатто у мавжуд нарсани номавжуд деб, номавжуд нарсаларни эса мавжуд деб тасаввур қилдиради.

Тақлидчи бўлса нарса тасаввурининг тескарисини эмас, балки унга ўхшашини тасаввур қилдиради. Бунга ўхшаш нарсалар ҳисда ҳам учрайди. Бу шундайки, ўз жойида жим турган киши шундай ҳолатга тушса, гўё ҳаракат қилаётгандай бўлади. Масалан, кемага минган киши кемадан тушиб қирғоқда қолганларга қараса, ёки ёз чоғида осмондаги ой ва юлдузларга тез юраётган бутултар остидан қаралса, шундай бўлади. Бундай ҳол одамларнинг ҳисларини чалғитади.

Аммо кўзгуга ёки ялтироқ-силлиқ жисмга қараган кишининг ҳоли худди шундай бўлади, унга назар ташлаб, ўша нарсаларга ўхшаш нарсани кўраётгандай туюлади, мулоҳазалар боника қисмларга ҳам бўлиниши мумкин. Хулласин калом, бу шулардан иборат: мулоҳаза ё қатъий, ё қатъий эмасликдан холи бўлмайди. Борди-ю, агар у қиёсий бўлса, у ҳолда билқувват — унинг табиатидан бўлади, ё бўлмаса билфеъл — ҳаракатидан бўлади. Борди-ю, агар у унинг табиатидан бўлса, у ҳолда ё истикро (индуктив) бўлади, ё бўлмаса мулоҳаза тамсиллий (аналогия) бўлади. Тамсил эса кўпинча шеър санъатида ишлатилади. Бундан аён бўлишича, шеърини мулоҳаза тамсил-аналогияга киради.

Қиёслар ҳам, умуман олганда, мулоҳазалар ҳам бошқа турларга бўлиниши мумкин. Айтишларича, мулоҳазалар ё бутунлай рост, ё бўлмаса бутунлай ёлгон бўлиши ҳам мумкин. Ё бунинг тескарисини ёки тўғри ва ёлгон меъ-

ёрда баб-баравар бўлиши мумкин. Буткул рост мулоҳаза, ҳеч сўз, бурҳоний — исботли деб аталади. Борди-ю, унинг бутунлай рост томони кўпроқ бўлса, у ҳолда жадалий — диалектик бўлади. Борди-ю, рост ва ёлгон пикови тенг келиб қолгудай бўлса, у ҳолда у хитобий — риторик бўлади. Рост бутунлай камайиб бораверса, у ҳолда суфастоний — софистик бўлади, бутунлай ёлгон бўлса, у ҳолда уни, ҳеч шубҳасиз, шеърый деб аталади. Ушбу қисмларга бўлишидан кўринишича, шеърый мулоҳаза на исботли, на диалектик, на хитобий-риторик ва на софистикдирлар.

Шу билан бирга, у сулужисмус¹ — силлогизмга ёки унга қарам бўлган навларнинг бирига бориб тақалади, яъни «Қарам бўлган навлар» дейишимдан кўзланган мақсадим истиқро — индукция, мисол — аналогия, фаросат — интуиция ва шунга ўхшаш нарсалар бўлиб, уларнинг мантиқий қувватида ўша қиёс — силлогизмнинг куч-қуввати бўлади.

Юқоридики зикр қилиб ўтган нарсаларни тавсифлаб берганларимдан маълум бўлишича, энди биз шеърый мулоҳазаларнинг навларга қақдай бўлишигини таърифлаб беришимиз керак.

Шеърый мулоҳазаларга келганда, шунга айтиш мумкинки, у ё вазнларга қараб бўлинади, ё бўлмаса маъноларга қараб турларга бўлинади.

Аммо вазнларга қараб бўлишишларга келганда шунга айтиш керакки, бундан буёғига мулоҳаза юритиш мусиқор — мусиқачи ва арузчиларга тегишлидир. Шу билан бирга, мулоҳазалар (яъни шеърый сўзлар) қайси тилда бўлгани ва мусиқачининг қайси тонфадан чиққанига боғлиқ.

Аммо шеърининг маъносига қараб илмий томондан навларга тақсим қилинишига келсак, бу жиҳатлар ҳар бир халқ ва тонфадаги рамзларни билувчи ва шеърларнинг шарҳловчисига, уларнинг маъноларини пазорат қилувчи ва ўшаларга қараб улардан маълум хулосалар чиқарувчисига ҳавола қилинади. Бу худди ҳозирги замонамизда форс ва араб шеърини олимлариининг бу борада китоблар тасниф қилганига ўхшаб кетади. Улар

¹ Сулужисмус — асли юновча бўлиб, луғавий маъноси — ҳисоблаш-қиёсий силлогизм деб аташади. Форобий даврида юновча мантиқ истилоҳлари, фалсафий терминлар арабчага таржима қилиб ҳам ишлатилган. Шу сабабдан Форобий ўз асарларида юновча истилоҳларни кам ишлатади.

шеърларни турли навларга, чуновчи, ҳажвия, мадҳия, муфохара, луғз — топишмоқли шеър, кулгили газалиёт, васфий шеър ҳамда китобларда топилиши қийин бўлмаган бошқа навларга бўладилар. Буларнинг у ерда мавжудлиги бизни бу ҳақда муфассал эслашимиздан ва гапни қўзиб ўтиришимиздан қутқаради.

Келинлар, бошқа масалага ўтайлик. Асарлари бизгача етиб келган ўтмиш ва ҳозирги замон шоирларининг кўпчилиги шеърларнинг аҳволига қараб вазиларни аралаштириб юборганлар. Улар шеърингда мавжуд бўлган навларнинг ҳар бирига, уларнинг мазмунига қараб махсус вазн белгилаб чиқмаганлар. Бу ҳолатдан фақат юнонларгина холи, холос. Улар шеър навларининг ҳар бирига махсус вазни ҳажвиялар вазнидан тамомила бошқача, ҳажвиялар вазни эса кулги вазнидан бутунлай фарқ қилади. Бошқа вазиларнинг аҳволи ҳам худди шундай.

Аmmo бошқа халқ ва тинфаларда айтишларича, мадҳиялар ҳажвиялар қуйланадиган кўп вазиларда ҳам қуйланади. Бунда ё бутунлай мадҳия вазнида ҳажвия айтилади ёки бутунлай бўлмаса ҳам кўпроқ айтилади. Бунга улар чегарани худди юнонлар қўйгандек жуда ҳам қатъий қилиб қўйишмаган.

Биз бу ерда худди ҳажим Арасту ўзининг шеър санъати ҳақидаги мулоҳазаларида санаб ўтганидек, юнонлар шеърлари турларини санаб, ҳар бирининг навъига¹ ишорат қилиб ўтамиз.

Улар қуйидагилардир: улар шулардан иборат² (трагүзие) трагедия, (дисирамби) дифирамби, (кумузия) комедия, ёмби (иёмбу), драма (драмото) эйний, диаграмма³ (диаграмма), сатпра (сотуро), поэма⁴, эпос⁵, рп-

¹ Матнда нав — кўплиги анво — навлар. Лекин Форобий «нав» — тур терминини кўпроқ ҳозирги адабий истилоҳимизда ишлатиладиган «жанр» сўзи ўрнига ишлатади. Шунга кўра, унинг адабиётда қилган классификацияси ҳам диққатга сазовор. Лекин бу жанрнинг қадимги даврдаги маъноси билан ҳозиргисининг фарқи тамомила бошқача.

² Матнда бу терминлар юнон тилида ишлатилгангача қавс ичидагидай келган.

³ Диаграмма — Бадавий бу сўз маъносини шарҳлашда Марғолиусга ҳавола қилиб, «адолатли ишлар» деган маънога тўғри келадиган юнон терминини келтиради.

⁴ Матнда фиюмото-помото — «кичик шеърлар». Бизнинг ҳозирги талаффузимизда «поэма».

⁵ Африқий — аввалидаги «алпф»ин «и» ўқисак — «ифриқий», «э» ўқисак, ҳозирги даврда ҳам ишлатиладиган бизга яқин эфиқий — эпик деган сўз чиқади: бу билан аста-секин эпос шаклига келган.

торика (риторий), эфизоносоус¹ ва акустика².

Аммо трагедияга келсак, у шеърнинг маълум бир нави бўлиб, унинг ўқиладиганини эшитган ё ўзи овозини чиқариб ўқиган киши ҳузур қилади. Трагедияларда бирорларга мисол (ўрнак) бўла оладиган яхшиликлар ва мақталадиган феъл-атворлар зикр қилинади; бу вазнда шаҳарни бошқарувчи — ҳукмдорлар мадҳ этилади. Муסיқачилар подшоҳлар олдида шу трагедия вазнида куйлайдилар. Борди-ю, бирор подшоҳ ўлиб қолгудай бўлса, трагедия қисмлари — бўлакларига бошқа қўшимча нағмалар қўшиб, ўша ўлган подшоҳга атаб навҳа—марсиялар айтганлар.

Аммо дифирамбига келсак, у шеърнинг бир тури бўлиб, унинг вазни трагедия вазнидан икки баробар катта бўлади. Унда яхшилик ва мақталадиган барча хулқ-атворлар, инсоний фазилатлар зикр этилади, дифирамбда маълум бир подшоҳ ё кишини мадҳ этиш эмас, балки умумий яхшиликлар зикр қилинади.

Аммо комедияга келсак, бу шеърнинг маълум бир тури бўлиб, унинг ҳам маълум вазни бўлади, унда ёмон феъл-атворлар зикр қилинади, одамлар, уларнинг ахлоқларида қораланадиган ва хуш кўрилмаган табиатлар ҳажв қилинади. Қўшимча унинг бўлакларига оҳанг-нағмалар қўшилиб, уларда ҳам қораланадиган хулқ-атворлар эсланади. Бу эсланган хулқ-атворларда инсон, ҳайвон ва икковига алоқадор бўлган хунук шакл-тумсоллар иштирок этади.

Аммо ёмби ҳам шеърнинг бир нави бўлиб, унинг ҳам ўзига хос маълум вазни бўлади, унда ҳам машҳур мулоҳазалар эсланади. Аммо куйланадиган нарсалар хушфеъл ҳам бўлиши мумкин, бадфеъл ҳам бўлиши мумкин — бунга барибир, лекин шуниси борки, бу мисолда бир зарбулмасал — мақоллар каби машҳур бўлиши шарт. Шеърнинг бу нави тортинув, уриш-жанжал, ғазаб ва гижинган пайтларда ўқиладиган шеърларда ишлатилади.

Аммо драмага келсак, у ҳам худди юқоридаги келтирилганлар каби шеър турларидан бири саналади: фақат

¹ Эфизоносоус — Артур Арберри бу сўзни амфигенезисдан чиқаради, бунда у «зу кавнай» — «икки борлиқ эгаси» деган маънога йўяди. Лекин бу талқини Бадавий маъқулламайди. Бадавийнинг фикрича, бу нав шеър табиатшунослардан чиққан, улар буни табиий илмларни тавсифлаш учун ишлатганлар. Шу боисдан Бадавий бу терминни эфизоносоус — борлиқ ва табиатга тааллуқли ва унгагина хос бўлган нав бўлиши керак, дейди.

² Акустикӣй — акустика — музика билан эшитиладиган шеър тури.

бунда маълум кишилар ва маълум шахслар тўғрисида машҳур масал ва нақллар¹ зикр қилинади.

Аммо эънийга келсак, бу ҳам шеърятнинг навларидан бири бўлиб, унда одамни хурсанд қиладиган мулоҳазалар зикр қилинади. Шуниси ҳам борки, булар ё маҳоратнинг зўрлигидан ва ё гоятда гўзал битилганидан одамни хушнуд этади.

Аммо диаграммага келсак, бу ҳам шеърятнинг бир нави бўлиб, буни қонушunosлар инсон хулқини тузатиш ҳамда тарбиялаш мушкул бўлган тақдирда унда шеър битиб, кимки қонун-қондага риоя қилмас экан, унинг оқибатида аянчли аҳволга тушади, деб кўрқитиш ва руҳини даҳшатга солиш учун ишлатадилар.

Аммо эпика ва риторикага келсак, бу ҳам шеърятнинг бир нави бўлиб, бунда илгарй ўтган сиёсий ва қонуний тартиб-қондалар тавсиф қилинади. Шеърятнинг бу навида подшоҳларнинг хулқ-атвори, у ҳақдаги хабарлар, унинг даври ва у билан боғлиқ бўлган воқеалар зикр қилинади.

Аммо сатирага келганда шунн айтиш керакки, бу ҳам шеърятнинг бир нави бўлиб, унинг ўзига хос вази бор. Бу навдаги шеърларни мусиқачи олимлар яратганлар. Улар ўз куйларн билан тўрт оёқли ҳайвон, умуман олганда, ҳатто жамеки ҳайвон зотларини ҳаракатга келтирадилар. Шунда ҳайвонлар ўзларининг табиий ҳаракатларидан бир оз четга чиққан бўлиб, (маълум қилиқ қилиб), одамларни таажжубга соладялар.

Аммо поэмага келсак, бу шеърятнинг бир нави бўлиб, бунда (бошқа навларга ўхшамаган ҳолда) яхшино ёмон, тўғрию эгри ҳар хил сифатлар куйланади, тасвирланади. Бу хилдаги ҳар бир шеър навларида гўзал ва хушук, яхши ва разил ишлардан иборат бўлган воқеалари ифодаланади.

Аммо эфнжовосоусга келсак, бу ҳам шеърятдаги навларнинг бир тури бўлиб, буни табиатшunos олимлар яратганлар. Улар бунда табиий илмларни тавсифлаганлар. Шеър санъатида энг узоқ сапалган нав худди мана шу шеър нави ҳисобланади.

Аммо акустикага келсак, бу ҳам шеър навларини бир тури бўлиб, бу нав орқали мусиқа санъати ўргатилади. Бу тур шеър фақат шунгагина хос, холос, бошқа ўринларда унда фойдаланилмайди.

Юнон шеърятини яхши билган кишилардан бизгача

¹ Матнда ал-амсол ва-л-ақовил — мақол ва мулоҳазалар тарзида келган.

етиб келган муфассал хабарларга кўра ва ҳаким Арасту-га нисбат берилган шеър санъати ҳақидаги мулоҳазала-рида ҳамда Томастийос (Темистий) билан икковидан ташқари юнон китобларини шарҳловчи қадимги олимлар асарларида юнон шеърини турлари ва уларнинг мазмун-лари ҳақида топган гапларимиз мана шулардан иборат. Биз уларнинг баъзи мулоҳазаларида топганларимизга қараганда, улар ўз таснифларининг охирида шу маъно-ларни улаб кетганлар. Биз уларни қандай учратган бўл-сак, ўшандай ҳолда эслаб ўтамиз.

Энди биз сенга айтсак, шоирлар чиндан тугма қоби-лиятли ва шеър битишга тайёр табиатли кишилар бўла-ди ва уларда ташбиҳ ва тамсилга лаёқати яхши ишлай-диган бўлади. Бу хил шоирлар ё шеър навининг кўп турида, ё бўлмаса бир турида ижод қилишга лаёқатли бўладилар. Лекин бу хил шоирлар шеър санъатидан ке-рак бўлганича хабардор бўлишавермайди, балки улар тугма қобилиятларининг яхшилиги билангина қафоат ҳо-сил қилдилар, уларнинг ўзлари мўлжалланган ҳозир-ликларига кўра иш тутадилар. Бундай шоирлар чинакам мусалжис — мулоҳазакор шоирлардан саналмайдилар. Чунки уларда шеър санъатини ўзлаштириб олиш учун камолот етишмайди ва бу санъатда тургунлик бўлмайди. Қимми ундай одамнинг шеърини кўриб, у қобилиятли одам экан, деб ўйлаган бўлса, бу шунинг учунки, унинг феъл-атворида шоирларга хос бўлган турқ-кўриниш мав-жудлигидангина шундай мулоҳазага келинган (156-б). Ё бўлмаса бу хил одамлар чинакамга шоирлар санъати-ни эгаллаган бўлишадди, ҳатто шеър ижодига хос бўлган хусусиятлардан бирортаси ҳам — у қайси шеър турига алоқадор бўлмасин, барибир, бу қонун-қондалар ундан қочиб қутулолмайди. Улар шеърини санъатида кўллани-ладиган ташбиҳ ва тамсилларни жудаям маҳорат билан ишлатадилар. Бу хил шоирлар чиндан ҳам қобилиятли шоирлар дейишга сазовордирлар.

Эки бўлажак шоирлар ўша юқорида айтиб ўтилган аввалги икки табақа шоирлар ва улар феълларига¹ тақ-лид қилувчилар бўладилар. Булар ўша аввалги иккала табақа шоирлар йўли — ижодини ёқлайдилар. Бу турда-гиларнинг ўзларида тугма шеърини табиат бўлмаган ҳол-да, шеърини санъат қонун-қондаларидан хабардор бўлмай туриб, ташбиҳ — ўхшатини ва тамсил кабилар кетидан борадилар. Йўлдан адашадиган ва тоядиган шоирларнинг

¹ Матнда «афъолиҳо» — «феълларига» дейилган.

кўпчилиги худди мапа шу табақа шоирлар ичидан чиқади.

Энди биз сенга айтсак, ўша юқорида айтиб ўтганимиз уч тоифа шоирларнинг ҳар бири ижодда ё табиийлик, ё мажбурийликдан холи бўлмайди. Бундай дейишдан кўзланган мақсадим шуки, бир шоир кўпинча мадҳияга ва ё бир яхши сўз айтишга табиатли бўлса, баъзан вазият ундан ҳажвий ва бошқа турда шеър айтишга ҳам мажбур қилиб қолади. Айтайлик, бир шоир шеърини навларининг маълум бир павида ижод қилиш санъатини ташлаб олган ва ўзини шу хилдагина шеър ёзишга одатлантирган бўлса, баъзи ҳолларда танлаб олмаган турларда ҳам шеър ижод қилишга тўғри келади, бу эса унинг учун ўзи ижод қилишга одатланган шеър турига нисбатан бошқа бир навда мажбурий битилган шеър бўлади. Бу мажбурият ё ички, ё ташқи сабаблар билан бўлади. Аммо шоирнинг энг яхшиси тўғма шоир бўлгани савалади.

Сўнгра шоирларнинг шеър ижод қилиш борасидаги аҳволи камолотга етишгани ва етишмагани жиҳатидан турлича бўлади. Бу эса ё гоё жиҳатидан, ё бўлмаса мавзу жиҳатидан шундай бўлади.

Аммо гоё жиҳатидан олган тақдиримизда улар шеърга баъзан ёрдам берса ҳам, баъзида унга ёрдам беролмай қолади. Бунга баъзан руҳий (нафсоний) кайфиятлар сабаб бўлади. Шунда ё руҳий кайфиятлар устул келади, ё бўлмаса баъзан ўзи унга муҳтожлигидан тушқунликка учраб, пасайиб кетади.

Аммо бу бобдаги текириришларимиздан мақсад бу масаланинг ипидан-игнасигача сиғичклаб аниқлашдан иборат эмас, чунки буларнинг ҳаммаси ахлоқ ва руҳий кайфиятлар тавсифлари ҳамда уларнинг ҳар бирининг ишон руҳига алоҳида таъсири ҳақида битилган китобларда керагича баён қилинган.

Аммо мавзу жиҳатидан олган тақдиримизда кўпинча бири иккинчисига ўхшайдиган икки нарса ўртасида ўхшашлиги бўлади. Бунда аксар одамларга уларнинг яқинлиги кўриниб туради. Буларда шоирнинг етук ва етукмаслиги ҳақидаги мулоҳаза ўша ўхшатишнинг ҳақиқатга яқин ё узоклигига боғлиқ бўлади.

Баъзан шунақаси ҳам бўладики, шеър санъатида энг орқада қолган шоир ҳам юқори даражада ажойиб шеър яратиши мумкин, ҳатто бу соҳада билагонлар ҳам унга тенг келадиган нарса (шеър) яратолмаслиги ҳам мумкин. Лекин шуниси ҳам борки, бунга сабаб бахт ва тасодифнинг тўғри келишидан бўлади. Лекин ундай одам (қанчалик ажойиб шеър ёзган бўлмасин) бу ёзган шеъри

билан у мулоҳазақор шоир деган номга сазовор бўлмайди. Ташбиҳ даражалари ўзининг ўхшатишларига кўра турлича бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганимизда ўхшатишнинг яқин ва муносиб бўлмоғи мавзуга ҳам боғлиқ; ё бўлмаса шоирнинг бу санъатдаги маҳоратига ҳам боғлиқ. Ҳатто шу уста шоир бир-биридан узоқ бўлган икки нарсани, мулоҳазаларни орттириш билан бир-бирига мувофиқдек қилиб кўрсата олади. Бу эса шоирларда яширин бўлмаган ҳоллардандир. Шу жумладан шоирлар А билан Б ни ва Б билан Ж ни бир-бирига ўхшатадилар. Чунки бунда А билан Б ўртасида яқин ва муносиб ҳамда маълум бўлган ўхшашлик бор. Шу билан бирга, яна Б билан Ж ўртасида ҳам яқин, муносиб ҳамда маълум бўлган ўхшашлик бор. Улар сўз маъносини шунга буриб, ҳатто сомий — эшитувчи, мушид — ўқиб берувчиларнинг фикр-зикрини, гарчи улар ораси узоқ бўлса ҳам А билан Б ва Б билан Ж ўртасида бўлган ўхшашликдан огоҳлантирмоқчи бўладилар.

Бу санъатда шоирликнинг тавлашиши одамда жуда ҳам улкан бойлик саналади. Бу худди ҳозирги замондаги¹ баъзи бир шоирлар қилмишига ўхшаб кетади. Улар шундайки, агар бир сўзни шеърдаги байтга қофиядош қилиб қўйиб, олдинги байтда лозим бўлган нарсаларни ёки тасвирлаш ниятида бўлган нарсаларни бита олса, у ҳолда одамда жуда ажойиб ҳузурбахш ҳолат пайдо бўлади.

Биз яна шундай деймиз: бу санъат аҳли билан (уйга) нақш берувчи рассом санъати ўртасида қандайдир муносабат бор. Булар иккаласининг санъатдаги моддаси турли-туман бўлса ҳам, аммо шаклда, яратилиш ва мақсадларда бир-бирига мос келади. Ёки айтайлик, ўша иккала яратилган нарсада, улар шаклларида ва мақсадларида бир-бирига мувозанат, ўхшашлик бор. Бу шундайки, шеър санъатини безайдиган нарсалар — сўз-мулоҳазалар бўлса, рассомлар санъатини безайдиган нарса — бўёқлар саналади. Буларнинг иккови ўртасида фарқ бор, аммо иккаласи ҳам одамлар тасаввурини ва сезгиларида бир мақсадга — тақлид қилишга йўналган бўлади.

Шоирлар санъати илмининг ўрганувчилар фойдаланадиган умумий қону-қоидалар мапа шулардан иборат. Бу қонушларнинг кўпини (илмий нуқтаи назардан) текшириб чиқиб, мулоҳазалар билдириш ҳам мумкин эди, лекин бундай санъат соҳасида илмий текшириш олиб боришдек нарсани инсонни санъатнинг бир лавида бир томон

¹ Форобий замони, яъни X аср назарда тутиляпти.

лама мулоҳаза олиб боришга элтиши ҳамда бошқа навлар ва қарашлардан юз ўгиришга олиб келиши мумкин.

Шу сабабдан бу соҳада айтиб ўтган мулоҳазаларимиз бундай уринишларни ҳеч мақсад қилиб ҳам ололмайди.

(Шу билан Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ал-Фаробий ёзган «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида» деган рисола тугади).





ФОЗИЛ ШАҲАР ОДАМЛАРИ ҚАРАШЛАРИ

БУ КИТОБДА БОР БОБЛАР:

1. Биринчи мавжуд ҳақида сўз.
2. Унинг шериги йўқлиги ҳақида сўз.
3. Унинг зидди йўқлиги ҳақида сўз.
4. Пок Тангрининг таърифи йўқлиги ҳақида сўз.
5. Унинг бирлиги зотининг ўзидир, у Аллоҳ Таоло, олим, ҳақим, у ҳақдир, тириклик ва ҳаётдир.
6. Унинг улугворлиги, шон-шовкати ва олийжаноблиги ҳақида сўз.
7. Барча борлиқ қандай қилиб ундан содир бўлганлиги ҳақида сўз.
8. Мавжудот даражалари ҳақида сўз.
9. Биринчи олий, шоли деб аталishi керак бўлган исмлар ҳақида сўз.
10. Бизда мавжуд бўлган борлиқ ва жисмлар ҳақида сўз.
11. Мартабалар ўртасидаги бўлиниш, моддий жисмлар ва илоҳий бўлинишлар ҳақида сўз.
12. Осмон жисмлари нималарда иштирок этиши ҳақида сўз.
13. Осмон жисмлари ҳаракати, лекин қайси нарсага нисбатан ҳаракат қилиши ҳақида сўз.
14. Даврий ҳаракатлар бўлишининг ҳолати ва уларнинг умумий табиати ҳақида сўз.
15. Биринчи суврат ва биринчи модданинг юз бериши сабаблари ҳақида сўз.
16. Моддий жисмларнинг пайдо бўлиши даражалари ҳақида сўз.
17. Сувратнинг модда билан кетма-кет келиши ҳақида сўз.
18. Инсон жони ва қувватлари бўлимлари ҳақида сўз.
19. Бу қувватлар қандай қилиб ягона жон бўлаклари бўла олиши ҳақида сўз.
20. Нутқий қувват ҳақида, у қандай қилиб ақл юрита олади ва унинг сабаблари ҳақида сўз.

21. Ирода билан ихтиёр орасида фарқ ва бахт ҳақида сўз.
22. Туш кўриш сабаблари ҳақида сўз.
23. Ваҳий келиш ва малакни кўриш ҳақида сўз.
24. Инсоннинг ўзаро бирлашиши ва ўзаро ёрдамга бўлган эҳтиёжи ҳақида сўз.
25. Шаҳар бошлиғининг шахси ҳақида сўз.
26. Фозил шаҳар раисининг хислатлари ҳақида сўз.
27. Фозил шаҳрга қарама-қарши шаҳар ҳақида сўз.
28. Жоҳларнинг бир-бирига қўшилиши ҳақида сўз.
29. Синоатлар ва саодат ҳақида сўз.
30. Бу шаҳарлар аҳли ҳақида сўз.
31. Фозил шаҳар аҳли учун муштарак бўлган нарсалар ҳақида сўз.
32. Жоҳил ва адашган шаҳарлар аҳли қарашлари ҳақида сўз.
33. Адолат ҳақида сўз.
34. Кўникиш ҳақида сўз.
35. Жоҳил шаҳарлар ҳақида сўз.

ФОЗИЛ ШАҲАР ОДАМЛАРИ ҚАРАШЛАРИ

(Асардан парчалар)

Абу Наср ал-Фаробийнинг «Фозил шаҳар одамлари қарашлари» асари боблари таърифи:

1. Аллоҳ Таоло нима ва унга қандай эътиқод қилиш кераклиги ҳақида сўз; у қандай тавсиф этилиши керак, қайси вазҳдан у бошқа мавжудотга сабаб бўлиб қолди; бу ундан қандай қилиб юз беради; уларни қандай юзата келтиради; у билан боғлиқлиги қандай; у қандай қилиб билинади ва қандай қилиб ақл юритилиши керак; уни қайси ном билан аташ лозим бўлади; бу исмлар нималарга далолат қилиши керак бўлади.

2. Улар фариталар деб эътиқод қилиниши керак бўлган мавжудот ҳақида сўз. Уларнинг ҳар бирининг моҳияти нима, улар қандай, унинг пайдо бўлиш сабаблари, даражалари, бир-бирига бўлган мартабалари, уларнинг ҳар бирида нималар юз бериши мумкинлиги, қандай қилиб ундан юз берадиган нарса (бошқа) ҳар бир нарсага сабаб бўлган, унинг чоралари ҳақида; чиндан ҳам уларнинг ҳар бири осмон жисмларидан бўлган жисмнинг сабабларидир, уни идора қилиш унга топширилган.

3. Осмон жисмларининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида сўз; Уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида йккиччиси билан

боғлиқлиги ҳақида; уларнинг ҳар бири иккинчиси унга боғлиқ бўлган осмон жисмларини идора қилиши ҳақида;

4. Осмон остида бўлган жисмлар ҳақида сўз; улар ҳаюллоғий — моддий жисмлардир; унинг борлиги қандай юз берди, у қанча, уларнинг ҳар бирининг жавҳари — субстанцияси нимада; олдин айтиб ўтилган мавжудотдан унинг фарқи нимада — шулар ҳақида.

5. Модда ва суврат ҳақида сўз; уларнинг ҳар бири алоҳида олганда нимадан иборат; улар иккалови жисмларнинг кўринишими, уларнинг ҳар бирининг бошқасидан фарқи, даражаси нимада; улар билан зоҳир бўладиган моддалар нималардан иборат; уларнинг иккаловида моддага асосланган вужуд нимадан иборат; суврат билан қайси вужуд ҳосил бўлади — шулар ҳақида сўз боради.

6. Ўзи малолка дейиш мумкин бўлган ва кайфпятидан мавжудот деб тавсиф қилинадиганлар ҳақида сўз.

7. Умуман Осмон жисмлари деб тавсиф қилинадиган нарсалар ҳақида сўз.

8. Умуман моддий жисмлар қандай юзага келади; уларнинг қай бири — биринчи, қай бири — иккинчи ва қай бири — учинчи ва шу тариқа кетавериб, ниҳоят охирида юзага келадиган нарса инсон бўлиб қолиши ҳақида; қисқача, ҳар бир синф-турининг юзага келиши ҳақида хабарлар.

9. Улардан бўлган ҳар бир турнинг боқий қолиши учун қандай шарт-шароит чоралар бўлиши ҳақида; ҳар бир нав шахсларининг сақланиши ҳақида; уларни идора қилишида адолатли чора-тадбир ҳақида; улардан нима юзага келса, бари адашмасдан, хилофликка бормасдан, муқсонга йўл қўймасдан, адолат натижасида, ҳукмлар юритиши ва камолотга эришиши билан бўлиши керак. Чунки булар ҳаммаси бўлиши вожиб бўлган нарсалар бўлиб, уларнинг мавжудот табиатларида бўлиши мумкин бўлмаган нарсалардан бошқа нарса эмаслиги ҳақида.

10. Инсон ҳақида, инсон нафсининг қувватлари ҳақида ва унинг пайдо бўлиши ҳақида, аввалап, қайси бири юзага келгани, иккинчиси — қачон, учинчиси — қачон юзага келгани, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида, уларнинг қай бири бошқариши ҳақида; қайси бири бошқасига хизмат қилади; қайси бири фақат бошчилик қилади; қай бири уларнинг бирор нарсасига хизмат қилади, қайси бири қайсисини идора қилади — шулар ҳақида.

11. Инсонлар аъзоларининг пайдо бўлиши ва унинг даражалари ҳақида, баъзиларининг бошқалари билан муносабат даражалари ҳақида; уларнинг қайсисини бош масала ва қай бири ал-ҳодим — иккинчи даражали маса-

ла, раиси қандай қилиб бошчилик қила олади ва уларнинг иккинчи даражалиси қандай қилиб хизмат қила олади — шу ҳақда.

12. Эркак ва хотин жиғиси ҳақида; уларнинг ҳар бирининг қуввати ҳамда уларнинг ҳар бирининг феъли ҳақида; улардан қандай қилиб бола пайдо бўлиши ҳақида; уларнинг бир-биридан фарқи, бир-бирига инсбатан умумийлиги ҳақида; унинг эркаклиги ва хотинлигининг сабаби; нега бола ўз ота-оналарига ўхшаши ёки ўзининг аждодларига ўхшаш бўлиши ё бўлмаса уларнинг ҳеч қайсинисига — на аждодига ва на ота-онасига ўхшамаслиги ҳақида.

13. Нутқли инсоннинг маъқулот — ақл қабул қиладиган қисми тузилиши қандай, уларнинг турлари қандай; қувватли ақл (ақли қавий) нима ва феълли ақл ақли билфеъл нима ва моддий ақл нима ва ақли мувфаил (пассив интеллект) нима дегани-ю, фаол ақл (актив ақл) нима дегани ва унинг даражалари ҳақида ва нега фаол ақл деб аталадию, унинг феъли — ҳаракати нима — шулар ҳақида; яна қувватда бўлган ҳатто феълли ақл бўла оладиган қувватлар қандай қилиб маъқулот сифатида тасвирланади, ҳатто феълли — ҳаракатдаги ақл бўлади. Ирода дегани нима, ихтиёр дегани нима, улар иккалови нафснинг қайси бўлақларига тааллуқли; тўла бахт-саодат нима-ю, фазилат ва нуқсонлар нима, ҳаракатдаги хайр ишлар нима-ю ёмон ишлар нима, улардан нима гўзал саналадию нима қабих саналади — шулар ҳақида.

14. Нафс бўлақлари ҳақида бўлган мутахаййил — хаёлга бориладиган бўлақлар ҳақида сўз; улар феъл-ҳаракатларининг турлари ҳақида; у нафснинг қайси турига тааллуқли, унинг тўғрилигига бўлган сабаб, ундан нимага тўғри деб ишониш мумкин; (пайғамбарлик) ваҳийси қандай юз беради; инсонларнинг қайси турига ваҳий келиши мумкин; қайси бир тоифадаги одам ваҳийга дуч келиши мумкин; келажакда бўладиган шарсадан хабар берадиган ва унга ишонадиган кишиларни кўплигининг сабаби нимада — шулар ҳақида.

15. Жамиятда инсон ҳожати ва ўзаро ёрдами ҳақида; инсоний жамиятларнинг турлари ҳақида ва фозила жамият ҳақида; фозила шаҳар нима дегани, у қандай идора қилинади, унинг бўлақларининг тартиби қандай, фозила шаҳарда фозил раиснинг турлари ва аввалги фозил раиснинг тартиби қандай бўлиши кераклиги ҳақида; фозил шаҳарга бошлиқ бўлади деб эътиқод қилинадиган бола ё йигитда қандай аломат ва белгилар бўлиши мумкинлиги ҳақида; унда бундай белгилар топилгудай бўл-

са, қайси шаройтда камолга етиб, ҳатто унга биринчи фозил раис бўлиб олиши мумкинлиги ҳақида; фозила шаҳарга қарама-қарши бўлган шаҳарлар қанча, жоҳила шаҳар дегани нима, залолатга кетиб тойган шаҳарлар-чи; Жоҳил шаҳарлар ва уларни идора қилиш усуллари ҳақида.

16. Сўнгра бахт-саодат зикри ҳақида, унга фозила шаҳар аҳли ўз ҳаёти давомида, вафотидан сўнг қандай қилиб унга эришиши ҳақида; фозила шаҳарга қарама-қарши бўлган шаҳар аҳли вафотидан сўнг қандай бахтсизликка дучор бўлиши ҳақида.

17. Уша фозила шаҳарда расм-русумлар қандай бўлиши ҳақида; сўнгра кўп одамларда бузуқ усуллар, ёлғончиликка оид нарсалар, улардан жоҳиллик қарашларнинг пайдо бўлиши ҳақида.

18. Сўнгра жоҳиллий қарашлар хусусияти юзага келиб, ундан жоҳиллий шаҳарларда пайдо бўладиган феъллар ҳосил бўлиши ҳақида.

19. Сўнгра бузғун усуллар тўғрисида бўлиб, ундан тойган шаҳар аҳли қарашлари келиб чиқади.

1. БИРИНЧИ МАВЖУД! ҲАҚИДА СЎЗ

Биринчи мавжуд бошқа барча мавжудот борлигининг биринчи сабабидир. Бўлиши мумкин бўлган турли-туман камчиликларнинг барчасидан озод-поқдир. Ундан бошқа барча мавжуд нарса нуқсонлик бўлиши ҳолатидан холи эмас. (Нуқсон) бир бўлиши мумкин ва ё бирдан кўп бўлиши мумкин.

Аmmo аввалига келсак, у барча нуқсонлардан холидир. Унинг борлиги барча (борлиқ)дан афзал² ва бошқа борлиқлар олдин келур, унинг борлигидан яна устун бўлган ва ундан олдин келадиган бошқа борлиқнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Демак, у борлиқ устунлиги (фазилати) борасида энг юксак даражададур, борлиқ мукамаллиги нуқтаи назардан қарасак, у энг юқори мартабададур.

Шунинг учун унинг борлиги билан жавҳарининг³ йўқлик қоринмаси ҳеч қайси ҳолатда ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки йўқлик ва унинг тескариси (зидди) иккаловининг бўлиши мумкин эмас, бўлса ҳам у ой фалағидагивна бўлиши мумкин, холос. Чунки йўқлик эса вужуди бўлмаган, (яъни) бор бўлмаган бпр нарсадир.

¹ Биринчи мавжуд, баъзида биринчи вужуд деганда Тангри тушунилади.

² Яъни, у мукамалдир, дейилмоқчи.

³ Яъни асоси.

Унинг вужуди бляқувва бор бўлиши мумкин бўлмаганидай, унинг ҳар қандай тарзда борлиги ҳам бутунлай мумкин бўлмас. Шунинг учун ҳам унинг вужуди йўқлигининг ҳам имкони йўқдир. Шу сабабдан у азалийдир, унинг азалийлиги доимо унинг борлигида — жавҳари (субстанцияси) да борлигидандур, у ўз борлигига ҳеч қандай эҳтиёж ҳам сезмаган зотдир, унинг доимо борлиги унинг эгаллиги учун етарлидир. Борлиқ ҳеч маҳал унинг вужуди каби бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, у ўзининг абадий борлигида ўз жавҳари билан ва ўзининг азалийлиги билан қафоат ҳосил қилади, унинг асли унинг абадийлиги ва доимо борлиги учун етарлидир. Лекин борлиқ аслида худди унинг вужудига ўхшаш бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, унинг вужуд даражаси ҳам, вужуди ҳам унга ўхшамаслиги ҳам мумкин, ё бўлмаса унга етарли бўлмаслиги ҳам мумкин. Унинг мавжудлиги ўзи учун сабаб бўлмаслиги ҳам мумкин, ё у билан (бири) ё бўлмаса ундан (анҳу) ва ёки унинг учун (лаҳу) бўлиши нимадан эканлигини (билиш) мумкин бўлмаган бир борлиқ (мавжудот)дир. Чунки у модда ҳам эмасдур, у на моддага асос бўла олади, на субъект (мавзуй)га таянч бўла олади, балки унинг борлиги (вужуди) ҳар турли моддадан ва барча субъектдан боқимсиз (яъни холи)дур. Шунингдек, унинг суврати ҳам бўлмайди. Чунки суврат фақат моддада бўлиши мумкин, холос. Агар унда суврат бўлганида эди, у ҳолда унинг зоти модда ва сувратдан тузилган бўлар эди. У шундай бўлганида эди, унинг асоси, (яъни борлиги) албатта, ўзи пайдо бўладиган икки қисмдан таркиб тошган бўларди. Шундай экан, чиндан ҳам, унинг бўлақларининг ҳар бири унинг бусбутун вужудига сабаб бўлган бўларди. Биз уни биринчи сабаб деб баён этдик. Шунингдек, ўз моҳияти билан бу мақсад ва роёга эришиш учун унинг борлигида на мақсад бўлади, на роё бўлади. Бошқача қилиб айтганда, бу унинг борлигига сабаб бўлган бўларди. Бу ҳолатда унинг ўзи биринчи сабаб бўлмаган бўларди.

Шу билан бирга унинг борлиги ундан олдин келадиган ҳеч қайси нарсадан фойдаланмаган, чунки у ўзидан паст бўлган нарсадан фойдаланишдан узоқдир.

2. АЛЛОҲНИНГ ШЕРИГИ ЙУҚЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Илк бор бўлган (яъни Тангри) ўзининг асл моҳияти билан бошқа барча нарсалардан фарқлидир; унинг борлиги эса унинг ўзидан бошқа ҳеч кимга тегишли ҳам эмас (фақат унинг ўзига тегишлидир). Чунки борлиги шу

борлиқ бўлган нарса билан айни борлиққа соҳиб бўлган бошқа бир нарса орасида ҳар хил бир фарқлилиқ ва айирма бўлиши мумкин эмасдир. Ундай ҳолда ўртада икки нарса асл моҳият бўлмай, балки биргина асл — ўзак бўлиши мумкин, холос. У ҳеч ўзгармаслиги мумкин. Борди-ю, ораларида бирор фарқлилиқ бўлгудай бўлса, у ҳолда уларни бирлаштирадигандан айни ўша нарса бўлмай, балки бошқа бир нарса бўлиши мумкин. У ҳолда уларнинг бир-биригининг бошқасидан фарқ қиладиган томони улар борлигининг бир қисмини ташкил этади. Уларни бирлаштирадиган томони эса унинг бошқа қисмини ташкил этади. Шундай қилиб, бу иккаловининг ҳар бири тушунча билан белгиланади, иккала қисмининг ҳар бири эса ўша асоснинг сабаби бўлади. У, ўз навбатида, энди биринчи бўлолмайди, балки бунда ундан олдин келадиган бошқа борлиқ бўлиб, у унинг борлигига сабаб бўлади — бу эса (ўз навбатида) амри маҳолдир.

Борди-ю, агар бу борлиқ бошқа бўлса-ю, у шу сабабли илк борлиқдан ажралиб турса — у фарқ қилишда ҳам фақат илкни ажратиб турса — шундагина илк борлиқ ажралади, унинг ўз борлиги бўлади, мана шу борлиқ эса, ўз навбатида, уларни бирлаштириб туради. Мана шу борлиқ иккаласига ҳам муштарак ҳисобланади. Шундай экан, бу бошқа бир борлиқ икки нарсадан таркиб топган бўлади, унга махсус бўлган ва булга шерик бўлган нарсадан тузилган бўлади. Натижада биринчининг борлиги бошқасининг ҳам борлигининг айни ўзи бўлолмайди, балки бу борлиқ содда бўлинмайдиган бўлади, биринчиси эса бўлинадиган бўлади. У ҳолда бу бошқа борлиқнинг борлиги қоим бўлган икки парчаси бўлади. Шундай экан, биринчисини икки қисми бўлади, бундан у ташкил топган бўлади, унинг борлигининг сабаби ҳам бўлади, ниҳоят, бундан паст бўлади, ҳамда ноқисил бўлади. Бундан чиқди, бу нарса борлиқ боқимидан биринчи даражали эмас дегандир.

Худди шунингдек, бундан бошқа илк борлиқдан ташқари, тур-нав боқимидан унинг ўхшови бўлган бошқа бир нарса бор бўлса, илк борлиқнинг борлиги мукаммал бўлолмайди. Чунки мукаммаллик ўз туридан бошқа бўлган борлиқнинг ўзидан ташқарида бор бўлиши мумкин бўлмаган нарсадир. Бу ҳар бир нарсادا кечиши мумкин бўлган ҳолатдир. Чунки буюклик боқимидан мукаммал бўлган, ўз туридан бошқа бир буюкликнинг ўзидан ташқарисида бор бўлиши мумкин бўлмаган нарса. Демак, мукаммаллик асл илдизида бўлган бўлса, ундан ташқарида бўлган нарсادا бўлиши мумкин эмас. Айни шаклда

мукаммал бўлган ҳар бир жисм Қуёш, Ой ва бошқа кезадиган юлдузларда бўлгани каби ўз туридан бошқа бир нарсада бор бўлиши мумкин бўлмаган нарсадир.

Шунингдек, биринчи сабаб мукаммал борлиқ бўлган бўлса, у ҳолда у ўзида бошқа навдаги нарса бўла олмаслиги турган гап. Демак, унинг бир ўзи бу борликда яккаю ягонадир, у шу жиҳатдан ҳам биринчидир.

3. УНИНГ ЗИДДИ ЙЎҚЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Шунингдек илк борлиқнинг зидди бўлиши ҳам мумкин эмас. Зиднинг тушунчаси (яъни маъноси) англашилган тақдирда бу аён бўлиб қолади. Чунки зид (барча) нарсалардан (бутунлай) фарқ қилади ва бир нарсанинг зидди шу нарсанинг ўзи-асли бўлиб қолиши мумкин эмас. Аммо бир-биредан фарқ қиладиган ҳар бир қарама-қарши нарса ҳам унинг зидди бўлавермайди. Шуниси ҳам борки, бу нарсанинг ўзи бўла олмаган барча нарса ҳам унинг зидди бўлиши мумкин эмас. Лекин ҳар бир қарама-қаршилик ҳам зид бўлавермайди. Нарса бўла олмайдиган ҳар бир нарса ҳам бир-бирига зид бўлолмайди. Лекин бу билан бирга нарса бўлган барча нарса ҳам қарама-қарши ҳаракатда бўлади. Қарама-қарши бўлган ҳар бир нарса бирга бўлса, у албатта, бузилишга ва ўз йўли айлашга олиб келади. Зидларнинг ҳар бирининг табиати шундай бўлади, улардан бирининг қай ерда бўлишидан қатъи назар, унинг йўқлиги иккинчисининг борлигини тақозо этади. Зидди бўлиши мумкин бўлган ҳар бир нарсада аҳвол шундайдир. Борди-ю, уларнинг бири бошқа турган ерда бор бўлгудай бўлиб қолса борми, у ҳолда у уни ҳалок этади. Бу шунинг учунки, у жойни у биринчи бўлиб эгаллаган бўлади, (шу тариқа бири-бошқасининг жойлашишига йўл бермайди). Бу ҳол қарама-қаршилиги бор бўлган барча нарсага тааллуқлидир. Шундай экан, агар бир нарса бошқа ҳолларда бўлмай, балки ўз ҳаракат-феълида бошқасига зид бўлар экан, бу ҳолда бу фақат ҳаракатига тааллуқли бўлади. Агар аслари (субстанцияси) боқимидан бир-бирига зид кайфиятда бўлсалар, бу ҳолат сифатларига ҳам тааллуқли бўлади. Борди-ю, бу қарама-қаршилик аслига тааллуқли бўлса, у ҳолда уларнинг иккаласининг жавҳари ҳам шу сифатни олади.

Шундай экан, агар илк борлиқ зид бўладиган бўлса, у шу сифатдап унинг зиддига алоқадорлиги тушунтирилади. Бундан чиқди ҳар бир қарама-қаршиликда бўлган нарса бошқа томонидан буздирилиши лозим бўлади ва

биринчи эса ўз табиати билан қарама-қарши томондан инкор этилган бўлади. Бу эса унинг аслида (субстанциясида) мавжуд бўлган бўлади. Демак, илмайки инкор этиладиган бўлса, у ўз жавҳари ва боқийлигини тополмаган бўлади. Балки унинг мавжудлиги давом этиши учун жавҳари етарли бўлмаган бўлади. Борлигини ҳосил қилиши учун жавҳарининг бўлиши етарлигина эмас, балки унинг борлигига қақдайдир нарса бўлиши талаб қилинади. Аммо бор бўлишга имкони бўлмаган ҳар бир нарсанинг азалий бўлиши ҳам мумкин эмасдир. Асл жавҳарининг боқийлигига ёки борлигига етарли бўлмаган нарса ўз борлиги ёки боқийлигига ўзидан бошқа яна бирор сабаб бўлиши керак бўлади. Бундай нарса эса илк борлиқ бўлолмайди.

Шунингдек, унинг борлиги унинг зидди бўлмаганлиги туфайлигина бўлади. Демак, зиддининг йўқлиги эса унинг борлигининг сабаби бўлади. Демак, бу ҳолда илк борлиқ бутушлай биринчи сабаб бўлолмайди.

Шунингдек, бу иккаловига шу нарса бўлиши лозим бўлади: бир-бирига қарама-қарши бўлган икки зид нарса тўқнаш келиши ҳам мумкин. Шунда уларнинг бири бошқасини йўқ қилади. Аммо бу жой унинг ўрни саналади, ё жинси, ё бўлмаса улар иккаловидан бошқа бир нарса бўлиши ҳам мумкин. Бу жой собит бўлиши мумкин. Борди-ю, бу иккалови бир-бирига (қарама-қарши) томон бўлишса, у ҳолда улар бир-биридан кейин кетма-кет келган бўлур эди. Шунинг учун бу ер уларнинг ҳар биридан аввалроқ бўлган вужуд бўлади.

Борди-ю, агар бир кимса бу келтирилган сифатларга соҳиб бўлмаган бошқа бир зид нарсаларни ўртага қўйса, бу ўртада қўйилган нарса бошқасининг зидди бўлмайди, балки у қарама-қаршиси бўлади. У зиддан бўлак бир қарама-қаршиликлардан бўлган бир нарса бўлади. Биз илк борлиқнинг ўзидан бошқа нарсаларга эга бўлганини инкор этмаймиз. Бунинг натижасида айни шу борлиққа соҳиб бўлган бир зиднинг ва ёки бошқа бир нарсанинг борлигини қабул этолмаймиз. У ҳолда ҳеч бир бор бўлган нарса илк борлиқнинг айни ўша борлиқ даражасида бўлмайди. Чунки икки қарама-қарши томонлар бир ва айни борлиқ мартабасида бўла олмайди.

Демак, илк борлиқ, аслида борлиқ боқимидан ягонадир, унинг мавжудлигига ундан бошқа ҳеч нарса иштирок этмайди, унинг борлиқ турини бўла оладиган ҳеч бир нарса йўқ. Демак, у бирдир, у ўз нави жиҳатдан ҳам, мартабаси жиҳатдан ҳам яккаю ягонадир.

4. ПОК ТАҢГРИНИНГ ТАЪРИФИ ЙҶҚЛИГИ ҲАҚИДА СҶЗ

Шу билан бирга илк борлиқ — айтиб ўтилгандек, жавҳар — аслини майдонга келтирадиган нарсаларга бўлинмайдигандир. Бу шунинг учунки, илк борлиқнинг маъносини шарҳлаб берадиган бирор таърифнинг ўзи йўқ. Бу маъно унинг икки қисмдан иборат бўлган қисминини шарҳлаб бера олишга далолат қилади. Шундай бўлган тақдирда жавҳарлашишга (яъни, субстанциялашишга) ёрдам бўрган бўлаклари унинг борлигига сабаб бўлган бўларди. Бу худди тушунча маъно бирор нарсанинг таърифига бўлак бўлгандек, унинг таърифланганига сабаб ҳам бўлади. Шундай қилиб, модда ҳам худди суврат каби улар иккаловидан таркиб топишига сабаб бўлади. Бу эса илк борлиққа боғлиқ ўлароқ мумкин бўлмаган нарса. Чунки у илк борлиқдир, унинг борлигига бутунлай сабаб ҳам йўқдир.

Шундай экан, у бундай қисмларга бўлинмагани каби, соғларга (каммия) ё қандайдир бошқа майда парчаларга ҳам бўлинмайди. Бундан айни замонда шу бир зарурат келиб чиқадики, бунда унинг улуглиги ва унинг асло жисми йўқлиги маълум бўлади. Бу жиҳатдан эса у биргинадир, холос. Унинг бирлигининг маъноси ҳам шуки, у бўлинмасдир. Бундан чиқди, ҳар бир нарса бирор сабаб бўлиб бўлинмас экан, демак, у бўлинмаслиги жиҳатидан ҳам бирдир. Борди-ю, агар у феъли жиҳатидан бўлинмаса, бу жиҳатдан у бирдир. Борди-ю, кайфият жиҳатидан бўлинмаса, у кайфият жиҳатидан ҳам бирдир. Борди-ю, ўз жавҳарида бўлинмас экан, у жавҳарида ҳам бирдир. Шундай экан, Биринчи Борлиқ ўз жавҳаридан ҳам бўлинмасдир.

5. УНИНГ БИРЛИГИ ЗОТИНИНГ УЗИДИР, У АЛЛОҲ ТАОЛО, ОЛИМ, ҲАКИМДИР, У ҲАҚДИР, БАРҲАЕТДИР

Ўзининг борлиги билан у бошқа барча мавжудотдан ажралиб туради, у зотида мавжуд бўлган нарсадан бошқада бўлиши мумкин ҳам эмас. Мана шунинг учун ҳам у ўзида бошқа ва зотида бўлмаган барча нарсадан ўзининг ягоналиги билан ажралиб туради. Унинг ягоналигининг маъноси шуки, у ўзига хос бўлган вужуддан иборатдир. Ана шу билан барча мавжудот ўзида бошқа бўлганларидан фарқ қилиб туради. Худди ана шу ҳолат барча мавжуд нарсалар бирдир, дейишга олиб келади. Бу шунинг учунки, у фақат унгагина хос бўлган вужудга эга бўлганлиги жиҳатидан шундай бўлади. Худди шу

маъно ал-мавжуд ул-аввал (Биринчи Мавжуд) маъноларидан бирига бориб тақалади. Биринчи борлиқ ҳам шундай. Шу жиҳатдан ҳам биринчи мавжуд ҳам бирдир, ундан ташқари бўлган ҳар қайси бирга биринги исми ва унинг маъноси тўғрироқ келади.

Модомики, у модда эмас экан, бирор сабаб билан модда ҳам бўла олмаган экан, у ўз моҳияти (бивужудиҳи) билан феълли ақлдан иборатдир (ақл билфеъл). Чунки у ақлни суврат бўлишидан тутиб туради. Чиндан ҳам у феъл орқали ақлга келади. Бу эса модда бўлиб, унда бирор нарса бор бўлади. Худди шунингдек, нарса моддага муҳтож бўлмаган ҳолда мавжуд бўлса, бу ўз моҳияти билан феълли ақл бўла олади. Биринчи борликнинг аҳволи мана шу. Шундай экан, демак, бу ҳолда у фаол ақл (актив интеллект) бўла олади. Шу билан бирга у шундай ўз жавҳари билан маъкул, (яъни ақл қабул қила олади). Чиндан ҳам, у ўз моҳияти билан феълли орқали ақл қабул қила оладиган субъект бўлади. Чунки, у шунингдек, ақл қабул қиладиган объектдан ақлни тутиб туради ва, натижада, у модда бўла олади. У ақл орқали қабул қилинади, чунки унинг ўзи ақлдан иборатдир. Модомики, ўз моҳияти эътибори билан ақл бўлгач, ақл қабул қиладиган заруратга эҳтиёжи қолмайди, натижада, ўзидан ташқаридан бўлган бошқа бир ақлни бўлган зотга зарурати ҳам қолмайди.

Балки, аксинча, унинг ўзи ўз зотини билишга қодир бўлади. Модомики, у ўз зотидан фикр қилишга қобил бўла олар экан, у оқил бўла олади. Натижада унинг зоти ақлга эришса, у ҳолда у феълли билан ақлга эга бўлади. Шунингдек, у ўз феълли билан ақл бўлишга қодир бўла олмайди, унинг зотига ақл бўлишга ҳам қурби етмайди, натижада ташқаридан ҳам фойдалана олмайди. Балки у ақл бўла олади, у ўз зоти билан фикр қиладиган, оқил бўла олади. Зотининг ўзи ақлга эришдими, демак, унинг ўзи ҳам ақлга эриша олади. У бир жиҳатдан ақлга эриша оладими, демак, у маъқулдир (ақл қабул қиладигандир). Модомики, у ақл бўлар экан, демак, у ақл қабул қиладиган объект ҳам бўла олади. Модомики, у оқил бўлар экан, демак, унинг барчаси ягона зотдан иборату, бўлинмайдиган бир жавҳардан иборатдир.

Инсон ўзи, масалаи, ақл қабул қиладиган интеллектдан иборат, лекин унда бор бўлган маъкул (ақлли) нарса ҳали ақлни эгаллайдиган феъл бўлолмайди. Балки у қабул қиладиган қувватдаги ақл бўла олади. У ақл ўз мартабасига эришадиган бўлсагина қабул қила олади. Демак, бундан чиқди, инсондаги ақл қабул қиладиган —

маъқул парса ҳеч маҳал интеллект бўлолмайди (бошқа-ча қилиб айтганда «ақлга олиб келолмайди»).

Айни замонда бизнинг ақлимиз оқил бўлмоқ нуқтан назаридан интеллект эмас, бизнинг субстанциямиз оқил бўлганлиги сабабли уни ақл қабул қилолмайди. Шундайки, ялқ борлиқ бундай эмас. Виламизки, субстанция-миз интеллект бўлгани учунгина эмас, балки бизни ақл эгаллай олиши нуқтан назаридан хабардормиз. Уларнинг ҳаммаси бир маънода туташиб кетади. Улар бир жавҳар (субстанция) бўлиб, бўлимас бир негиздан иборатдир.

Билагон (олми) ҳақидаги аҳвол худди мана шундан иборат. У ўз фазилати билан билиш учун ўз зотида ташқарида бўлган бошқа ҳеч қандай нарсадан фойдаланишга ўзида эҳтиёж сезмайди. Худди шунингдек, у ўзини билдириши учун ҳам бошқа бир зотга зарурати ҳам йўқдир. Аксига унинг ўзи ҳам билиш ва билиниши учун ўз жавҳари (субстанцияси) билан кифояланади. Унинг илми ҳам ўз жавҳаридан бошқа бир нарса эмас. Натижада, у билагондур ва билинга ҳамдур. Унинг билими эса ягона зот ва ягона жавҳар (субстанция)дан иборатдур.

Шунингдек, у ҳақимдур, ҳақимлиги шундан иборатки, энг яхши нарсаларни энг афзал билимлар билан билишдан иборатдир. У ўзини тушуниши ва билиши билан энг мукамал бўлган нарсалардан билиб олади. Энг мукамал бўлган билим эса доимий билимдан иборатдир, у йўқ бўлиб кетмайди, бу билим эса унинг ўзини билгисидир.

Шунингдек, унинг тўғри ва ҳақ бўлишининг ўзи ҳам айни шу ҳолатни баён этади. Чунки тўғри ва ҳақ бўлган нарса шу бор бўлган нарсадан иборатдир. У шу нарсага хос бўлган энг тўғри ва ҳақиқат ҳам унинг ўзигагина оид бўлган борлиғидир. Энг мукамал борлиқ ҳам унинг борлигидан олган улушидир. Сўнгра тилдан ҳам тўғри ва ҳақ бўлган ва баъзан ақл соясида бор бўлган — бу бор бўлиши ҳам бир тушунча нуқтан назаридан — нарсани ақл қабул қилишига айтилади. Унда бу мавжуд — бор бўлганга маъқул бўлиши нуқтан назаридан тўғри ва ҳақ дейилур; чунки борлиқ — уни ақл қабул қиладими-йўқми, бари-бир, борлиқ дейилади. Шундай қилиб, ялқ борлиқ икки муносабат билан ҳақиқат бўла олади: бири борлигининг энг мукамал борлиқ бўлиши билан ва бошқаси — иккинчиси эса ақл эгаллайдиган таразда эгалланади ва у ўша мавжуд бўлган нарса билангина тўғри ва ҳақиқат бўла олади. У тўғри ва ҳақиқат бўлмоқ учун маъқул бўлиш эътибори билан тушунадиган ва унинг интеллектциясини эгаллайдиган ўзидан бошқа кимсага муҳтож

эмасдир. Япа у бу ҳар икки томон алоқаси туфайли бошқа ҳар нарсадан япа ҳам тўғри бўлишга лойиқдир. Унинг тўғрилиги ва ҳақиқийлиги шундан иборатки, у тўғри ва ҳақиқийликдан бошқа бир нарса эмасдир.

Шу билан бирга у тирикдир (ҳайӣ) ва ҳаёт бўлиши нуқтаи назаридан ҳам аҳвол шундайдир. Бу икки сўз билан икки зотга эмас, балки бир зотга ишора қилинмоқчи. Чунки тирик (ҳайӣ)нинг маъноси энг афзал ақл билан энг мукаммал маъқулнинг қамраб олишидан иборатдир, ва ёки энг мукаммал билувчининг энг мукаммал билм билан қуролланишидан иборатдур.

6. АЛЛОҲНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ, ШОН-ШАВКАТИ ВА ОЛИЙЖАНОБЛИГИ ҲАҚИДА

Шунингдек, бу унинг улуғворлиги, шон-шавкати ва олийжаноблигига ҳам тааллуқлидир. Чунки улуғворлик, шон-шавкат ва олийжаноблик бирор нарсада намоён бўлган, бу унинг камолот ҳосил қилганига боғлиқ, ё бўлмаса ўзининг жавҳари (субстанцияси)га боғлиқ, ё бўлмаса ўзининг бирорта ораз (акциденцияси)ига боғлиқдир. Бу нарсани кўпинча тасодифий камолот ҳақида гапирилганда, унда биз ҳақимизда гапирилганда бўлинади.

Чунончи, бойлик, илм ва ё бадап ҳодисаларидан бирор нарса гапирилади. Биринчи борлик камолотига кўра бошқа барча нарсдан ажралиб туради. Масалан, унинг улуғворлиги, шон-шавкати ва олийжаноблиги бошқа барча улуғворлик ва шон-шавкатдан ажралиб туради. Унинг улуғворлиги, олийжаноблиги ва шарафи унинг асли — илдизи бўлиб, бу унинг жавҳаридаги камолоти бўлади. (Лекин) унинг жавҳари (субстанцияси) ва зотидан ташқари бўлган бошқа бир нарса бўлмайди. У ўз зоти билан улуғвор, олийжаноб ва шарафли бўлади, унинг асли ўзидан бошқа ҳар қандай бир нарсага қарам эмас. У бошқасини қанчалик мақтасин ё мақтамасин, буюкликсини кўкка кўтарсин ё кўтармасин, шарафини юксалтирсин ё юксалтирмасин, барибир, ўзи боқимидан буюкликка, ўзи боқимидан шон-шарафга соҳибдир.

Барча мавжудотнинг ҳусни, гўзаллиги, зийнатиининг (хосияти) шундан иборатки, у ўз вужудини афзал ҳолатга келтириб, сўнгги камолотга эришади. Шундай қилиб, ялк борлиқ энг мукаммал (афзал) вужуд бўлгач, унинг гўзаллиги ҳам гўзаллик соҳиби бўлган ҳар қандай чиройидан устун туради. Худди шундайини, барча гўзаллик соҳибининг ҳам зийнат ва гўзаллигида шундай бўлади. Сўнгра буларнинг ҳаммаси унинг зоти (моҳияти)да ва жавҳари (субстанцияси)да бўлади. Бу эса унинг ўзи

(борлиқ)да бўлади ва унинг кўмаги билан зотп ақл қабул қилган бўлади.

Аmmo бизга келганда, шунинг айтиш керакки, бизнинг жамолимиз, зийнатимиз, гўзаллигимиз бизнинг оразимиз (акциденциямиз)да бўлади, биздан ташқарида бўлган нарсаларимизда, зотимизда, жавҳар (субстанция)мизда ҳам бўлмайди. Ундаги жамол ва камолот бир зотдап бошқада бўлмайди. Худди шундай аҳвол бошқа нарсаларда ҳам юз беради.

Лаззат, шодлик ва фароғат юз беради, ўзининг тўлақонлигини энг гўзал, энг улугвор ва энг зийнатли нарсани кўпроқ идрок қилиш билан ниҳоясига етилади ва камолотга етказилади. Демак, илк борлиқ ниҳоятда гўзал, олийжаноб ва энг зийнатлидир. Унинг ўз зотига бўлган идроки бутунлай ниҳоясига етган, мукаммал эди. Унинг ўз жавҳари (субстанцияси) билан эгаллаган ўша билими эса мутлақо энг афзал илмлардан эди. Илк борлиқ лаззатланадиган лаззат табиатиши биз ҳатто идрок қилишга ҳам эриша олмаймиз, унинг улуглик миқдорини ҳам билолмаймиз. Билсак ҳам фақат қиёс (аналогия) билан, ўзимиз лаззат деб биладиган нарсамиз орқали сезибгина биламиз. Булар паздимизда нима бўлган бўлса, ўшанинг ҳаммаси энг мукаммал, энг гўзал ва ниҳоясига етиб идрок қилинган бўлса бўлади; булар ё ҳис билан ва ё хаёл билан ёки бўлмаса ақлий билимлар жараёни билан тугалланади. Бундай ҳолларда бизда шундай лаззат пайдо бўладикки, гўё у ўзидан устун бўлган барча буюк лаззатлардан балоқд келади. Гарчи бу ҳол бизга лаззат пайдо қилса ҳам, биз унда буларнинг ҳаммаси улугликда барча лаззатлардан ҳам юқори туришини билиб оламиз. Гарчи бу ҳол бизни бақога эриштирадиган ва тез ўтар бўлса ҳам, ана шунда биз ўзимизни бахтга ўта сазовор ва унга гарқ бўлган деб биламиз.

Унинг илмининг қиёси ва асл зотидан афзал бўлган унинг идроки энг гўзал, энг порлоқ бўлган нарсанинг тамоман мукаммал бўлган бир йўлида идрок этганимиз мисоли бир унинг сурури, қиёси, лаззати ва роҳат-фароғати бизнинг завқ-шавқ билан кутиб олишимизни билдиради. Чунки бу аҳволда бизда буюклик боқимидан бутунлай бошқа роҳатдан устун бўлган бир роҳат-фароғат ҳосил бўлади ва шунда биз ўрнига қўйганимиз билан натижаси ва буюк бир бахтлилик туйғуси билан тўламиз. Шундайки, бу аҳвол бизда узун муддатли эмас, балки тезгинада ўртадап кўтарилади. У ҳолда илк борлиқнинг ўзи энг мукаммал, энг гўзал ва энг порлоқ бўлган нарса ҳақидаги билими ва идроки бизнинг ўзимизга кўра энг

мукаммал ва энг порлоқ бўлган нарса ҳақидаги билим ва идрокимиз билан юзма-юз келиб қолса, бизнинг ўзимиз эришганимиз чегарали хурсандчилик, севиш ва бахтлигимиз олдида унинг шоду севиш ва бахтлилиги кабидир. Энди бизнинг идрокимиз билан унинг идрок орасида бизнинг билимимиз мавзун билан унинг билими мавзун орасида ҳеч бир нисбат бўлмаганига кўра — бунчалик бир нисбат бўлса сўнгсиз даражада аҳамиятсиздир — бизга туюлган роҳат, шоду хуррамлик билан илк борлигининг туйган хурсандчилиги орасида ҳеч бир нисбат йўқдир. Ораларида бир нисбат бўлса ҳам, бу ўта аҳамиятсиздир. Чунки фақат кичик бир парча бўлган билан замон ичида миқдори чегарасиз бўлган бир нарса орасида қандай нисбат бўлиши мумкин ва яна охириги даражада камчиликли бўлган бир нарсани юксак мукаммал даражада бўлган нарса билан қандай нисбати бўлиши мумкин? Шуниси борки, унинг ўзи ўз зоти билан лаззатланади, кўпроқ шод-хуррамликка эришади, ўзи билан ўзи роҳатланади, роҳатланганда ҳам унинг (яъни роҳатнинг — А. И.) энг улуғворига эришади. У ўз зотини севади, унга ошиқ, ўзи ўзига кўпроқ берилган.

Шундай қилиб, очиқ-ойдинки, Биринчи Сабаб ўз зотини яхши кўради. Унинг ўзи ўзига маҳлиё ва ўзи билан ўзи мағрур бўлиши билан ўзимизни ўзимиз севишимиздан пайдо бўлган ишқимиз орасидаги нисбат унинг ўзининг устунлиги ва мукаммаллиги билан бизнинг ўзимиздан гурурланганимиз ўша устунлик ва мукаммаллигимиз орасидаги нисбат кабидир. Шу Биринчи Сабабдаги муҳиб — севгучи (ўша) маҳбуб — севиловчининг ўзидир. Бу эса орамизда бўладиганининг тескарисидир. Чунки биз учун маъшук — у фазилат ва жамол — гўзалликдан иборатдур. Ваҳоланки, орамизда бўлмиш ошиқ ҳеч қандай жамол ва камол — фазилатга эришмаган бўлади. Лекин ошиқ бошқа қувватга эга бўлади. Аммо у на маъшукқа ва на севги объектга тегишли бўлади.

Аммо чиндан ҳам ошиқ мисоли ўша маъшукнинг ўзидир. Муҳиб — севучи ўша севиловчи — маҳбубнинг ўзидир. У Биринчи маҳбуб ва Биринчи маъшукдир. Ҳар қалай, бирининг уни севиши ва ёки севмаслиги, унга ошиқ бўлиши ва ёки бўлмаслигининг аҳамияти йўқдир. У илк севган ва ошиқ бўлгандир.

7. БАРЧА БОРЛИҚ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УНДАН СОДИР БЎЛГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ

Илк борлиқ бу шуки, ундан барча борлиқ вужудга келади. Чиндан ҳам Илк борлиқнинг қай вақтдан бери борлигидан бошлаб, ундан пима юзага келиши, барча борлиқ инсон орадасига боғлиқми ёки Унинг ихтиёри биланми, — бизга маълум бўлган борлиқ ҳислар орқали биллинадими ё бурҳон — исботлар билан биллинадими — (шуларни қамраши керак). Ундан вужудга келган нарсанинг борлиги шундайки, у бошқа бир нарсанинг борлигига керак бўлган фойданинг натижасидир. Илк борлиқдан бошқа бўлган ҳар қандай бир нарсанинг борлиги унинг ўзининг борлигидан содир бўлади. Шу нуқтаи назардан ундан вужудга келган нарсанинг борлиги Илк борлиқдан келиб чиқади, бу эса унинг ўзининг борлигининг ниҳоний сабабчиси деган гап эмас. Бу худди шундайки, Биринчининг борлиги мисоли бир ўғилнинг борлигига ота-онаси борлиги сабаб бўлгандай бўлгандир. Бу деган сўз (Биринчи Борлиқдан) юзага келадиган нарса кўпинча унга қандайдир мукаммаллик келтирадир. Мисол учун, биз бировга пул бердик, бунинг эвазига биз улардан миннатдорчилик эшитдик ё бўлмаса қандайдир бошқа яхшиликлар кўрдик. Бу билан биз ўзимизда қандайдир баркамоллик пайдо қиламиз. Демак, илк борлиқнинг борлиги бошқа ҳар қандай бир нарсанинг борлиги учун эмасдир ва бошқа бир нарсанинг борлигининг ўзи ҳам унинг борлигини мақсад қилиб олиб, уениз яшай олмайди. Чунки агар шундай бўлганда эди, бу ҳолда унинг борлиги тапқиб бир сабабга эга бўлган бўларди. Шу билан у бошқа Биринчи Сабаб бўла олмасди.

Ундан ташқари бошқаларга мавжудлигини бериб, унинг ўзида аввал пайдо бўлмаган баркамолликка эришмайди. Бу худди пул бериб ё бошқа бирор бир нарса бериб, унинг эвазига лаззат ёки миннатдорчилик, ё устунлик, ё бўлмаса яхшиликлардан бирортасига эга бўлишга ўхшаб кетади. Бу нарсаларнинг ҳеч бири биринчи борлиқ билан содир бўлиши мумкин эмас, чунки бу унинг биринчилигини ва авваллигини барча соҳада хароб қилган бўларди ва у ўзидан ташқарида бўлган бир борлиқни ва унинг мавжудлиги сабабини вужудга келтирган бўларди.

Аксинча, Илк борлиқ фақат ўзининг борлиги учунгина мавжуд, бошқа мавжудот эса унинг ўзида бордир. Демак, бу унинг жавҳарига ва унинг борлигига алоқадор бўлади. Шунинг учун ҳам унинг борлиги бошқаларга то-

шиб ўтиб, бошқа мавжудотларга ва улар жавҳарига борлиқ бахш этади. Натижада унинг борлиғи аслида жавҳарини ташкил қилиб, у шу билан бирга ўзидан бошқаси борлигини юзага келтирадиган борлиқнинг айни ўзидир. Лекин илк борлиқ ҳеч маҳал икки қисмга бўлинмайди: унинг бири билан у ўз зоти аслини жавҳарлаштиришини юзага келтирса, бошқаси билан эса ундан бошқа нарсанинг ҳосил бўлишини, яъни бир нарсанинг ўзидан чиққан икки нарсага бўлинмаслигини билдиради. Бу худди биз икки унсурдан тузилишимиз кабилар: (гўёки) улардан бири билан биз жавҳаримизни билиб оламиз, бошқаси билан эса ёзини санъатини, асарлар таълиф қилиш йўл-йўриғини билиб оламиз. Балки у ягона зот ва ягона жавҳардан иборатдир, унинг ўзидан бошқа нарсалар юзага келади.

У туфайли ундан худди унинг ўзига ўхшаган бошқа бир нарса юзага келади. Шунингдек, унинг вужудидан фойз оладиган ва ўз зотидан бўлмаган бошқа бир нарсанинг бўлишига ҳам унинг ихтиёжи йўқдир. Худди шундай унга на ораз (акциденция) керак ёки на у аввал соҳиб бўлмаган, (аммо) унга шакл берадиган ҳаракат керак, на ўз зотидан ташқарида бўлган олат керак, (уларнинг ҳеч қайсисига унинг эҳтиёжи йўқдир). Бу худди оловда юз берадиган заруратга ўхшаб кетади. Сувдан буғ чиқарилиб, сўнг ҳароратга айланиши учун у орқали сув буғлатилади, у шу буғлатилишга муҳтождир. Шу билан бирга қуёш дунёмызга иссиқлик бериш учун ҳаракат этишга ҳам муҳтож. У ўз ҳаракати туфайли аввал соҳиб бўлмаган ҳолатга эга бўлади. Бу ҳаракат билан эришилган ҳолат натижасида тетраммиздаги нарсаларда иссиқлик ҳосил бўлади. Бу худди дурадгорга дарахтни арралашга арра, бўлиш ва парчалашга болта керак бўлганидай.

Шундайки, илк борлиқнинг мавжудлиғи ўзидан бошқасининг борлигининг фойзи билан ўз жавҳаридан бўлган борлиқдан яна ҳам мукамал бўлмагани каби, ўзининг жавҳарлашган борлиғи ҳам ўзидан бошқасининг борлигидан мукамал эмасдир. Балки буларнинг иккала-сининг ҳам зоти бирдир.

Шунингдек, ундан фойз олишга ҳеч қим тўсиқ бўлмайди, гарчи у тўсиқ унинг ўзиданми ё бўлмаса ундан ташқариданми — бунинг фарқи йўқ.

8. МАВЖУДОТНИНГ ДАРАЖАЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗ

Мавжудот кўпдир. У шу кўплиги билан бирга мукам-маллиги билан ҳам фарқлидир. Илк борлиқнинг асли шундайки, улар хоҳ мукаммал бўлсин, хоҳ нуқсонли бўлсин, барибир, қандай бўлишидан қатъий назар, барча борлиқ ундан файз олган аслдан иборат. Унинг асл жавҳари шундай бир асл зотки, барча мавжуд бўлган нарса-лар унинг ўзидан тошиб (файз олиб), бу сирада ўз даражасига кўра ундан айрилиб борлиққа келадилар ва ҳар бир бор бўлган ўзини борлиқдан айиргани ва илк борлиққа яқинлик даражасига кўра майдонга келади. Борлиқ боқимидан қараганда, бу вақтда энг мукаммал бўлгандан бошланади. Унинг кетидан озроқ мукаммал бўлган нарса келади. Шундай қилиб, мукаммал бўлма-гандан яна ҳам оз мукаммал бўлганлар, яъни нуқсонли бўлганлар келади. Шундай қилиб, ниҳоят борлиқ боқи-мидан шундай даражага етиб келганини, унинг нариги-сида ҳеч қандай бошқа борлиқ бўлмаслиги аён бўлади, демак, ундан ташқарисида бошқа вужуд йўқдир. Унинг жавҳари унда бор бўладиган барча борлиқнинг жавҳа-ри кабидир. Бусиз у ўз борлиғидан ҳам фарқ қилган бўларди.

Илк борлиқ ўз зотидан жувоимард — саҳийдир ва унинг жувоимардлиги унинг жавҳари — аслида сингди-рилгандир. Ундан мавжудот қисмларга бўлиниб, тартиб-ланади. Илк борлиқ бу даражаларга бўлинар экан, унга қандай боғлиқлиги бўлса, ўшанчалик ўз улушини олади. Шундай қилиб у одил ва унинг одиллиги унинг жавҳа-рига сингдирилган ва ундан илгари келади. У нарса жав-ҳаридан ташқарида бўлган қандайдир бирор нарсадан илгари келмайди.

Илк борлиқнинг асли — жавҳари ҳам шундай, агар мавжудот ундан пайдо бўладиган бўлса, ўзларининг да-ражаларига қараб бирлашадилар, бир-бирларига боғла-надилар, тартибга тушадилар. Бу шундай бўладикки, бу қадар кўпчилиқнинг ҳаммаси мисоли бир нарса яхлит каби борлиқ сифатида майдонга келади. Уларнинг бир-бири билан бирлаштирадиган ва боғлайдиган нарса улар жавҳаридан олдин келади, шундайки, уларнинг борлиқ-ларини ташкил этган ўзларининг жавҳар — асллари улар-нинг бирлашишлари ва келишишларини юзага келтира-ди. Баъзларида эса бир-бирига боғлиқ бўлган жавҳар асосида юз беради. Чунончи, нисон борлиқларини бир-бири билан бирлаштиришга хос бўлган муҳаббат каби. Буяда уларнинг ҳолларига боғлиқ бўлиб, уларнинг бор-

лигини ташкил этадиган жавҳарига алоқаси йўқдир. Чунки севги-муҳаббат инсопларда бўладиган бир ҳолатдир, лекин у жавҳар эмасдир. Буларнинг бу ҳоллари илк борлиқдан юзага келади. Чунки илк борлиқнинг жавҳари — асли шундай бир жавҳарки, бошқа борлиқлар ўз жавҳари билан бирга уларни бир-бири билан бирлаштирадиган, келиштирадиган ва бир бутунлиكنи ташкил этишни сақлаб қоладиган ҳолларини ҳам ундан олган бўлади...

13. МОДДИИ ВА ИЛОҲИИ МАВЖУДОТНИНГ ДАРАЖАЛАРГА БЎЛИНИШИ ҲАҚИДА СЎЗ

Бу мавжудотнинг тартиб ва даражалари аввало энг нумукаммалликдан бошланади. Сўнгра ўзидан янада мукаммал бўлгандан тартиб, ундан ҳам мукаммал бўлганга қараб боради ва ҳаттоки ундан ошиб бўлмайдиган даражадаги мукаммалликка эришгунга қадар ҳам боради. Уларнинг энг паст қадрилиси муштарак бўлган илк моддадир. Унсурлар бу илк моддадан ҳам қадрилиси саналади. Кейин булар сирасига маъданий жисмлар киради, Тил ва тушунча соҳибни бўлган тиряк зотдан ортиқроқ мукаммал бўлган бирор зот йўқдир.

Аммо аввал эслатилган мавжудотга келсак, улар тартиби шундайки, улар энг афзал даражалар билан бошланади. Уларда олдин энг мукаммал бўлгани келади. Кейин энг қусурли бўлганга етгунга қадар яна кўп мукаммалликдан оз мукаммалликка қараб боради. Улар ичда энг устун ва энг мукаммал бўлгани илк борлиқдир. Аммо илк бор бўлгандан юзага келган борлиқлар орасидан чиққан энг афзали бир сўз билан айтганда булар жисм бўлмаган ва жисмлардан деб ҳисобланмаганлардир. Ундан сўнг самовий жисмлар келади. Моддадан ажралиб бор бўлганлар ичда энг мукаммали иккинчисидир. Ундан сўнгра тартиб билан то ўн биринчига етгунга қадар бошқалари келади. Энг юксак жисмлар ичда энг мукаммали аввалги осмондир. Кейин иккинчиси келади. Кейин бошқалари келиб, у то тугагунга қадар ўн биринчигача келади. Шу билан у ой куррасига қадар келади. Илк борлиқдан сўнг келадиган ажралган сонлар саногини ўлдир. Осмон жисмлари тўплами тўқиз донадир, хулоса қилиб айтсак, буларнинг ҳаммаси ўн тўққиздир.

Ҳар бир ўнта (борлиқ) да ўз йўлига биттадан даражалари бўлади. Унинг борлиги ўзидан бошқа ҳеч кимга ҳеч қачон тегишли бўлмайди, чунки бошқаси унинг борлиғига қатнашади. Бу бутунлай бошқа бўлиб, у бу сўпгисидан

бутунлай фарқ қилади. У заруратига кўра ундап ажралиб турадиган бошқа бир нарсага эга бўлиши керак. Шундай қилиб бу ҳолатда бошқа борлиқнинг борлиги чиндан ҳам, унинг борлиғининг айни ўзи бўлмайди. Шунда бу бошқа борлиқнинг ўзининг борлиги ўша тўфайли бор бўлганлигига қарамасдан бор бўлмас эди.

Бундан чиқди, демак, икки вужуд бир хил вужуд бўлмай, балки уларнинг ҳар бири бошқасига бўлмай, ўзигагина хос бўлган вужуд бўлади.

Шувиеси ҳам борки, яна ҳар бирининг қарама-қарши томони ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки зидди бўлган ҳар бир нарсадан шундай ҳолат бўладики, унда ўзига ва зиддига муштарак бўлган умумий бир модда бўлади. Аммо бу ортиқча борлиқларнинг ҳеч бирининг моддаси бўлиши мумкин эмас.

Яна шундай, бир турга оид бўлган ўша бир нарсанинг ўзининг хили кўплигининг ўзи бу турнинг шакли соғининг кўп бўлишидандир. Аммо шуниси ҳам борки, моддаси бўлмаган ҳар бир нарса навъида ўзидан бошқа бир нарсанинг зидди бўлиши мумкин ҳам эмас.

Шунингдек, зидлари эса ё асл — жавҳарлари қарама-қарши бўлган нарсалардан юзага келадилар ва ёки аҳволлари худди совуқ ё иссиқ каби бир-бирига қарама-қарши бўлган бир нарсадан келадилар.

Шу билан бирга зидлар шу нарсадан юзага келадилар: ё аслари бир бирига қарама-қарши бўлган нарсалардан пайдо бўладилар ёки ҳоллари ва висбатлари бир-бирига қарама-қарши бўлган бир нарсадан юзага келадилар. Мисоли совуқ ё иссиқ каби.

Бу шккаласи ҳам қуёшдан чиқадилар. Аммо қуёшнинг турли-туман икки хил ҳолати бор. Баъзан у дунёга нисбатан яқинлашади, баъзан узоқлашади. Мана шу икки қарама-қарши ҳолатда бир-бирига тескари бўлган ҳоллар ва висбатлар чиқади.

Демак, Илк борлиқнинг иккинчи борлиққа нисбатан зид бўлмайди ва унинг ҳоллари иккинчи бор бўлганга нисбатан ҳам зид бўлмайди; иккинчига бўлган нисбати ҳам бирор зидлик муносабатида бўлмайди. Иккинчи борлиқда ҳам бирор қарама-қаршилиқ бўлиши ҳам мумкин эмас. Худди шунингдек у то ўнинчига етунга қадар учинчи ва бошқаларида ҳам шу ҳолат юз беради.

Ун илк борлиқнинг ҳар бири ўз зотини тушинади ва илк борлиқни ҳам туширади. Лекин шуниси борки, уларнинг ҳеч бири ҳам ўз зотини туширишга ундан ортиқча қобилиятга эга бўлмаган. Балки аксинча ақл қабул қиладиган фазилатнинг ҳаммасини тўлалигича ўзлаш-

тирди. Шунда у буни айни шу ҳолда ўз зоти бўлган Биринчи сабаб билан ўзлаштиради.

Илк борлиқнинг мукамаллиги уларнинг ҳар қайсисининг мукамаллигидан қанчалик ортиқ бўлса-да; уларнинг ҳар бирининг илк борлиқли тушинган замон сезилган завқ унинг ўзини тушинган вақт сезилган завқдан ўшанча ортиқчадир.

Бу худди шунингдек, Биринчи сабабга эришиб, унинг ўз зоти билан лаззатланиши унинг ўзига бўлган завқ ва севгисидан афзал бўлгани каби. Бу худди ўз гўзаллиги ва завқига эришган каби Биринчи сабабга эришганидекдир. Шундай қилиб уларнинг ҳар бири дастлаб Биринчи сабабга қандай эришган бўлса, ўшандай биринчи маҳбуб бўлади, худди аввалдан ақл олгандай.

Биринчи сабаб завқланадиган бўлади. Ундан кейингина ўз зотидан ақл олади.

Биринчи сабаб бу ўша ўн та борлиқ билан алоқадорлиги туфайли у Биринчи маҳбуб ва Биринчи маъшуқ ҳам бўлади.

14. ОСМОН ЖИСМЛАРИ ИШТИРОК ЭТИШИ ҲАҚИДА СЎЗ

Осмон жисмлари тўққиз туркумдан иборат бўлган тўққиз даражалардан ташкил топади. Ҳар бир туркум доиравий бир жисмни қамраб олади. Унинг биринчиси фақат ягона жисмдан иборат бўлиб, у фақат доиравий тусда тез ҳаракатда бўладиган жисм ичида бўлади. Иккинчиси эса бирор муштарак ҳаракатга соҳиб бўлган жисмни қамраб олади. Бу эса фақат икки ҳаракатга соҳибдур, улар даражасида иштирок этадилар. Учинчидан кейин кутилган етти жисмга қадар бўлган ҳар бир жисм ўз ҳаракатларига ўзига хос бўлган кўп жисмларни қамраб олади.

Бу жисмларнинг ҳар бирининг ўзига хос ҳаракатлари билан бирга бошқалари билан муштарак бўлган бошқа ҳаракатлари ҳам бўлади.

Бу жисмларнинг барчаси жинс боқимидан айни бир хил бўлиб, тур боқимидан бир-биридан фарқ қиладиганлардур. Ҳар бир турда бир жисмдан бошқа жисм бўлмайди. Шу шаклда бу жисм билан ҳоч қандай қўшилиб кетадиган нарса ҳам бўлмайди. Масалан, кўшниси олсак, унинг турига шерик бўлиб кетадиган бошқа бирор нав нарса бўлмайди. У ўз борлигида яккаю ягонадир. Ой ва шунга ўхшаш сайёраларда ҳам аҳвол айни шунинг ўзидир. Булар барчаси осмоний жисмлар бўлиб, улар моддий жисмларни эслатади, улар шакл ва асос — субстан-

цияга ўхшаш шаклни қабул қиладиган бир хил сабабга эгадир. Бу шакллар мана шу сабаблар (ал-мавуот) ичидадир. Шуниси ҳам борки, бу саврат — шакллар қарама-қаршиликларга эга эмасдурлар. Бу осмоний жисмларнинг ҳеч қайсиси ҳам ўз шаклидан бошқа ҳеч қандай шаклни қабул қилишга қобил бўла олмаганлари қабул усиз ҳатто мавжуд ҳам бўлолмайдилар. Чунки бу сабабларни ташувчи унга мос ҳар қанча суврат-шакллар йўқ бўлмайди, сабаби шуки, унинг сувратлари ақл қабул қилишга тўққинлик қилмайди ёки ўз моҳияти эътибори билан ақл қабул қилади.

Шундай қилиб, ҳар бир самовий жисм ўз суврат-шакллари орқали ақл қабул қиладиганлардан саналади, яъни билфеъл ақлдир. Бу эса маълум бир борлиқни биллади ва илк борлиқни тушунади деган сўздир. Ўз зотидан ақл оладиган барча нарсалар ҳам ақл бўла олмайди, чунки у (айни бир ҳолда) ўз сабабни ақл қамраб ола олади. Ваҳоланки, бу нарса (яъни сабаб) унга ақл қамраб оладиган нарса эмас эди. Демак, модомики, ўзини тушунган сувратда ақл бўлиш билан бирга ўз шаклида ақл қабул қила олмайдиган бир ақл ҳам бор бўлади. Бундан чиқди, ўша нарса барча жавҳарланадиган ва тасвирланадиган нарсани ақл қабул қилади. Демак, у ўз моҳияти билан бир шакл ва сабабдан тузилган бўлади. Худди мана шу билан моддадан ва биринчи сабабдан ва ҳар турли уни ташувчи бўлмиш илк борлиқ ва ўнта моддий борлиқ ва бошқа барча сабаблардан фарқ қилади, инсон бўлса шу муштарак бир нарса билан қатнашади.

Ҳар бир осмон жисмлари ўз зоти эътибори билан ўзидан лаззатланади. У фақат ўз зоти билан боғли бўлган нарсаларни билиб улгургани билангина эмас, балки биринчи сабабни билиб улгургани билан лаззатланади, ундан сўнг ўз зотидан ажралган вужуддан ақл олади. Шу билан бирга у биринчига бўлган ишқ билан, ўзи билан ўзи маҳлиёлиги билан қатнашади. Бу нарса Биринчи сабабдан содир бўладиган гўзаллик ва жамол билан юзага келади. Аслида эса бу нарсаларнинг барчаси ўша ўн (ақлдан) пастда туради.

Бунда иштирок этадиганлардан ҳаюллоий — моддийлари улар ичида энг шарафлиси ва энг афзали саналади. Чундан ҳам бу нарсанинг энг устун бўлган шакллари бўлади, бу доира шаклида бўлади. Уларнинг энг яхши кўринишли сифатлари бўлади. Бу эса эпёдор. Чундан ҳам унинг баъзи қисмларидан энё чиқарилади. Чунки, бунга юздузларни мисолга олсак ҳам бўлади. Уларнинг баъзи қисмлари шаффоф бўлади, чунки улар ўзлари-

дан-ўзлари пурга тўла, баъзиси пурни юлдуздан олади. Уларда энг афзал ҳаракатлари бўлади. Бу эса доиравий ҳаракат бўлади.

Осмон жисмларининг ўнтаси билан аввал бошдан уларнинг жавҳарларини ташкил этадиган энг афзал мукамал асослари билан бирлашадилар. Шу билан бирга улар ўзларига хос бўлган улуғлик, шакллари ва кайфиятлари кўринадиган томонлари билан камолат ҳосил қиладилар.

15. ОСМОН ЖИСМЛАРИ ҲАРАКАТЛАРИ ВА НИМАГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗ

Осмон жисмлари ўша (ўнтадан) шу билан фарқ қиладикки, унда ҳаммадан олдин унга томон интилиши мумкин бўлган тўғри ҳаракатларида мақсад аён бўлмайди. Ҳз-ўзидан тўғридан-тўғри ҳаракат этадиган нарса бир жисм билан юзага келган энг унимсиз ва энг қуйидаги аразлар гуруҳидан саналади. Чунки ҳар бир жисм бирор (маълум) ерда бўлади. Бу жисм эга бўлган ер турида эса бир жисмга айланиш зарурати пайдо бўлади. Бу турдап бир ерга эга бўлган бир жисм бир бутун бўлган ҳолда бу турининг бутунлигидан ташқари чиқолмайди. Лекин бу павларнинг парчалари бор, бу ерда бўлган жисмларнинг ҳам парчалари бор. Энди бу жисмнинг парчаларидан ҳеч бири унинг ўривлашган ерининг бўлақларидан қайси бирида бўлмасин, бир бошқа парчаси бўлишидан авло эмасдир. Аксинча, бу жисмнинг ҳар бир парчаси уни ўраб олган ернинг ҳар бир парчасини бир-бирининг ортидан эгаллаб олиши керак эди. Айни шаклда у бу парчани ҳар қандай вақтда бўлса ҳам эгаллаб олиши бошқа бир вақтда эгаллашидан авло эмас эди. Жисмнинг ҳар бир қисми истаган вақтда ўша ўраб олган бўлақни эгаллай олади.

Шундай қилиб, бу ҳолат доимий юз бериб туради. Жисмнинг ҳар қандай бир парчаси белгиланган ернинг маълум бир парчасини ишғол эта берган ҳар гал ўзини ўраб олган ва шу тариқа у доимий бўлиб турини зарурдек бўлиб кўришади. Шу вақтда ўривланган ернинг икки парчасини бир вақтнинг ўзида жисмнинг бир парчаси тарафидан эгалланиши имконсиздир. Чунки ўзининг теварагидаги бор имкониятларининг ҳамма қисмларини изчил равишда эгалламасдан туриб, ўзи бор бўлган ва (келажакда) бошқасининг йўналишини (жисмнинг парчаси) ўз мақолини тарк этиши керак. Чунки унда бўлган қисм бу вақтда у билан вақт жиҳатидан авло бўлолмай-

ди. Бу эса унга доимо (шундай) бўлиши керак эди. Бордию агар у қисм унга доимо тегишли бўлмаган экан, ваҳоланки, у сөн жиҳатдан (воҳидан би-л-адад) у ўз навбатида яккаю-ягонадир. Бу эса шунинг учунки, гоҳо у унга тегишли бўлади, гоҳо тегишли бўлмайди. Кейин у навб ўз ўтишига қайтади. Сўнг, шунингдек, ундан бир қанча вақтга бўшайди. Кейин учинчи ўхшашига қайтади. Шу билан бир қанча вақтга ундан бўшайди, кейин тўртинчи ўхшашига қайтади. Шу тариқа у бениҳоя бу залда давом бўлаверади.

Бундан маълум бўллишича, унинг доирасида ҳаракатга келган жисмлар у билан ўрин алмашинадилар ва уларга қайтадилар, булар ҳаммаси теварагида само бўлган жисмлар билан муносабатда бўладилар. Бу ерда нисбатда бўлган сўзнинг маъноси шуки, агар шундай дейилса, бу шунга тегишли ё бу шундай келиб чиққан ё шунга ўхшаш деганидир¹...

20. ИНСОН НАФСИ БУЛАКЛАРИ ВА УНИНГ ҚУВВАТЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗ

Инсоннинг борлиққа келиши билан дастлаб ўртага тушган нарса шу бўлдики, унда у ўзини боқадиган қувват пайдо қилди. Бу эса ризолантирувчи қувват эди. Бундан сўнгра ўртага чиққан нарса мисоли бир иссиқлик, совуқлик каби жисмга тегиб билинадиган туйғун қувватлар, таъм, ҳид, овоз каби сезиладиган нарсалар ва ранг, зиё каби барча кўриладиган нарсалар бўлди. Аммо шуниси ҳам борки, туйғулар пайдо бўлиши билан бирга бошқа бир қувват ҳам ўртага чиқади. Бу эса туюлган нарсаларга боғли бўлиб, уларни исташ ва ёки улардан қочиниш тарзида юзага келади. Ундан сўнгра инсонда бутунлай бошқа бир қувват ўртага чиқади. Бу унга тегишли ҳислар кузатувларида гойиб бўлганидан сўнг бу орқали унинг ўзида ўрнашган туйғун нарсаларни сақлаб қолади. Бу эса мутахаййила — хаёл қилиш қуввати эди. Бу қувват билан инсон туйғун нарсаларни бир-бири билан бирлаштиради, ё бўлмаса уларнинг бир-биридан айиради. Бу таркиб бўлган нарсалар ё айирилган нарсалар турли-туман бўлади, буларнинг баъзилари янглиш — козиба бўлади, баъзилари тўғри — содиқа бўлади. Бу хаёл қилинган нарсалар билан боғли ҳолда бу қувватга келиб туташади. Бундан кейин эса инсонда ақл қуввати майдонга чиқади, бу билан инсон ақл қабул қиладиган нар-

¹ Қолган қисми таржимада тушириб қолдирилди.

салар — маъқулотви билмак имконита эришади. Бу туйғайли у гўзал билан хунужни бир-биридан айира олади, санъат билан билимни яратади. Шунингдек, у ақл қабул қиладиган шарсалар билан боғли бўлган бир орзу ҳам бу қувватга келиб туташади.

Булардан ғизоланувчи қувват эса унда яккаю ягона бошқарувчи (раиса) қувват бўлиб, у бир қатор ёрдамчи ва хизматкорлари бўлган қувватлардан иборатдир. Ғизоланувчи қувват асосий қувват бўлиб, у бадан аъзолари орасида — оғизда бўлади. Ғизоланувчи ва ёрдамчи бўлган қувватлар бошқа қувватлар орасида тарқатилган бўлади. Буларнинг ҳар бири маълум бир қувватга ўрнашган бўлади. Бу қувватлар ичида ҳукмрон ҳисобланган қувват ўз табиати билан бошқа қувватларни идора қилади. Бошқа қувватлар ўз ҳаракатларида уларга ўхшаб кетади. Улар ҳукмрон қувватлар феълларида маркази қалбда бўлган табиий гаразларига ўхшарлар. Бу худди меъда, қоражигар, талоқ каби бунга хизмат қиладиган аъзолар, бу хизмат қиладиган аъзоларга хизмат этадиган аъзолар ва бу аъзоларнинг хизматкори бўлган бошқа аъзолар ҳам шу қабилидадир. Чунки қоражигар (ўз табиати билан) ҳам бошқарувчи аъзо, ҳам бошқариладиган аъзодир. У қалбнинг маъмури ҳисобланади, у ўт, буйрак қабилаарга ўхшаш аъзоларнинг амири саналади, сийдик қопи буйракка, буйрак қоражигарга, қоражигар қалбга хизмат қилади. Бошқа аъзоларнинг аҳволи ҳам айни шунинг ўзидир.

Туйғу қувватининг (ал-қуввату ал-хосса) ҳам бир амири, ҳам унинг ёрдамчилари бор. Ёрдамчилари эса ўша ҳаммага машҳур бўлган беш туйғу бўлиб, ҳар кимга билинган кўз, қулоқ ва бошқа туйғу аъзоларига тарқалган бўлади, бу туйғуларнинг ҳар бири ўзига хос бўлган жисмни идора этади.

Амир қувват бўлса бешта туйғу томонидан идора этиладиган ўша ҳар бир шарсадан хабардор қилувчининг эгалари бўладилар. Худди бу беш туйғу ўша қувватга ўхшаб кетдилар ва худди уларнинг ҳар бири мисоли бир турли хабар бирла ё бўлмаса мамлакатнинг бир қисмидан ўзига айрим бир хабар келтиришни бўйнига олган хабарчилардан саналади. Амир ҳисобланадиган қувват мисоли бир подишоҳ кабудур, унинг наздида подишоҳликнинг барча қисмларидан хабарчилар орқали йиғилиб туради. Мана шу подишоҳ ҳам юракдан жой олган. Хаёли суриш қуввати (қуввати мутахийиёла) да жисмнинг бошқа аъзоларига ҳам тарқалган ёрдамчи аъзолари йўқ; у яккаю ягона бўлиб, унинг ери ҳам қалбдир, у сезиларга

таъсир қилмай қўйса, ўзи сезган нарсаларини сақлаб қола олади. Ўз табиати бўйича у сезиладиган нарсалар — маҳсулотга ҳокимадур, улар устидан ҳукм юритади. У бир нарсани иккинчисидан ажратади, турли-туман таркиб топадиган нарсаларнинг бири билан мувофиқат топиб, иккинчиси бўлган сезилувчи нарсалар билан қарама-қарши ҳам бўлади.

Аммо потиқа қувватига (қуввати потиқата) келсак, улар бошқа аъзо турлари ичида на озиқланадиган турларини ва на хизмат қиладиган турларини билади, балки улар бошқа хаёл сурадиган барча қувватларни, яъни бошқарадиган ва бўйинсунадиган қувватларни билади. Ҳар бир жинс ҳам бошқарилади, ҳам бошқаради. Чунки у мутахаййила қувватларни бошқарувчиси ва уни бошқарадиган махсус қувватларни ҳам раисаси саналади.

Ғизолантирувчи қувват уларда асосий қувват ҳисобланади. Интилувчи қувват — бу шундай бир қувватки, у ё бир нарсани истайди ё бўлмаса ундан юз ўгиради. У қувват бошқарувчиси (раиса) саналиб, унинг ёрдамчилари бўлади. Бу қувват туфайли унда ирода (истак) юзага келади, ирода эса қабул қилинган ва идрок қилинган нарсадан ё ҳис орқали ё хаёл-тасаввур орқали ё бўлмаса нутқий қувват орқали юз ўгирилади. Унда ирода бирор бир нарсани билиши ва ёки бадани орқали ё бўлмаса бирор аъзоси орқали бирор нарсани бажо келтиришга интилиши керак. Аммо юз ўгиришга келсак, у асосий юз ўгирадиган қувватдан иборат бўлади.

Аммо баданий феълларга келсак, улар шундай қувватлар билан юзага келадикки, улар юз ўгириш қувватига хизмат қиладилар. Бу қувват аъзоларда тарқалган бўлади, уларга бу ҳаракатларини амалга оширилшига имкон беради. Буларнинг баъзиси асаблардур, баъзиси пайлардир, булар, ўз навбатида, ҳайвон ва инсонни уларга бўлган интиладиган (яъни орзу этган) феълларини бажо келтириш учун бадан ичига ёйилган бўлади. Бу аъзолар, тушончи, пшсон ва ҳайвоннинг қўллари, оёқлари ва баданининг истак билан ҳаракат қиладиган бошқа аъзолари саналади. Бу ҳолда юқорида айтилган ва баданининг бир қур бўлакларига ёйилган бу қувватларнинг ҳаммаси жисмий қуроллар саналиб, юракда бўлган асосий ҳамда буюрадиган ирода қувватининг баданий олатлари ва хизматкорларидир.

Бир нарсани билиш нутқий қувват билан ё бўлмаса хаёл суриш — тахаййюл қуввати билан ва ёки туйғулар — ҳислар билан қўлга киритилади. Агар ақлий қувват билан идрок этиладиган нарсалар хусусиятига эга бўл-

ган бир нарсаги билиш исталганда, орзу қилинган нарса-ни ўзида сақлаган феъл ақлий қувватда бўлган бошқа бир қувватдан тугилади. Маъна бу фикрий қувват саналади. Ама шу билан фикр юритиш, туш кўриш, диққат билан текшириш, хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Бордию агар ҳис билан билинадиган нарсаларни ҳис орқали билиш истаги пайдо бўлса ва унга эришиш мумкин бўлса, бу, албатта, бадан феъли билан руҳ феълининг бирлашишидан юзага келган бўлади. Чунончи, кўришни орзу қилган нарсаларимизга қараш учун нигоҳимизни унга қаратишимиз бунга мисол бўла олади. Агар у нарса узоқлаштирилса, биз унга тўпна-тўғри юрамиз, бордию унга етишга бирор тўсиқ бор бўлса, биз қўлларимиз билан у тўсиқни бартараф қиламиз. Бу ҳолда ўша ҳаракатлар жисмоний ҳаракатлар бўлиб, лекин ҳисслар ўз йўлида руҳнинг бир феъли бўлиши билан бирга бутун бадан феъллари бўладилар. Бошқа туйғулар билан ҳам аҳвол худди шунинг ўзидир.

Бордию агар бир нарсанинг тахайюли орзу этилган бўлса, бу нарса ҳар хил воситалар йўли билан эришилади. Улардан бири, аввалан, тахайюл қуввати билан ишлайди, мисоли бир исталган ва ёки кутилган нарсани тасаввур қилгандай, ё бўлмаса, ўтмишдаги бирор нарсани тасаввур қилиш ёки тахайюл қувватида ҳосил бўлган нарсани исташ каби; сўнгра ўша нарсани, мисоли кўрқиладиган ё қувониладиган ишларни тахайюл йўли билан ёки итиқа қуввати билан тасаввур қилиш мумкин. Маъна бу нарса қувватлар саналади.

21. БУ ҚУВВАТ ВА БУЛАКЛАР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯГОНА НАФС БУЛА ОЛАДИЛАР

Асосий ғизолантирувчи қувват асосий туйғу қувватининг моддаси кабилдир. Туйғу қуввати — ғизоланувчининг суврати — шаклидир. Ўз навбатида, асосий туйғу қуввати мутахаййили — хаёл сурадиган қувватга худди модда бўлгандайдир. Бу эса, ўз навбатида, асосий туйғу қувватининг моддаси, тахайюл қуввати эса омир бўлган туйғу қувватининг суврат-шакли бўлгандайдир. Тахайюл қуввати эса фикр юритадиган қувватнинг моддасидир, бу эса ўз навбатида, барча сувратларнинг ишхонийсидир. У ҳеч қандай бошқа қувватларнинг моддаси бўлмай, балки ундан олдин келадиган барча шаклларнинг қлёфасидир. Орзу этиладиган қувватга келсак, иссиқлик-ҳароратнинг оловда бўлиши ва оловнинг эса ўзи билан чекланган

нарасага қарам бўлиши каби омир бўлган туйғу қувватига, тахайюл қувватига ва ақлий қувватга боғлиқдир.

Қалб шундай бир асосий аъзоки, у баданни бошқа ҳеч қандай аъзолари билан идора қилинмайди. Ундан кейин мия келади. У ҳам асосий аъзолардан саналади. Лекин унинг раислиги биринчи даражадагидан бўлмай, балки иккинчи даражадагилардандир. Бу шунинг учунки, у барча аъзоларни бошқаришини қалб билан идора қилади. У фақат қалбгагина хизмат қилади. Шуниси ҳам борки, унинг табиатидан мақсади қалбга хизмат қилиш бўлгани учун бошқа аъзоларга ҳам хизмат қилади. Бу худди уй эгаси бўлган кишига ўхшайди. У ўз табиатидан одамларга хизмат қилиши борасида ўз хўжайинига хизмат қилади, унинг ўзига эса ховлининг барча одамлари хизмат қилганидек. Иккала ҳолатда ҳам хўжайиннинг истагига кўра хизмат қилиши турган гап. Мия юракдан кейин унинг ўринбосари сифатида иш юритиб, худди унинг хизматини бажо келтиради, шунда у асосий аъзо мосланмаган ҳолатга у мосланиб олади, шу билан бирга у юракнинг олийжаноб ҳатти-ҳаракати хизматини бажо келтириб юради.

Шундан маълум бўлишича, қалб туғма ҳароратнинг булогидир. Ҳарорат ундан бошқа барча аъзоларга ўтади, шундай қилиб қўллаб қувватланади, озиқ олади. Бу эса табиий ҳаёт руҳини йўғон томтирлар воситаси билан қалбдан аъзоларга юбориш билан бажо келади. Қалбнинг сақланиши узок муддат давом этадиган ҳароратнинг табиий аъзолар ичидан кўринишда давом этади. Мия (аддимоғ) қалб узатадиган ҳароратни юмшатади, шу билан ҳар бир аъзога етишадиган ҳарорат унга ўртача — мўътадил ҳолатда бўлади. Бу миянинг энг аввалги феъл-ҳаракатларидан бўлади. Шу билан бирга у аввалги ва умуман аъзоларга етказадиган хизмати саналади.

Бу ишларнинг бир турига мана булар киради: асаблар икки хил бўлади. Унинг бир тури қалбда бўлган бошлиқ (ар-раис) туйғу қуввати ёрдамчиларининг асбобларидир. Бу худди ҳар бир ҳис ўзига хос бўлган сезги аъзоларини сезганига ўхшаб кетади. Бошқалари эса мисоли аъзоларнинг қуроли кабидир, бу юракда бўлган орзу қувватига хизмат этадиган аъзоларнинг олатларидир. Унга истаган ҳаракатига бўлган имкониятини беради.

Мия эса яна қалбга хизмат қилади, у ҳис асабларига ёрдам беради, бу асаблар (ўз навбатида) озиқлантирадиган қувватларни сезадиган кучларни қўллаб-қувватлайди. Мия асабларининг истаган ҳаракатларини таъминлаб унга ёрдам беради, у аъзоларнинг иродий ҳаракатларини

амалга оширишга қодир бўладилар, бу ҳаракат воситасида бу аъзолар марказий қалб бўлган орзу қувватига хизмат қилурлар.

Бундай асабларнинг кўпларини юракда плдизип бўлади, бу билан улар миядан озикланиб, ўз қувватларини барқарор қила оладилар. Бошқа кўп илдизлари эса ўз нотидаларини орқа миядан оладилар, орқа миядан юқориси ҳам бош мия билан боғлиқдир. Мия бу борада орқа мия иштироки туфайли ёрдам қилади.

Буларнинг бошқа бир турига келсак, тахайюл қуввати юзага келишига қалбнинг ҳарорати чегараланган бир даражага келиши туфайлигина бўлади. Айни шу ҳолатда нотича қуввати ҳам, шунингдек, юрак ҳарорати ўз ҳаракатининг маълум даражасига етиши билан юзага келади. Нарсаларни фикрларда сақлаб қолиш ва бирор нарсени эслаб қолиш ҳам шунга ўхшашдир.

Шунингдек, мия қалбга хизмат қилади, бунда унинг ҳароратини тиклаб беради; натижада унинг тахайюли яхшиланади, яхши тафаккур қилади, хотирасида дурустроқ мушоҳада қилади, яхшигина эслаб қолишга қобул бўлади. Узининг бир бўлаги билан мия ҳароратни ўрта-миёна қилади, у билан тахайюлни тузатади; бошқа бир бўлаги билан фикр юритишни тузатиб, унинг иш қобилиятини ўрта-миёна қилади; учинчи бўлаги билан эса эсда сақлаш ва хотирада қолдиришга хизмат қилади. Бу шунинг учунки, қалб табиий ҳароратнинг булоғи бўлганидан бошқа барча аъзоларга ҳам етмай қолмайдиган ва ҳам ортиб қолмайдиган тарзда тарқатиш учун унинг ҳарорати ҳаддан ташқари кучли бўлиши ҳам мумкин.

Ҳарорат шунингдек ўзича жуда кучли бўлмаслиги ҳам мумкин, аммо қалб мақсадига мос бўлиши мумкин.

Шунингдек аъзоларнинг ўзлари, қалб томонидан ўзларига юборилган бу ҳароратга мосланиб, тузалишга етарли бўлмайдилар. Бундан чиқди, аъзоларга кириб борадиган қалбнинг ўртача ҳарорати ўз ҳолича ҳаракатларини яхши яқунлашга имкон берадиган мўътадил ҳолатда бўлмайди. Шунинг учун мия ўз табиатидан бошқа аъзоларга ишбатан совуқ ва нам (боридан рутубан) қилиб яратилган, ҳатто шундай бир нафсоний куч билан қалбнинг ҳарорати чегараланган ўртача ҳолат бўлади. Бу шунинг учунки, қалб табиий ҳароратни булоғи бўлганидан унинг бу ҳарорати баданнинг бошқа барча қисмларига тарқаладиган бир ҳолатни юзага келтирган тарзда энг қувватли ва ортиқчаликни майдопта келтирадиган тарзда қувватли ва ортиқча бўлмаслиги учун заиф ва оз бўлмаслиги керак. Ундаги ҳароратнинг бошқа барча

аъзолари етмай қолмайдиган ва ортиб ҳам қолмайдиган тарзда тарқатиш учун ҳаддан ташқари кучли бўлиши ҳам мумкин.

Ундан кейин туйғу ва ҳаракат асаблари ўз табиатлари бўйича ерли сапалган, яъни тез фурсатда қуришни қабул қиладиган хусусиятга эга. Шунинг учун уларда намликни узоқроқ муддат сақлаб қоладиган бир чўзилишга ва қисқаришга зарурат бор эди. Шу билан бирга туйғу асабларида бу туғма ва бутунлай хираликдан маҳрум бўлган руҳга муҳтожлик ҳам бор; бу эса мия қисмларида ҳаракат қиладиган туғма руҳнинг оддий бир ҳолати бўлади. Юрак ўзи ўтли ҳароратга эга, унинг бу хусусияти юракда кучни (сезги асабларида) сақлаб қолиш учун имкон бермайди. Шу сабабдан ҳам унинг қуриб қолишини тезлаштирмаслик, нозиклашиб қолиб нурамасликлари ҳамда куч ва ҳаракатдан қолиб кетмасликлари учун уларнинг асаб илдизлари қалбнинг ичига жойлаштирилган. Бу шунинг учунки, буларнинг иккала-си ҳам ўта намлидир, улар асабларда намликни сақлаб қолади, бу намлик асабларни юмшоқ ҳолда тутиб қолади. Шу тарзда бу асабларга боғли бўлган руҳий қувватлар мана шу намлик тарафидан (ўзига хос кўринишга эга бўладилар. Баъзи асабларда бунда рутубат кириб боришига зарурат сезилади. Бу эса сувсимон латиф, лекин тутиб бўлмайдиган бўлиши керак. Бошқа баъзилари эса қандайдир ёпишқоқ бўлиши керак. Бундан чиқди, ўша сувлига зарурат сезган ва ёпишқоқ бўлмагани миёда илдири бўлади. Бунда шу билан бирга сув каби намлик бўлишига зарурат сезиб, яна у ёпишқоқ бўлса, бу ҳолда унинг асаб илдизлари миёда бўлади. Ўша рутубатга оз зарурат сезган асаблари ўз илдизлари билан умуртқанинг ост қисмида ва куйруқ қисмида бўлади.

Миёдан сўнг даража боқимидан келсак, қоражигар келади, ундан кейин талоқ ва ундан сўнг эса бачадон (اعضاء التوليد) келади. Ҳар бир қувват аъзода бўлади, бу эса жисмоний қовушиш билан бажо келтирилади, булар воситасида улар бир аъзодан иккинчисига ўтади. Бунда бир зарурат пайдо бўлади, бунда у ўша бошқаси шундоқ ҳам биринчи асаблар бирлашмаси билан туташтирилган бўлади. Бу худди асаб ва мия билан кўп томондан туташган, яна кўп томондан орқа мия билан туташган, ё бўлмаса, бу аъзога муттасил оқини йўли билан бу жисм боғланган бўлади.

Бу қувватлар унга хизмат қилади, ё бўлмаса, мисоли бир оғиз, ўпка, буйрак, талоқ, жигар ва бошқалар каби истаса маъмур ё бўлмаса омир ва қувват бўлиб, бу аъзо-

лар билан бирлашади, бу жисм ичнда оқадиган бир йўл ё оқар сув бўлиш зарурати лозим бўлади. Бу худди миянинг юракка таъсир этгани каби юз беради.

Биринчи бўлиб аъзода қалб пайдо бўлади, ундан сўнг мия, кейин жигар (كبد), кейин талок, ундан сўнг бошқалари бўлади. Ҳаракатда бўлган аъзоларнинг энг охиригисига бола туғадиган аъзо киради. Булар баданин бошқаради. Бу худди тухумларнинг феъли ва эркак ҳароратнинг сақлаб қолиниши билан бу уруғда хотин жинси табиати руҳини беради.

Туғилиш билан бўладиган қувват иккига бўлинади. Биринчиси ҳукмрон бўлади, бошқаси хизмат қиладигандир. Ҳукмрон бўлган қувват қалбда макон тутати; хизмат қиладигани эса туғиш аъзоларида бўлади. Туғадиган қувват эса иккига ажралади. Уларнинг бири моддадан бўлиб, ундан бундай қувватлар мавжуд бўлган ҳайвон юзага келади. Бошқалари эса ҳайвондан бўлиб, буида модда то бу навга тегишли шакл ҳосил бўлгунгача ҳаракат қилади. Модда тайёрлайдиган қувват бу хотин жинси қувватидир. Унга шакл берадиган қувват бу эркак қувватидир. Хотин жинси шундай бир қувватки, бу билан модда тайёрланади, эркак жинси шундай бир қувватки, бу билан ўша модда ўша қуввати бўлган нав шаклини юзага келтиради. Қалбга хизмат қилган аъзо унга ҳайвон моддасини беради, бу бачадон саналади. Моддага шакл беришга хизмат қиладиган ва унга инсон ё (бошқа бир) ҳайвон тусини берадиган модда манийдир. Маний агар хотин жинси бачадонига киритилса, унда қон билан учрашади, у эса, ўз навбатида, бачадонда инсон шаклини қабул қиладиган бир ҳолат ҳозир бўлиб, унда то бу қондан инсон шакли вужудга келади. Бачадонда пайдо бўлган қон бу инсон моддаси саналади. Уруғ эса ўша моддани шакл ҳосил қилгунга қадар ҳаракатга келтирувчи омилдир.

Бачадонда тайёрланган уруғнинг қонга муносабати мисоли бир сутнинг сутдонда қуюқлашганига ўхшаш бир даражададир. Сутдон буида мисоли сутнинг ачишида унинг на бир қисми ва на бир моддаси бўлмаганидек, бачадонда уруғ ҳам қуюқ бўлган қоннинг на бўлаги ва на моддаси бўлмайди. Маний ҳам худди мава шундай бўлиб, бачадонда қондан тузилиб қотадиган на бир бўлак ҳам эмас, ва на бир модда ҳам эмас, гўёки сут мис қозонда ивиб қатик бўлганидек, бачадонда ҳам қондан (бола) пайдо бўлади.

Иссонда уруг пайдо қиладиган нарса — бу уруг тура-
диган идишдир, бу эса тери остидаги йўгон томирлардир.
Бу томирлар эркак уругидан ёрдам олиб туради. Мана
шу йўгон томирлар орқали олатда бўлган уруг унга қа-
раб оқиб тушади, бу эса зарур бўлган уруг бўлиб, у ба-
чадонга тушади, унда мавжуд бўлган қон эса то аъзо
ташқил бўлгунга қадар ҳар бир аъзонинг ва барча аъзо-
лар шаклини ўзгартириб туради.

Уруг — маний эса эркак асбоби саналади.

Асбоблар баъзан бирлашган бўлади, баъзан эса аж-
ралган бўлади. Масалан, табиб асбоб-ускуналари мисол
бўлгани каби. Табиб кўли даволаш асбоби саналади.
Жарроҳ пичоғи ҳам табиб асбобидир, бу билан у одам-
ларни даволайди. Даво ҳам табиб асбоби ҳисобланади,
лекин қувватга соҳиб бўлолмайди. Бу билан табиб хас-
тани даволайди. Ниҳоят, дори — бу алоҳида асбоб сана-
лади, табиб эса ўз ҳаракати ва амалиёт қилаётганида бу
иш билан машғул бўлади. Шундагина табиб баданини
ҳаракатга келтирадиган қувват бериб, касал баданини
соғлиққа томон йўналтиради. Бордию агар даво бу кучни
пайдо қила олса, шундагина табиб ўша давони, масалан,
касал баданига юбора олади. Бу шундайки, буни давола-
ётган табиб ҳозир бўладими ё ҳозир бўлмайдими, ва ёки
у ўлганми, бунинг фарқи бўлмайди, илож ҳаста соғлиғи-
га йўналади. Эркак уруги билан бўладиган воқеа мана
шундан иборат. Жарроҳ пичоғи ҳам фақат ундан фойда-
ланадиган табиб билангина иш бажо келтирадиган асбоб
саналади. Табиб кўли эса пичоққа нисбатан ҳам кўпроқ
ишлатиладиган нарсадир. Аммо дорига келсак, у табиб
бу ишга алоқаси бўлдим-йўқми, бундан қатъий назар,
бир қувват билан ҳаракат қиладди. Уруг билан ҳам худди
шундай бўлади. Чунки у эркакнинг тавосил қувватини
ишга туширадиган асбоб бўлиб, у алоҳида ҳаракат қила-
ди. Маний қонлари ва идишлар эса баданга тутатиб кет-
гап туғдириш асбобидир. Йўгон томирлар ҳолати мисоли
бир қалбда асосий қувватдан бўлган маний асбоблари
каби даво тайёрлайдиган ва унга таъсир кучини беради-
ган табиб кўлига ўхшаб касал баданини соғлиққа йўнал-
тирган бўлади. Чунки бу йўгон томирларни, тишдан ҳам,
қалб табибий равишда ишлатади; бу асбоблар уругга шу-
ндай бир қувват берадики, бу қувват билан у бачадонда
қонни то ўша тирик зотнинг маълум бир навъи шаклига
келгунга қадар ҳаракат қиладди.

Агар қон уругни қабул қилса, ўша қувват шаклча
томонга ютилади, бунда биринчи талда қалб юзага кела-
ди. Унинг тузилиши орқали бошқа аъзолар тузилишини

ҳам бошланғич кучини юракдан оладиган томонларини ҳам билмиб олиш мумкин. Бордию агар озикланттирувчи кувват билан бирга моддани тайёрлайдиган кувват пшлаб чиқарилса, у ҳолда барча бошқа аъзолар мисоли модданинг аъзосидагидек бўлади. Агар унда шакл берадиган кувват бошқа аъзоларга ўхшаб қолса, у ҳолда эркак аъзосига айланади. Бошқа ҳолларда эса урғочилар тури пайдо бўлади. Ундан кейин урғочисигаям, эркагигаям бир хил ҳолатда бўладиган нафсоний кувватлар юзага келади.

Бу икки кувват, мен бунда хотинлик ва эркаклик кувватини назарда тутаяшман, инсонларда фарқли бўлиб, турли-туман бўлади. Кўпчилик ўсимликларда бу иккаласи ҳам уруғидан униб чиқадиган ўсимликлар бўлгани каби, баъзи бир шахсда бу бутунлай биришган ҳолдадир. Чунки ўсимликда модда бўлгани каби бу моддаши шаклга ҳаракат эттирадиган бир кувват ҳам бор. Уруғ шаклини қабул қилиш учун ўзидаги кувватни шаклга қараб тортади, у шаклини қабул қилиб олишга иштилади. Шаклини қабул қилишга тайёргарликни берувчи хотинлик куввати бўлади. Шаклга томон бўлган ҳаракатни бергувчи эркаклик куввати саналади.

Ҳайвонлар ичида ҳам худди шундай хусусиятга соҳиб бўлганлар бўлади. Уларнинг баъзилари борки, буларда хотинлик куввати тўла-тўқис намоён бўлади. Улар тўла кўрсатилмаган эркаклар куввати билан биришиб кетади. Хотинлик куввати бу ҳолатда маълум миқдорда ўз вазифасини бажаради, сўнг йўқ бўлади. Шу жиҳатдан хотинлик куввати ташқи ёрдамга муҳтож бўлади. Бу мисоли тухумини шамолга учириб юборган паррандаларга ўхшаб кетади. Шунга ўхшаш ҳолат кўпчилик балиқларда юз беради, уларнинг моддалари уруғларини сочиб юборадилар, улардан кейин эркаклар улар кетидан юрпиб, тухумларга намлик сачратадилар. Суюқлик теккан уруғларидан ҳайвонлар чиқади, унга суюқлик тегмаганлари эса бузилади, яъни ўлади.

Аmmo инсон ҳоли бундай эмас. Бу икки куч иккита айрим-айрим шахсда бўлади. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос бўлган аъзолари бўлади. Бу аъзолар уларда бир хилдир, ҳар бир жинсда ҳам бу аъзолар муштаракдир. Уларнинг нафсоний куввати ҳам, аъзолари ҳам ўшандай бир хил, бунда фақат икки жинсий куч бошқача, холос. Эркаклари иссиқроқ бўлади, ҳаракат этиши ва уриниши аъзолари эркакларда кучли бўлади. Бу жиҳатдан эркаклар бақувват саналади. Рухий хусусиятлар-

га келсак, газаб ва шиддат каби қувватлар хотин жинсида бўшроқ, эркакларда кучлироқдир. Марҳамат ва шафқат каби хислатлар хотинларда яна ҳам кучлидир. Шундайки, эркаклар орасида туйғулари хотинларникига нисбатан ва ёки хотинлар орасида туйғулари эркакларникига ўхшаган бўлишлиги ҳеч бир монизлик ҳам қилмайди. Эркак ва хотинлар шундай қилиб бир-бирларидан айри-айридурлар.

Аммо туйғу қуввати, мухаййила қуввати ва нотиқа қуввати борасида эркак ва хотинлар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ташқи дунёнинг бўладиган таъсири туфайли туйғу қувватларида турли-туман жинслар юзага келади; беш асосий сезги аъзолари туфайли сезиладиган турли-туман турлар пайдо бўлади, улар асосий сезги қувватларида бир-бирлари билан бирлаштириладилар. Бу қувватда майдонга келадиган туйғулар мухаййила қувватида тахайюлниң кўринишлари (русум) каби юзага келади. Шу билан уларда ҳиссий туйғулар гоийиб бўлганда ҳам улар сақланиб қоладилар. Мухаййила қуввати баъзан уларни бир-биридан айирмоқ, баъзан эса бир-бирлари билан бирлаштирмоқ борасида тур жиҳатдан бениҳоя таркибда бўладилар. Уларнинг баъзиси тўғри (содиқа), баъзиси эса потўғри (козиба) бўлади.

28. ФОЗИЛЛАР ШАҲРИ ҲОКИМИНИҲ ФАЗИЛАТЛАРИ

Бундай шаҳарга ҳоким бўладиган одам (Аллоҳдан бошқа) ҳеч кимга бўйсунмаслиги керак. Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур. Фозиллар шаҳри ҳокими аввало тўрт мучали соғ-солим бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсон халал бермаслиги лозим. аксинча, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши лозим. (Иккинчидан), бундай шаҳар ҳокими табиатан поэтик фаросатли бўлиб, суҳбатдошнинг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур. (Учинчидан), у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларини унутмаслиги зарур. (Тўртинчидан), у зехни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билимас аломатларини ва у аломатлари нимани аниқлашини тез билиб, сезиб олиши зарур. (Бешинчи), у фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида, чиройли

сўзлар билан ифодалай олиши зарур. (Олтинчи), у (устозлардан) таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур. (Еттинчи), таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат эмас, аксинча, ўзини тия оладиган бўлиши, (қимор ёки бошқа) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур. (Саққизинчи), у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур. (Тўққизинчи), у ўз қадрини билувчи ва номус-ориятни одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, туғма олийҳиммат бўлиши, улуғ, олий ишларга янтилиши зарур. (Ўнинчи), бу дунё молларига, динор ва дирҳамларга қизиқмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши зарур. (Ўн биринчи) табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур. (Ўн иккинчи), ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги зарур.

Мана шу барча хислатларнинг бир одамда жамланиши амри маҳол, зеро бундай туғма фазилатлар соҳиб бўлган одамлар жуда кам учрайди ва улар нодир инсонлардир. Мабодо фозиллар шаҳрида шундай баркамол инсон топилиб қолса, унда юқоридаги фазилатлардан олтитаси, ёки бештаси камол тоғанида ҳам, у ақл ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шаҳрига раҳбарлик қила олади. Баъзи маҳалларда фозиллар шаҳрида бундай одам йўқ бўлиб қолганида ҳам (вафот этганида, ёхуд бошқа жойга кетган вақтида — М.М.) апа шу имом (ҳоким) ёхуд унинг пэдощлари (агар мазкур имомдан сўнг бирин-кетин шаҳарга бошлиқ бўлсалар) чиқарган қонуи ва тартибларга амал қилинади.

Аввалги имом ўрнига келган кейинги раҳбарда ҳам юқорида айтилган хислатлар — фазилатлар ёшлиқдан шаклланган бўлиши зарур. Апа шунда бу кейинги имомда яна олтита фазилат ҳосил қилиниши зарур:

Биринчи — доншимандлик.

Иккинчи — аввалги имомлар ўрнатган қонуи ва

тартибларни хотирида яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиши учун қувваи ҳофизага эга бўлиш.

Учинчи — агар аввалги имомлар давридан бирор (ёки бир қанча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш.

Тўртинчи — ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган, аввалги имомлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш учун башоратғўйлик ҳислатига эга бўлиш. Бу ҳислат унга халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида керак бўлади.

Бешинчи — аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгилардан ибрат олиб, ўзи тўқиб чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун қизгин сўзлаш — нотиклик ҳислатига эга бўлиши.

Олтинчи — зарур ҳолларда ҳарб ишларига моҳирона раҳбарлик қилиш учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиш; ҳам жанг қилиши, ҳам саркарда сифатида жангу-жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиш.

Мабодо шу ҳислатларнинг барчасини ўзида жамлаган бир одам топилмаса, лекин икки киши биргалашиб, шу ҳислатларга эга бўлишса (яъни бири — донишманд, иккинчиси — қолган ҳислатлар соҳиби бўлса) шу икковини фозиллар шахрига раҳбарликка қўйиш зарур. Мабодо бир гуруҳ одамлар биргаликда ана шу ҳислатларга эга бўлишса (яъни — бирйда бу, иккинчисида у, учинчисида яна бошқа ҳислатлар бўлса) ана шу фозиллар гуруҳини юрт раҳбарлигига қўйиш зарур. Шу гуруҳ аъзолари биргалашиб, ўзаро келишиб ҳаракат қилса ҳар бир фозил ҳоким бўлиши мумкин. Мабодо бирор замонда фозиллар шахрида ҳокимлик қилаётган бир ёки бир неча кишида бошқа зарур ҳислатлар бўлсаю, аммо, донишмандлик бўлмаса, фозиллар шахри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шахар ҳалокатга юз тутади.

29. ФОЗИЛЛАР ШАҲРИНИНГ ЗИДДИ БЎЛГАН ШАҲАРЛАР ҲАҚИДА

Фозиллар шахрининг зидди бўлган шахар — жоҳиллар шахри, беномуслар шахри, айирбошловчилар шахри, адашган, залолатдаги одамлар шахридир. Бу шахарларнинг вақиллари — айрим одамлар ҳам фозилларнинг зидди бўлган одамлардир.

Жоҳиллар шахрининг аҳолиси бахт-саодатга етилмайди, бахт-саодат нималитини билмайди ҳам. Чунки,

жаҳолатдаги одамлар ҳеч қачон бахт топмаган ва бахт-саодатга ишонмайди ҳам. Фаровонликка келсак, жаҳолатдаги одамлар (ҳақиқий ободликни билмасдан) баъзилар назарида бахту-давлат бўлиб кўринадиган ўткинчи, юзак нарсаларни, мол-дунёни, жисмоний лаззатларни, хирсу-шаҳватни, обрў, амал, шон-шуҳратни ҳақиқий бахт, фаровонлик деб ўйлайдилар. Шу неъматлардан ҳар бири жаҳолатдаги одамлар назарида ҳаётдан мақсад, бахт-саодат бўлиб кўрилади.

Зотан, (моддий ва руҳий) неъматларнинг ҳаммаси биргаликда уйғунлашган чоғдагина ҳақиқий бахт-саодатга эришиш мумкин. Бу неъматларнинг тесқариси — тан касалликлари, камбағалчилик, завқ, лаззатлар ва ҳурмат, обрўнинг йўқлиги — бахтсизлик бўлиб кўрилади).

Жоҳиллар шаҳрининг бир қанча турлари бор. Шулардан бири зарурий эҳтиёжлар шаҳридир. Бундай шаҳар аҳолиси фақат бадан учун зарур бўлган нарсалар: озиқ-овқат, ичимлик, кийим-кечак, турар жой, жинсий алоқа ҳамда шуларга эришиш учун бир-бирларига ёрдам бериш билангина чекланган одамлардир.

Айирбошловчилар шаҳрининг аҳолиси — тўқчилик ва мол-дунёга эришувда бир-бирларига ўзаро ёрдам беришни ҳаётнинг асосий мақсади деб биладилар.

Разолат (тубанлик) ва бадбахтлик шаҳри — бундай шаҳар аҳолиси фақат ейиш, ичишда, жинсий алоқада ҳузур-халоватга эришишга, ҳиссий лаззатлар, ишрат, кайф-сафониинг барча турларига интилади.

Обрўпарастлар шаҳри. Бундай шаҳар аҳолиси ўзаро бир-бирларини мақташни, кўкка кўтаришни яхши кўрадilar. Уларни ўзга халқлар сўзда ҳам, ишда ҳам улуғлашларини истайдилар. Бир-бирларининг олдда ёки беговалар кўзига улуғвор, шон-шавкатли бўлиб кўришишни хоҳлайдилар. (Бутун дунёни босиб олишга интилан Румо (Рим) империяси пойтахти шундай шаҳар намунасидир — М. М.).

Амалпарастлар, ҳокимиятпарастлар шаҳри. Бундай шаҳар аҳолиси — барча халқлар уларга бўйсунишини, ўзлари ҳеч кимга бўйсунмаслигини хоҳлайдилар. Уларнинг фикру-зиқри валабалар, футухатлар нашидасини суришга қаратилгандир.

Шаҳватпарастлар шаҳри. Бундай шаҳар аҳолисининг ҳар бири эҳтирослари тизгинини жиловламай, исталганча шаҳват нафсларини, тубан майлларини қондиришига интилади.

Жаҳолатдаги шаҳарларнинг ҳокимлари ҳам худди шу шаҳарлар аҳолиси кабудур. Улар ўзи ҳукмронлик

қилган шаҳарларда юқорида санаб ўтилган шахсий истакларини тинимсиз қондиришга интиладилар.

Жаҳолатдаги шаҳарлар аҳолисининг машгулотлари ҳам юқорида айтилган мақсадларига хизмат қилади.

Беномуслар шаҳрининг одамлари фозиллар шаҳри одамларидай бахт-саодатни, ҳақ-таолони, у яратган ҳилқатларни, ақлни ва бошқа нарсаларни биладилар, ва уларга ишонадилар, аммо уларга амал қилмай, юқорида айтганимиз жаҳолатдаги шаҳарларнинг аҳолисига ўхшаб яшайдилар.

Беқарор шаҳар. Бундай шаҳар аҳолисининг назарий қарашлари ва амалий ишлари аввалроқ фозиллар шаҳри аҳолисининг қарашлари ва ишларига ўхшаш бўлган, аммо кейинчалик бу юртга бегона қоялар аста кириб олиб, унинг аҳолиси қарашларини бутунлай ўзгартириб юборган.

Адашган шаҳар аҳолисининг фикрича, бахт-саодатга фақат ўлгандан кейин етишиш мумкин. Аммо, бу шаҳар халқининг Аллоҳ-таоло аза ва жалла ҳақида, унинг яратган ҳилқатлари ва фаол ақлга доир фикр-мулоҳазалари, тасаввурлари шу қадар чалкашиб кетганки, бундай тасаввурлар ҳалол яшаш учун асос бўлолмайди, бу (чалкаш) тасаввурлар Аллоҳ яратган ҳилқатларнинг сувратларини ҳам аслини акс эттирмайди.

Бундай шаҳарнинг биринчи бошлиғи ўзини илоҳий нур соҳиби қилиб кўрсатади, аммо аслида бундай эмас; у ўзининг илоҳийлигини исботлаш учун алдов, рия, кибру-ҳаво билан иш тутади.

Бундай шаҳарларнинг ҳокимлари фозиллар шаҳри ҳокимларининг тескарисидир. Шаҳарни бошқариш усуллари ҳам мутлақо қарама-қаршидир. Бу фикр шу шаҳарлар аҳолисига ҳам тааллуқлидир. Фозила шаҳарларнинг бир-бирига издош бўлган имом-бошлиқлари ягона абадий бошлиқнинг ягона руҳини мужассам этадилар. Мабодо бир замонда кўпчилик шундай шаҳарларнинг ҳокимлари яшасалар улар ҳам биргаликда ягона абадий ҳукмдорни, уларнинг руҳлари эса ягона абадий ҳукмдор руҳини мужассам этадилар. Фозиллар шаҳри одамларидан баъзилари ҳамма учун муштарак — умумий бўлган билимларни ўрганиб иш юритадилар, баъзилари эса фақат муайян мавқедаги одамлар билиши зарур бўлган билимларни ўрганиш ва иш юритиш билан шуғулланадилар. Бу одамларнинг ҳар бири, шундай умумий ва хусусий билимлар ва фаолиятлар орқали саодатга эришадилар. Ҳар бир шахс бахт-саодатга элтувчи фаолият билан қанча узоқроқ ва аввалгидан янада яхшироқ шуғуллана-

верса унинг кўнгли, руҳий ҳолати ҳам шунга мувофиқ комилроқ, фозилроқ бўлиб боради. Гўё моҳир хаттот ҳуснихат билан узлуксиз шугулланаверганида дастхати тобора гўзаллашиб, бундан тобора ўзинилг ҳам завқи ошиб бораверганидек, камолот орқали, бахт-саодат топишга интилувчи зот ҳам қалби тобора покланиб, яхшиликлар қилганига ўзининг ҳам кўнгли ўсиб, завқи ошиб бораверади. Бундай зотнинг кўнгли — руҳи шу қадар юксалиб, гўзаллашиб, баркамоллашиб борадики, энди унинг руҳи моддий таянчларга ёки воситаларга боғлиқ бўлмай, тобора улардан овоз бўлиб боради ва охири моддий ҳолатининг вайронлиги ёки йўқолиши баркамол руҳ учун аҳамиятсиз бўлиб қолади.

Руҳ моддийликдан, ҳайулотдан ажралиб, бошқа бир вужуд шаклига ҳам кирмагач, у энди вужудда юз берувчи турли ҳолатлардан ҳам ҳоли бўлади. Энди бу руҳга нисбатан ҳаракат ёки сукуватда деган фикрларни айтиб бўлмайди. Энди бундай руҳга нисбатан вужудсиз (яъни, соф) руҳларга ишлатиладиган сифатларининггина қўллаш мумкин. Инсон ақлида моддий вужудларга нисбатан қўлланиладиган барча нарсаларни (ва ҳодисаларни — М. М.) энди вужуддан қутулган руҳга нисбатан қўлланиш мумкин эмас. Руҳнинг бундай ҳолатини англаш ва тасаввур қилиш мушкул ва гайричадир. (Озод бўлган руҳларнинг бир-биридан фарқи нимада?) Фарқ шундаки, мазкур руҳлар жисмда эканлигида, инсон вужудларининг мизожлари турличалиги туфайли руҳлар ҳам турлича бўлади. Вужудларнинг ҳолати ўзгариши билан руҳлар ҳам ўзгариши табиийдир. Жисмларнинг ўзгарувчанлиги чексиз бўлгани каби руҳларнинг ўзгарувчанлиги ҳам чексиздир.

30. РУҲЛАРНИНГ БИР-БИРИ БИЛАН ҚЎШИЛИШИ

Одамларнинг бир авлоди ўлиб кетгач, уларнинг жисмлари йўқ бўлиб кетадую, аммо уларнинг руҳлари вужуд (қафаси)дан қутулиб, саодатга эринадилар. Сўнг бошқалар уларнинг ўрнини эгаллаб, улар қилган ишларни қиладилар. Бу авлод одамлари ҳам дунёдан ўтгач, худди шундай йўл билан руҳлари аввалчиларнинг изидан бориб, қиёфалари (фёъл ва фазилатлари). қуввати ва сифати ўхшаш, яқин руҳлар билан қўшилишлари мумкин. Аммо, бир қанча ўхшаш руҳлар бир-бири билан қўшидганларида ҳар қанча кабир (улкан) бўлсалар ҳам (жисмсизлиги туфайли) маконда бир-бирини екиб чиқармайдилар. Чунки, улар ҳеч қачон маконни эгалламайдилар

ва руҳларининг қўшилувлари таналарининг қўшилувидай юз бермайди.

Ўзаро яқин (кўнгиляқин) руҳларнинг қанчали кўпчилиги бир-бири билан қўшилса, улар шунча кўп ҳузур-ҳаловатга эришадилар. (Кўнгиляқин руҳлар бу дунёда, тириклигида бир-бирига яқинлашганларида ҳам роҳат-фароғатга эришадилар — М. М.). Ҳар бир янги келган руҳ ўзига ўхшаш аввалги руҳ билан қўшилганида ҳузур-ҳаловат янада ортади. Шунингдек, кейин келган (ўхшаш) руҳлар қўшилганида аввалги руҳларнинг ҳузур-ҳаловати ҳам янада ортади. Чунки, ўз моҳияти (маъноси)ни топган аввалги руҳ кейин келган (ўхшаш руҳларнинг моҳиятларини қайта-қайта топишдан роҳат-фароғати яна ва яна ортаверади. Руҳларнинг сифатларининг бундай ўзаро қўшилиши оқибатида уларнинг (ақлий) қувватлари миқдор жиҳатидан ҳам тобора ортади. Бундай ҳолатни яна юқорида айтганимиз хаттотнинг узоқ машқ давомида нақшдаги маҳорати ортгани сари бу машғулотдан оладиган завқ-шавқи ҳам ортиб боришига ўхшатиш мумкин. Хаттот изчил равишда маҳорати ортганида ўзи ҳам баркамоллашиб борганидай руҳлар ҳам изчил равишда бир-бирига қўшилганларида (маънавий) кучлари ортиб, баркамоллашиб боради. Руҳларнинг бир-бирига чексиз қўшилавериш имкони бўлгани учун ҳар бир руҳнинг бошқалари билан чексиз қўшилаверишидан оладиган ҳузур-ҳаловати ҳам чексиз ортиб бораверади.

Биздан аввал (бу дунёдан) кетган авлодлар-аждодларимизнинг руҳларининг аҳволоти ҳам худди шундай-дир.

31. КАСБ-ҲУНАР ВА БАХТ ТУШУНЧАЛАРИ ҲАҚИДА

Бахтнинг турли даражаларининг бир-биридан афзаллиги уч хил аломатга қараб аниқланади. Биз кўйида кўриб чиқаётган ҳунар ва санъатларнинг бир-биридан афзаллиги ҳам худди шу аломатларга қараб аниқланади.

Ҳунар ва санъатлар қайси тур ва соҳаларга тааллуқли эканлигига кўра бир-биридан афзал кўринади. Масалан, бўз тўқиш, шойи тўқиш, атторлик, ҳовли супуриш, рақс санъати, фикҳ илми, табиблик ёки сўз санъати бир-биридан қанчалик афзал бўлса бахтга эришув даражалари ҳам шунга ўхшашдир.

Бундан ташқари бир турдаги санъат, ҳунар соҳиблари ҳам малака (миқдори) жиҳатидан фарқланиши мумкин. Масалан, бир хаттот ўз ҳунарининг кўпгина сирларини билиши, кенг билим эгаси бўлиши мумкин.

Бошқа бири ўз ҳуvari сирларини камроқ билиши мумкин. Мазкур ҳуvar (хаттотлик)ни яхши эгаллаш учун хаттот тили, сўз санъатини, ҳуснихатни ва ҳисоб-китоб, риёзиётни пухта билиши зарур. Шу ҳуvar эгаларидан бири масалан, ҳуснихатни ва риёзиётни яхши билади, бошқаси тили, сўз санъатини ва ҳуснихатнинг баъзи жиҳатларини яхши билади, учинчиси — мана шу илмларнинг ҳаммасида моҳир.

Хаттотларнинг сифат жиҳатидан бир-биридан афзаллиги шундаки, масалан, ҳуснихат санъатини эгаллаган икки хаттотдан бири (ўзи танлаган) шу соҳада кучлироқ, бири — кучсизроқ бўлиши мумкин. Бу, сифатдаги афзалликдир.

Бахтлилик даражасига эришувда ҳам инсонлар юқоридагига ўхшаш бир-бирдан афзалроқ бўлиши мумкин.

Бошқа шаҳарларнинг аҳолисига келсак, бу одамларнинг феъли ёмон бўлгани учун ҳуvarлари ҳам уларнинг кўнгли ёмонлигини тузатолмайди. Ёмон хаттот табиатан бадбахтлиги туфайли ёзуви ҳам тобора ҳунуклашиб бораверади, унинг ҳуvari, санъати тобора орқага кетаверади. Фазилатсиз шаҳарларнинг одамлари ёмон феъллари, табиатлари туфайли кўнгиллари — рухлари ҳам ёмонлашиб бораверади. Мабодо улар ала шу ёмон ишларида изчил сабъ-ҳаракат, тобора куч-ғайрат кўрсатса уларнинг рухлари янада кўпроқ ёмонлашади ва охири майиб-мажрух бўлиб қолади. Шу туфайли улар ўзларига ёқадиган ёмон ишлардан ҳузур-ҳаловат оладилар. Вужуди, жисми касал бўлган одам (масалан, безгак тутаётган киши) миждози бузилганидан, ўзига ёқмайдиган таомларни ейишдан ҳузур қилади ва табиатан меъдасига ёқадиган таомлар унга ёқимсиз кўринади; руҳан касал одамлар ҳам ёмон истаклари ва одатлари туфайли бузилган тасаввурларига қараб, ёмон, (аҳлоқсиз) феъл-ҳаракатлардан ҳузурланадилар ва гўзал қилиқларни, ишларни ёқтирмайдилар ёки умуман гўзаллигини тасаввур қилолмайдилар. Вужуди касал одамлар ўз касаллигини билмасдан ўзларини соппа-соғ деб ўйлаб, табибнинг маслаҳатларини олмагани каби руҳан касал одамлар ҳам ўзларини соппа-соғ (ва фазилатли) деб ўйлаб, раҳбари, муаллими ёки устозининг пасиҳатларига қулоқ солмайдилар.

33. ФОЗИЛЛАР ШАҲРИ АҲОЛИСИНING УМУМИЙ ФИКРЛАРИ

Фозиллар шаҳрининг барча аҳолиси учун умумий бўлган хусусиятлар қуйидагилардир. Биринчидан, улар аслий сабабини ва унинг барча сифатларини билиши за-

рур. Сўнг моддийликдан ташқарида мавжуд нарсаларни ва уларнинг сифатларини, шунингдек, уларнинг фаол ақлга қадар бўлган даражаларини ҳамда улардан ҳар бирининг сифатларини билиши зарур. Сўнг улар самовий хилқатларни ва улардан ҳар бирининг сифатларини, сўнг шу хилқатлардан пастдаги табиий жисмларни, шунингдек, уларнинг қандай вужудга келиши ва йўқолиши ҳамда уларда юз бераётган барча ҳодисаларнинг мукамаллиги, яхлитлиги, мурувват, адолат билан, оқилона эканлигини, бу ҳодисаларда ҳеч бир нуқсон, ҳеч бир адолатсизлик йўқлигини билишлари зарур. Фозил одамлар яна одамзод қандай яралганини (унинг жисмига кирган) руҳнинг хусусиятларини, фаол ақл унинг руҳини қандай қилиб нурлантирганини, шу туфайли инсонда дастлабки тушунчалар пайдо бўлганлигини, у Оллоҳнинг вродасига бўйсуниб ва нималарда эркинлигини билишлари зарур. Фозил одамлар яна шаҳар (давлатнинг) биринчи раҳбари у ёки бу вақт мобайнида йўқ бўлиб қолганида (бирор ёққа кетганида), касаллигида ва ҳоказо), унинг ўрнини боса оладиган раҳбарларни билиш зарур. Фозиллар шаҳри, унинг аҳолиси, уларнинг диллари эришадиган бахт-саодат нима эканлигини билишлари зарур. Улар яна фазилатсиз шаҳарлар ва уларнинг аҳолиси ўлганидан сўнг руҳлари охиратда не кечишини, баъзилари бахтсизлик, фалокатга учраб, баъзилари йўқ бўлиб кетишини, фозиллар шаҳри аҳолиси охиратда неларга эришувини, нелардан дақланишини билишлари зарур.

Шуларнинг ҳаммасини икки йўл билан билиб олиш мумкин: Биринчидан, юқоридаги ҳодисалар аслида қандай мавжуд бўлса, инсон қалбига кўнглига ўшандай ўрнашиб қолса, бошқаларнинг кўнглида (ўшандай ўрнашиб қолса, бу билимлар қиёс ёхуд тақлид асосида вужудга келади. Баъзи одамлар ўша нарсаларни ўзлари ҳис этиш туфайли кўнгулларида шу билимлар вужудга келади.

Фозиллар шаҳридаги донишмандлар бу нарсаларни исботлаш йўли билан ёки дил сезгиси билан билиб оладилар. Донишмандларга ишониб, ихлос қўйиб, уларга эргашувчи одамлар ўша нарсаларни донишмандлар билгандай билиб оладилар. Баъзилар эса бу нарсаларни бошқаларнинг тасаввурларича тақлид орқали биладилар. Бундай одамлар табиатан ёки одатларига кўра руҳий билимларни аслида қандай мавжуд бўлса, шундай тушуниш қобилиятига эга эмаслар. Мана шу икки хил тасаввурлар ҳам билим манбаидирлар, аммо донишмандларнинг билимлари, албатта энг яхши билимлардур. Нарса-

ходисаларни бировларнинг тасаввурлари орқали тақлидан билувчи одамлар ҳам турлича даражада биладилар.

Шулардан баъзиларининг нарса, ҳодиса ҳақидаги билимлари ўша нарса ёки ҳодисанинг ўзига ўхшаш ёки яқин бўлади. Бошқа баъзиларининг билимлари ўша нарса-ҳодисадан узоқроқ бўлади. Яна баъзиларининг билимлари ўша нарса-ҳодисадан яна узоқроқ, баъзилариники ўша нарсадан (ёки ҳодиса ёхуд сифатидан) жуда узоқ, яна баъзиларининг билими нарса-ҳодиса (ё сифат)дан бениҳоя узоқ бўлади.

Ҳар бир халқнинг, ёки ҳар бир шаҳар аҳолисининг нарса-ҳодисаларга доир тасаввурлари ўзларига таниш тасаввурлардир. Айрим халқларнинг муайян ҳилқат ҳақидаги энг машҳур (кенг тарқалган) тасаввурларда ҳам озми-кўпми тафовут, фарқлар бор. Чунки, ҳар бир халқ ўша нарса, ҳодисани ўзича англаб, ўзи аке эттиради. Шу туйғайли фазилатли шаҳарларнинг турли халқлари ягона (ҳақ-таолонинг)га ишониб, ягона саодатга ва ягона мақсадга (масалан, охиратда жаннатга муносиб бўлишга) интилсаларда, уларнинг динлари турлича бўлиши мумкин.

Мана шун (турли халқлар учун умумий) ҳилқатлар тегишли далиллар билан билиб олинган, бу ҳилқатлар ҳақида ҳеч қандай баҳсларга, сохта допиликка асосланган баҳсларга ҳам, нарсанинг асл табиатини тушунмай у ҳақда сохта тушунчага эга бўлишдан келиб чиқувчи баҳсларга ҳам ўриш қолмайди.

Ана шу нарсалар ҳақида тақлидий тасаввур ҳосил қилинганида эса баҳсли ўринлар учрайди. Баъзи тақлидий тасаввурларда озроқ бошқаларида кўпроқ баҳсли ўринлар учраши мумкин. Ва ана шу баҳсли, мупозарали ўринларнинг баъзилари ошқора айтилиши, баъзилари яширин қолдирилиши мумкин.

Нарса, ҳодисаларни тақлидий тасаввурлар воситасида ўрганувчи одамлар орасидан баҳсли ўринларни пайқаб, шу ҳақда ўйлайдиганлар ҳам турличадир. Бундай одамлар ҳам бир неча топфага бўлинадилар.

Раҳбарга, (йўлбошчига, устозга) муҳтожлар. Шундай (устозга муҳтож) кишилардан баъзилари бирор нарса, ҳодиса ҳақида тасаввурларнинг (баҳсли ёки) сохта эканлигини билиб қолса, бошқа ҳақиқатга яқинроқ тасаввур даражасига кўтариладилар ва улар учун шу масалада баҳсли ўриш қолмайди. Агар у мапа шу (кейинги) тасаввур билан қаноатланса шу тасаввурда қолаверади. Аммо (қаноатланмаса) у ҳар гал кейинги тасаввурда ҳам нуқсонлар борлигини сезиб қолса, у янада юқорироқ

босқичга кўтарилади. Мабодо унга барча (кейинги) тасаввурлари ҳам ёлгон кўрина бошласа, у ҳақиқатга етишишга яқинлашади.

Жаҳолатдаги шаҳарлар, (аҳолисини) мақсадларини кўзлайдиган (обрў-иззатга, мол-дупёга, бойликдан роҳатланишга интиладиган) одамлар эса алоҳида тоифадир. Бундай одамлар фозиллар шахрида ҳалиги мақсадлар билан яшаш таъқиқланганини кўриб, у ердаги (адолатли) қонунларни бузишга, ҳақиқатга алоқадор парсалардан узоқлашишга, (бу қонун-қондалар, тасаввурларни) бузуб акс эттиришга уринадилар. Улар бунга икки йўл билан эришадилар: У юқорида айтилган бахсли ўринларни ўзларича тахмин қиладилар, иккинчидан, сохта донолик ва алдов йўлига ўтадилар. Улар жаҳолатли ва тубан мақсадларига эришувига ҳеч ким тўсқинлик қилмаслиги учун шундай йўлдан борадилар. Бундай одамларни фазилатли шаҳарлар жамоасига қабул қилмаслик керак.

Яна бир тоифа одамлар ҳам борки, улар тафаккури заифлиги туфайли ҳақиқатдан чалғиб кетадилар ва тасаввурларидан қай бири тўғрию, қай бири ёлгон, ажратолмай қоладилар. Улар ҳеч баҳс талаб қилмайдиган ҳақиқий тасаввурни ҳам ёлгон деб ўйлайдилар. Улар ҳақиқатни англаш учун яқинроқ борганларида зеҳни заифлиги туфайли чалғиб кетадилар ва ҳақиқатни аслидан бошқача тушуниб, ёлгонни ўзларича ҳақиқат деб ўйлайдилар. Мабодо уларга тасаввурлари ёлгон туйнлса, улар ўзларининг тасаввурлари ёлгон эканлиги билмай асл ҳақиқатни ёлгон деб ўйлайдилар. Оқибатда бу одамлар «умуман ҳақиқат йўқ, ҳақиқатга етишдим деганлар ўз-ўзини алдовчилардир, одамларни ҳақиқат йўлидан бошламоқчи бўлган ёлгончи, каззоблар, улар бундай каттароқ мансабга ёки бойликка эришиш мақсадида шундай сўзларни айтмоқдалар» деб ўйлайдилар. Пировард натижада бу тоифа одамларнинг баъзилари ганғиб қоладилар, бошқалари нарса ва ходисаларни олисдан кўрувчи ёки тушида (ғира-шира) кўрувчи одамга ўхшаб, ҳақиқат бор-ку ammo, уни билишга одамзоднинг ақли етмайди, деб ўйлайдилар. Бундай одамлар ўзлари билган парсаларни ҳам бузиб талқин этишга интилиб, эришган парсаларини ҳақиқат эмас, балки бузиб талқин қилганларини ҳақиқат деб ўйлайдилар.

34. ЖАҲОЛАТДАГИ ВА АДАШГАН ШАҲАРЛАР АҲЛЛАРИНИНГ ФИКРЛАШ УСУЛЛАРИ

Аҳолиларининг диний эътиқодлари хурофий, хато дунёқарашларга асосланган шаҳарларни жаҳолатдаги ёки адашган шаҳарлар деймиз.

Уларнинг баъзилари бундай фикрлашади: баъзи мавжудотлар бир-бирига қаршидир ва бир-бирларини йўқ қилишга интиладилар. Мазкур мавжудотларнинг ҳар бири яшаш шароитида шундай қувваи махфузга эгаки, шу нарса воситасида у қарама-қарши мавжудотдан ўзини ҳимоя қилади ва ўз зотини йўқолиб кетишдан асраб қолади. У, яшаш шароитида яна шундай қувватга эгаки, шу нарса воситасида у ўзига қарши нарсани йўқотиб, ўрнида ўзига ўхшаш мавжудотни пайдо қилади. Ва ниҳоят, унга шундай бир қобилият бериладики, шунинг ёрдамида у турли нарсалардан фойдаланиб, яшаш учун доимий яхши шароит вужудга келтиришга интилади.

Мазкур мавжудотларнинг кўпчилиги ўзларига ато этилган қобилият туфайли қарши иш кўрувчи (туғдирган машаққатларни) енгиб ўта оладилар. Шу тарзда оламдаги ҳар бир мавжудот ўзига қарши ва умуман бошқа мавжудотларни йўқотиб, ўз яшаш шароитини яхшилашга интилади. Бизга шундай кўринадики, оламдаги барча мавжудотлар фақат ўз яшаш шароитларини яхшилаш учун, ўзига фойда келтирмай зарар келтирадиган бошқа барча мавжудотларни йўқотиш учун, фақат ўзининг яхшироқ яшашини таъминлаш учун дунёга келган. Биз ҳаётда жуда кўп ҳайвонларга ташланиб, ўзларига тузукроқ фойда чиқмаса ҳам уларга зарар етказиш ва йўқ қилиш учун ҳамла қиладиган жуда кўп ҳайвонларни кўрамыз. Гўё уларнинг ҳар бири дунёда фақат ўзи яшаш учун, бошқа мавжудотларнинг яшашини унга зарар келтирадигандай, шу ҳайвон борлигининг ўзи учун зарардай, табиат бошқаларни йўқ қилишга интилувчи ҳайвонларни учратамыз. Мабодо, бирор мавжудот бошқа мавжудотларни йўқ қилишни кўзламаганида ҳам, ўз фойдаси учун уларни қийнаб ишлатишга интилади. Баъзи навъдаги мавжудотлар бошқа навъдаги мавжудотлар билан худди шундай муносабатдадирлар. Ҳатто бир навъдаги мавжудотлар ўзаро ҳам шундай муносабатдадирлар. Бу мавжудотлар шундай яралганки, доимо бир-бирига қарши курашиб, бир-бирларига душманлик қиладилар. Энг кучлилари бошқаларига нисбатан мукамалроқ тузилган бўлади. Ҳолиб келганлар ҳам бир-бирини йўқотишга уринадилар, гўё бошқа мавжудотлар номукамалдай, уларнинг борлиги буларга зарар келтирадигандай, ёхуд бошқалар уларга фақат (қулдай) хизмат қилиш учун яралгандай, барчаси бир-бирини эзиб ишлатишга интилади.

Мана шу ходисаларда ҳеч бир тартиб, изчиллик йўқ, деб ўйлашди; мавжудотларнинг (шу феъл-атворларида) турли даражалари йўқ деб ўйлайдилар: бу мавжудотларнинг турли хусусиятлари уларнинг ўз феъл-атворидан келиб чиқмасдан, тартибсиз юзага чиқаверади, деб ўйлайдилар. Биз кузатган маълум мавжудотларда ҳам шу ва шунга ўхшаш ходисаларни кўрамиз.

Баъзиларнинг ўйлашича, мавжудотларнинг тугма феъл-атвори шундай. Бу мавжудотлар ўзларининг ақлсиз ёхуд ақлли ҳайвонларга ўхшаш табиатларига кўра, ўз билганларича, эркин ҳолда ҳаракат қиладилар. Шундайларнинг фикрича (табиатан) шаҳарлар бир бирига қарши курашишлари, ўзаро душманлик қилишлари зарур. Уларнинг (фазилатлик) даражалари йўқ, бирлари бошқаларидан ҳурматга сазоворроқ эмаслар, уларнинг ҳатти-ҳаракатларида изчиллик, тартиб йўқ, деб ўйлайдилар. Улар ҳар бир одам ўзидаги барча ноз-неъматлардан ўзи фойдаланиши, шахсий манфаати учун бошқаларга қарши курашиши керак, энг бахтли одам шу курашда душманларни енгиб чиққан одамдир, деб ўйлайдилар.

Мана шу (сабаб)ларнинг ҳаммаси туфайли кўпчилик шаҳарларда жаҳолатдаги шаҳарлар эҳолисининг қарашларига хос фикр-АҚИДАлар келиб чиқади. Баъзилар, одамлар ўртасида табиий ёки ихтиёрий боғланишлар йўқ, ҳар бири одам ўз манфаати учун бошқаларнинг манфаатига зарар етказиши, бири бошқасига бегона бўлиши зарур, мабодо улар бирлашсалар ҳам зарурат, мажбурият туфайли бирлашадилар, ўзаро муросага келишсалар ҳам фақат бири голиб чиқиб, бошқаларни мағлуб бўлганида келишадилар, деб ўйлайдилар. Бунда улар ташқаридан таъсир этувчи бир куч тазиқида ўзаро келишувга мажбур бўладилар, агар ана шу куч йўқолса келишув ҳам йўқолади, яна бегоналашув пайдо бўлади ва улар тарқалиб кетадилар. Инсониятга хос ҳайвоний ақидалардан бири мана шу ақидадир.

Бошқа баъзилар эса, одамлар айрим ҳолда яшаганларида ёрдамчилар ва хизматчиларсиз ўзларининг ҳаётий эҳтиёжларини қондиролмагани учун, шуларнинг ғамхўрлигисиз яшай олмаганлари учун бирлашиб яшаш фойдалидир, деб ўйлайдилар.

Баъзилар фикрича, бундай бирлашув мажбурлаш, зўрлик билан амалга ошади, ёрдамчиларга эҳтиёжи бор одам бошқа одамларнинг бир гуруҳини ўзига бўйсундиради ва ўша гуруҳни ўзи учун ишлатади. Ўша одам худди шу гуруҳ ёрдамида бошқа гуруҳларни ҳам ўзига бўйсундиради. Бу ҳолда ёрдамчи унга тенг эмас, балки го-

либ олдидаги мағлуб ҳолатидадир. Чунончи, ким жисман ва қуролиари билан бошқалардан кучли бўлса ўша бошқа бир одамни ўзига бўйсундиради ва унинг ёрдамида яна бошқа одамни ёки бир гуруҳни бўйсундиради ва шулар ёрдамида яна бошқа гуруҳларни бўйсундиради. Оқибатда ана шу одамда муайян миқдордаги ёрдамчилар пайдо бўлади ва улар турли мавқеларга эга бўладилар. Ўша одам ўзига етарли миқдорда ёрдамчиларини тўплаб олгач, уларни ўз хоҳиш-истакларининг қуролига айлантиради.

Бошқа баъзилар ўйлашича, одамлар орасида муайян боғланиш меҳр-оқибат ва келишув бор, аммо улар бу боғланиш, келишув замирида нималар ётишини турлича тушунадилар. Баъзилар инсонлар умумийлиги (жамоа бўлиб яшаши)нинг сабаби уларнинг бир аجدоддан тарқалганида деб билишади. Яъни, бир аجدодга мансуб (кўпчилик) одамларнинг биргалашиб, ўзаро келишиб, бир-бирига ёрдамлашиб яшашларидан мақсад, шу йўл билан бошқа аجدод вакиллариини енгиш учун ва улардан енгилмаслик учундур. Одамлар (турли аجدодлардан) келиб чиқишлари туфайли бир-бирлари низолашадилар ва ёвлашадилар. (Қариндош-уруғлар учун) умумий бўлган аجدод-бобокалонларига кимки яқинроқ турса алоқалари кучлироқ, шажара атрофидаги шох-бутоқларга тааллуқли авлодларнинг алоқалари кучсизроқ бўладилар. Энг узоқлари эса яқинлиги йўқолиб борди-келди ўрнига ўзаро адоватлашиб яшашлари мумкин. Ташқи зарурат туғилганида, масалан тасодифий фалокат келиб қолганида ёв ҳужум қилганида улар ёвга қарши курашишлари ўзларини ҳимоя қилишлари учун катта гуруҳларга бирлашадилар.

Баъзилар ўйлашича, одамларнинг ўзаро боғлиқлиги замирида қабила, уруғлик муносабатлари ётади, бир қабиланинг эркаклари бошқа қабиланинг қизларига уйланадилар, париги қабиланинг эркаклари эса бу қабиланинг қизларига уйланадилар — демак, қариндош-уруғчилик вужудга келади. Баъзилар ўйлашича яна энг биринчи ҳукмдор ўзига бўйсунган (қабила ва уруғ)ларни бирлаштиради ва шу билан ғалабага эришиб, жаҳолатдаги шаҳарлар ёқтирадиган бирор бахт-саодат (масалан, моддий бойликлар)ни қўлга киритади.

Айримлар ўйлашича, одамларнинг ўзаро боғланишлари бирор қасам, битим ва ўзаро иттифоққа асосланади. Бунда ҳар бир шахс (шу иттифоқдаги, битимдаги) бошқа одамларга қарши чиқмасликни, уларни ташлаб кет-

масликни, енгилмасликни ва галаба қозониш учун бир-галликда жанг қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Яна баъзилар ўйлашича, одамлар ўртасидаги боғланиш робиталари шу одамларнинг хулқ-атвори, табиати, феъли ва тилининг умумийлигига асосланади. Ҳар бир халқ ўзига хос мана шундай хусусиятларга эга. Шу туфайли ҳар бир халқ вакиллари бошқа халқ вакилларига аралашиб, қўшилиб кетмаслиги керак. Чунки, турли халқлар худди ана шу хусусиятлари билан фарқланиб туради.

Бошқалар ўйлашича, одамларнинг ўзаро боғлиқлиги уйлари, умуман яшаш жойларининг умумийлигига асосланади. Ҳар уйдаги одамлар ўзаро яқин алоқаларда бўладилар, яна улар бир кўчада яна бир маҳаллада яшайдилар. Шу туфайли одам аввало қўшниси билан яқин бўлади. Яна у худди шу қўшниси билан бир кўчада, бир маҳаллада, бир шаҳарда ва ниҳоят шу шаҳарни ихтиво этган бир юртда яшайди.





ИЛМЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ТЎҒРИСИДА (ИХСО АЛ-УЛУМ)

ФАЛСАФИЙ ИЛМЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРГАН САБАБЛАР, БУ ИЛМЛАРНИНГ ТАРТИБИ ВА УЛАРНИ ЎРГАНИШ ТЎҒРИСИДА

І БОБ

Билки, (оламда) субстанция (жавҳар) ва акциденция (жавҳар бўлмаган, ораз) ҳамда субстанция, акциденцияни яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир.

Акциденцияни беш сезги ҳис этади, улар ўртасида ҳеч қандай восита йўқдир, масалан, кўриш ўзича рангни ҳис этади, шу билан у оқ ва қорани бир-биридан фарқ қилади; эшитиш ўзича баланц ҳамда наст овозларнинг фарқини сезади; таъм-маза сезгиси турли таъмларни қабул қилади, ширин ва ачиқ таъмларнинг фарқини ажратади; тери сезгиси предметларнинг ҳолатини сезади ва уларнинг юмшоқ ёки қаттиқлик ҳолатини фарқ қила олади.

Субстанцияни фақат ақл қабул қилади ва бунда акциденция ақл учун воситачи бўлиб хизмат қилади. Ақл ранглар остида шу ранга эга бўлган нарса борлигини, овоз кетида овози келаётган нарса мавжудлигини билади, ақлнинг бошқа сезгилар билан муносабати ҳам шунинг кабилдир.

Сўнг мен субстанция ва акциденциядан қандай қилиб илмларнинг келиб чиққанлиги ва қандай қилиб улар мустақил равишда мавжуд эканликларини исботлашга ўтаман.

(1) Сонлар тўғрисида илмни келтириб чиқарган сабабларни билиш ҳақида сўз.

Мен тасдиқлайманки, бирликлардан вужудга келувчи сапоқсиз ва жуда кўп миқдорни ташкил қилувчи сон субстанциянинг турли усуллар билан қисмларга ажралishi ва унинг турли бўлаклардан иборатлиги натижа-сида келиб чиққандир. Субстанция ўз табиати жиҳатидан чексиз даражада бўлакларга ажралиб кета олишлиги

сабабли, сон ҳам ўз табиаи жиҳатидан чексиздир. Сон тўғрисидаги илм — бу субстанция бўлаklarини бир-бирига кўпайтириш, бирини иккинчисига бўлиш, бирини иккинчисига қўшиш, бирини иккинчисидан айириш, агарда бу бўлаklarнинг негизи бўлса, негизини топишга ва уларнинг мувозанатини аниқлашга қаратилган илмдир. Соннинг қандай келиб чиққанлиги, унинг вужудга келиши ва кўпайиши уш мустақил мавжудлик даражасига олиб келган, имкониятдан воқеликка ҳамда йўқликдан борлиққа айлантирган сабаб нимадан иборат эканлиги юқорида айтилганлардан аниқ кўришиб турибди. Бу илмни юнон донишмандлари арифметика деб атайдилар.

(2) Ўлчаш тўғрисидаги илмни келтириб чиқарган сабабларни билиш ҳақида сўз.

Мен тасдиқлаб айтаманки, субстанция, юқорида айтганимиздек, кўп бўлаklarга ажрала бошлагандан сўнг, бу бўлаklarнинг ҳар бирига маълум фигура (қиёфа) шаклини берди ва маълум тартибда жойлаштира бошлади.

Шундай қилиб, доиралар, уч бурчаклар, тўрт бурчаклар, беш бурчаклар вужудга келди, шу йўсинда фигуралар бўлинган субстанция бўлаklари асосида вужудга келган сонларнинг тартибига биноан чексиз равишда кўпая борди. Шундай қилиб, бу бўлаklarни ўзида бириктирган фигураларни била оладиган илмга муҳтожлик туғилди. Бу илм туфайли биз фигураларни солиштириб кўриб, уларнинг умумий ўлчовларини тона оламиз; бу илм туфайли бирор фигуранинг бошқасига ўхшашлигини аниқлаймиз; бу илм туфайли қайси фигура қайсисининг ичига киришлиги ва қайсисини ўз ичига олишлиги ҳамда фигуранинг, шунингдек, бошқа хоссаларини била оламиз. Бу илм ўлчов илмидир. Демак, ўлчовчи илм — бу шундай илми, унинг ёрдамида биз ўлчовни биламиз ва чизиқларни, жисмлар юзасини ва жисмларни ўзаро таққослаб кўра оламиз. Бу илм юнонча геометрия дейилади. Шундай қилиб, ўлчов тўғрисидаги илмнинг қандай қилиб келиб чиққанлиги, унинг қаердан вужудга келгани, уш имкониятдан воқеликка, йўқликдан борлиққа айлантирган сабабларнинг нимадан иборат эканлиги юқоридагилардан маълумдир.

(3) Юлдузлар ҳақидаги илмни келтириб чиқарган сабабларни билиш ҳақида сўз.

Мен тасдиқлайманки, субстанция ўз табиати билан ҳаракатладир ва бу ҳаракат уч турга бўлинади, хусусан тез ҳаракат, секин ҳаракат ва ўртача ҳаракат. Бундан субстанция ҳаракатларини ва бу ҳаракатларни солишти-

рувчи ўлчовни билишга қаратилган илмга эҳтиёж туғилди: бу осмон ҳаракати тўғрисидаги илмдир. Бу илм тўғрисида биз планеталарнинг йўлини, ўз осмонларида рўпара туришларини, уларнинг ҳаракати, чеклинишлари ва тўхташларини билиб оламиз. Лекин биз буларни олдинги икки илм — арифметика ва геометрия ёрдамидагина била оламиз, бу илмларсиз бундай билимга эришиш қийингина эмас, балки мумкин ҳам эмасдир. Юношлар бундай илмни астрономия деб юритадилар.

(4) Мусиқа илмини келтириб чиқарган сабабларни билиш ҳақида сўз.

Мен тасдиқлайманки, субстанция ҳаракатга эга бўлгандан сўнг овозга ҳам эга бўлди ва бу овоз уч турга бўлинади, хусусан, баланд, паст ва ўртанча. Бундай овозлар ҳақида бизга номаълум бўлган нарса қолмаслик даражада баланд, паст ва ўртанча овозларни билишга қаратилган илмга эҳтиёж туғилди. Бу овозлар тўғрисидаги илмдир.

Бу илм шу маънода фойдалики, у ўз мувозанатини йўқотган (одамлар) хулқини тартибга келтиради, мукамалликка етмаган хулқни мукамал қилади ва мувозанатда бўлган (одамлар) хулқининг мувозанатини сақлаб туради. Бу илм тананинг саломатлиги учун ҳам фойдалидир, чунки тана касал бўлса, руҳ ҳам сўлади, тана тўсиққа учраса, руҳ ҳам тўсиққа учрайди. Шунинг учун овозларнинг таъсири билан руҳни соғайтириш ёрдамида тана соғайтирилади, руҳ эса ўз кучларининг тартибга солиниши ва ўз субстанциясига мослаштирилиши орқали соғаяди. Бу илмнинг уч асоси бордир: банд, мелодия (оҳанг) ҳамда куй ва бошқа аъзолар ҳаракати. Банд ақлий тушунчаларни маълум тартиб-теңгликка келтириш учун кашф қилинган, мелодия паст ва юқори овозларни маълум тартиб-теңгликка солиш учун кашф этилгандир, бу ҳар икки асос эшитиш сезгисига бўйсунди. Қўл ва (баданнинг) бошқа аъзолари ҳаракати кўриш сезгисига бўйсунган; улар шундай ва ўзаро таққослаб кўриш лозим бўлган шунга ўхшаш ҳаракатларни банд ва овоз билан мослаштириб туриш учун яратилгандир. Қўл ва (бадан) аъзоларининг ҳаракати ҳақидаги илм бу икки муҳим сезгига, яъни эшитиш ва кўришга бўйсунди. Шундай қилиб, мусиқа илмининг қаердан ва қандай қилиб келиб чиққанлиги аниқланади.

Бу билан педагогик, яъни тарбияловчи илмлар деб аталувчи илмлар тугайди. Юқорида (кўрсатилиб ўтилган) тўрт илм шунинг учун ҳам тарбияловчи илмлар деб аталдики, улар бу илмларни ўрганувчини тарбиялайди, уни

янада нафис қилади ва унга сўнгги илмларни ўрганишнинг йўл-йўриқларини кўрсатади.

(5) Табиатшунослик илмини келтириб чиқарган сабабни билиш ҳақида сўз.

Мен айтаманки, субстанция баъзан қизаради, баъзан оқаради, баъзан узаяди, баъзан қисқаради, баъзан кўпаяди, баъзан камаяди, баъзан туғилади (баъзан ўлади), баъзан касал бўлади, баъзан соғаяди — шундай экан (субстанциянинг) бу ўзгаришларини кўрсатиб бера оладиган илмга эҳтиёж туғилади. Бу илм бизга бундай ўзгаришларни, уларнинг қандайлигини, омиллари ва сабабларини кўрсатиб беради. Бу илм ёрдамида биз агарда истасак зарарли натижаларнинг олдини оламиз ёки зарарли натижаларни кучайтира оламиз. Бу илм табиат тўғрисидаги, яъни ҳаракат ва ўзгаришлар тўғрисидаги илmdir.

Унинг келиб чиқишини қидирадиган бўлсак, биз тўрт унсур, хусусан — олов, ҳаво, сув ва тупроқ мавжудлигини аниқлаймиз. (Бу тўрт стихия) оё доираси остидаги субстанциянинг массасини ташкил қилади; уларнинг сифатлари тўртта, хусусан — ғисқ, совуқ, намлик ва қуруқлик — булар субстанциянинг акциденциясини вужудга келтириб, ҳаракат ва ўзгаришни келтириб чиқаради (яъни ҳаракат ва ўзгаришда бўлади).

Бу тўрт негиздан олдинги тўрт педагогик (тарбиявий) илмлар билан бир қаторда оё остидаги дунёга оид бўлган илм вужудга келди.

Илк донишмандларнинг кўрсатишларича, бу илм саккиз қисмдан иборатдир: булар прогностика (яъни об-ҳаво илми), медицина, физикадан келиб чиқувчи пнгрмантия, образлар ҳақидаги илм, агрикультаура, навигация, нарсаларнинг бирини иккинчисига айлантириш тўғрисидаги илм бўлган алхимия ва ойналар тўғрисидаги илм.

Табиат тўғрисидаги бу илм педагогик илмларга исибатан бой ва кенгдир. Бу илм энг кенг илм бўлиб, ўзидан олдин келувчи илмларга муҳтождир. Ўз фазилатлари ва ўрганиш тартиби жиҳатидан, хусусан, прогностика ва медицинани алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Олдинги илмларни эгалламай туриб, ҳеч ким бу илмларга ёндоша ололмайди ва уларни тўлиқ ўргана олмайди.

Оё ости дунёдаги мутлақ субстанциянинг барча акциденцияларини билиш ҳамда кўпайиш ва камайиш асосида шакллари ўзгарувчан субстанция массасини тўлиқ билиш (табиат тўғрисидаги) бу илм билан тугайди.

Энди олий субстанциянинг массаси тўғрисидаги илм

қолди, холос, чунки унинг (яъни олий субстанциянинг) жойлашуви ва акциденцияларини юқорида кўрсатилган илмлар ўрганади: олий субстанция деганда, мен табиий ҳаракат билан ҳаракатланувчи ва айланувчи сферани тушунаманки, бу сфера марҳаматли худонинг қудрати, дополиги ва продасига кўра бу дунёнинг тузилишига ёрдам беради.

Табиат тўғрисидаги илмнинг қандай ва қаердан келиб чиққанлиги юқоридагилардан маълумдир.

(6) Худоши билиш тўғрисидаги илм бўлмиш илоҳиётни келтириб чиқарган сабабни билиш ҳақда сўз.

Мен тасдиқлаб айтаманки, биз юқорида эслаб ўтган ва моҳиятини кўриб ўтган олий субстанция бизни унинг массаси ва унинг ўзини ўрганишга олиб келади. Шундай қилиб, осмон субстанцияси ва унинг ичидаги субстанциялар, хусусан, юлдузлар, уларнинг жойлашувидаги тафовутлар ва тенгсизлик ўлчовлари ҳақидаги илм вужудга келди. Табиат ҳақидаги илм шу йўсинда келиб чиқди.

Шундан сўнг, бу субстанциянинг ижодчисл борми ёки уни ижодчисиз ҳам тасаввур этиш мумкинми, у абадийми деган масалаларга ҳамда муҳокама юритишда машқ қилмаган, илмларни ўрганмаган, табиат ҳақидаги илми ҳам, мантиқий асослашни ҳам билмайдиган одамлар тасдиқлаганидек, бу субстанциядан олдин ҳам, сўнг ҳам ҳақиқатда ҳеч нима йўқми, унинг боши ҳам, охири ҳам йўқми деган масалаларга ўтамиз. Бу масалаларни ўрганиш худони билишнинг ҳамма (худо) томонидан субстанция ва акциденциянинг яратилганлигига иқроф бўлишнинг сабаби бўлади. Бундан худо мавжудотига олиб келувчи ва уни билишга ундовчи фикр келиб чиқади, чунки у бордир. Бу илм табиатдан юқори турган илм — метафизика ёки илоҳият илми деб юритилади. Бу илм барча илмларнинг якуни ва охиридир. Ундан сўнг бирор нарсани текширишнинг зарурияти қолмайди, бу ҳар қандай тадқиқотнинг мақсадидирки, бундай тадқиқот осойишталик ҳолатига келади.

Юқоридагилардан илоҳиёт илмининг қандай вужудга келганлиги ва келиб чиққанлиги маълум бўлади. Шунингдек, ундан олдин келувчи бошқа илмларнинг ҳам қаердан келиб чиққанлиги маълумдир. Маълумки, улар сезгилар орқали қабул қилинувчи ва ақл орқали охиригача билинувчи субстанция ва у билан бирга бўлувчи акциденцияларининг жойлашуви муносабати билан вужудга келгандир.

Юқорида айтганларимизнинг ҳаммасини, фикрни қандай ифодалаш, қандай таълим бериш ва қандай таълим олиш (масалаларидан) мавҳумлашган ҳолда умумий муҳокама ёрдамида топдик. Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш (масаласи)га келганимизда, бу ҳақдаги илмларнинг энг биринчиси, жисмларга, яъни субстанция ва акциденцияларга исм берувчи тил ҳақидаги илмдир деб тасдиқлайман.

Иккинчи илм грамматикадир: у жисмларга берилган исм (ном)ларни қандай тартибга солишни ҳамда субстанция ва акциденциянинг жойлашишини ва бундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи ҳикматли сўзларни ва нутқни қандай тузишни ўргатади.

Учинчи илм логикадир: у маълум хулосалар келтириб чиқариш учун логик фигураларга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади, бу хулосалар ёрдамида биз билинмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима тўғри ва нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз.

Тўртинчи илм шеърият илми (поэтика)дир: у нутқларни (яъни сўзларни) фазилат ва изчиллигига қараб қандай тартибда жойлаштиришни, яъни (сўзларни) муносиблиги ва туроғига қараб, масалан, тўрттадан, олтитадан ёки саккизтадан жойлаштиришни ўргатади. Бу сонлар (яъни 4, 6, 8 тадан бўлиши) якуновчи ва бу мақсад учун энг муносиб сонлардир.

Шунинг учун ҳам қунт билан кузатиб муҳокама қилгинки, токи бу руҳингни доволик лаззатидан тоттиришга, ҳақиқатга муҳаббатингни қўзғотишга боис бўлсин, чунки агар худо истаса, шу йўл билан сен айрим яширин ва ўзинг учун бахт келтирувчи нарсаларни тушуниб олурсан.

Мулоҳазаларимизнинг якуни сифатида яратилган нарсаларда субстанция ва акциденциядан бошқа ҳеч нима йўқлигини қандай қилиб исботлаш мумкинлиги устида тўхтаб ўтамиз.

Мисол сифатида айталикки, олма — бу субстанция, унинг қизиллиги эса акциденция, чунки исботлаш умумий характерга эгадир. Демак, мен яратилган нарсаларда олма ва унинг қизиллигидан бошқа ҳеч нима йўқдир, деб тасдиқлайман. Бу исботлашнинг (мазмун) — барча мавжуд нарсалар ёки ўз зоти билан мавжуд, (ёки ўз зоти билан мавжуд эмас) демакдир. Бу (иккига) бўлиш зиддият орқали бўлиш бўлиб, бунга кўра ўртанча (бирор ҳолни, яъни икки зид томоннинг ўртаси)ни фикр қилиш ва тушуниб олиш мумкин эмас. Ўз зоти мавжуд (нарсалар)ни субстанция (жавҳар) деб аталади, масалан, олма ва шунга ўхшаш барча жисмлар. Ўз зоти билан мавжуд бўлмаган (нарсалар)ни акциденция (ораз) деб атаيمиз, масалан, олманинг қизиллиги ва шунга ўхшаганлар. Бундан келиб чиқадикки, барча вужудга келтирилган нарсалар ёки субстанция, (масалан, олма) ёки акциденциялар, (масалан, олмадаги қизилликдан иборат бўлар экан). Биз исботламоқчи бўлган фикримиз ана шулардир.

Энди эса нарсаларни ижод этувчи шу нарсалардан ташқарида эканлигини, борлиқни тақдим этувчи ундан фарқ қилишлигини, бу (ижодчи) худо эканлигини, субстанция ва акциденцияни яратувчи эканлигини ва ундан бошқа худо йўқ эканлигини исботлаш қолди.

Лекин ёрқин белгилар ва ишонарли гаройиботларнинг мавжудлиги туфайли бу (масала) энг тажрибали одамларга аниқ бўлганлиги сабабли биз буни исботлаб ўтирмамоқчи эмасмиз, чунки бу бизнинг вазифамизга кирмайди.

IV БОБ

Сенга маълумки, беш материя (модда) бордир, яъни тупроқ, сув, ҳаво, олов ва осмон. Осмон ўз табиати билан ҳаракатда бўлганлиги сабабли у қолган тўрт материяни ҳаракатга келтиради, уларни аралаштиради ва қўшади, осмон бўлмаганда эди, улар ҳаракатга келмаган бўлар эди ва ўзаро қўшилмас ҳам эди.

Ой ости дунёдаги субстанция ҳаракат ва бу материяларнинг аралашуви туфайли турли хил фигураларга эга бўлади; акциденция акциденция билан, шакл шакл билан, фигура фигура билан алмашинади, натижада уч бурчак тўрт бурчак билан алмашади, ер сувга, оқ қорага айланади ва бошқалар. Субстанциянинг ўзи эса ўзгармайди; акциденциянинг субстанцияга ўтиши унинг моҳиятига зарар етказмайди; акциденцияларнинг алмашуви субстан-

цияларни парчалаб юбормайди, фақат унинг акциденцияси парчаланади, холос.

Осмоннинг бешинчи материя экампигининг исботи шундаки, осмон совуқ ҳам эмас, ғиссиқ ҳам эмас, нам ҳам эмас, қуруқ ҳам эмас, енгил ҳам эмас, оғир ҳам эмас. Демак, унинг табиати бу тўрт материядан ташқарида экан.

Илмларнинг энг кескин бўлиниши шундан иборатки, улар осмон ҳақидаги илмга, осмон остидаги нарсалар тўғрисидаги илмга ва улардан ташқарида бўлган нарсалар тўғрисидаги илмга бўлинадилар.

Осмон қамраб олган, яъни ой ости дунёдаги субстанциянинг массаси олов, ҳаво, сув ва ердан иборатдир. Бу субстанция доим яхлитдир; фақат унинг тўрт сифатдан, яъни ғиссиқ ва совуқ, намлик ва қуруқликдан иборат бўлган акциденцияси ўзгаради, холос. Масалан, озиқ-овқат шарбати (аста-секин) қонга айланиб, рангини ўзгартиради, аммо ўзи ўзгармай қолаверади; сўнг эса у танага айланади; у ўзи ўзгармай қолаверса ҳам, бошқа фигура қабул қилади ва бошқа рангга киради. Шунингдек, хурмо дарахти, хурмо данаги ва одам ҳам ўтувчи субстанциядан иборат бўлиб, фақат фигураси ва акциденцияси ўзгаради. Шу сабабдан ой ости дунёдаги субстанция ўткннчи (яъни ўлиб йўқолувчи) субстанция деб аталади. Осмон субстанцияси эса ўзгармайди. У фақат жойини ўзгартиради, холос. Кўп миқдордаги фигура ва шаклларни қабул қилмайди. Осмон массасининг бу ўткннчи субстанция массасидан ташқарида эканлиги шу тартибда исботланади.

Булардан (яъни осмон ва ой ости субстанциясидан) ташқарида мавжуд бўлган нарса массага ҳам, материяга ҳам, акциденцияга ҳам эга эмас, у субстанциядан ҳам, акциденциядан ҳам ажралган (муस्ताқил); бу фақат марҳаматли ва барча зотлардан олий бўлган худодир.





ФОРОБИЙ ҲИҚМАТЛАРИ

Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва улардан жирканади.

* * *

Ҳар кимки илм-ҳиқматни деса, уни ёшлигидан бошласин, соғсаломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат, мақр ва ҳийладап узоқ бўлсин, диёнатли бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва потиқ бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол-дупёсини аямасин, барча реал, моддий нарсалар тўғрисида билимни эгалласин.

* * *

Ақлли деб шундай кишига айтамызки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга фазилати ҳам бўлсин. Бундай киши ўзининг бутун қобилияти ва идрокини яхши ишларни амалга оширишга, ёмон ишлардан ўзини сақлашга ва тортишга қаратган бўлмоғи лозим. Шундай одамнигина ақлли ва тўғри фикр юритувчи деб аташ мумкин.

Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазалп, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишда зўр истеъмолга эга; ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим.

* * *

Дунёда сабаблари жуда ҳам узоқда бўлган ва шунинг учун ўрганилмаган ҳодисаларнинг мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Одамлар бундай ҳодисаларни тасодифан воқе бўлган номатлум, лекин мумкин бўладиган ҳодиса деб биладилар. Масалан, қуёш нури нам ер устидан йўналса, ундан кўн буғ кўтарилади, булутлар вужудга келадди ва ёмғир, ҳаво бузилади, тирик жисмлар чириб парчаланadi, айримлари ўлади.

* * *

Табиблик касбнинг мойси — инсон тани ва унинг аъзосидир. Унинг мақсади шу аъзолар учун керакли бўлган соғломликни ҳосил қилиш ва уларни касал бўлишдан сақлашдир.

Табиблик учун зарур бўлган фаолият агар киши соғ экан, унинг соғлиғини давом эттиришдир, агар у касал бўлса, соғлиғини тиклашдир. Бу ишни асбоб ва воситаларсиз амалга ошириш мумкин эмас. Табиблар соғлиқни, касалликнинг турларини аниқлайдилар ва шу касалликларнинг ҳар бири учун дори-дармон топадилар.

Табиблик ҳунари етти турли билимни ўз ичига олади:

- 1) инсон аъзоларини айрим-айрим ўрганиш;
- 2) саломатлик ҳолати ва турларини, уларнинг таъсирланиши, ўзгаришини билиш;
- 3) турли касалликларнинг сабаблари ва улар билан боғлиқ бўлган тасодифий ҳодисаларни ўрганиш;
- 4) саломатлик ва касалликнинг белгилари, сабаблари, далиллари ҳам бутун баданда, айрим аъзода кўринадиган касаллик аломатларини ўрганиш ва билиш;
- 5) содда ва мураккаб дориларни билиш ва табиблик ҳунарида ишлатиладиган асбобларни ўрганиш ва ишлата олиш;
- 6) соғлом баданда саломатликни сақлаш учун зарур бўлган қонун-қоида, ҳаракатларни ўрганиш ва билиш;
- 7) баданда соғлиқ-саломатликни тиклаш учун зарур бўлган қонун-қоида ва шу ҳаракатларни билиш.

* * *

Мавжудот ҳақидаги билим қўлга киритилса, шу ҳақда таълим берилса, мавжудотдап бўлган нарсанинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли далил-ҳужжатлар асосида шу нарса ҳақида мияда бир турли

ишонч ва тасаввур пайдо бўлса, мана шу маълумотга до-
пр фанни фалсафа деймиз...

Фалсафа билими очиқ-ойдин ишончли далил-ҳужжат-
ларга эга бўлади. Одамлар фалсафа йўли билан исбот
этилган мавжуд нарса ҳақида тўла ишонч ва қаноатга
эга бўладилар.

...Файласуфнинг хулқ-атвори, ахлоқи ҳам ўз касбига
лоийқ бўлиши керак. Шунингдек, ўз халқининг раёйни
ва ўз халқида бўлган энг яхши урф-одатларни қат-
тиқ тутган бўлиши керак.

...Файласуф бўлмоқчи бўлган одам ўз ахлоқи ва хис-
латлари билан бу айтилган шартларга жавоб бера олса,
шундан кейин у фалсафа билимини ўргатишга ва уни
бошқаларга ўргатишга киришуви мумкин.

* * *

Энди инсоннинг касб-ҳунар ва санъатдаги фазилати-
га келсак, бу фазилат туғма эмасдир, акс ҳолда унинг
фикрий фазилатида мутлақо куч ва улғулик бўлмас эди.
Агар касб-ҳунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар
ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳ-
лик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, та-
биат талаб қилган тиббий мажбурият бўлиб қолар эди.
Назарий ва буюк фикрий фазилат, улғу туғма фазилат
ва улғу (касб-ҳунар) фазилати одат-малака бўлиб қолган
одамда бу фазилатлар иродани ҳосил қилишнинг ва одат-
га айлантиришнинг сабаби бўлади. Бундай одамлар чек-
сиз ва жуда кучли табиат ва ирода эгаларидирлар.

Агар инсонда мана шундай гўзал хусусиятлар ёки
фазилатлар бирлашса, уйғунлашса, шундан сўнг у ўзи-
дагидек гўзал фазилат ва иродани халқлар ва шаҳар
аҳлларида ҳосил қилиш йўлини ўргатиши керак. Лекин
халқлар ва шаҳар аҳлларида ахлоқ, одоб, расм-русум,
касб-ҳунар одат ва иродани ҳосил қилиш учун инсондан
зўр куч ва қудрат талаб қилинади. Бу икки йўл билан,
яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади.
Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида
назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқ-
лар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар
фазилатларини бирлаштириш деган сўздир.

Таълим сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса
амалий иш ва тажриба билан ўрганишдир, яъни шу халқ,
шу миллатнинг амалий малакалардан иборат бўлган иш-
ҳаракатга, касб-ҳунарга берилган бўлишидир. Агар улар
иш, касб-ҳунарга берилган бўлсалар, касб-ҳунарга қизиқ-

салар, шу қизқиш уларни бутунлай касб-ҳунарга жалб этса, демак, улар касб-ҳунарнинг чинакам ошиги бўладилар.

Мақсадни амалга оширишда жаҳд ва ғайрат мўлжалланган ишни бажаришга эър таъсирга эгадир. Назарий билимларни ё устозлар, ёки ҳикматлар ўргатадилар.

* * *

Ешлар юқорида айтиб ўтилган нарсалар: касб-ҳунар, иш тажриба, жаҳд ва ғайратга эга бўлганлари ва шу нарсаларни ўз вужудларида сингдирганларидан сўнг, уларни аста-секин эгаллай борадилар ҳамда юқорида айтиб ўтилган фазилатларни аниқлаб бориб, назарий билимларнинг ҳаммасида мантиқий фикрлаш йўлини ишлатишга одатланадилар. Шу тартибда болаларга ўргатиш йўли билан улар камолга етгунча ана шу фазилатлар аниқланади ва тарбия қилинади.

* * *

Амалий фазилатлар ва амалий санъат (касб-ҳунар)лар ва уларни бажаришга одатланиш масаласига келганда, бу, одатда, икки йўл билан ҳосил қилинади: булардан биринчиси — қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади, одамдаги ғайрат, қасд-интилиш ҳаракатга айлантирилади.

Иккинчи йўл (ёки усул) — мажбур этиш йўли. Бу усул гапга кўнмовчи қайсар шаҳарликлар ва бошқа саҳройи халқларга писбатан ишлатилади. Чунки улар ўз истаklarича сўз билан ғайратга кирадиганлардан эмаслар. Улардан бирортаси назарий билимларни ўргатишга киришса, унинг фазилати яхши бўлади. Касб-ҳунарларни ва жузъий санъатларни эгаллашга интилиши бўлмаса, бундай одамларни мажбур этмаслик керак. Чунки шаҳар халқларига тарбия беришдан мақсад — уларни фазилат эгаси қилиш ва санъат аҳлларига айлантиришдир.

* * *

Дарҳақиқат, ҳар бир моддий нарса, сўзсиз, ўз вужудига, ўзига хос бўлган мартаба энг юксак камолотга эришиш учун борлиққа келган. Инсонга хос бўлган бу камолатнинг номи энг етук бахт-саодат деб аталади. Бу бахт-

саодат шу юксак камолотга эришиш йўлида бўлган ҳар турли жузъий нарсаларни ўзида бирлаштиради. Жузъий нарсалар энг етук бахт-саодатга олиб борувчи фазилатли санъат (касб-ҳунар)лардир. Халқлар ва шаҳар аҳллари-ни тарбиялаш учун касб-ҳунарни эгаллашга ва камолатга эришишга ўз ихтиёрларича ҳавас билан интилган кишилар ҳақиқий фазилат эгалари, ҳақиқий санъат аҳллари дир.

Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилан етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди.

* * *

Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсоийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлар лозим.

* * *

Ўзида ўн икки туғма хислатни бирлаштирган кишигина ахлоқли одам бўла олади:

(биринчидан), бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларини осонлик билан амалга ошира олсин;

(иккинчидан), барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тездап ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади, айтилган фикрининг чиплигини тезда пайқай оладиган бўлсин;

(учинчидан), хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган-эшитган, сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсидап чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин;

(тўртинчидан), зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўл-

сики, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан бу аломат нимани билдиришлигини тездан билиб олсин;

(бешинчидан), сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равои ва равшан баён эта олсин;

(олтинчидан), билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчасини сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин;

(еттинчидан), овқатланишда, ичимлик истеъмол этишда очкўз бўлмасин, табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандликдан жирканадиган бўлсин;

(саккизинчидан), ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин;

(тўққизинчидан) руҳининг гурури ва виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин;

(ўнинчидан), дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин;

(ўн биринчидан), ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликка, жабр-зулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларни барчага тақдим этган ҳолда одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсиз оқибатларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин;

(ўн иккинчидан), адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзибилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзли бўлсин, ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқиш ва ожизликни билмасин.

Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар — фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси — фазилатли жамоадир.

Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ — фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади.

Одамзод ибтидосидан бўлмиш қувватлар, масалан, сўзлаш қуввати, танлаш қуввати, хаёл қуввати, сезиш қувватларидир. Булардан сўзлаш қуввати шундай қувватки, унинг ёрдамида инсон билим ва ҳунар эгаллайди, унинг ёрдамида хулқ-атворидаги хунук ва гўзал ҳаракатларни ажрата билади ва бажарилиши зарур бўлган бўлмаган ишларни адо этади, шу билан бирга зарарли ёки фойдали нарсани, лаззатли ва аччиқ нарсаларни фаҳмлайди.

Танлаб олиш хосиятига келсак, бунинг ёрдамда инсон бирор нарсани истайди ёки ундан қочади, унга берилади ёки ундан жирканади, ундан таъсирланади ёки тортинади. Бунинг натижасида нафрат ва муҳаббат, дўстлик ва душманлик, қўрқинч ва қўрқмаслик, ғазаб ва розилик, шаҳват ва миннатдорлик каби ҳис-туйғуга оид ҳолатлар пайдо бўлади. Хаёл этиш хосияти эса ҳис этилган, сезилган нарсалар кўздан йўқолгандан кейин унинг шакли ва қиёфасини хотирада сақлаб қолишдир. Уйқу ёки уйғоқлик пайтларида бу қиёфаларнинг қўшилиб кетиши ёки бўлиниб, ажралиб кетиши натижасида уларнинг баъзилари чин ва баъзилари ёлгон бўлади.

Ҳис этиш (сезиш маъносидан.—М. Х.) хусусиятларининг фаолияти беш хилдир (кўриш, эшитиш, ҳид сезиш, таъм-маза билиш ва тери сезгиси,—М. Х.). Таъм билиш сезгиси билан инсон ширии ва аччиқни бир-биридан ажратади, аммо гўзаллик билан хунукни, зарар билан фойдани ажрата олмайди.

Инсон бахт-саодат нимадалигини тушунган бўлса-ю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, гоё ва хоҳишига айлантирмаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлса-да, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва қувватини бошқа нарсаларга сарфласа бу қилмишлари ёмон ва ноўриндир...

Инсонлик моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий гоёси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади.

Кишилар жисмоний ва туғма қобилият, куч-қувватда бир-бирларидан ортиқ-кам бўладилар.

Кишилар ўз даражаларида бир-бирларидан ортиқ-кам бўладилар. Бу даража уларнинг касб-ҳунар ва билимларининг ортиқ-камлигида ифодаланади.

Бир жинсдаги касб-ҳунар ва билимларнинг ортиқ-камлигига қараб одамлар маълум хислат — фазилат касб этадилар. Бу фазилатлар кишилардаги истеъмол ва қобилият даражаси етук ва нуқсонли бўлишига боғлиқдир.

Таълим-тарбия аҳллари ҳам билимларининг даражасига қараб бир-бирларидан фарқ қиладилар, ортиқ-кам бўладилар. Уларнинг баъзи бирларида кашф, ихтиро қуввати бўлмайди, баъзиларида эса бу қувват камроқ бўлади.

Инсоний вужуддан мақсад — энг олий бахт-саодатга эришувдир; аввало у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувни ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин бу бахт-саодатга олиб борадиган иш-амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса бахт-саодатга эриштирадиган ишларни шахсан бажаришга киришмоғи лозим бўлади.

Бахт-саодатга эришув ва тугма қобилиятларининг ривожланиши ўз-ўзича бўлавермайди, балки бу масалада қандайдир бир муаллим ёки раҳбарга муҳтожлик туғилади.

Ўздан бошқаларга раҳбарлик қилиш, уларни бахт-саодатга эришув даражасига кўтариш ҳам, ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Кимда бировни бахт-саодатга эриштириш, зарур бўлган иш-ҳаракат кабиларга руҳлантира олиш қобилияти бўлмаса ва бу иш-ҳаракатни бажара олишга қудратсиз бўлса, бундай одам сира ҳам раҳбар бўла олмайди.

Баъзан раҳбарлар бир шаҳарнинг соҳибқори, шаҳар халқи ҳаётига тегишли ишларда тadbиркор бўладилар. Улар бу йўл-йўриқларни ўтмишда кечган бошлиқлардан ўрғанадилар, лекин шу билан бирга, раҳбар келажак учун ўтмишдаги расм-русум, йўл-йўриқларни ислоҳ қилишни лозим ва фойдали топса, турмуш шариоти тақозосига қараб уларни ўзгартиради. Шунингдек, ёмон одатларни ўзида ифсдаловчи ўтмишнинг ҳам ўзгартирмоғи керак. Акс ҳолда ўтмишнинг талабларига риоя этиб, унинг

кайфияти сақланса, турмушда ҳеч қандай енгиллик, ўзгариш ва ўсиш ҳам бўлмайди.

* * *

Шаҳар аҳлларида вужудга келган бахт-саодат уларнинг жисмоний ҳаракатлари натижасида қўлга киритилган фазилатнинг ортиқ-камлигига қараб бўлади, улардаги эришилган завқ-лаззатнинг ортиқ-камлиги ҳам шу тахлитда бўлади.

Ўтмишдагилар ўзларида бўлган завқ-нашъа, лаззатни ўзларидан кейин келадиган авлод орқали наслдан-наслга қолдириб келадилар. Шу тартибда вақт ва замон ўтиши билан кишиларда завқ устига завқ, нашъа устига нашъа қўшилиб, улардаги лаззатланиш, завқланиш объекти орта боради. Мана бу ҳолни биз фаровонлик, ҳақиқий бахт-саодат деб тасвирлаймиз.

Бахт-саодатга эришув йўлида нимаики (ахлоқ, касб-ҳунар кабилар) ёрдам берса, уни сақламоқ ва мустаҳкамламоқ, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилмоқ зарур.

* * *

Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шугулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи султон (яъни подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади.

Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлақ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олижапоб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар. Бундай раҳбарлар ҳаммага баробар муносабатда бўладилар, ҳатто ҳамманинг манфаатини ўзларининг манфаатларидан ортиқ кўрадилар, умумнинг манфаати учун ўзларининг шахсий манфаатларидан кечадилар, халқ манфаати учун ўзларидаги куч-ғайрат ва бойликларини аямайдилар.

Аммо баъзи шаҳар (ёки мамлакат)лар бўладики,

уларда бутун халқнинг фикри-зикри, ақл-идроки бойлик тўплаш, мол дунё орттиришга қаратилган бўлади. Улардан чиққан раҳбарлар ҳам раҳбарликни мол-дунёни кўпайтиришда деб биладилар. Шунинг учун ҳам улар эрта-кеч мол-дунё тўплаш ҳаракатида бўладилар. Бундай раҳбарларнинг қўл остида ишлаган шаҳар халқларида турли бузуқ одатлар, шаҳвоний нафс, бир-бирини кўролмаслик, бир-бирларни талаш, душманлик, низо-жанжаллар пайдо бўлади. Ана шундай шаҳар халқларидан хислатлари, майллари турлича бўлган авлод туғилади.





АЛЛОМАЛАР ФОРОБИЙ ҲАҚИДА

БАЙҲАҚИЙ ФОРОБИЙ ҲАҚИДА

Заҳририддин Абулҳасан Али ибн Абулқосим Зайд ал-Байҳақий (вафоти 565/1169) ҳам Форобий даврига яқин арабистанлик муаллифлардан бири, олимлар таржимаи ҳолига бағишланган «Татimmat сивон ал-ҳикма» асарининг муаллифи.

Абу Сулаймон Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Баҳром ас-Сажазий (баъзи манбаларда ас-Сижистоний — 983 йилли ҳаёт бўлган), «Китоб сивон ал-ҳикма» («Ҳикмат сандиғи» китоби)га қўшимча қилган. Шу қўшимча китоб ҳозирча маълум, лекин унинг асли «Ҳикмат сандиғи»нинг ўзи давримизгача етиб келган-келмаганлиги номаълум. Юқорида зикр қилганимиз, «Ҳикмат сандиғига қўшимча» (арабча номи «Татimmat сивон ал-ҳикма») китоби 1932 йили Лаҳорда нашр этилган. Муаллиф бу китобида Форобий ҳақида маълумотлар бериб кетишга ҳаракат қилган.

Бу ерда арабчадан таржима қилиб келтирилган маълумотлар Форобий ҳақидаги мавжуд билимимизни бироз бўлса-да кенгайтириши ва у ҳақидаги тасаввуримизни бойитиши мумкин. Айниқса Форобийнинг ўлими ҳақида келтирилган маълумотлар бошқа ҳеч қайси манбаларда келтирилмаган.

* * *

Заҳририддин ал-Байҳақий ёзади:

Шайх Абу Наср ал-Форобийнинг оти Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон бўлиб, асли Туркистоннинг Фороб деган жойида. «Иккинчи муаллим» деб тахаллус олган. Ислом ўлкалари олимлари орасида ундан олдин бунчалик ўткир одам бўлмаган эди.

Айтишларига қараганда, ҳақимлар аслида тўртта бўлган, икkitаси исломдан олдин чиққан, улар Арасту ва Исқандар (Афрудусий) бўлишган, икkitаси ислом даврида етишган, улар Абу Наср билан Абу Али ибн Синодир.

Абу Насрининг вафоти билан Абу Алининг туғулиши орасида ўттиз йил фарқ бор. Абу Али бўлса Абу Насрининг китоблари орқали унга шогирд саналган. Абу Али ибн Сино, Мен «Мо баъда ат табиа» — «Табиадан ташқари нарсалар» китоби мақсадларини тушунолмай, диққат бўлиб юрардим, бир кун Абу Насрининг бу борадаги китобини топиб қолдим, бундай китоб топганимдан хурсанд бўлиб, худога шукур қилиб, атайлаб рўза тутдим, фақирларга хайр-садақа улашдим, дейди.

* * *

Абу Насрининг асарлари кўп, уларнинг кўпчилиги Шомда мавжуд, лекин уларнинг баъзилари Хуросонда ҳам бор.

Шунингдек Абу Насрининг кўп рисоалари бўлган. Мен Рай шаҳридаги нақиблар¹ бошлиғининг кутубхонасида бу китобнинг асарларини кўрдим. Абу Насрининг шундай асарлари ҳам бор эканки, ҳатто улар ҳақида ҳеч қачон эшитмаган ҳам эканмиз. Яна шуниси ҳам борки, китобларнинг кўпчилиги Абу Насрининг ўз хати билан ёзилган ёки унинг шогирди Абу Закарийё Яҳё ибн Адийнинг² қўли билан кўчирилган эди.

«Китоб ахлоқ ал-ҳукамо»³ — «Ҳакимлар ахлоқи ҳақида китоб»да ёзиллишига қараганда, шоп-шавкатли Исмоил ибн Аббод ибн Аббос⁴ олимга яқин бўлиш ниятида Абу Насрини ўз ҳузурига келишини сўраган, ҳатто унга совға-тортиқлар юборган. Лекин Абу Наср уларни қабул қилиш у ёқда турсин, ҳатто ҳеч нарсасига тегмай, эгасига қайтариб юборган экан. Абу Наср кўп ўлкаларни кезиб, ниҳоят Рай шаҳрига етиб келибди. Шунда унинг эғнида кир, жулдир тўни, бошида ола қалпоғи, кўрнатиши ҳам турклар каби, паканадан келган бир одам эканини кўрдилар.

Уша кезларда Соҳиб⁵ ўз одамларига, кимда-ким менга Абу Насрини кўрсатса ё уни менинг ҳузуримга чақириб келолса, мен унга бойиб кетадиган даражада кўп мол-

¹ Урта асрларда қабила ё уруғ бошлиғи, йўлбошчиси, доҳийси нақиб деб аталган.

² Абу Закарийё Яҳё ибн Адий 894—975 йиллар орасида яшаган.

³ «Китоб ахлоқ ал-ҳукамо» — муаллифи аниқлапмади.

⁴ Соҳиб — Бувайҳийлар вазири Абу-л-Қосим Исмоил ибн Аббод ас-Соҳиб (938—995); ўз даврида етилган олим ва фозилларга ўз эътибори билан шуҳрат қозонган шахс.

⁵ Соҳиб — 4-язоҳда айтилган вазир назарда тутилган.

дунё бераман, деб юрар экан. Бу пайтларда шундай бўлибдики, Абу Наср қўққисдан ўзини танитмай, кимлигини билдирмай, тўппа-тўғри унинг йиғилишига кириб қолибди. Соҳибнинг йиғилишида улфатлари, хизматчилари, зариф одамлар ҳамда ўйинчи-машшоқлар тўпланган экан.

Шунда улар ичкарига билдирмай кириб қолган бегона одамни кўришиб буни қўйиб юборган дарвозабонни айблашибди ва маломат ўқини унга отишибди. Уша йиғинда бўлганларнинг ҳаммаси Абу Насрнинг кийимидан кулишибди. Абу Наср кўпчилик олдида шундай изза бўлишига қарамай, бардош билан бундай озорлик чанг-тўзонда кўзини юмиб, бир жойга ўтириши билан улар кўнгли тинчиб, орадаги ичкилик кайфи унинг бундай аҳволда кирганини ҳам униттирибди. Шунда қадаҳлар айланган, бошлар ширакайф бўлган чор машшоқлар куй чалиб, ҳамма шодон чақчақлашиб ўтирган экан.

Абу Насрнинг ёнида бир мусиқа асбоби бор экан. Унда у шундай бир ажиб куй чалибдики, ҳатто ундан чиққан майин савт-наво эшитувчиларни элтиб, ухлатиб қўйибди. Куй элитганидан улар ҳатто бетоқат бўлиб, ўзидан кетиб қолай дебди.

Одамларнинг айтишларига қараганда, Абу Наср доимо ёнида ўзи ясаган шундай мусиқа асбобини олиб юрар экан. Шунда у бир уд (най) га «Абу Наср ал-Форобий ҳузурингизга келган эди, сизлар унинг устидан кулдингизлар, у сизларни ухлатиб, ғойиб бўлди» деб ёзиб қўйибди. Кейин Абу Наср ҳеч кимга билдирмай, Рай шаҳридан Бағдодга қараб жўнаб қолибди.

Даврада ўтирганлар бир маҳал ўзларига келиб, кўзларини очиб ажойиб куйдан ажабланибдилар, лекин уни чалган жулдир кийган бегона одамни даврада кўришмабди. Улар шундай ажойиб нағма чаладиган одам кетиб қолганидан афсусланибдилар. Соҳиб ўз одамларига: «Энди қадаҳларни унинг номи билан айлантiringлар-чи, зора давра уни ёнимизга қайтариб келтирса¹, дебди. Шунда машшоқлар куйлаб, созандалар удини қўлига олгач, уларнинг бири, эй Соҳиб, ҳалиги киши меннинг удимга бир нарса ёзиб кетибди, дебди. Соҳиб қараса, чиндан бир нарса ёзилган. У мусиқа асбобидан Абу Насрнинг юқоридаги гапини ўқибди.

Соҳиб хатни ўқибди-ю, кўздан кўришни ва суҳбатлашишни орау қилиб юрган Абу Наср Форобий келиб

¹ Бу ерда муаллиф фикрича, Соҳиб «обдаста гардон»га ўхшаган бир ром қилиб, Форобийни қайтариб келтиришни айтмоқчи.

кетганини пайқамганидан хафа бўлиб кетибди. Жаҳли чиқиб, ҳатто ёқасини ҳам йиртиб юборибди, овоз чиқариб бақирибди, кейин ўз одамларига, у кишини топиб келинглари, деб буюрибди. Соҳиб одамлари Абу Наср тугил унинг дом-дарагини ҳам топишолмабди. Шу билан Соҳиб ўша пайтда Абу Наср билан суҳбатлашолмай, фурсатни қўлдан бериб қўйганидан умр бўйи пушаймон бўлибди.

* * *

Раҳматлик устозимдан эшитгандим. Абу Наср Дамашқдан Асқалонга¹ сафар қилган экан. Йўлда уни қароқчилар тутиб олибди. Шунда Абу Наср: «Майли, менинг уловим, кийим-кечагимни олинглар-у; ўзимни қўйиб юборинглари» деган экан, лекин йўлтўсарлар бунга кўнишмабди, уни ўлдиришга чоғланишибди. Ноилож Абу Наср қочиб тушибди. Қароқчилар қувиб етиб уни тутиб ўлдиришибди. Бу оғир мусибатдан Шом амирлари кўп таассуф қилибдилар, дарҳол йўлтўсарларни топдиришибди. Абу Насрни кўмиб қабрга ёғоч қоқиб, ўғриларни ўша ёғочга осибди.

Бошқа ривоятда айтилишича, Абу Наср хафақон касалига гирифтор бўлганмиш. У яланғоч бўлиб, Дажла (Тигр) дарёси бўйидан ўтиб кетаётиб, хурмоқоқ сотаётган одамга дуч келган эмиш. Шунда Абу Наср қоқфурушга қараб:

— Хурмони қандай сотаяпсан?—деб сўраган экан, қоқфуруш унга қўпол жавоб қилибди. Абу Наср унинг қўполлигига жавобан бир тарсаки солганмиш-да,

— Мен сендан қандай сотаётибсан деб сўрасам, сен қўполлик билан мунчадан деб жавоб бераяпсан-а,—дебди.

Яна айтишларича бу киши Абу Наср ал-Форобий эмас, балки Абу Наср табиб ас-Самарқандий деган киши эмиш. Тагин ҳам худо билади.

* * *

Ҳаким Абу Наср ал-Форобий айтган:

Кимки ҳикмат илмига киришмоқчи бўлса, у, аввало, ёш бўлиши, яхши мижозлик, ҳар томонлама одоб илмини ўрганган одам бўлиши керак. Аввало ундай киши

¹ Асқалон — Фаластиннинг жанубидаги шаҳар.

қуръон, тил ва қонуншунослик илмини эгаллашш керак. Ундай киши одамларга меҳрибон, покиза, тўғри сўз бўлиши, фисқу-фужур, гина, хиёнат, макр ва ҳийладан холи бўлиши керак.

Илмга киришган киши тирикчилик масаласида хотиржам бўлиши керак.

Ҳикмат илмига киришмоқчи бўлган киши илм ва илм соҳибларини ҳурматлайдиган бўлиши керак. Ундай кишининг назарида илм ва илм аҳли бошқа ҳар қандай нарсадан устун бўлмоқлиги керак.

Киши илмини касб, ҳунар қилиб олмаслиги ва уни мол-дунё топиш воситасига айлантирмаслиги керак.

Ҳимми шунинг тескарисини қилар экан, ундай одам сохта ҳақим ва ғирт кўзбўямачи бўлади.

Сохта пул пул ҳисобланмаганидек, ёлғон сўз ҳам ҳеч қачон рост сўз ўрнида ўтмайди.

Борди-ю, ахлоқи ҳозир биз айтган гапларга тескарп бўлган кишилар топилгудай бўлса, ундайлар ҳеч қачон ҳақимлар жумласига кирмайдилар...

Дарахтнинг камолга етгани мевасидан билинганидек, бахт саодат яхши хулқлар билан мукаммал бўлади.

Ҳимми ўзини ўз даражасидан юқори кўйса, ундай киши учун камолот йўли тўсилади.

ИБН АЛ-ҚИФТИЙ ФОРОБИЙ ҲАҚИДА

Шарқда йприк олим сифатида танилган Абу-ул-Ҳасан Али ибн Юсуф ал-Қифтий ёки қисқароқ қилиб айтганда Жамолуддин ибн ил-Қифтий (1172—1248) Миернинг юқори қисмидаги Қифт деган жойда дунёга келди. Дастлаб у Қоҳирада таълим олди, кейин 15 йил давомида Қуддусда, сўнг Халабда тарих ва адабиётни ўрганди, бирмунча вақт мамлакатнинг молия ишларишн бошқарди, кейин вазирлик лавозимига кўтарилди ва то умрининг охиригача шу лавозимда қолди.

Ибн ал-Қифтийнинг тарих ва адабиётни кўп ўқи-ганлиги доно олимлар билан ҳамсуҳбат бўлганлиги ўз самарасини бермай қолмади, албатта. У ўзидан олдин ўтган машҳур файласуфлар, адиблар ва олимлар ҳақида маълумотлар йиға бошлайди. Ўзи ҳам замонасининг йприк олими сифатида танилади. Унинг «Китоб ахбор ал-уламо биахбор ал-ҳукамо» («Ҳақимлар таржимаи ҳоллари ҳақида олимларнинг хабарлари») ёки халқ ўртасида ишлатилишига ўнгайроқ бўлсин учун «Тарих ал-ҳукамо» («Ҳақимлар тарихи») деб номланган асари Шарқ

халқларнинг 414 олими таржимаи ҳолиш келтириши жиҳатидан¹ фанда катта аҳамият касб этади.

Ўрта Осиёдан етишиб чиққан олимлар ҳақида ҳам илк маълумотларни ал-Қифтий асаридан олиш мумкин.

Ал-Қифтий ўзининг юқоридаги асарида Абу Наср Форобий ҳақида ҳам маълумот бериб ўтган. Форобийнинг юбилейи муносабати билан бу аллома ҳақидаги маълумотларни арабчадан ўзбекчага таржима қилиб, ҳурматли ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Қўйида ана шу арабча матндан олинган гапларни келтирамиз.

* * *

Жамолуддин ал-Қифтий ёзади:

Абу Наср ал-Форобий Мовароуннаҳрдаги турк шаҳарларидан бири бўлмиш Форобдан чиққан файласуф. Бу киши мусулмонлардан етишиб, тан олинган ҳаким саналади, Ироққа боради ва Бағдод шаҳрида туриб қолади. Абу Наср бу шаҳарда Юҳанно ибн Хийлондан ҳикмат илмларини ўрганади. Файласуф Юҳанно ибн Хийлон халифа ал-Муқтадир² замонида Мадина ас-Салом³ бўлмиш Бағдодда вафот этган. У ерда Абу Наср бу кишидан фойдаланди ва ўша даврда тенги йўқ одам бўлиб етишди. Мантиққа оид китобларни таҳқиқ ва шарҳлашда кўп иш қилди. Мантиқнинг қийин жойларини ойдинлаштирди, кўпчиликка номалум бўлган яширин сирларини очди ва ундан фойдаланишни осонlantирди. Ниҳоят, у ўз асарларида мантиқдан фойдаланиш учун тушунарли иборалар, назик ишоралар қўлади, ҳатто мантиқни шарҳлаш, ўрганиш ва таҳлил қилишдаги ал-Қиндий ва бошқалар йўл қўйган хатоларни ҳам кўрсатиб ўтди.

Абу Наср мантиқни изоҳлашда ҳар бир сўзни ундаги бешта модда⁴ асосида таҳлил қилади, шу йўл билан уни фойдаланиб бўладиган даражага келтиради, уларни ишлатиш йўлларини тушунтириб беради.

Мантиқдаги мана шу беш модданинг ҳар бирида қиёси⁵ қандай ишлатиш кераклиги англатилади. Шунинг учун ҳам ал-Форобий китоби фанда ғоятда етук, баркамол асар саналадиган бўлди.

¹ Қаранг: Ислоҳ Энциклопедияси (туркча), т. 5/2, Истамбул, 1966, 864-бет.

² Ал-Муқтадир — аббосийлар ховдонидан бўлган халифа, 908 йили халифалик мансабига мишган.

³ Бағдодни тарихий асарларда ё Мадина ас-салом (Тинчлик шаҳри) ёки Дор ас-салом (Тинчлик уйи) деб атайдилар.

⁴ Мантиқдаги беш модда шулардан: 1. Хитоба-риторика. 2. Қиёс-силлогизм. 3. Бурҳон-исботлаш. 4. Жадал — мунозара (диалектика). 5. Ибора — талқин қилиш.

⁵ Матнда Қиёс суврати — шаклини ишлатиш дейилган.

Ундан ташқари, Абу Насрнинг «Ихсо ал-улум ва ат-таъриф» — «Илмларни ҳосил қилиш ва унинг мақсадларини тушунтириш» тўғрисида ёзилган қутлуг китоби бор. Бундай асар ёзишда шу маҳалгача Абу Насрдан ҳеч ким ўзиб кетолмаган, ҳатто бу хил фикр-мулоҳазаларни улгача ҳали ҳеч ким айта олмаган, у киши етишган даражага эришолмаган ҳам, толиб илмларнинг ҳаммаси ҳам унинг бу тутган тўғри йўлидан фойдаланмай қолмаган.

Абу Насрнинг Афлотун ва Арасту фалсафасидаги ғояларига бағишланган китоби унинг фалсафа соҳасида¹ пешқадамлигидан ва ҳикмат фаиларини чуқур таҳқиқ қилишидан дарак беради. Бу китоб ҳикматдаги назарий йўллارни ўрганлишда жуда катта дастак бўлди ва у орқали муаллиф барча плм сирлари ва унинг натижаларини алоҳида-алоҳида эгаллаш йўлларини билдирди; илмлар қандай қиб соддаликдан мураккаблик даражасига ўсиб-ривожланиб етганини баён қилди. Кейин шу восита билан Афлотун фалсафасидаги ғояларни билдиришга киришди, бу ерда у унинг таърифларини бир-бир санаб ўтди. Кейин у шу йўлни Арасту фалсафасини изоҳлашда давом эттирди; унга каттагина муқаддима ёзди ва тадрижий равишда у ерда унинг фалсафасини баён қилиб берди, ундан сўнгра Арастунинг мантиқ ва табиётга оид асарларидаги ғояларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида-алоҳида китоб ёзиб, уларни тавсифлаб тушунтириб берди, ҳатто унинг бу соҳадаги сўзи ўша нуسخаси мавжуд бўлган плоҳий плмнинг бошланғич қисмига келиб тўхтади ва уларни табиий илмлар билан хулосалади.

Мен фалсафани ўрганувчилар учун ундан фойдалироқ бирор китоб борлигини билмайман. Бу асар барча плмларга муштарак бўлган ҳамда у орқали билинган плмларнинг ўзига хос маъноларини ҳам билдиради. Олдинлари мантиқдаги категорияларнинг маънолари пмадан иборат эканини тушуниб бўлмас эди; қандай қилиб — у маънолар барча илмларга энг дастлабки асос бўлиши мумкинлигини худди мана шу ал-Форобий асарларидангина билиш мумкин бўлди. Бундан кейин у киши илоҳиёт ва шаҳарларни бошқариш тўғрисида тенги йўқ иккита китоб ёзди. Уларнинг бири «Сийбат ал-мадания» номи билан машҳур, бошқаси эса «Сийрат ал-Фозила» — «Фозила ҳулиқлар» номи билан маълум.

Бу иккала асарда Абу Наср масалани Арасту йўли билан ажойиб усулда илоҳиётда ишлатиладиган олти

¹ Матнда «фалсафа санъатида» дейилган.

руҳоний бошланма — асосларни тушунтириб берди. У ўзидаги низом ва ҳикматга боғланган ҳолда жисмоний жавҳарларнинг қандай топилиши йўл-йўриқларини таърифлаган. Мана шу яққита китобида Абу Наср инсоннинг даражалари ва нафсоний қувватларини таърифлаган ва ваҳъй билан фалсафа орасини ажратган, фозил бўлмаган шаҳарлар турларини ва шаҳар бошқаришда малакий фазилатлар ва пайгамбарлик қонунларига эҳтиёж бошлиғи тасвирланган.

Абу Наср ал-Форобий Абу Бишр Матто ибн Юнусга замондош эди. Аммо Абу Наср ундан ёш жиҳатидан кичик эди, илмда эса ундан устун эди.

Матто ибн Юнуснинг мантиққа оид китоблари асосий манбаларга яқинлиги ва сершарҳ бўлганлиги жиҳатидан Бағдод ва ундан бошқа Машриқдаги мусулмонлар турадиган катта шаҳар олимлари унга мурожаат қилардилар (279-бет).

Абу Бишр Бағдодда ар-Розий¹ халифалиги даврида вафот этди. Абу Наср Ҳалаб² шаҳрига бориб, уша ерда амир бўлган Сайфулдавла Абу-л-Ҳасан Али Абу-л-Ҳижо Абдуллоҳ ибн Ҳамдон³ ҳузурига тасаввуф аҳли кийимида кириб⁴, унинг даргоҳида ҳурмат ва эътибор қозонади. Шунда Сайфулдавла уни тақдирлаб, иззат-икром қилади. Амир уни илмдаги даражаси ва масалаларни тушунишдаги ўрнини билиб, ҳатто ўзининг Дамашққа қилган сафаридида у билан бирга суҳбатлашиб кетади.

Абу Наср ал-Форобий уч юз ўттиз тўққизинчи йили вафот этди.⁵

ИБН ХАЛЛИМОН ФОРОБИЙ ҲАҚИДА

Ибн Халлимон (1211—1282) Шарқда машҳур тарихчи ва библиограф бўлган. Кўп Шарқ олимлари таржимаи ҳоли, улар ёзган асар номлари мана шу каби муҳтарам зотлар воситаси билан давримизгача етиб келган.

Зотан бу киши Ирбил (Ироқ) дан бўлиб, Ҳалаб, Дамашқ, Қоҳира каби шаҳарларда таҳсил кўрган, кўп ўқиган, сафар қилган, сермутолаа бўлган. Дамашқда бир-

¹ Халифа ар-Розий — 934 йили халифалик тахтига минган.

² Ҳалаб — ҳозирги Суриянинг шимолидаги йирик шаҳарлардан бири, ўрта асрларда мамлакат маркази, илм-маърифат ўчоғи бўлган.

³ Амир Сайфулдавла ибн Ҳамдон (916—964).

⁴ Бошқа манбаларда Абу Наср доимо ўзининг миллий кийими турк либосида юрарди, дейилади.

⁵ Бу милодий ҳисобда 950 йилга тўғри келади. Бундан кейин арабча матнда Форобий асарлари рўйхати келтирилади.

мунча вақат қози-калон, мадрасаларда мударрис бўлган. Унинг бизгача етиб келган қимматбаҳо йирик асари «Ва фоёт ал-аён ва анбо аз-замон» («Улуғлар вафотлари ва замон ўғлонлари ҳақида хабарлар»).

Бунда муаллиф ўзидан илгари ўтган улуғ шахслар — олимлар таржимаи ҳолига доир маълумотлар беради.

Ибн Халлиқон бу асарини ҳижрий йилининг 654 сида (1250 — милодий) Қоҳирада бошлаб 672 йили (милодий 1274) тугатди. Салкам йигирма йил тер тўкиб ёзган асарининг асл қўлёмаси ҳозирги вақтда Британия музейида сақланади. Бу асар ҳали қўлёзма бўлгани ҳолда кўчирилиб, асли араб тилида ҳам кўн тарқалган, кейинги даврда китоб нашр қилиш кашф этилгач, Шарқ ва ғарбда бир печа бор нашр ва таржималар қилинган.

Ибн Халлиқон ўрта аср муаллифи сифатида машҳур ҳаким ва файласуф Абу Наср Форобий ҳақида ўзига маълум бўлган маълумотларни бериб кетади. Булар ҳаммаси мухтарам файласуф ҳақида ёзилган дастлабки хабарлардан бўлгани учун ҳам унинг ҳар бир сатри бебаҳо. Шунинг учун Форобий икки ёки унинг даврига оид маълумотлар билан танишмоқчи бўлганлар, албатта, бу борада Ибн Халлиқон ёзган сатрларга мурожаат қилмай қўймайдилар. Зероки, бу китоб бундан роса етти юз йил муқаддам юзага келган. Етти юз йил олимлар Форобийни қандай тақдирлаганлар, унинг ўзи қай даражадаги олим бўлгану асарлари қай даражада ёзилган — буларни ўқиб олимнинг фикр доираси, мавқеи ва асарлари аҳамиятини билиш мумкин бўлади. Чундан ҳам ўша даврдаги аҳли илм унинг қадрига етиб, илож борича ундан истифода этганлар, асарларини мутолаа қилишни орқага сурмаганлар. Шунинг учун ҳам табаррук шахслар ҳақида маълумот берадиган бу ноёб асарнинг Форобийга аталган саҳифаларини арабчадан ўзбекчага ағдариб, мухтарам ўқувчилар диққатига ҳавола қилмоқчимиз.

Бу парча Ибн Халлиқоннинг 1299 ҳижрий (милодий 1881) йили Булоқ (Миср)да нашр қилинган ўша китобнинг иккинчи қисмида (бетлар 100—102) таржима қилинди. Бу нашр Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номдаги Шарқшунослик институтини фондида мавжуд, унинг инв. рақами 9031—9032.

* * *

Ибн Халлиқон ёзади:

Абу Наср Форобий маърифат, мусиқа ва бу иккала фандан ташқари яна бир қанча соҳаларга оид асарлар муаллифи ҳамда у мусулмонларнинг энг йирик файласуфла-

ридан сапалади. Ҳеч ким бу кишичалик илм-фан даражасига эришолмаган. Юқорида зикр қилиб ўтилган Абу Али ибн Сино¹ унинг китобларидан кўп нарсаси ўрганган. Абу Али ибн Синокнинг сўзига қараганда, у Форобий асарларидан баҳраманд бўлган. Бу киши аслида турк² бўлган, ўз юртида туғилиб ўсган. Бу хусусда, худо хоҳласа, шу таржимаи ҳол сўнггида гап келади. Кейин у ўз юртидан чиқиб, бошқа ўлкаларга сабҳат қилишга тушадди, ҳатто Бағдод шаҳрига етиб келади. Шу пайтда у турк тили билан бир қаторда, араб тилидан ташқари, бир неча тилларни биларди. Абу Наср Бағдодда араб тилини ўрганнишга киришиб, уни жуда мукаммал билиб олади. Кейин бу тил орқали у ҳикмат — фалсафий илмларни ўрганнишга тушади.

Абу Наср Бағдод шаҳрига борган кезларда машҳур ҳаким Абу Бишр Матто Юнус ўша ерда экан. Бу киши мўътабар улуғ олим бўлиб, ундан одамлар мантиқ илмини ўрганар эди. Бу пайтда унинг шон-шухрати баланд, теварак-атрофга доғри кетган эди. Унинг даврасида ҳар кун юзлаб мантиқ илмига киришганлар татлим олишарди. У Аристотелнинг мантиққа оид китобини ўқир ва шогирдларига уни шарҳлаб ёздирарди. Ҳатто у Арасту асарлари шарҳига оид етмишта китоб ёзди. У маҳалларда бу фаида унга тенг келадиган бирорта одам бўлмаган. У ўз таълифларида иборатларни чиройли ва равшан қилиб ёзар, ишоротларни эса назокат билан битарди, ўзини содда ифодали, лўнда фикрли киши эди. (Абу Наср бу кишидан мантиқ илмини ўрганади). Шунинг учун ҳам ҳатто бу фан аҳлидан бўлмиш бир файласуф: «Менимча Абу Наср Форобий иборотларида ўз фикрларини содда ва лўнда қилиб ифодалашни фақат ўша зикр қилинган Абу Бишрдангина ўрганган», дейди.

Абу Наср доимо ўз шогирдлари даврасида бўлар, улар йиғинларида қатнашар эди. Шу тариқа бу ерда бир муноча вақт ҳаёт кечириб, кейин Ҳаррон шаҳрига йўл олади. Чунки бу ерда насроний (христиан)лардан бўлмиш файласуф Юҳанно ибн Хийлон бор эди. Абу Наср у ерга келиб, ўша олимдан мантиқ илми усулларини ўрганган. Кейин у Бағдод томонга қайтади ва у ерда фалсафа илмларини ўрганади. Арастунинг барча китобларини

¹ Бу асар олимлар таржимаи ҳолига бағишланган, сая илгарироқда Ибн Сино (980—1037) таржимаи ҳоли келтирилган эди. Муаллиф шунга ишора қилмоқда.

² У маҳалларда Урта Осиё халқи туркий тилларда сўзлашгани учун уларни турк деб аташган.

мутолаа қилади; улардаги нукталар маъноларини ечишда ва муаллифнинг бу борадаги мақсадини ифодалашда бениҳоят маҳорат қозонади.

Айтишларига қараганда, Аристотелнинг «Жон ҳақида» асарининг Абу Наср мутолаа қилган нусхаси топилган. Ана шу китобда Форобий ўз қўли билан «мен шу китобни юз марта ўқидим» деб ёзиб қўйган экан. Бу олим тўғрисида нақл қилганларнинг гапига қараганда, Абу Наср Арастуининг «Физика» асарини қирқ марта ўқидим-у, лекин уни яна қайта ўқишим керак, дер экан.

Абу Наср Форобийдан шу нарсани ривоят қилишади, Бир гал ундан:

— Фалсафа соҳасида ким ўтकिр — Сизми ё Арастуми? — деб сўрашибди.

Шунда Абу Наср савол берганга жавобан:

— Агар мен у кишининг қўлида таълим олишга муяссар бўлганимда эди, у ҳолда мен унинг энг катта шогирдларидан бири бўлган бўлурдим,—дебди.

Абу-л-Қосим Соид ибн Аҳмад ибн Абдурахмон Соид ал-Қуртубийнинг «Табоқот ал-Хукамо китоби» («Ҳакимлар даражаси ҳақида китоб»)да Абу Насрни эслаб шундай дейди.

«Ал-Форобий мусулмонлардан чиққан чин файласуф эди, у мантиқ санъатини Юҳанно ибн Ҳийлоддан ўрганади. Бу киши Бағдод шаҳри мутаваллиси бўлиб, ал-Муқтадир даврида Мадинат ас-Салом (Типчилик шаҳри)да вафот этган эди. У барча ислом дунёсида яққою яғона бўлиб ажралиб чиқиб, ўз асарларида мантиқ илмининг яширин сирларини очди, ундаги атама ва ибораларни осонлаштирди, одамларнинг мантиқдан фойдаланиш учун тушунарли иборалар, нозик ишоралар қўллади, ҳатто мантиқ санъатини шарҳлаш, ўргатиш ва таҳлил қилиш ишида ал-Киндий ва бошқалар йўл қўйган бепарволикларни ҳам кўрсатиб ўтган.

Абу Наср мантиқдаги беш моддани ўз асарларида очиқ-ойдин қилиб ифодалади ва уларни ишлатиш йўллариини тушунтириб берди. Мана шу беш модданинг ҳар бирида қиёс суврати — шаклини қапдай ишлатиш кераклигини англатди. Мана шундай бўлгани учун унинг китоби бу фан соҳасида роят етук, ниҳоятда (яғона) саналади.

Ундан ташқари Абу Насрнинг «Илмларни ҳосил қилиш ва унинг мақсадларини тушунтириш» тўғрисида қутлуғ китоби бор. Бундай асар ёзишда ундай ҳеч ким ўзиб кетолмаган, ҳатто бу хил фикрларни ушгача ҳеч ким айтолмаган ва у етишган даражага етишолмаган;

толиби илмларнинг ҳаммаси ҳам унинг бу тутган тўғри йўлидан фойдаланмай қолмаган».

Мана шу хабар билан Ибн Соид сўзи тугайди. Сўнгра бу киши Форобий таълиф (асар)лари ва улардаги мақсадларга тўхтаб ўтади.

Абу Наср Бағдоддаги чоғларида мантиқни чуқурроқ ўрганишга киришади. Натияжада у бу соҳада замондошлари орасида тенги йўқ даражага етишади. Абу Наср ўзининг кўпчилиги асарларини худди мана шу ерда ёзади. Кейин у ердан Дамашқ томон сафар қилади. У ерда ҳам кўп турмай, Мисрга йўл олади.

Абу Наср «Сийёсат ал-мадания» («Шаҳарлар устида сиёсат юргизиш») деб аталган китобида эслашича, у бу китобни Бағдодда ёза бошлаган, уни Мисрда тугатиб, мукамал ҳолга келтирган. Кейин яна Дамашққа қайтиб келган ва шу ерда туриб қолган. Ўша пайтларда амир Сайфуддавла ибн Ҳамдон Абу Наср билан яхши муносабатда бўлган экан.

Абу Наср Дамашққа келгач, Сайфуддавланинг ҳузурига киради. Амир, одатига кўра, теварагига олиму фозилларни тўплаб, суҳбатлашиб ўтирган экан, Абу Наср амир даргоҳига кириб келганида у ўзининг турк кийимида бўлади, одати бўйича у доим шу кийимида юрар эди. У аста ичкарига кириб келади-да, амирга юзланиб тип-пятик туриб қолади. Шунда амир унга қараб:

— Ўтир!— дейди.

Абу Наср:

Қайси жойга, ўз даражамга қарабми ё сен айтган жойгами?— дейди.

— Ўз даражангга қараб ўтир,— дейди Сайфуддавла.

У дадил юриб, тўрға равона бўлади, тўғри, Сайфуддавла ўтирган курси олдига келиб тўхтади. Ҳатто амрини ўтирган жойидан сал нарига суриб ҳам юборади.

Одатда Сайфуддавланинг ҳузурда мамлуклар — хизматкорлари ҳозир у нозир бўлгувчи эди. Амир бўлса кўпчилик одамлар олдида гапириб бўлмайдиган бекитиқчи гапларини ўзи ва ўша хизматкорлари биладиган махсус тилда гаплашарди. Бу тилни улардан бошқа ҳеч ким билмас эди. Шунда амир ўша тилда ўз одамларига қараб:

— Ўшандай беодоб чол экан! Ҳай майли, мен ундай баъзи нарсаларни сўрайман, агар тўғри жавоб беролмаса, бошлаб адабини бериб қўясизлар,— дейди.

Амир шундай дейиши билан Абу Наср ўша тилда унга қараб:

— Э амир, биров сабр қил,— чунки, ҳар бир ишнинг оқибатига қараб ҳукм чиқарилади,— деди.

Абу Насрнинг бу гапидан Сайфуддавла даҳшатга тушади, кейин унга:

— Бу тилни биласанми?— дейди.

Абу Наср унга жавобан,

— Ҳа,— дейди,— мен етмишдан ортиқ тил биламан.

Абу Наср шу гапини айтиши билан амир унга бошқача қарай бошлади ва ҳозир бўлган олимлар билан ҳар хил фанлардан гаплашиб кетди. Шунда Абу Насрнинг ҳар жиҳатдан устунилиги аён бўлади, бора-бора йиғилганларнинг кўпчилиги суҳбатни тўхтатиб, жим қоладилар, фақат Абу Насргина суҳбатни давом эттирар эди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир гапини мажлис аҳли ёзиб олар эдилар. Охири Сайфуддавла олимларни жўнатиб юбориб, Абу Наср билан ёлғиз қолади. Амир ўз суҳбатдошига қараб:

— Бирор нарса ейишга қалайсан?— дейди.

Абу Наср унга:

— Ҳеч нарса емайман,— дейди.

— Бирор нарса ичишга-чи?— дейди амир.

— Йўқ,— дейди Абу Наср.

— Бўлмаса, бирор ширин куй эшитишга рағбатинг борми?— дейди амир.

— Ҳа, бор,— дейди Абу Наср.

Сайфуддавла мутрибу машшоқларни чақиртиради.

Чорланган машшоқлар қайси куйни машқ қилса, Абу Наср, сен фалон жойда нистон хатога йўл қўйдинг, деб унинг камчилигини кўрсатиб турарди. Буни кўриб, Сайфуддавла Абу Насрдан,

— Бу санъатдан ҳам хабаринг борми, дейман,— деб сўрайди.

— Ҳа,— деди Абу Наср, у шундай дедю, белдаги тўрвасини очиб, ундан бир печа чўп олди, уларни бир-бирига улади, сўнг чалиб машқ қила бошлаган эди, даврада ўтирганлар ўзларини тутолмай кула бошлади. Ке йен олим ўша чўпларини бошқача қилиб бириктириб чалган эди, йиғилгачлар ниқ-ниқ йиғиланга тушишди. Олим чўиларни бошқача тартибга солиб чалган эди, амирдан тортиб дарвозабонгача ҳамма доғ қотиб ухлаб қолди.

Абу Наср эса фурсатдан фойдаланиб, саройдан чиқиб кетди.

Ривоятларга кўра, «Қоун»¹ деган мусиқа асбобини

¹ Қоун (чап) — Форобий таржман ҳолига онд кўп китобларда ушшг «Қоун» деган музика асбоби ихтиро қилганини сўзлайдилар.

Абу Наср ихтиро қилган бўлган экан. У доимо ёлғиз ўтирар экан. Бир қанча вақт у Дамашқда яшайди. У боғроғли, баҳаво ерларни хуш кўрар ва ўшандай жойларда ўтириб, китоб таълиф қилар экан.

Абу Насрнинг олдига тез-тез илм аҳллари келиб турар эдилар, Олим ўз таълифларини катта дафтарларга ёзмас, ёзса ҳам бундай ҳол камдан-кам юз берар экан. Унинг кўпчилик асарлари маълум фасллардан ва таълиқлардан иборатлиги сабаби ҳам шунда.

Абу Наср мол-дунёга сира ҳавас қўймаган, у на тирикчиликка ва на уй-жой қилишга эътибор берган. Сайфуддавла унинг учун ўз хазинасидан кунига тўрт дирҳам ажратиб қўйган. Шу тариқа у ғарибона ҳаёт кечириб, уч юз ўттиз тўққизинчи йилли саксон ёшида Дамашқда вафот этди. Унинг жанозасига Сайфуддавла ва унинг турт яқин амалдор ҳозир бўлдилар. Абу Наср (худо раҳмат қилсин)нинг жасади Дамашқ чеккасидаги «Боб ас-сағир» (Кичик дарвоза)нинг ташқарисига кўмилди. Матто пбн Юнус эса Бағдодда, ар-Розий халифалиги даврида вафот этди.

Ибн Соид ал-Қуртубий ўзининг — «Табақот ал-атиб-бо» (Табиблар даражаси китоби)да Форобийнинг вафоти ва кўмплиши ҳақида бундай дейди:

Мен бир мажмуада Форобийга нисбат берилган бир неча байтларни учратдим. Ўша байтлар мана шулар эди:

Узоқ юр бўлса ботил, сўз ёлғон,
Ҳақиқат тарқатиб кет, бўлса имкон.
Бўлмади дунё биз учун абад уй,
Бас келмайин ўлмига ҳеч бир инсон.
Куррага тушган чизиқлар бизмикан?
Елса ел сал йўқ бўлурмиз шул замон.
Шул экан ҳол бу мухолифлик нечун,
Арзимасга бир-бири бирлан ҳамон?
Жондан ажралганлик аъломасмуқан,
Айламақдан бунчалик тўс-тўполоқ?!

Бу байтларни «ал-Харида» китобида Шайх Муҳаммад пбн Абдулмалик ал-Форобий ал-Бағдодий ал-Дорга тегишли деган гапни ҳам кўрганман. Ўша «ал-Харида» китобининг муаллифи ал-Имоднинг айтишига қараганда, бу киши беш юз олтинчи биринчи йилли ражаб ойининг ўн саккизинчисида жумъа куни ал-Бағдодий билан бирга ўтиришган экан. Бу учрашувдан бир неча йил ўтгач, у киши вафот этган.

Тархон ва Ўзлуғ турк номлари бўлиб, Форобий —

бу кишининг тахаллусидир. Бу тахаллус эса ўша Фороб деган жойга нисбатан айтилган. Бу жойни ҳозир Утрор деб аташади. Бу ном кўпроқ ишлатилади. Шу шаҳар Шош (Тошкент)дан юқорида, Балосогун шаҳрига яқиндир. Бу ўлка аҳолисининг ҳаммаси ҳам Имом Шофий мазҳабида. Балосогун турк диёрининг улкан пойтахтларидан бири саналган. Унга ҳатто «Ички Фороб» ҳам дейишган (уларда «Ташқи Фороб» ҳам бўлган).

Бу жой форс ўлкаларининг чеккаларидадир. Балосогун турк ерларининг чегарасида, Қошгарга яқин жойда, юқорида зикр қилинган Сайхун дарёсининг нариги томонида жойлашган. Қошгар эса Чин томонидаги катта шаҳардир.

Бундан тўғрисиш худонинг ўзи билади

ИБН АБИ УСАЙБИА ФОРОБИЙ ҲАҚИДА

Ибн Аби Усайбиа ёзади:

Бу кишининг тўла оти Абу Наср Муҳаммад ибн Узлуф Тархон бўлиб, тугилган шаҳри Форобдир. Бу жой Хуросон ерларидаги турк ўлкасига тегишли бир шаҳар. Унинг отаси кўшин саркардаси эди.

Абу Наср бир қанча вақт Бағдодда бўлади, кейин Шомга¹ кўчади ва то вафот этгунга қадар ўша ерда туриб қолади. Раҳматлик етук файласуфлардан, фозил доғишмандлардан эди, ҳикматга оид фанларни мукамал биларди. У риёзий (математика) илмларга моҳир, покиза, йирик аллома, мол-дунё билан иши йўқ, ҳоксор одам эди; у ўлмас овқатга чидаб турадиган серқаноат киши эди, унинг феъл-атвори худди қадимги файласуфлар одобига ўхшарди.

Абу Наср тиббиётдан ҳам дурустгина хабардор эди. Бу соҳада унинг назарий қисмини яхши биларди. Аммо тиббининг амалий-тажриба қисми ва жузъий бўлакларига келганда, унга чуқур киришолмаган эди.

Сайфуддин Абул-Ҳасан Али ибн Абу Али ал-Омадийнинг² менга ганириб беришига қараганда, ал-Форобий Дамашққа дастлаб борган кезларида бир боққа қоровул бўлган экан. У ўша боғда доимий ҳикмат фалсафий билмлар билан машғул бўлган экан. Абу Наср бу ерда қадимгиларнинг қарашлари — асарлари ва уларга ёзил-

¹ Ҳозирги Сурияни қадимда Шом деб аташган.

² Ибн ал-Қифтийнинг гапига қараганда, ал-Омадий унинг замондоши. Бу киши 551—631 ҳижрий, 1156—1233 милодий йилларда яшаган.

ган шарҳларини мутолаа қилар экан. У бечораҳол киши бўлиб, ҳатто кечалари ухламай таспиф билан машғул бўлар, камбағаллигидан кечалари қоровулликка берилган чироқдан фойдаланар экан.

Бирмунча вақт Абу Наср шу тарққа ҳаёт кечиради. Кейин теваракка овозаси кетиб, обрўси ортади, ёзган асарлари ҳам машҳур бўлиб кетади. Шу билан унинг шогирдлари ҳам кўпайди. Натижада ягонаий замона ўз даврининг алломаси даражасига етишади.

Амир Сайфуддавла Абул-Ҳасан Али ибн Абдуллоҳ ибн Ҳамдон ат-Тағлабий у билан ҳамсуҳбат бўлди; унинг билимига қойил қолиб, иззат-ишром қилди. Натижада амирнинг Абу Наср иштироки билан бўладиган йиғинларининг қиймати ошди, ўзи ҳам ундаш баҳраманд бўлди.

Баъзи машойихларнинг нақл қилишларига кўра, Абу Наср ал-Фаробий уч юз ўттиз саккизинчи йили¹ Мисрга сафар қилган, кейин Дамашққа қайтиб келган ва шу ерда уч юз ўттиз тўққизинчи йили² ражаб ойида, Сайфуддавла Али ибн Ҳамдон амириликда ва ар-Розий³ халифалиги даврида вафот этган.

Амир Сайфуддавла ўзининг ўн беш нафар амалдор кишилари билан бирга Абу Наср жанозасида ҳозир бўлди.⁴ Айтишларига қараганда, Абу Наср қаиоатли одам бўлганидан Амир Сайфуддавла ҳурматига сазовор бўлишига қарамасдан, у кунига тўрт дирҳам кумуш пулдан бўлак ҳеч қайси инъомдан фойдаланмас экан. Уша тўрт дирҳамни маишатига зарур бўлган нарсаларга сарф қилар экан. Ҳатто у тирикчилик пима бўлади, деб қайғурмас ҳам экан, на уй-жойини ўйлар ва на бирор фойдани кўзлар экан.

Айтишларига қараганда, Абу Наср қўзи юраги ва райҳон шарбати билан овқатланар экан. Абу Насрни дастлабки вақтларда қози бўлган дейишади. Илм-маърифатга чуқурроқ киришгач, у бу ишнини ташлаб, бор-будини билим ўрганишига қаратибди, мол-дупёга ҳеч қизиқмас экан.

Айтишларича, қоровуллик қилиш учун кечаси манзилдан чиқар экан-да, чирогини ёқиб, мутолаага тушар экан. У мусиқа санъатида ҳам билемдон киши экан. Бу

¹ Милодий 949.

² Милодий 950 йили.

³ Халифа ар-Розий 934 йили тахтга ўтирган.

⁴ Бу билан муаллиф амир ва унинг аъёнлари Абу Насрни ҳурмат қиларди, демоқчи.

соҳада ҳам шу даражада баркамол эканки, ҳеч ким ундан ўтиб кетолмас экан.

Айтишларига қараганда, у ажойиб бир мусиқа асбоби ясабди, бу асбобдан жудаям гўзал, ёқимли куйлар эшитиш мумкин экан, ҳатто у эшитган одамни ҳаяжонлантириб юборар экан.

Айтишларича, Абу Насрининг ҳикмат-фалсафани ўқишига бир киши сабаб бўлган экан. Ўша киши унга Арастуниинг бир неча китобини, шу ерда тура тургани, кейин олиб кетаман, деб қўйиб кетгани сабаб бўлган, дейишади. Иттифоқо, китобларга кўзи тушиб, улар Абу Насрининг кўнглига маъқул бўлиб қолади ва ўқишга киришади натижада етук файласуфга айланади.

Абу Наср ал-Форобийнинг фалсафа сўзи маъноси тўғрисида айтган гапларини келтирадилар. Бу борада у шундай деган экан: фалсафа сўзи юнонча бўлиб, араб тилига четдан кирган сўзлардандир. Бу сўз уларнинг тилларида философ деиб айтилади. Унинг луғавий маъноси — ҳикматни ёқтириш демакдир. Бу сўз юнон тилида «фило» билан «сўфиё» сўзларидан таркиб топган. «Фило» деганда ёқтириш, севиш тушунилади: «сўфиё» деганда эса ҳикмат, донолик тушунилади. Файласуф сўзи фалсафадан оллинган, бу юнонларнинг тилида «филасуфус» дейилади. Бу ўзгартиш юнонларда илдиздан бўладиган ўзгариш саналади. Уларнинг тилида бунинг маъноси ҳикматни севиш демакдир. Улар бу иборот билан ҳаётдан ва умр кўришдан мақсад ҳикматни таъкидлашдан иборатдир, дейишади.

Абу Наср ал-Форобий фалсафаниннг пайдо бўлиши ҳақида қуйидагича ҳикоя қилган:

Юнонлар подшоҳлиги даврида фалсафаниннг иши юришиб, машҳур бўлиб кетди. Арастуниинг Искандарияда вафотидан то хотин подшоҳлиинг охириги давригача шундай бўлди.

Арасту вафот этгач, унинг таълимоти қандай бўлган бўлса, ўша ҳолда қолди ва шу алфозда ўн уч подшоҳлик давригача етиб келди. Бунда фалсафа муаллимларининг ўн иккитаси кетма-кет келди. Буларининг бири Андроникус номли билан машҳурдир. Бу подшоҳларининг элг охиригиси хотин киши бўлиб, унинг устидан Рум подшоиси Августус ғалаба қозонган, маликани ўлдириб, мол-мулкига эга бўлган эди. Вақт-соати келиб подшоҳлиинг назари китоб хазиналарига тушган, натижада у бу борада бир қарорга келган, ўша ердан Арасту китобларининг нусхалари топилган эди, булар ҳаммаси Арасту замонида ва Теофрастус даврида кўчирилган нусхалар эди. У

ерда муаллимлар ва файласуфлар топилиб, улар Арасту ёзган китобларга ўхшаш маъноли китоблар тузиб чиқдилар, сўнг ўша подшоҳ буйруқ бериб, ўргатиш учун улардан фойдаланиш ниятида Арасту ва унинг шогирдлари даврида кўчирилган китобларнинг нусхалари кўпайтирилди, қолганларидан эса юз ўтирилди.

Августус бу ишларнинг чорасини кўриб қўйиш, улардан нусха кўчириб ўзи билан бирга Румияга олиб кетишни, бошқа бир кўчирилган нусхасини эса китоблар макони бўлмиш Искандарияда қолдиришни буюриб: бундай ишни бажаришга Апдирионикус ўзини босадиган бир муаллим топиб қўйишни буюрди. Олим Андрионикус эса Августус билан бирга Румга бориб, у ерда фалсафани ўргата бошлади. Шу билан фалсафа икки ерда — Искандария ва Румда ўрганила бошланди ва бу борадаги иш шу икки ердагина юришди. Аҳвол шу тариқа бўлиб, бу иш то насроний — масиҳий дини юзага келгунга қадар давом этди. Кейин фалсафани ўргатиш Румияда илқирозга учради, бу иш фақат Искандариядагина қолди. Шу тариқа ҳолат то насронийлар подшоши ўйлаб бир фикрга келгунга қадар давом этди. Сўнг масиҳий усқуф — руҳонийлари йиғилишиб, бу таълимни бекор қилиш борасида маслаҳат қилишди. Ана шунда буларни тарк қилишдан олдин улар фалсафанинг мантеққа оид китоблардан то вужудини бўлими — охиригача ўргатишни, ундан бошқа қисмларини ўргатмасликни лозим тонишди. Чунки улар шундай қилмаса насроний динига зарар етади, деб гумон қилишди. Бу фанинг ўргатилишига олаб қолдирилган қисмидан диннинг кучайишига фойда тегар, деган умидда бўлишди. Фойдаланишга лойиқ тонилган қисми ошкор маълум бўлди, қолган қисми эса узоқ вақтга қадар, ҳатто ислом келгунгача бекиклигича қолиб кетди.

Шундай қилиб фалсафани ўргатиш иши Искандариядан то Антокиягача кўчди ва бу ерда битта муаллим қолгунга қадар узоқ вақт давом этди. Ўша қолган бир муаллимдан бу фанни икки киши ўрганди. Кейин улар иккови китобларни олиб, у ердан чиқиб кетишди. Буларнинг бири Харрон аҳолисидан бўлиб, бошқаси эса Марв аҳлидан эди. Ўша марвлик кишидан упи икки киши ўрганди. Уларнинг бири Иброҳим ал-Марвазий¹ эди, иккинчиси Юҳанно ибн Хийлон эди. Харронликдан Пероил ал-Усқуф ва Қувайрий иккаласи таълим олишди, кейин

¹ Иброҳим ал-Марвазий — 850—920 йиллар орасида яшаган йриқ файласуф.

улар Бағдодга йўл олдилар. Иброҳим диний ишлар билан шуғулланди, Қувайрий эса таълим ишлари билан шуғулланиб, мударрис бўлиб қолди.

Аmmo Юҳанно ибн Ҳийлонга келсак, бу киши ҳам ўз дини билан шуғулланишга тушди. Иброҳим ал-Марвазий Бағдод шаҳрига бориб, ўша ерда туриб қолди. Ал-Марвазийдан эса Матто ибн Юнон ўрганди. Бу киши ўша вақтларда вужудияга оид масалаларни то охиригача ўргатарди.

Абу Наср ал-Форобий ўзи ҳақда гапириб, Юҳанно ибн Ҳийлондан мантиқ ўрганишга киришиб, унда то бурҳонисбот қисмининг сўнгигача ўқиди. Бунда вужудия масалаларидан кейинги қисми ўқилмайдиган бўлим деб юритилар экан. Аҳвол шундайлигича, то ўша ўқилмайдиган бўлим ўқиладиган бўлгунга қадар давом этди. Шундан кейин бу одат то мусулмон олимлари қўлига ўтгунга қадар чўзилди. Сўнг аста-секин инсон ўқишга қодир бўладиган еригача вужудия масалалари ўқиладиган бўлди.

Абу Насрнинг айтишига қараганда, у Аристотелнинг «ал-Бурҳон китоби»нинг охиригача мутолаа қилиб чиқди. Менга раҳматли амаким Рашуддин Абул-Ҳасан Али ибн Халифанинг гапириб беришига қараганда, ал-Форобий амир Сайфуддавла ибн Ҳамдон даврида унинг даргоҳида ҳижрий 339 (мил. 950) йилнинг ражаб ойида вафот этди. У ўз илмини Бағдодда ал-Муқтадир даврида Юҳанно ибн Ҳийлондан ўрганган эди. Унинг замонида Абу Бишр Матто ибн Юнон деган киши бўлгучи эди. Бу киши Абу Насрдан ёши каттароқ эди. Абу Наср бўлса зехнда ягона, ширинсўз эди. Абу Бишр Матто ўша Иброҳим ал-Марвазийдан мантиқни ўрганди. Абу Бишр бўлса ар-Розий халифалиги даврида уч юз йигирма тўққизинчи йил (934—940) орасида вафот этди.

Юҳанно ибн Ҳийлон билан Иброҳим ал-Марвазий иккалови марвлик бир кишидан ўрганган эди.

Шайх Абу Сулаймон Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Баҳром ас-Сижистоний¹ ўзининг таълиқларида уқтиришича,

¹ Ас-Сижистоний (983 да ҳаёт бўлган). Бу киши «Сивон ал-ҳикма» («Ҳикмат савдиги») асарининг муаллифи. Унда жуда кўп олимларнинг таржимаи ҳоли берилган, кейин у асарга Заҳриддин Абул-Ҳасан ал-Байҳақий (вафоти 1169) унга қўшимча қилган. Бу асарни у «Татимат сивон ал-ҳикма» («Ҳикмат савдиги»га қўшимча) деб атаган.

Яҳё ибн Адий² шундай хабар берган: у «Исоғучи»³ китобида Матто насроний динидаги бир одам қўлида ўқиди, категория ва барманиёс⁴ Рубил деган одамда ўқиди. Қиёс—силлогизмни эса Яҳё ал-Марвазийда ўқиди...

Буни мен—Ибн Аби Усайбиа айтяпман: тарихда шу нарса борки, ал-Форобий нуқул Абу Бакр ибн Сирож билан учрашиб турар экан. Абу Наср ал-Форобий ундан наҳви ўрганар, Ибн Сирож бўлса Абу Насрдан мантиқни ўрганар экан. Баъзида ал-Форобий шеър ҳам ёзар экан.

Абу Наср ал-Форобийдан сўрашибди:

— Сиз катта олимми ё Арастуми?

— Агар мен ўша даврда яшаган бўлганимда мен унинг энг катта шогирдларидан бири бўлган бўлардим, — деб жавоб берибди Абу Наср.

Одамларнинг ал-Форобийдан гапиришларига қараганда, у нуқул айтар экан.

— Арастунинг «ас-Симоз» — «Физика»сини қирқ бор ўқидим, лекин уни яна қайта ўқишим керак...

Форобий шеъри⁵.

Эй борлиқ нарсалар сабабчиси зот,
Бари файз-пурнигдан бўлганди бунёд.
Қат-қат осмон, ўртададир Ер, денгиз,
Уларга эгасан, маркази обод.
Паноҳ истаб келдим, гувоҳкорингман,
Кечир кўп хатойим, нуқсоним бод-бод.
Файзинг айласин раббим, табиат —
Унсурлар киридан унсурим овод.

² Яҳё ибн Адий (894—975) Форобий даврида яшаган Сурёний, араб тилини яхши биладиган мантиқшунос олим, Такритда туғилиб, Бағдодда яшади ва шу ерда вафот этади. Форобийдан таълим олади.

³ Бу ерда Парфирийнинг «Исоғучи» — «Исагоги» — «Мантиққа муқаддима» асари назарда тутилляпти.

⁴ Барманиёс — мантиқнинг бир қисми — талқин қилиш бўлими.

⁵ Шундан кейин Абу Наср ўқийдиган дуоларидан, деб икки бет ҳар хил дуолар келтирилган. Муаллифнинг айтишича, Абу Наср бу дуоларни ўқишни маъқул кўрар экан. Бу ерда уларнинг Форобий таржимаи ҳоли ё ижодига унчалик алоқаси бўлмагани учун таржиманда уларни тушириб қолдирдик. Кейин тўрт байт шеър келган. Бу шеър мазмуни ҳам дуо, мувожотга яқин келади. Бу шеърдан кейин яна дуо келади. Шеърларнинг аввалгиси «ал-комил», кейингиси «ал-басит» вазнида ёзилган, биз бу шеърларнинг ўзбекча шеърий таржимасини келтирамиз. Бу шеърлардан сўнг Форобий асарлари рўйхати келтирилган.

Абу Наср ёзган бошқа шеърлардан бири:

Гапнда маъно йўқдир, тили гализ, тумтароқ.
Кўрдим аҳли замонни боши эгилган андоқ,
Ҳар бошлиқда бир ташвиш: ҳар бошда бир мусибат.
Шуниги учун уйимдан чиқолмай тоқатим тоқ.
Номусни асрамоққа узлатдаман, панада,
Мен иззатимни асраб, қаваот этдим ҳар чоқ.
Сабр-чидам майини йиғиб қўйдим жомига,
Кафтимда у нурафшон, мен анга бўлдим ўртоқ.
Бор давлатим, ичурман, май шиша менга улфат.
Қулт-қулт овози наво, эшитай дейман кўпроқ.
Бўшаб қолган дивърлар, одамлар сўзларидан
Мева териб олурман, йўқолмиш йўқса мутлоқ.

Яна бошқа бир шеъри:

Узоқ юр бўлса ботил, сўзи ёлғон,
Ҳақиқат тарқатиб кет, бўлса имкон.
Бўлмади дунё биз учун абад уй,
Бас келмайини ўлимга ҳеч бир инсон.
Куррага тушган чизиклар бизмикин?
Ел кўпурса, йўқ бўлурмиш шул замон.
Шул экан ҳол, бу мухалифлик нечун!
Арзимасга бир-бири бирла ҳамон.
Жондан ажралганлик авломасмикин,
Айламакдир бунчалик тўс-тўпалон?!





АБУ НАСР ФОРОБИЙГА ТЕГИШЛИ АСАРЛАР РЎЙХАТИ¹

1. Шарҳ китоб ал-Мажастий ли Батлимус (Птолемейнинг «ал-Мажастий — «Алмагеста» китобига ёзилган шарҳи).

Шарҳ китоб ал-Бурҳон ли Аристотелос (Аристотелнинг «Исбот» — «Иккинчи аналитика» китобига оид шарҳ китоби).

3. Шарҳ китоб — ал-Хитоба ли Аристотелис (Аристотелнинг «Риторика» асарига ёзилган шарҳ китоби).

4. Шарҳ ал-мақола ас-сония ва ас-сомина мин «Китоб ал-жадал» ли Аристотелис (Аристотелнинг «ал-Жадал» — «Диалектика» китобидан иккинчи ва саккинчи мақолалар шарҳи).

5. Шарҳ китоб ал-Муғолата ли Аристотелис (Аристотелнинг «Софистика» китобига битилган шарҳ).

6. Шарҳ китоб ал-қиёс ли Аристотелис ва ҳува шарҳ ал-Кабир (Аристотелнинг «Қиёс» — «Биринчи Аналитика» китобига ёзилган шарҳ. Бу катта китоб).

7. Шарҳ китоб ли Аристотелис ало жиҳат ат-таълиқ (Аристотелнинг риторикага оид «Барминийс» («Герменевтика» — «ал-Ибора») — «Талқин қилиш» китобига тушунтирув йўсинда битилган шарҳ китоби).

8. Шарҳ китоб ал-мақулот ли Аристотелис ало жиҳат ат-талиқ (Аристотелнинг категорияларини шарҳлаб ёзилган китоб).

9. Китоб ал-мухтасар ал-кабир фи ал-мантиқ (Мантиққа оид қисқарган катта китоб).

10. Китоб ал-мухтасар ас-сағир фи ал-мантиқ ало тариқа ал-мутакаллимийн (Мантиққа оид мутакаллим — каломчилар йўлида ёзилган қисқарган кичик китоб).

11. Китоб ал-мухтасар ал-авсат фи ал-қиёс (Қиёс-силлогизмга оид ўртача қисқарган китоб).

12. Китоб ат-тавтиа фи ал-мантиқ (Мантиққа кириш тарикасида ёзилган китоб).

13. Шарҳ китоб исоғучи ли Фарфирюс (Парфирий-

¹ Матнда рақам берилмаган. Ҳуқувчиға ўнғайлик яратиш мақсадида уларға рақам қўйилди. Бунда қавс ичидаги китобларнинг таржимаси ва бошқа қўшимча гаплар биздан, қавсдан тапқари гаплар Ибн Аби Усайбига тегишли.

нинг «Исоғучи»—«Исогоги» китобига битилган шарҳ китоби). Бунда исоғучининг маъноси ҳақида гап боради.

14. Китоб ал-қиёс ас-сағир (Қиёс — силлогизмга тегишли кичик китоб. Абу Наср ал-Форобийнинг ўз қўли билан ёзилган шу китоби тошилган, яъни кўрилган).

15. Ихсо ал-қазоё ва ал-қиёсот аллати тустаъмал ало ал-улум фи жамиъ ас-санойъ ал қиёсия (Барча масалаларнинг келиб чиқиши ва қиёсий санъатининг барчасида ишлатиладиган қиёслар ҳақида).

16. Китоб шурут ал-қиёс (Қиёс — силлогизм шартлари ҳақида китоб).

17. Китоб ал-бурҳон (Исбот китоби. Бу китоб Аристотелнинг шу номли асарига ёзилган шарҳми ё ўзи мустақил равишда шу мавзуда ёзган китобми — бизга номалум).

18. Китоб ал-жадал («Диалектика» китоби).

19. Китоб ал-мувозиъ ал-мунтазна мин ал-мақола ас-сомниа фи ал-жадал (Мантиқдаги жадал—диалектикага оид савкизинчи мақоланинг тортишувли жойларидан сайлаб олинганлари).

20. Китоб ал-муғаллата (Мантиқдаги чалкаштирувчи жойлар ҳақида китоб).

21. Китоб иқтисоб ал-муқаддима ва ҳия ал-мусаммот би ал-мавозиъ ва ҳия ат-таҳлил (Мантиққа кириш қисмини ўрганиш, бу эса жойлар номи билан юритилади; жойлар эса таҳлил дегани бўлади).

22. Калом фи ал-муқаддимот ал-мухталита мин вужудий ва зарурий (Вужудий ва зарурийлардан иборат аралаш муқаддималар ҳақида сўз).

23. Калом фи ал-хало ли ал-хитоба (Аристотелнинг «Риторика» китобининг бош қисмидаги бўшлиқ ҳақида сўз).

24. Шарҳ китоб ас-Симоъ ат-табий ли Аристутолис (Аристотелнинг «Табий гармония»—«Физика» китоби ҳақида тушунтирув бериш учун ёзилган шарҳ).

25. Шарҳ «Китоб ас-само ва ал-олам»ли Аристутолис Аристотелнинг «Осмон ва олам» асарига таълиқ нуқтаи назаридан ёзилган шарҳ китоби).

26. Шарҳ китоб ал-осор ал-улвия ли Аристутолис (Аристотелнинг «Олий—осмон жисмлари ва метеорология»га оид асарига шарҳ сифатида ёзилган китоб).

27. Шарҳ мақола ал-Искандар ал-Афрудисий фи-п-нафс ало жиҳати таълиқ (Искандар ал-Афродисийнинг Нафс—жон ҳақидаги мақоласига таълиқ нуқтаи назаридан ёзилган шарҳ китоби).

28. Шарҳ садр китоб ал-ахлоқ ли Аристутолис (Аристотелнинг «Этика»сининг бош қисмига ёзилган шарҳ).

29. Китоб ан-навомис (Қонулар китоби).
30. Китоб ихсоъ ал-улум ва тартибиҳо (Илмлар классификацияси ва улар тартиби ҳақида китоб).
31. Китоб ал-фалсафатайн Афлотун ва Аристутолис (Платон ва Аристотель фалсафаси ҳақида китоб — бунинг охири тушиб қолган).
32. Китоб ли мадинат ал-фозила ва ал-мадинат ал-мубаддала ва ал-мадинат аззолла (Фозил, жоҳил, фосиқ, ўзгартирилган ва алашганлар шаҳари ҳақида китоб). Бу китобни ёзишни Абу Наср Бағдодда бошлаб, уни 330 (941) йилнинг охирида ўзи билан бирга Шомга олиб кетган ва Дамашқда 331 (942) йилда тугатган ва уни таҳрир қилиб чиққан. Таҳрирдан кейин уни бобларга ажратиб чиққан. Шунда баъзи одамлар ўша китобнинг маъносига кўра фаслларга ажратишни сўрайди, ал-Форобий 337 (948) йил Мисрда уни фаслларга ажратгач, китоб олти фаслга бўлинди. Ана шу йил китобнинг фаслларга ажратиш йили бўлиб қолди.
33. Китоб мабодн ороу ал-мадинат ал-фозила (Фозил шаҳар аҳли қарашларининг асослари ҳақида китоб).
34. Китоб ал-алфоз ва ал-ҳуруф (Лафз — сўзлар ва ҳарфлар ҳақида китоб).
35. Китоб ал-муסיқ ал-кабир (Катта музика китоби). Буни вазир Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Қосим ал-Кархийга бағишлаб таълиф қилган.
36. Китоб фи ихсоъ ал-ийқоъ (Ритмлар классификацияси ҳақида китоб).
37. Калом лаҳу фи ан-вақла музофан ила ал-пйқоъ (Абу Насрнинг ритмга қўшимча қилинган чертиш ҳақида сўзи. Бу 36 рақамли асарга қўшимча бўлса керак).
38. Калом фи ал-мусиқо (Музика ҳақида сўз).
39. Мухтасар фусул фалсафия мунтазаа мин кутуби ал-фалосифа (Файласуфлар китобидан териб олинган қисқача фалсафий фасллар).
40. Китоб ал-мабодий ал-инсония (Инсониятнинг бошланғичи ҳақида китоб).
41. Китоб ар-радд ало Жолинус ало гаёр маъноҳу (Аристотелнинг баъзи сўзларини бошқа маънода шарҳлагани учун Галенга раддия сифатида ёзилган китоб).
42. Китоб ар-радд ало Ибн ар-Ровандий фи адаб ал-жадал (Ибн ар-Ровандийнинг мунозара одоби ҳақида фикрига раддия китоби).
43. Китоб ар-радда ало Яҳё ан-Наҳвий фимо радда биҳи ало Аристутолис (Яҳё Ан-Наҳвийнинг Аристотелга ёзган раддиясига қарши ёзилган раддия китоби).

44. Китоб ар-радла ало-Розия фи ал-илм ал-илоҳий (Илоҳиётда ар-Розийга раддия тариқасида ёзилган китоб).

45. Китоб ал-воҳид ва ал-ваҳда (Бир ва бирлик ҳақида китоб).

46. Калом лаҳу фи ал-ҳаййиз ва ал-миқдор (Абу Насрининг ҳажм ва миқдор ҳақида сўзи).

47. Китоб фи ал-ақл сағир (Ақл тўғрисида кичик китоб).

48. Китоб фи ал-ақл кабир (Ақл тўғрисида катта китоб).

49. Калом лаҳу фи маъно исм ал-фалсафа (Фалсафа номининг маъноси ҳақида Абу Наср ал-Форобий сўзи).

50. Китоб ал-мавжудот ал-мутағаййира ал-мавжуд би ал-калом ат-табъий (Табиатшунослар сўзларида бўлган ўзгарувчан мавжудот ҳақида китоб).

51. Китоб аш-шаронт ал-бурҳон (Исботлашиш шартлари ҳақида китоб).

52. Калом лаҳу фи шарҳ ал-мустаелак мин масодира ал-мақола ал-увло ва ал-хомпса мин Уқлидус (Абу Насрининг Эвклидининг биринчи ва бешинчи мақоласидан олинган қисмининг ноаниқ жойларига ёзилган шарҳ тўғрисида сўзи).

53. Калом фи иттифоқ оро Абуқрот ва Афлотун (Гиппократ ва Платон қарашларининг бир-бирига тўғри келиши ҳақида сўз).

54. Рисола фи ат-табъих ало асбоб ас-саода (Саодатга эришиш сабаблари кўрсатилган рисола).

55. Калом фи жузъ ва мо ло ятажаззаа (Бўлак ва бўлинмас нарсалар ҳақида сўз).

56. Калом фи исм ал-фалсафа ва сабаб зуҳуриҳо ва асмо ал-мубарризийн фиҳо ва ало ман қараа минҳум (Фалсафа номи, унинг келиб чиқиш сабаблари ва ундан шуҳрат қозонган кишилар номлари ҳамда уларда ўқиган шогирдлар ҳақида сўз).

57. Калом фи-л-жинн (Жинлар ҳақида сўз).

58. Калом фи ал-жавҳар (Субстанция ҳақида сўз).

59. Китоб ал-фаҳс ал-маданий (Шаҳарларни текшириш ҳақида китоб).

60. Китоб ас-сиёсат ал-мадания ва юърафу бимабодий ал-мавжудот (Шаҳарлар устидан сиёсат юргизиш китоби, у мавжудотнинг бошланиши деб таъниланган).

61. Калом фи ал-миллат ал-фиқҳ ал-маданий (Халқ ва шаҳарларни бошқариш ҳуқуқи ҳақида сўз).

62. Калом жумиа ақовил ан-наби юпиру фиҳи ило сипоат ал-мантиқ (Пайғамбарининг маънавиятқа ишора қилувчи гапларидан муаллиф (Форобий) тўплаган сўзлар).

63. Китоб ғи ал-хитоба кабир, пшрун мажалладан (Риторика ҳақида йнгирма жплдлик катта китоб).

64. Рисола ғи қуввод ал-жайш (Лашкарбошилар ҳақида рисола).

65. Калом ғи ал-маоийш ва ал-ҳуруб (Ҳаёт ва жанглар ҳақида сўз).

66. Китоб ғи ат-таъсирот ал-улвия (Олий жисмлар таъсири ҳақида китоб).

67. Мақола ғи ал-жиҳа аллатий ясиҳҳу алайҳо ал-қавл би аҳком ан-нужум (Юлдузлар ҳукми билан гапирш дуруст бўладиган жиҳат-томон ҳақида мақола).

68. Китоб ғи ал-фусул ал-мунтазаа ли ал-ижтимоот (Йнгишлар учун териб олинган парча—фасллардан иборат китоб).

69. Китоб ғи ал-ҳиял ва ан-навомис (Ҳийлалар ва қонунлар ҳақида китоб).

70. Калом лаҳу ғи ар-руъё (Туш ҳақида Абу Наср сўзи).

71. Шарҳ китоб ал-бурҳон ли Аристотелис ало тариқ ат-таълиқ амлоҳу ало Иброҳим ибн Адий тилмиз лаҳу би Ҳалаб (Аристотелнинг «Исбот»—«Иккипчи аналитика» китобига ёзилган шахр китоби). Бу асарни ал-Форобий Ҳалабдаги шогирди Иброҳим ибн Адий илтимосига қўра унга ёзиб берган.

72. Китоб ғи синоат ал-китоба (Ёзув санъати ҳақида китоб).

73. Калом лаҳу ғи ал-илм ал-илоҳий (Абу Насрнинг илоҳиёт ҳақидаги сўзлари).

74. Шарҳ ал-мавозий ал-муस्ताълақа мин китоб қотиғуриёс ли Аристотелис ва юърафу би таълиқот ал-ҳавоший (Аристотелнинг «Категория» китобида учрайдиган айрим чалкаш жойларига шарҳ. Бу «ҳошияларга битилган таълиқот» номи билан машҳур).

75. Калом ғи аъзоъ ал-ҳайвон (Тирик мавжудот аъзолари ҳақида сўз).

76. Китоб мухтасар жамий ал-кутуб ал-мантиқия (Мантиққа оид барча китоблар тўпламидан қисқартириб олинган китоб).

77. Китоб ал-мадҳал ила ал-мантиқ (Мантиққа оид муқаддима китоби).

78. Китоб ат-тавассут байн Аристотелис ва Жолинус (Аристотель ва Гален ўрталарида восита бўладиган китоб).

79. Китоб гараз ал-мақулот (Категориялардан кутилган мақсадлар ҳақида китоб).

80. Калом лаху фи аш-шеър ва ал-қавофий (Абу Насрининг шеър ва қофиялар тўғрисидаги сўзи).

81. Шарҳ китоб ал-иборат ли Аристутолис ало жиҳат ат-таълиқ (Аристотелнинг «Ибора» китобига ёзилган шарҳ — бу таълиқ нуқтаи назаридан ёзилган).

82. Таолиқ ало китоб ал-қиёс (Аристотелнинг «ал-Қиёс» — «Биринчи Аналитика» китобига ёзилган таълиқ — шарҳлари).

83. Китоб фи ал-қувва ал-мутанохия ва ғайр ал-мутапохия (Чекланган ва чексиз куч ҳақида китоб).

84. Таълиқ лаху фи ан-нужум (Абу Насрининг юлдуз-шуносликка оид изоҳлари).

85. Китоб фи ал-ашё алатий юҳтожу ан тааллама қабл ал-фалсафа (Фалсафани ўрганишдан олдин нимани билиш кераклиги ҳақида китоб).

86. Фусул лаху минмо жамааху мин калом ал-қудамо (Қадимгиларнинг сўзларидан ал-Фаробийнинг ўзи тўплаган бир қанча парча фасллар).

87. Китоб фи аъроз Аристутолис фи кулли воҳид мин қутибиҳи (Аристотелнинг ёзган китобларининг ҳар бирида у кўзлаган мақсадлар тўғрисида китоб).

88. Китоб ал-мақойис (Ўлчовлар ҳақида китоб).

89. Мухтасар китоб ал-худо (Тўғри йўл кўрсатадиган китоб. Балки «Китоб ал-худо»нинг қисқарганидир).

90. Китоб фи ал-луғот (Луғат — тиллар ҳақида китоб).

91. Китоб фи ал-ижтимоот ал-мадания (Шаҳар йиғинлари ҳақида китоб).

92. Калом фи анпа ҳаракат ал-фалақ дойма (Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида сўз).

93. Калом фимо яслиху ан язумма (Ёмонловчини тугатиш ҳақида айтилган сўз).

94. Калом фи ал-маолиқ ва ал-жун ва ғайр золика. (Хурмо, жун (ўсимлиги) ва бошқалар ҳақида сўз).

95. Калом фи лавозим ал-фалсафа (Фалсафага лозим бўлган нарсалар ҳақида сўз).

96. Мақола фи вужуб синоат кимиё ва ар-радд ало ал-мубтилиҳо (Кимё фанининг зарурлиги ва уни инкор этгувчиларга раддия сифада ёзилган мақола).

97. Мақола фи агроз Аристутолис фи ал-кулли мақола мин китобиҳи ал-мавсум би ал-ҳуруф ва ҳува таҳқиқ ғаразиҳи фи китоб «Мо баъда ат-табиа» (Аристотелнинг «Ҳарфлар» деб аталган китобидан бўлган ҳар бир мақоладан кўзлаган мақсадни ҳақида мақола. Бу эса «Метафизика» мақсадлари ҳақида ёзилган тақризлардир).

98. Китоб фи ад-давий ал-мавсуба ило Аристутолис мужаррадатан ан баёнотиҳо ва ҳужжатихо (Фалсафа

ҳақида Аристотелга нисбат берилган даъволар ҳақида китоб. Бу даъволар изоҳсиз берилган, далил кўрсатилмаган).

99. Таолиқ фи ал-ҳикма (Ҳикматга тегишли таълиқ — изоҳлар).

100. Қалом амло ало соилин саалаҳу ан маъно зот ва маъно жавҳар ва маъно табиа (Табиат ва субстанция ва зотнинг маъноларини сўраган кишига Абу Наср ўзган сўзлар).

101. Китоб жавомий ас-сиёсат мухтасар (Сиёсат ҳақида тўпламларнинг қисқача китоби).

102. Китоб бариминиёс ли Аристутолис (Аристотелнинг «Талқин қилиш» «Герменевтика» асари ҳақида ёзилган китоб ё шарҳ бўлиши керак).

103. Китоб уюн ал-масоил ало раъй Аристутолис ва ҳия миа ва ситгун масъалатан (Аристотелнинг фикрича, юз олтмиш масалани ўз ичига олган масалалар булоғи китоби).

104. Китоб ал-мадҳал ила ал-ҳандаса ал-ваҳмия мухтасаран (Хаёлий ҳандасага муқаддима саналган қисқарган китоб).

105. Жавобот ли масоил суила анҳо ва ҳия салоса ва ишрун масъала (Абу Насрдан масалаларни ҳал қилиб бериш учун сўраган саволларга жавоблар. Бу йигирма уч масала).

106. Китоб асноф ал-ашё ал-басита аллатий танқасим илайҳо ал-қазоё фи жамий ас-саноиъ ал-қийёсия (Оддий нарсалар классификацияси ҳақида китоб, қийёсий нарсаларнинг барчаси шу масалаларга бўлинади).

107. Жавомий китоб ан-навомис Афлотун (Платоннинг қонунлар ҳақида ёзганларининг тўплами).

108. Қалом мин имлоиҳи ва қад суила аммо қола Аристутолис фи ал-ҳорри (Иссиқ нарса ҳақида Аристутолис гапидан сўралганда, Форобийнинг ёзиб берган сўзи).

109. Таълиқот анолитиқо ал-увло ли Аристутолис (Аристотелнинг «Биринчи аналитика» китобига ёзилган тушунтирув изоҳлари).

110. Китоб шароит ал-яқин (Ишончли — аниқ билимлар шартлари ҳақида китоб. Бу ҳам мантиқ ҳақида бўлиши керак).

111. Рисола фи моҳият ан-нафс (Нафс — жоннинг моҳияти ҳақида рисола).

112. Китоб Симоъ ат-табийй (Аристотелнинг «Табиий гармония» — «Физика» китоби ҳақида ёзилган Абу Насрнинг шарҳ китоби бўлиши керак).





СЎНГ СЎЗ

Буюк файласуф Абу Наср Форобий китоблари рўйхатида унинг адабиётшуносликка оид баъзи бир асарларининг номлари ҳам зикр этилган. Лекин улар муаллифининг бошқа кўпгина асарлари қатори тарих элагидан ўтиб, давримизгача етиб келмаган.

Қувонарли томони шундаки, кейинги йилларда маданият тарихи илқибозлари Форобий каби буюк олимларнинг илмий мерослари топилгани ҳақида матбуот орқали жамоатчиликни ҳаяжондор қилиб туришибди. Натижада шу топилдиқлар тезда кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қиладиган ва илҳоят ундан бу соҳанинг мухлислари баҳраманд бўлишга улгурадиган ҳам бўлиб қолди. Мана шундай мерослардан бири Форобийнинг араб тилида ёзилган «Китоб аш-шеър», яъни «Шеър китоби» асаридир.

Форобийнинг бу асари ҳажм жиҳатидан анчагина кичик, ҳатто уни рисола деса ҳам бўлади. Балки бу асар дастлаб катта ҳажмда ёзилган бўлиб, кейинчалик маълум сабабларга кўра қисқарган ва шу қўлёзмадаги нусха ҳолатида бизгача етиб келган бўлиши ҳам мумкин. Лекин биз «борига барака» қабилида уни юритиб, асарни шу ҳолатда эълон қилиш ниятидамиз. Форобий «Шеър китоби» асарининг қўлёзма нусхаси ҳозир Братислава (Словакия) дорилфунуни кутубхонасида сақланмоқда.¹ Шунинг ҳам айтиш керакки, Форобийнинг бу асари алоҳида китоб ҳолида сақланмаган, балки файласуфининг мантиққа оид бошқа асарлари қаторида мавзу жиҳатидан бир китоб муқовасига кирган. Форобийнинг шу қўлёзмага кирган мантиққа оид асарлари ўн икки қисмдан иборат бўлиб, мантиққа кириш, мантиқ саъяти, категория, (маъқулот) ибора, қиёс, таҳлил, софистика, ал-ҳикмат ул-мумаввиҳа, бурдон-исбот, диалектика-жадал,

¹ Бу ҳақда университетда сақланаётган араб, турк ва форс тилидаги қўлёзма асарлари каталогига мурожаат этиш мумкин. Братислава, 1961, 181—188-бетлар.

риторика-хитоба, ниҳоят — ўн иккинчи бўлиб — «Китоб аш-шеър» (яъни «Шеър китоби») кирган.

«Шеър китоби»нинг қўлёзмаси ҳақида Братиславада сақланган Шарқ қўлёзмалари каталогда қисқача тавсиф ҳам берилган. Шу каталогда тавсифлашчи, Форобийнинг бу асари мазкур мантиққа оид қўлёзmannинг 271 варагида тугайди. Каталогда бу асарнинг аввали ва охирида келадиган сўзлар ҳам келтирилган.

Қўлёзmannинг 274 варагида мана бу сўзлар ёзилган: «Шу билан худо раҳмат қилгур Абу Наср Форобийнинг барча китоблари¹ тугади. Энди ақлни ато қилувчига ғоят даражада ҳамдмақтовлар, бениҳоят даражада шукрлар бўлсин. Бу китоб парвардигор афвига энг муҳтож бўлган қул бўлмиш Аҳмад ибн Али аш-Шомий қўли ва амрнинг лутфи билан тугади. Бу тарих 1116 йилнинг энг машҳур ойи бўлмиш — хайрли сафар ойининг ўн саккизида шанба куни тонг пайтида Қўстантавияда бажарилади».

1116 йилнинг 18-сафарини ҳозир жорий бўлган милодий йилга кўчирсак — 1704 йил 22 июнь кунига тўғри келади, қўлёзма кўчирилган жой Константинополь, ҳозирги Истанбул шаҳри бўлган.

Братислава қўлёзмасидан олинган фотопуsxанинг бир пухаси Форобийнуос — файласуф Музаффар Хайруллаевнинг шахсий кутубхонасида сақланади. Бу муҳтарам олимнинг лутфан қилган марҳаматлари билан ўша фотопуsxани кўришга муяссар бўлдик, натижада «Китоб аш-шеър»нинг арабча матнидан қилинган қўлингиздаги ушбу таржимамизни эътиборингизга ҳавола қилишга муяссар бўлдик.

Бу ерда шуни айтиш керакки, файласуф Форобий ўткир мантиқшунос олим бўлган. Шу жиҳатдан қараганмизда, унинг барча фикр-мулоҳазалари мантиқ истилоҳларида битилганлиги маълум бўлади, ўрта аср файласуфлари талқинида эса шеъринг мантиқ бобида келган ва унинг бир бўлаги сифатида мулоҳаза юртилган. Масалан, Ибн Синонинг «Шеър санъати» (поэтика) асари унинг «Китоб аш-шифо» асарининг мантиқ бўлими тўққинчи фан қисмида келади. Шунинг учун ҳам файласуфининг фикр-мулоҳазаларини баъзи ўринларда уқиб олиш ўнган бўлмаслигини ҳам назарда тутмоқ керак.

Форобийнинг бошқа бир рисоласи «Шоирлар санъати қонувлари ҳақида» деб аталади. Бу асарнинг асли қўлёзмаси Лондондаги «Индия офис» (Хипд девони) кутубхонасида сақланади. Уни шарқшунос Артур Арберри 1937 йилда нашр эттирган.

¹ «Барча китоб» деганда ўша мажмуада мавжуд бўлган мантиққа оид Форобий асарлари назарда тутилади. «Шеър китоби» эса шу мажмуанинг энг сўнггисидир.

1963 йили араб олми Абдурахмон Бадавий Аристотелнинг «Поэтика» асарининг қадимий ва ҳозирги арабча таржимаси билан бирга Форобийнинг «Шоирлар санъати қояувлари ҳақида рисола» деган асарини ҳам нашр этдирди. Бадавий нашри матнининг аввалги бетида «рисола» дейилса, иккинчи бетида «мақола» дейилган. Яна Бадавий Аристотелнинг «Поэтика»си таъсирда ёзилган асарлар қаторида Форобийнинг юқорида зикр этилган асари билан бирга, Ибн Сино ва Ибн Рўшдларнинг ҳам бу соҳада ёзган асарларини нашр эттирган. Форобийнинг бу асари китобнинг 147—158-бетларида келган. У ерда келтирилишича, бу асарнинг биринчи поспири Арберри унга ўн битта таълиқ-изоҳ ёзган. У ўз изоҳларининг бирида бу асарнинг сарлавҳасида ёзилган «Шуаро» — «Шоирлар» сўзи ўрнига «аш-шеър» сўзини қўйиб ўқишни тавсия қилган. Бу тавсия билан Форобий асари номини таржима қилсак, «Шеър санъати қонунилари ҳақида рисола» деган маъно чиқади. Лекин Бадавий бу асарнинг номини қўлёзмада қандай битилган бўлса, ўшандай олишни лозим топган. Биз ҳам шу йўлдан бориб, қўлёзмада ёзилганича олдик, Форобий ўзининг бу асарида юнон адабиётидаги шеър турлари ва унинг жанрларига ҳам тўхталиб ўтган. Бу билан муаллиф ўз даврининг адабиёт мухлисларини юнон адабиёти билан таништироқчи ҳам бўлган. Аммо биз бу ерда Форобий асарларини таҳлил қилиб ўтирмадик, фақат ўша Бадавий нашрларидаёқ қилган таржимамизни тақдим қилиш билан кифояландик, халос. Бу тўғрида мулоҳаза юритиш муҳтарам китобхонларнинг ўзларига ҳавола қилинади. Таржимада қавсга олинган рақамлар ўша асар қўлёзмада нашр этилган китоб бетларини ифодалайди.

Форобийнинг «Китоб аш-шеър» асаридаги унинг олми қарашларини олмининг ҳаёт йўли ва фаолиятисиз англаш анча қийин бўлиши табиийдир. Шунинг учун биз китобчага Форобийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам қисқача маълумот берувчи бўлим киритдик. Китоб сўнгида эса ўрта аср араб муаллифлари Заҳрийддин ал-Байҳақий, Ибн ал-Қифтий, Ибн Халликон ва Ибн Аби Усайбна (1203—1270) китобларидан Форобий ҳақида ёзилганларнинг арабчадан таржимасини келтирдик. Бу маълумотлар ва уерда келтирилган Форобий асарлари рўйхати бу муҳтарам зот ҳақидаги тасаввуримизни бирмунча кенгайтиришга хизмат қилади.

Борди-ю, Абу Наср Форобийдек улуг зот фикр-андишаларни ўз маромига етказиши азмида, бир оз бўлса-да, чекилган ва саҳву галатга йўл қўйган бўлсак, у ҳолда муҳтарам китобхонлар таржимомини афв этарлар деган умиддамиз. Кези келганда пуни ҳам айтиб қўймоқчимизки, йўл қўйилган бу саҳвлар бизга қайси йўсинда билдирилмасин, барини миқнатдорчилик билан қабул этгаймиз.

Абдусодиқ ИРИСОВ

МУНДАРИЖА

Шарқнинг машҳур мутафаккири. <i>Музаффар Хайруллаев</i>	3
Муаллим ас-соний. <i>Абдусодиқ Ирисов</i>	9

Абу Наср Форобий асарларидан намуналар

Талхису навомиси Афлотун (Афлотун қонувлари моҳияти)	
<i>Урфон Отажон таржимаси</i>	15
Фалсафату Аристотелис (Арасту фалсафаси). <i>Урфон Отажон таржимаси</i>	51
Шеър санъати. <i>Абдусодиқ Ирисов таржимаси</i>	110
Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунилари ҳақида <i>Абдусодиқ Ирисов таржимаси</i>	116
Фозил шаҳар одамлари қарашлари 1—21 боблар <i>Абдусодиқ Ирисов таржимаси</i> , 28—34 боблар <i>Маҳкам Маҳмуд таржимаси</i>	126
Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида <i>Музаффар Хайруллаев таржимаси</i>	174
Форобий ҳикматлари. <i>Музаффар Хайруллаев таржимаси</i>	182

Алломалар Форобий ҳақида

Байҳақий Форобий ҳақида. <i>Абдусодиқ Ирисов таржимаси</i>	192
Ибн ал-Қифтий Форобий ҳақида. <i>Абдусодиқ Ирисов таржимаси</i>	196
Ибн Халликон Форобий ҳақида. <i>Абдусодиқ Ирисов таржимаси</i>	199
Ибн Абӣ Усайбна Форобий ҳақида. <i>Абдусодиқ Ирисов таржимаси</i>	206
Абу Наср Форобийга тегишли асарлар рўйхати. <i>Абдусодиқ Ирисов таржимаси</i>	213
Сўнг сўз. <i>Абдусодиқ Ирисов</i>	221

ИЛМИЙ-ОММАБОП НАШР
АБУ НАСР ФОРОБИИ
ФОЗИЛ ОДАМЛАР ШАҲРИ

(Тавланган асарлар)

Ўзбек тилида

На узбекском языке

АБУ НАСР ФАРАБИ

ГОРОД МУДРЕЦОВ

Рассом Абдурахмон НУРҚОБУЛ

© Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

Расмлар муҳаррири Темур Саъдулла
Техн. муҳаррир Миранёд Олим
Мусаҳҳиҳа Зиёда Латифхон қизи

ИБ № 55

Теринга берилди 14.12.92. Босишга руҳсат этилди 18.02.93. Бичими 84×108^{1/2}. № 2 босма қоғози. Юқори босма. Шартли босма табоғи 11,76. Нашр табоғи 13,8. 20000 нуска. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма 390.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент — 129. Навоий кў. часи, 30-уй. Шартнома № 6649.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Китоб» нашриёт-матбаа бирлашмаси 3-босмахонасида босилди. 700194. Тошкент, Юнусовоў даҳаси, Муродов кўчаси, 1.